

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТАХРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:**

**Бош муҳаррир:**

проф. **Набиев Д.Х.**

**Бош муҳаррир ўринбосари**

доц. **Холмирзаев Н.С.**

**Масъул котиб**

доц. **Жумаев Т.Ж.**

**Таҳририят ҳайъати аъзолари:**

ф.ф.д. Баҳриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборов А.М.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

проф. Нормуродов. М.Т.

и.ф.д. Очилов А.О.

акад. Тожибоев К.Ш.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев А.Ч.

проф. Чориев С.А.

пед.ф.д. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Қурбонов Ш.Қ.

проф. Ҳакимов Н.Ҳ.

доц. Бердимуродов Э.Т.

доц. Камолов Л.С.

доц. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Ҳамраева Ё.Н.

**2021**

**3(49)**

**Қарду Хабарлари**  
Илмий-назарий, услубий журнал

Муассис: Қарши давлат университети

Журнал Қашқадарё вилояти  
Матбуот ва ахборот бошқармаси  
томонидан 17.09.2010 йилда  
№ 14–061 рақамли гувоҳнома  
билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Мусахҳихлар:** Д.Шодмонова  
З. Кенжаева  
А. Убоженко  
Б.Турсунбоев

**Саҳифаловчи**

Я.Жумаев

**Навбатчи**

Т.Жумаев

**Техник муҳаррир**

М.Раҳматов

**Журнал 2009 йилда**

**ташқил этилган**

**Йилига 4 марта**

**чоп этилади**

Манзилимиз:  
180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.  
Қарши давлат университети,  
Бош бино.  
Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,  
факс: 221-00-56;  
web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz  
E-mail: [qarduxj@umail.uz](mailto:qarduxj@umail.uz)  
Telegram: [t.me/Qardu\\_xabarlari](https://t.me/Qardu_xabarlari)

Адрес редакции:  
180003, Қарши, Кучабаг, 17.  
Каршинский госуниверситет,  
Главный корпус.  
Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,  
факс: 221-00-56;  
web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz  
E-mail: [qarduxj@umail.uz](mailto:qarduxj@umail.uz)  
Telegram: [t.me/Qardu\\_xabarlari](https://t.me/Qardu_xabarlari)

## МУНДАРИЖА

### ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА

<b>Янгибоев Б. Ч., Мусурмонов Х.О., Мусурмонова М.О., Шукуров А.М.</b> Икки концентрик сферик сиртлар билан чегараланган изотропик қатламнинг радиал тебраниши.....	4
<b>Жабборов А.У., Мусурмонов Х.О., Мусурмонова М.О., Саидова Д.Э., Шукуров А.М.</b> Распространение нестационарных волн от сферической полости вблизи жесткого шара в акустическом пространстве.....	9
<b>Туганов Г., Пўлатов Д., Пиримқулов Э., Норқулов Э., Қодиров М.</b> Қотишма пўлатнинг статик мустақкамлигини оширишга термик ишлов бериш тарихининг таъсири.....	14

### КИМЁ

<b>Камолов Л.С., Абдурахмонов А. А., Naxatov.И., Нурмонов С.Э.</b> <i>Stachybotrys chartarum</i> заҳарли микроқўзқориннинг иккиламчи метаболоти стахиботрилактам А нинг тузилиши.....	18
<b>Рустамов Ш.Ю., Жумаев И. З., Усманов П.Б., Жўрақулов Ш.Н.</b> Дигидрокверцетин флавоноидининг инотроп таъсирини тавсифлаш.....	26

### БИОЛОГИЯ

<b>Umedova Sh.N.</b> About modern nutrition of teenagers of the southern regions of the republic of Uzbekistan.....	32
<b>Ортиқов Э.А., Тоғаев С.А., Раҳматов А.А., Бухоров Ғ.Х.</b> <i>Limniris</i> (taush) кенжа туркуми ( <i>Iris</i> L.) турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районларида тарқалиши.....	35
<b>Зарипов А.А., Есимбетов А.Т., Омонтурдиев С.З., Усманов П.Б., Жўрақулов Ш.Н.</b> Дигидрокверцетин флавоноидининг аорта препарати қисқаришига вазорелаксант таъсири.....	40
<b>Абдураимов О.С., Нархаджаева А., Махмудов А.В., Маматқулова И.Э.</b> Ўзбекистон флорасидаги маданий ўсимликлар ёввойи аждодларининг озуқабоп турлари.....	45
<b>Тургинов О., Раҳматов А.А., Тоғаев С.А., Бухоров Ғ.Х.</b> Сурхон давлат кўриқхонаси учун <i>Salvia</i> l. ва <i>Nepeta</i> l. (lamiaceae) туркумларидан янги топилмалар.....	53
<b>Халимов Ф.З., Алимова Л.Х.</b> Коврак визилдоғи ( <i>Machozetus lehmanni</i> menetries, 1848) нинг морфологик хусусиятлари.....	57

### ТАРИХ

<b>Каримов М.</b> Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро ҳамкорлик янги босқичда.....	63
<b>Шакиров И.Р.</b> История взаимоотношения Узбекистана и Сингапура в экономической сфере (1997-2007).....	67
<b>Смесова Е.</b> Активизация сотрудничества Узбекистана и России в рамках деятельности россотрудничества.....	72
<b>Идиев А.А.</b> Шайбонийлар даври этник жараёнларининг тарихий манбаларда ёритилиши.....	77
<b>Жабборова И.</b> XX асрнинг 50–70-йилларида қуйи Қашқадарё зонасининг суғорилиш тарихи.....	82
<b>Qabulov E.A., Hasanov Sh.Sh.</b> Mustaqillik yillarida qishloq xo'jaligining meva va sabzavotchilik tarmog'i: rivojlanishi, muammolar va natijalar.....	85
<b>Каримова Н.И.</b> Подъём в производстве специй и пряностей в годы независимости.....	89

## ФАЛСАФА

<b>Норкулов С.Д.</b> Сиёсий онг ва миллий ўзликни англаш ўзгаришлар омиллари сифатида.....	95
<b>Зоҳиров Р.Т.</b> Ўзбек оиласида ота – оила устуни ва таянчи.....	99
<b>Жамолов Д.Б.</b> Миллий маданиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллари интерпретацияси.....	101
<b>Улуғов А.Х.</b> Бағрикенглик маданияти ва унинг Абу Ҳанифа қарашларида намоён бўлиши.....	105
<b>Умарова М.</b> Социально-экономические реформы при правлении Бухарского эмира Шахмурада.....	109
<b>Сатторов М.Д.</b> Табиат ва жамият, улар ўртасидаги ўзаро муносабат шакллари ривожланиш босқичлари.....	112
<b>Раимжанова У. Н.</b> Теории семьи и современные тенденции семейных отношений в обществе.....	115
<b>Чориева Д.И.</b> Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда эстетик маданиятини шакллантириш омиллари.....	120
<b>Исақова З.Р.</b> Ирфоний билимлар таснифи.....	125

## СИЁСАТШУНОСЛИК

<b>Мардонов Б.М.</b> Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг устувор йўналишлари.....	131
<b>Хуррамов М.К.</b> 1991–2016 йилларда Ўзбекистон-Қозоғистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг устувор йўналишлари.....	134
<b>Эминова У.К.</b> Роль женщин в развитии аграрного сектора.....	140

## ФИЛОЛОГИЯ

<b>Muhammad Humayun Nadim.</b> Afg`onistonda yashovchi o`zbek urug`lari etnonimlarining lisoniy talqini.....	143
<b>Турғунов А.</b> Муаллиф образи: лингвопоэтик талқин.....	147
<b>Раджабова З.И.</b> Ўқув фразеологик луғатда сўз танлаш муаммолари.....	151
<b>Хамраева Ё.Н., Рахматуллаева К.Н.</b> История изучения валентности глаголов в мировой лингвистике.....	159
<b>Исломов И.Х.</b> Ўзбек тили географик терминлари тизимида омонимия ҳодисаси.....	162
<b>Баҳриддинова Б.М.</b> Илк ўқув луғатлар – ибтидоий мактаб дарсликларининг юзага келиши.....	167
<b>Тожиева Г.Н.</b> Маънавийат тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг изоҳли луғатларда тавсифланиши.....	173
<b>Жумаева К.</b> Мирзо шеърятида қўлланган сўзларнинг лексик-семантик муносабатлари тавсифи (синонимия ҳодисаси мисолида).....	177

## ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ

<b>Хўжақулов А.Э.</b> Педагог-тарбиячи ва оила ҳамкорлигида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида қадриятли муносабатни шакллантириш йўллари.....	180
<b>Raimberdiyev A.</b> Boshlang'ich ta'lim jarayonida iqtidorli o'quvchilar bilan olib boriladigan ish usullari.....	183
<b>Раҳмонова М.Х.</b> Байрамлар мазмундорлигини ошириш методикаси.....	186
<b>Jo'rayeva N.J.</b> Maktab ta'lim sifati tushunchasi va uning mohiyati.....	189
<b>Муратов Б., Каримов Б.</b> К вопросу профессиональной подготовки учителя-словесника.....	193
<b>Эргашева С.</b> Болаларда ижобий характер хислатларини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналарнинг роли.....	196

## ИККИ КОНЦЕНТРИК СФЕРИК СИРТЛАР БИЛАН ЧЕГАРАЛАНГАН ИЗОТРОПИК ҚАТЛАМНИНГ РАДИАЛ ТЕБРАНИШИ

Янгибоев Б. Ч., Мусурмонов Х.О., Мусурмонова М.О.,  
Шукуров А.М. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада икки концентрик сферик сиртлар билан чегараланган изотропик қатламнинг радиал тебраниши ҳақидаги масала қаралган. Кўчиш вектори ва кучланиш тензори компоненталари учун формулалар олинган. Сонли натижалар графиклар кўринишида тасвирланган.

**Таянч сўзлар:** сферик қатлам, бўшлиқ, изотропик муҳит, кўчиш, кучланиш, Лаплас алмаштириши, оригинал.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрена задача о радиальном колебании изотропного слоя, ограниченного двумя концентричными сферическими поверхностями. Получены формулы для компонент вектора перемещения и тензора напряжения. Численные результаты представлены в виде графиков.

**Ключевые слова:** сферический слой, полость, изотропная среда, перемещение, напряжение, преобразование Лапласа, оригинал.

**Annotation.** This article deals with the problem of radial vibration of an isotropic layer bounded by concentric spherical surfaces. Formulas for the components of the displacement vector and the stress tensor are obtained. Numerical results are presented in the form of graphs.

**Keywords:** spherical layer, cavity, isotropic medium, stirring, stress, Laplace transform, original.

**Кириш.** Туташ муҳитларда ностационар тўлқин жараёнларини математик моделлаштириш ва уларнинг тадқиқоти деформацияланувчи жисмлар механикасидаги тўлқинлар динамикасининг мураккаб ҳамда муҳим йўналишларидан бирини ифодалайди. Жумладан, амалиёт томонидан қўйилган кўплаб муаммолар орасидаги долзарб муаммолардан биридир. Уларнинг долзарблиги фан ва техниканинг турли соҳаларининг ривожланиши, ностационар жараёнлар остида ишлайдиган янги қурилмаларнинг яратилиши, шунингдек, геофизика, сейсмологиянинг амалий масалаларни ечишга татбиқлари билан аниқланади.

Ҳозирги вақтда тўлқинлар тарқалиши ва дифракциясига оид даврий нашрларда эълон қилинган кўплаб илмий иш ва монографиялар [1, 2, 3] мавжуд.

**Масаланинг қўйилиши.** Айтайлик, ўзаро концентрик сферик сиртлар билан чегараланган изотропик қатлам ички ва ташқи сиртларининг радиуслари мос равишда  $R_1$  ва  $R_2$  бўлсин ( $R_1 < R_2$ ).

Вақтнинг бошланғич  $\tau = 0$  momentiда изотропик сферик қатламнинг ички сиртига текис тақсимланган нормал  $p_1(\tau, \theta)$  куч таъсир этади. Натижада қатламнинг радиал тебраниши юзага келади. Нормал куч таъсир этгани учун изотропик қатламда фақат бўйлама тўлқин тарқалади. Ташқи сирт эса эркин сиртдан иборат, яъни унга ҳеч қандай куч таъсир этмайди.

Бу ҳолда кўчиш вектори билан кучланиш тензори орасидаги боғланишни ифодаловчи Гук қонуни куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sigma_{rr} = \frac{\partial u}{\partial r} + 2\chi \frac{u}{r}, \quad \sigma_{\theta\theta} = \chi \sigma_{rr} + (1 - \chi)(1 + 2\chi) \frac{u}{r}. \quad (1)$$

Кўчиш вектори скаляр потенциал билан

$$u = \frac{\partial \phi}{\partial \tau} \quad (2)$$

боғланишга эга.

Изотропик муҳитнинг ҳаракат тенгламаси  $\phi$  скаляр потенциалга нисбатан

$$\gamma^2 \frac{\partial^2 \varphi}{\partial \tau^2} = \Delta \varphi \tag{3}$$

тўлқин тенгламаси билан тасвирланади.

Сферик қатламнинг ички сиртида чегаравий шарт қуйидаги кўринишга эга:

$$\sigma_{rr} \Big|_{r=R_1} = p_1(\tau, \theta), \tag{4}$$

ташки сиртда эса

$$\sigma_{rr} \Big|_{r=R_2} = 0. \tag{5}$$

Бошланғич шартлар бир жинсли, яъни муҳит бошланғич моментда тинч ҳолатда бўлади:

$$\varphi \Big|_{\tau=0} = \frac{\partial \varphi}{\partial \tau} \Big|_{\tau=0} = 0. \tag{6}$$

Масаланинг қўйилиши қуйидаги ўлчовсиз миқдорларда келтирилган (штрих билан ўлчовсиз миқдорлар белгиланган) [1]:

$$r' = \frac{r}{R_1}, \quad \tau = \frac{c_1 t}{R_1}, \quad \sigma'_{\alpha\beta} = \frac{\sigma_{\alpha\beta}}{\lambda + 2\mu}, \quad u' = \frac{u}{R_1}, \quad \varphi' = \frac{\varphi}{R_1^2}, \quad R'_2 = \frac{R_2}{R_1}, \quad \gamma = \frac{c_1}{c_2}.$$

Бу ерда  $\lambda, \mu$  - Ламе параметрлари;  $c_1, c_2$  - бўйлама ва кўндаланг тўлқин тезликлари;  $t$  - вақт. Кейинги ўлчовсиз миқдорларни белгилашларида штрихлар тушириб қолдирилган.

**Ечиш усули.** Масалани ечишда ўзгарувчиларни тўлиқ бўлмаган ажратиш ва вақт бўйича Лаплас интеграл алмаштиришлари фойдаланилади. Номаълум  $\varphi, u, \sigma_{rr}, \sigma_{\theta\theta}$ , ва берилган  $p_1$  функцияларни Лежандр ортогонал кўпхадлари  $P_n(\cos \theta)$  бўйича қаторларга ёямиз [1]. Бу ҳолда масаланинг қўйилиши қатор коэффициентларига нисбатан Лаплас алмаштиришлари фазосида қуйидагича бўлади:

$$\Delta_n \varphi_n^L - s^2 \gamma^2 \varphi_n^L = 0, \tag{7}$$

$$\sigma_{rm}^L \Big|_{r=R_1} = p_{1n}^L(s), \tag{8}$$

$$\sigma_{rm}^L \Big|_{r=R_2} = 0. \tag{9}$$

(7) тенгламанинг ечимини қуйидаги кўринишда излаймиз:

$$\varphi_n^L(r, s) = \frac{1}{\sqrt{r}} A_n^L(s) K_{n+1/2}(r\gamma s) + \frac{1}{\sqrt{r}} B_n^L(s) I_{n+1/2}(r\gamma s) \tag{10}$$

Бунда  $I_{n+1/2}(x)$  ва  $K_{n+1/2}(x)$  - биринчи ва иккинчи тур Бесселнинг модифицирланган функциялари [4];  $A_n^L(s)$  ва  $B_n^L(s)$  -  $s$  параметрнинг номаълум функциялари.

Бессель функцияларининг элементар функциялар орқали ифодасидан фойдаланиб, (10) ечимни

$$\varphi_n^L(r, s) = \frac{1}{r^{n+1} (\gamma s)^n} \left[ R_{n0}(r\gamma s) A_n^L(s) e^{-r\gamma s} + (-1)^n G_{n0}(r\gamma s) B_n^L(s) \right] \tag{11}$$

кўринишда ёзиб оламиз.

Бу ҳолда (1) ва (2) ларга кўра, кўчиш вектори ва кучланиш тензори компоненталари учун қуйидаги ифодаларни оламиз:

$$\begin{aligned}
 u_n^L(r,s) &= -\frac{1}{r^{n+2}(\gamma s)^n} \left[ R_{n1}(r\gamma s)A_n^L(s)e^{-r\gamma s} + (-1)^n G_{n1}(r\gamma s)B_n^L(s) \right], \\
 \sigma_{rm}^L(r,s) &= \frac{1}{r^{n+3}(\gamma s)^n} \left[ Q_{n1}(r\gamma s)A_n^L(s)e^{-r\gamma s} + (-1)^n J_{n1}(r\gamma s)B_n^L(s) \right], \\
 \sigma_{\theta n}^L(r,s) &= \frac{1}{r^{n+3}(\gamma s)^n} \left[ Q_{n2}(r\gamma s)A_n^L(s)e^{-r\gamma s} + (-1)^n J_{n2}(r\gamma s)B_n^L(s) \right].
 \end{aligned}
 \tag{12}$$

Бу ерда қуйидаги муносабатлар ва белгилашлар фойдаланилди:

$$\begin{aligned}
 \left[ R_{n0}(s)s^{-n-1}e^{-s} \right]' &= -R_{n1}(s)s^{-n-2}e^{-s} \\
 \left[ R_{n1}(s)s^{-n-2}e^{-s} \right]' &= -R_{n2}(s)s^{-n-3}e^{-s}, \\
 G_{ni}(s) &= R_{ni}(-s)e^s - R_{ni}(s)e^{-s}, \quad J_{ni}(s) = Q_{ni}(-s)e^s - Q_{ni}(s)e^{-s}, \quad i=0,2.
 \end{aligned}
 \tag{13}$$

(12) ифодани (8) ва (9) чегаравий шартларга қўйиб, чексиз алгебраик тенгламалар системасига келамиз ва уни матрицали тенгламалар системаси кўринишда ёзиб оламиз:

$$\begin{cases} \mathbf{M}\mathbf{A}y^2 + \mathbf{F}_1\mathbf{B} - \mathbf{F}_2\mathbf{B}y^2 = \mathbf{k}y \\ \mathbf{N}\mathbf{A}x^2 + \mathbf{T}_1\mathbf{B} - \mathbf{T}_2\mathbf{B}x^2 = 0 \end{cases}
 \tag{14}$$

$$\begin{aligned}
 \mathbf{k}(s) &= \|k_0(s), k_1(s), \dots\|^T, & \mathbf{A}(s) &= \|A_0^L(s), A_1^L(s), \dots\|^T, \\
 \mathbf{B}(s) &= \|B_0^L(s), B_1^L(s), \dots\|^T, & x &= e^{-R_2\gamma s}, \quad y = e^{-R_1\gamma s}.
 \end{aligned}$$

Бунда  $F_l, T_l, M, N$  - элементлари мос равишда  $F_{ln}(s), T_{ln}(s) (l=1,2), M_n(s), N_n(s)$  бўлган чексиз диагонал матрицалар;  $\mathbf{k}(s)$  - элементлари  $k_n(s)$  бўлган чексиз вектор-устун ва улар қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned}
 M_n(s) &= Q_{n1}(R_1\gamma s), & F_{1n}(s) &= (-1)^n Q_{n1}(-R_1\gamma s), \\
 F_{2n}(s) &= (-1)^n Q_{n1}(R_1\gamma s), & k_n(s) &= R_1^{n+3}(\gamma s)^n p_{1n}^L(s), \\
 N_n(s) &= Q_{n1}(R_2\gamma s), & T_{1np}(s) &= (-1)^n Q_{n1}(-R_2\gamma s), \\
 T_{2np}(s) &= (-1)^n Q_{n1}(R_2\gamma s).
 \end{aligned}$$

Таъкидлаш мумкинки, келтирилган барча матрица ва векторнинг элементлари  $s$  Лаплас алмаштиришлари параметрининг рационал функцияларидир.

(14) матрицали тенгламалар системасининг ечимни қуйидаги чексиз қаторлар кўринишда излаймиз:

$$\begin{aligned}
 \begin{pmatrix} \mathbf{A} \\ \mathbf{B} \end{pmatrix} &= \sum_{ij=0}^{\infty} \begin{pmatrix} \mathbf{a}_{ij}(s) \\ \mathbf{b}_{ij}(s) \end{pmatrix} x^i y^{-j-1}, \\
 \mathbf{a}_{ij}(s) &= \|a_{ij}^{(0)}(s), a_{ij}^{(1)}(s), \dots\|^T, & \mathbf{b}_{ij}(s) &= \|b_{ij}^{(0)}(s), b_{ij}^{(1)}(s), \dots\|^T.
 \end{aligned}
 \tag{15}$$

(15) ечим ифодасини (14) системага қўйиб, ҳосил бўлган тенгликларнинг чап ва ўнг томонларидаги  $x$ ,  $y$  ўзгарувчилар олдидаги коэффициентларни тенглаб, қуйидаги рекуррент муносабатларни ва уларга мос бошланғич шартларни оламит:

$$\begin{aligned}
 a_{0,0}^{(n)}(s) &= \frac{k_n(s)}{M_n(s)}, \quad n \geq 0, & \mathbf{a}_{0,j}(s) &= 0 \quad j \geq 1, \\
 \mathbf{b}_{0,j}(s) &= 0, & \mathbf{b}_{1,j}(s) &= 0, \quad j \geq 0, \\
 \mathbf{a}_{i,0}(s) &= \mathbf{G}_2 \mathbf{b}_{i,0}(s), \quad i \geq 1, & \mathbf{a}_{i,1}(s) &= \mathbf{G}_2 \mathbf{b}_{i,1}(s), \quad i \geq 0, \\
 \mathbf{a}_{i,j}(s) &= \mathbf{G}_2 \mathbf{b}_{i,j}(s) - \mathbf{G}_1 \mathbf{b}_{i,j-2}(s) \quad i \geq 0, j \geq 2; & \mathbf{G}_i(s) &= \left\| \frac{F_{in}(s)}{M_n(s)} \delta_{nm} \right\|, \\
 \mathbf{b}_{i,j}(s) &= \mathbf{H}(s) \mathbf{b}_{i-2,j}(s) - \mathbf{D}(s) \mathbf{a}_{i-2,j}(s), \quad i \geq 2, j \geq 0, \\
 \mathbf{H}(s) &= \left\| \frac{T_{2n}(s)}{T_{1n}(s)} \delta_{nm} \right\|, & \mathbf{D}(s) &= \left\| \frac{N_n(s)}{T_{1n}(s)} \delta_{nm} \right\|.
 \end{aligned}
 \tag{16}$$

Ушбу рекуррент муносабатлар  $\mathbf{a}_{ij}(s)$ ,  $\mathbf{b}_{ij}(s)$  вектор-устун элемент-ларини  $s$  Лаплас алмаштиришлари параметрининг рационал функциялари сифатида аниқлашга имкон беради. Бу эса уларнинг ҳамда кўчиш ва кучланиш тензори компонентларининг оригиналини топишда қолдиқлар назарияси ёрдамидан фойдаланишни таъминлайди [1].

(15) қаторларни (12) ифодаларга қўйиб, кўчиш ва кучланиш тензори компонентлари учун қуйидаги формулаларни оламит:

$$\begin{aligned}
 u_n^L(r,s) &= -\frac{1}{r^{n+2}(\gamma s)^n} \sum_{i,j=0}^{\infty} \left[ R_{n1}(r\gamma s) a_{ij}^{(n)}(s) e^{-r\gamma s} + \right. \\
 &\quad \left. + (-1)^n G_{n1}(r\gamma s) b_{ij}^{(n)}(s) \right] x^i y^{-j-1}, \\
 \sigma_{rn}^L(r,s) &= \frac{1}{r^{n+3}(\gamma s)^n} \sum_{i,j=0}^{\infty} \left[ Q_{n1}(r\gamma s) a_{ij}^{(n)}(s) e^{-r\gamma s} + \right. \\
 &\quad \left. + (-1)^n J_{n1}(r\gamma s) b_{ij}^{(n)}(s) \right] x^i y^{-j-1}, \\
 \sigma_{\theta\theta n}^L(r,s) &= \frac{1}{r^{n+3}(\gamma s)^n} \sum_{i,j=0}^{\infty} \left[ Q_{n2}(r\gamma s) a_{ij}^{(n)}(s) e^{-r\gamma s} + \right. \\
 &\quad \left. + (-1)^n J_{n2}(r\gamma s) b_{ij}^{(n)}(s) \right] x^i y^{-j-1}.
 \end{aligned}
 \tag{17}$$


**Сонли натижалар.** Бу формулалар асосида сонли экспериментлар ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари графиклар кўринишида тасвирланган. Ички ва ташқи радиуслари мос равишда  $R_1 = 1.0$  ва  $R_2 = 2.5$  бўлган сферик қатлам ички сиртига вақт бўйича ўзгариши  $p_1(\tau, \theta) = H(\tau)$  функция билан берилган, текис тақсимланган нормал куч таъсир этмоқда. Муҳит сифатида гранит ( $\gamma = 1$ ,  $\chi = 0.143$ ) олинган. Бу ерда  $H(\tau)$  Хевисайд бирлик функцияси.

Расмлардаги 1- графиклар ички сиртдаги нуқтада қаралаётган микдорларнинг ўзгаришига мос келади, 2- графиклар эса ички сиртдан 0.6 масофадаги нуқтада микдорларнинг вақт бўйича ўзгаришини ифодалайди. 1-расмда кўчиш вектори  $\mathbf{i}$


компонентасининг ўзгариши келтирилган, 2- ва 3-расмларда эса мос равишда кучланиш тензорининг  $\sigma_{rr}$  ва  $\sigma_{\theta\theta}$  компоненталарининг ўзгариши тасвирланган.

Графикларнинг ўзгариши кўрсатадики, улардаги ўсиш ва камайишлар қаралаётган нуқтага тарқалувчи ва қайтувчи тўлқинларнинг келишини ифодалайди.


1-расм.



2-расм.



3-расм.



#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Горшков А.Г., Тарлаковский Д.В. Нестационарная аэрогидроупругость тел сферической формы. – М.: Наука. Гл. ред. физ.-мат. лит, 1990. – 264 с.
2. Гузь А.И., Кубенко В.Д., Бабаев А.Э. Гидроупругость систем оболочек. – Киев: Вища школа, 1984. – 208 с.
3. Слепян Л.И. Нестационарные упругие волны. – Л.: Судостроение, 1972. – 374 с.
4. Справочник по специальным функциям с формулами, графиками и таблицами // Под ред. М.Абрамовица, И.Стиган. – М.: Наука, 1979. – 832 с.

*Нашрга ф.-м.ф.д. А.Холмуродов тавсия этган*



**РАСПРОСТРАНЕНИЕ НЕСТАЦИОНАРНЫХ ВОЛН  
ОТ СФЕРИЧЕСКОЙ ПОЛОСТИ ВБЛИЗИ ЖЕСТКОГО ШАРА  
В АКУСТИЧЕСКОМ ПРОСТРАНСТВЕ**

**Жабборов А.У., Мусурмонов Х.О., Мусурмонова М.О., Саидова Д.Э.,  
Шукуров А.М. (КарГУ)**

**Аннотация.** В данной работе рассматривается задача о распространении нестационарных волн от сферической полости вблизи неподвижного жесткого шара в акустическом пространстве. Получены формулы для вектора скорости частицы и давления в среде. Проведены численные эксперименты, результаты которых представлены в виде графиков.

**Ключевые слова:** *сферическая полость, жесткий шар, преобразование Лапласа, бесконечная система, нестационарная волна, акустическая среда, давление, скорость частиц среды.*

**Аннотация:** Ушбу ишда акустик фазода кўзгалмас қаттиқ шар яқинидаги сферик бўшлиқдан ностационар тўлқин тарқалиши ҳақидаги масала қаралган. Заррача тезлиги ва муҳитдаги босим учун формулалар олинган. Сонли экспериментлар ўтказилган, уларнинг натижалари графиклар кўринишида тасвирланган.

**Таянч сўзлар:** *сферик бўшлиқ, қаттиқ шар, Лаплас алмаштириши, чексиз система, ностационар тўлқин, акустик муҳит, босим, муҳит заррачаси тезлиги.*

**Annotation.** In this paper, we consider the problem of the propagation of non-stationary waves from a spherical cavity near a fixed hard sphere in acoustic space. Formulas for the vector of particle velocity and pressure in the medium are obtained. Numerical experiments have been carried out, the results of which are presented in the form of graphs.

**Key words:** *spherical cavity, hard sphere, Laplace transform, infinite system, nonstationary wave, acoustic medium, pressure, velocity of medium particles.*

**Введение.** Задачи, относящиеся к проблемам моделирования процессов распространения и дифракции нестационарных волн в сплошных средах, а также взаимодействия деформируемых тел с окружающей средой, являются актуальными и представляют практический и теоретический интерес.

Актуальность проблем динамики деформируемых тел обусловлена развитием различных областей техники, созданием новых конструкций, работающих при динамических нагрузках, а также проблемы геофизики, геологии, сейсмологии, газоразведки, нефтеразведки, добывающей промышленности, строительства гражданских и промышленных сооружений.

Различные вопросы, связанные с распространением и дифракцией нестационарных волн акустических и упругих средах изложены в научных трудах: А.Г. Горшкова и Д.В. Тарлаковского [1], А.Г. Горшкова, Д.В. Тарлаковского и А.М. Шукурова [2], А.Н. Гузя, В.Д. Кубенко и А.Э. Бабаева [3] и других.

Данная работа посвящена изучению задачи о распространении нестационарных волн от сферической полости вблизи неподвижного жесткого шара в акустическом пространстве.

Цель работы – разработка алгоритм решения задачи и исследование нестационарных волновых процессов в окрестности жесткого шара.

**Постановка задачи.** Пусть в неограниченном акустическом пространстве расположены сферическая полость радиусом  $R_1$  и неподвижный жесткий шар радиуса  $R_2$ , расстояние между их центрами равно  $l$  ( $l > R_1 + R_2$ ).

В начальный момент  $\tau = 0$  времени к внутренней поверхности сферической полости приложена осесимметричная заданная поверхностная нормальная нагрузка  $p_1(\tau, \theta)$ .

С учётом осевой симметрии задачи движение акустической среды относительно скалярного потенциала  $\phi$  скорости описывается волновым уравнением

$$\gamma^2 \frac{\partial^2 \varphi}{\partial \tau^2} = \Delta \varphi, \quad \Delta = \frac{1}{r_i^2} \frac{\partial}{\partial r_i} \left( r_i^2 \frac{\partial}{\partial r_i} \right) + \frac{1}{r_i^2 \sin \theta_i} \frac{\partial}{\partial \theta_i} \left( \sin \theta_i \frac{\partial}{\partial \theta_i} \right). \quad (1)$$

Граничное условие на поверхности полости имеет следующий вид:

$$\left. \frac{\partial \varphi}{\partial \tau} \right|_{r_1=R_1} = -p_1(\tau, \theta_1), \quad p = -\frac{\partial \varphi}{\partial \tau}. \quad (2)$$

На поверхности шара скорость частицы равна нулю

$$\left. \frac{\partial \varphi}{\partial r} \right|_{r_2=R_2} = 0, \quad v = \frac{\partial \varphi}{\partial r}. \quad (3)$$

Начальные условия – однородные

$$\varphi|_{\tau=0} = \left. \frac{\partial \varphi}{\partial \tau} \right|_{\tau=0} = 0. \quad (4)$$

В бесконечности отсутствуют возмущения

$$\lim_{r_i \rightarrow \infty} \varphi = 0. \quad (5)$$

Постановка задачи приведена в следующих безразмерных величинах (штрих означает безразмерную величину):

$$r' = \frac{r}{R_1}, \quad \tau = \frac{ct}{R_1}, \quad \varphi' = \frac{\varphi}{R_1^2}, \quad R'_2 = \frac{R_2}{R_1}, \quad p' = \frac{p}{\rho c^2}, \quad v' = \frac{v}{c}, \quad \gamma = 1$$

где  $\rho$  - плотность среды;  $c$  - скорость звука в среде;  $t$  - время. Далее, штрихи в обозначении безразмерных величин будут опущены.

**Метод решения:** Начально-краевая задача (1) - (5) решается с применением интегрального преобразования Лапласа по времени  $\tau$ . Тогда в пространстве изображений она представляется в следующем виде:

$$s^2 \varphi^L = \Delta \varphi^L \quad (6)$$

$$s \varphi^L \Big|_{r_1=R_1} = -p_1^L(s, \theta_1), \quad p^L = -s \varphi^L \quad (7)$$

$$\left. \frac{\partial \varphi^L}{\partial r} \right|_{r_2=R_2} = 0 \quad v^L = \frac{\partial \varphi^L}{\partial r} \quad (8)$$

$$\lim_{r_i \rightarrow \infty} \varphi^L = 0 \quad (9)$$

Учитывая осевую симметрию задачи и отсутствие возмущений на бес-конечности (9), решение уравнений (6) запишем в виде

$$\varphi^L = \sum_{\alpha=0}^2 \frac{1}{\sqrt{r_\alpha}} \sum_{n=0}^{\infty} A_{\alpha n}^L(s) K_{n+1/2}(r_\alpha \gamma s) P_n(\cos \theta_\alpha) \quad (10)$$

где  $K_{n+1/2}(x)$  - модифицированные функции Бесселя второго рода;  $A_{\alpha n}^L(s)$  - неизвестные функции параметра  $s$ ; Слагаемые при  $\alpha=1$  и  $\alpha=2$  соответствуют распространяющейся от полости и отраженной от шара волнам.

Используя теорему сложения для функций Бесселя  $K_{n+1/2}(x)$  [4] и учитывая выражения этих функций через элементарные [5], изображения (10) потенциала представим в каждой из двух систем координат следующим образом ( $\alpha=1,2$ ;  $\kappa=1+\text{mod}_2 \alpha$ ):

$$\varphi^L = \sum_{n=0}^{\infty} \varphi_n^L(r_\alpha, s) P_n(\cos \theta_\alpha) \quad (11)$$

$$\begin{aligned} \varphi_n^L(r_\alpha, s) &= \frac{1}{r_\alpha^{n+1}(\gamma s)^n} \left[ R_{n0}(r_\alpha \gamma s) A_{\alpha n}^L(s) e^{-r_\alpha \gamma s} + \right. \\ &+ R_{n0}(-r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) A_{\kappa p}^L(s) e^{-l\gamma s} e^{r_\alpha \gamma s} - R_{n0}(r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) A_{\kappa p}^L(s) e^{-l\gamma s} e^{-r_\alpha \gamma s} \left. \right], \\ C_{np}(s) &= \frac{2n+1}{2ls} \sum_{\sigma=|p-n|}^{p+n} b_\sigma^{(n0p0)} \frac{R_{\alpha 0}(ls)}{(ls)^\sigma}. \end{aligned}$$

Изображения скорости и давления, а также заданная нагрузка раскладываются в ряды по полиномам Лежандра

$$\begin{aligned} p_n^L &= \sum_{n=0}^{\infty} p_n^L(r_\alpha, s) P_n(\cos \theta_\alpha) & v_n^L &= \sum_{n=0}^{\infty} v_n^L(r_\alpha, s) P_n(\cos \theta_\alpha) \\ p_1^L &= \sum_{n=0}^{\infty} p_{1n}^L(s) P_n(\cos \theta_1). \end{aligned} \tag{12}$$

Из вторых равенств (7) и (8) следуют, что

$$\begin{aligned} p_n^L(r_\alpha, s) &= -\frac{1}{r_\alpha^{n+1} \gamma^n s^{n-1}} \left[ R_{n0}(r_\alpha \gamma s) A_{\alpha n}^L(s) e^{-r_\alpha \gamma s} + \right. \\ &+ R_{n0}(-r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) A_{\kappa p}^L(s) e^{-l\gamma s} e^{r_\alpha \gamma s} - R_{n0}(r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) A_{\kappa p}^L(s) e^{-l\gamma s} e^{-r_\alpha \gamma s} \left. \right], \end{aligned} \tag{13}$$

$$\begin{aligned} v_n^L(r_\alpha, s) &= -\frac{1}{r_\alpha^{n+2} (\gamma s)^n} \left[ R_{n1}(r_\alpha \gamma s) A_{\alpha n}^L(s) e^{-r_\alpha \gamma s} + \right. \\ &+ R_{n1}(-r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) A_{\kappa p}^L(s) e^{-l\gamma s} e^{r_\alpha \gamma s} - R_{n1}(r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) A_{\kappa p}^L(s) e^{-l\gamma s} e^{-r_\alpha \gamma s} \left. \right], \end{aligned} \tag{14}$$

где  $\kappa = 1 + \text{mod}_2 \alpha$ ,  $\alpha = 1, 2$ .

Далее, удовлетворяя граничным условиям (7) и (8) с использованием формул (13) и (14) при  $\alpha = 1$  и  $\alpha = 2$ , получим бесконечную систему линейную алгебраических уравнений относительно неизвестных функций  $A_{1n}^L(s)$  и  $A_{2n}^L(s)$ , которую запишем в матричном виде:

$$\begin{cases} \mathbf{M} \mathbf{A}_1 y^2 + \mathbf{F}_1 \mathbf{A}_2 x - \mathbf{F}_2 \mathbf{A}_2 x y^2 = \mathbf{k} y \\ \mathbf{N} \mathbf{A}_2 z^2 + \mathbf{T}_1 \mathbf{A}_1 x - \mathbf{T}_2 \mathbf{A}_1 x z^2 = 0 \end{cases} \tag{15}$$

$$\begin{aligned} \mathbf{k}(s) &= \|k_0(s), k_1(s), \dots\|^T, \quad \mathbf{A}_\alpha(s) = \|A_{\alpha 0}^L(s), A_{\alpha 1}^L(s), \dots\|^T, \quad (\alpha = 1, 2) \\ x &= e^{-l\gamma s}, \quad y = e^{-R_1 \gamma s}, \quad z = e^{-R_2 \gamma s}. \end{aligned}$$

Здесь  $\mathbf{M}$ ,  $\mathbf{N}$  - бесконечные диагональные матрицы соответственно с элементами  $M_n(s)$ ,  $N_n(s)$ ;  $\mathbf{F}_\alpha$ ,  $\mathbf{T}_\alpha$  - бесконечные матрицы соответственно с элементами  $F_{\alpha np}(s)$ ,  $T_{\alpha np}(s)$  ( $\alpha = 1, 2$ ) и  $\mathbf{k}(s)$  - бесконечный вектор-столбец с элементами  $k_n(s)$ , которые имеют следующие виды:

$$\begin{aligned} M_n(s) &= R_{n0}(R_1 \gamma s), & F_{1np}(s) &= R_{n0}(-R_1 \gamma s) C_{np}(s), \\ F_{2np}(s) &= R_{n0}(R_1 \gamma s) C_{np}(s), & k_n(s) &= R_1^{n+1} \gamma^n s^{n-1} p_{1n}^L(s), \\ N_n(s) &= R_{n1}(R_2 \gamma s), & T_{1np}(s) &= R_{n1}(-R_2 \gamma s) C_{np}(s), \\ T_{2np}(s) &= R_{n1}(R_2 \gamma s) C_{np}(s). \end{aligned}$$

Отметим, что элементы всех матриц и вектора являются рациональными функциями параметра преобразования Лапласа  $s$ .

Решение системы уравнений (15) представим в виде бесконечных рядов по экспонентам:

$$\mathbf{A}_\alpha = \sum_{i,j,k=0}^{\infty} \mathbf{a}_{ijk}^{(\alpha)}(s) x^i y^{-j-1} z^{-k-1} \tag{16}$$

где  $\mathbf{a}_{ijk}^{(\alpha)}(s)$  - бесконечные неизвестные векторы с соответствующими элементами  $a_{ijk}^{(\alpha,n)}(s)$ , ( $\alpha = 1, 2; n = 0, 1, 2, \dots$ ).

Подставляя (16) в систему (15) и приравнявая коэффициенты в левой и правой частях при одинаковых степенях переменных  $x$ ,  $y$  и  $z$ , получим следующие рекуррентные соотношения для коэффициентов  $a_{ijk}^{(\alpha,n)}(s)$ :

$$\begin{aligned} a_{000}^{(1,n)}(s) &= \frac{R_1^{n+1} s^{n-1} P_{1n}^L}{M_n(s)}, n \geq 0; a_{0,0k}^{(1,n)}(s) = 0, k \geq 1; a_{0,jk}^{(1,n)}(s) = 0, j \neq 0, k \geq 0; \\ a_{ijk}^{(1,n)}(s) &= \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{i-1,j,k}^{(2,p)}(s), i \geq 1, j = 0, 1, k \geq 0; \\ a_{ijk}^{(1,n)}(s) &= \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{i-1,j,k}^{(2,p)}(s) - \frac{M_n(-s)}{M_n(s)} \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{i-1,j-2,k}^{(2,p)}(s), i \geq 1, j \geq 2, k \geq 0; \\ a_{0,jk}^{(2,n)}(s) &= 0, j \geq 1, k \geq 0; \\ a_{ijk}^{(2,n)}(s) &= \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{i-1,j,k}^{(1,p)}(s), i \geq 1, j \geq 1, k = 0, 1; \\ a_{ijk}^{(2,n)}(s) &= \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{i-1,j,k}^{(1,p)}(s) - \frac{N_n(-s)}{N_n(s)} \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{i-1,j,k-2}^{(1,p)}(s), i \geq 1, j \geq 0, k \geq 2; \end{aligned} \tag{17}$$

Подставляя ряды (16) в формулы (13) и (14), в пространстве изображений найдем следующие выражения для коэффициентов рядов компонент скорости и давления в каждой из сферических систем координат ( $\alpha = 1, 2; \kappa = 1 + \text{mod}_2 \alpha$ ):

$$\begin{aligned} p_n^L(r_\alpha, s) &= -\frac{1}{r_\alpha^{n+1} \gamma^n s^{n-1}} \sum_{ijk=0}^{\infty} \left[ R_{n0}(r_\alpha \gamma s) a_{ijk}^{(\alpha,n)}(s) e^{-r_\alpha \gamma s} + \right. \\ &\quad \left. + R_{n0}(-r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{ijk}^{(\kappa,p)}(s) e^{-l \gamma s} e^{r_\alpha \gamma s} - \right. \\ &\quad \left. + R_{n0}(r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{ijk}^{(\kappa,p)}(s) e^{-l \gamma s} e^{-r_\alpha \gamma s} \right] x^i y^{-j-1} z^{-k-1}, \\ v_n^L(r_\alpha, s) &= -\frac{1}{r_\alpha^{n+2} (\gamma s)^n} \left[ R_{n1}(r_\alpha \gamma s) a_{ijk}^{(\alpha,n)}(s) e^{-r_\alpha \gamma s} + \right. \\ &\quad \left. + R_{n1}(-r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{ijk}^{(\kappa,p)}(s) e^{-l \gamma s} e^{r_\alpha \gamma s} - \right. \\ &\quad \left. + R_{n1}(r_\alpha \gamma s) \sum_{p=0}^{\infty} C_{np}(s) a_{ijk}^{(\kappa,p)}(s) e^{-l \gamma s} e^{-r_\alpha \gamma s} \right] x^i y^{-j-1} z^{-k-1}. \end{aligned} \tag{18}$$

**3. Численные результаты.** Результаты численных экспериментов представлены в виде графиков изменения компонент вектора скорости  $v$  и давления  $p$  по безразмерному времени  $\tau$ .

В качестве акустической среды принималась вода:  $c=1500$ м/сек,  $\rho=1000$ кг/м<sup>3</sup>. Полагалось, что  $R_1=1$ , а нагрузка на полости имеет вид равномерно распределенного нормального давления  $p_1(\tau, \theta_1)=H(\tau)$ , где  $H(\tau)$  - единичная функция Хевисайда. В расчетах учитывалось четыре члена ряда по полиномам Лежандра. Графики изменений скорости частицы  $v$  по времени  $\tau$  представлены на рис. 1. Результаты получены при  $\theta_2=\pi$  и следующих значениях остальных параметров:  $R_2=r_2=4$ ,  $l=5.5$  (кривая 1),  $R_2=r_2=2$ ,  $l=3.5$  (кривая 2) и  $R_2=2$ ,  $l=3.5$ ,  $r_2=4$  (кривая 3).

На рис. 2 показано изменение давления  $p$  по времени  $\tau$  в точке  $r_1=1.2$ ,  $\theta_1=\pi$ . Приведенные кривые получены при следующих значениях параметров:  $R_2=1$ ,  $l=3$  (кривая 1),  $R_2=1$ ,  $l=2.5$  (кривая 2) и  $R_2=2$ ,  $l=3.5$  (кривая 3).




Рис. 1.




Рис. 2.

### Литература

1. Горшков А.Г., Тарлаковский Д.В. Нестационарная аэрогидроупругость тел сферической формы. – М.: Наука. Гл. ред. физ.-мат. лит., 1990. – 264 с.
2. Горшков А.Г., Тарлаковский Д.В., Шукуров А.М. Нестационарные колебания упругой среды, ограниченной двумя эксцентричными сферическими поверхностями // ПММ. - 1994. № 2. – С. 85-92.

3. Гузь А.Н., Кубенко В.Д., Бабаев А.Э. Гидроупругость систем оболочек. - Киев: Вища школа, 1984. – 208 с.
4. Иванов Е.А. Дифракция электромагнитных волн на двух телах. – Минск: Наука и техника, 1968. – 584 с.
5. Справочник по специальным функциям с формулами, графиками и таблицами // Под ред. М.Абрамовица, И.Стиган. – М.: Наука, 1979. – 832 с.

*Рекомендовано к печати д.ф.-м.н. А.Халмурадовым*

## ҚОТИШМА ПЎЛАТНИНГ СТАТИК МУСТАҲКАМЛИГИНИ ОШИРИШГА ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ ТАРИХИНИНГ ТАЪСИРИ

**Туганов Г., Пўлатов Д., Пиримкулов Э., Норқулов Э., Қодиров М. (ЎР Олий ҳарбий авиация билим юрти)**

**Аннотация.** Қотишма пўлатларнинг асосий операцион ва технологик хусусиятлари уларнинг қотишмаси билан аниқланади. Қотишма керакли қаттиқликка эритманинг қаттиқлашишига, иккинчи фазанинг тарқалиши туфайли қотиб қолишга имкон беради. Ушбу мақолада бу муаммоларнинг ечими муҳокама қилинади.

**Таянч сўзлар:** *техник хусусиятлар, қотиб қолиш, қотиш, дисперсия, кристалл тузилишининг нуқсонли, барқарорлик, заррачаларнинг коагуляцияси, мустаҳкамлик, қаттиқлик, иссиқликка чидамлик, микрогбузилиш, блок ўлчами, емирилишга бардошлилик, иссиқлик билан ишлов бериш.*

**Аннотация.** Основные эксплуатационные и технологические свойства легированных сталей определяются их легированием. Легирование позволяет достигать необходимую прокаливаемость, упрочнение твердого раствора, упрочнение за счет дисперсности второй фазы. В статье рассмотрено решение эти проблемы.

**Ключевые слова:** *технологические свойства, прокаливаемость, упрочнение, дисперсности, дефектности кристаллического строения, устойчивость, коагуляции частиц, прочность, вязкость, теплостойкость, микроискажений, величины блоков, износостойкость, термической обработка.*

**Аннотатон.** The basic operational and technological properties of steel are defined (determined) by the contents of their chemical elements. Elements allow reaching (achieve) necessary hardening of a firm solution. In clause the decision these problems is considered.

**Key words:** *technological properties, hardening, defect of a crystal structure, stability, particles, durability, viscosity, stability(resistance), micro distortions, size of blocks, deterioration, thermal processing.*

Пўлатнинг асосий операцион ва технологик хоссалари уларнинг қотишмаси билан аниқланади. Қотишма керакли қаттиқликка, қаттиқ эритманинг қаттиқлашишига, иккинчи фазанинг (карбидларнинг) тарқалиши туфайли қотиб қолишга имкон беради. Хусусан, куч, чидамлик, иссиқликка чидамлик тўғридан-тўғри карбидларнинг миқдори ва тарқалишига, уларнинг қизиқ кетганда коагуляцияга чидамлигига, шунингдек, структуранинг нозик тузилиши элементларига: блоклар катталиги, микродисторсия даражаси, дислокация зичлиги ва уларнинг бириктириш даражаси боғлиқ

Асинма қаршилигининг ошиши ва штампли пўлатларнинг юмшатилишининг пасайишига 3-5 фоиз карбид ҳосил қилувчи элементларнинг киритилиши, қотиб қолиш қобилиятини ошириш ва донини (ички макроскопик тузилиш зарраларини) тозалаш, никель ва хромни киритиш орқали эришилади. Бу ҳолда пўлатда фақат  $M_3C$  типдаги карбидлар эмас, балки  $M_{23}C_6$ ,  $M_7C_3$ ,  $M_6C$ ,  $M_2C$ ,  $MC$  ҳам ҳосил бўлади. Карбидларнинг коагуляцияси мартенсит парчаланиб,  $M_3C$  типдаги майда карбидлар эригандан кейин содир бўлганлиги сабабли, коагуляцияга қаршилиқнинг ошиши  $MC$  ( $VC$ ) ва  $M_2C$  ( $Mo_2C$  или  $W_2C$ ) карбидларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ [1].  $M_6C$  ( $Fe_3Mo_3C$ ) типдаги карбидларнинг барқарорлиги бироз пастроқ.  $M_7C_3$  и  $M_{23}C_6$  ( $C_7C_3$  и  $C_{23}C_6$ ) типдаги карбидлар ҳам коагуляцияга камроқ чидамли.

Иссиқликка бардошли, хром, молибден, вольфрам, ванадий билан мураккаб қотишма пўлатдир, чиникиш пайтида иккиламчи қаттиқлашишга мойил бўлади. Максимал қаттиқлашув (иккинчи даражали қаттиқлашув чўккиси) 500-550 °С ҳароратда юмшатиладан кейин эришилади. Юқори температура эса юмшатилишига олиб келади. Пўлатдан углерод, хром ва кремнийнинг кўпайиши билан иккиламчи қаттиқлашув пайтида қаттиқликнинг энг кучли ўсиши ҳосил бўлади.  $M_7C_3$  и  $M_{23}C_6$  типдаги махсус карбидларнинг ҳосил бўлишидан ташқари, хром ферритда эрийди, кучини оширади ва  $M_6C$ ,  $MC$  и  $M_2C$  турларининг карбид фазаларида эрийди, бу эса махсус остенит карбидларининг тўлиқ эришига ёрдам беради.

Иссиқлик тарихи, пўлатнинг асл тузилиши, охириги иссиқлик билан ишлов беришдан кейин хусусиятларга кучли таъсир қилади. Термал бошланғич ҳолатнинг таъсири структуравий ирсият ҳодисасига энг аниқ намоён бўлади. Структуравий ирсият дастлабки донни фазали кристалланишдан кейин шакли ва йўналиши бўйича тикланишида ифодаланади. Таркибий мерос соҳасида кўплаб тадқиқотлар академик В.Д. Садовский томонидан ходимлари билан олиб борилган. Хусусан, якуний иссиқлик билан ишлов бериш жараёнида нозик тузилманинг шаклланиши асл субмикротузилманинг элементлари мерос қилиб олиш шароитида содир бўлиши аниқланди [2].

Кўп ҳолларда тайёр маҳсулотларнинг хизмат кўрсатиш хусусиятларини яхшилаш мақсадида дастлабки иссиқлик билан ишлов бериш амалга оширилади, яъни оптимал иссиқлик фони яратилади. Бу усулларга кўп фазали қайта кристалланиш билан иссиқлик билан ишлов беришнинг барча усуллари киради [3].

Оптимал режимда икки фазали қайта кристалланиш билан иссиқлик билан ишлов бериш усулининг моҳияти пўлатдан зарур иссиқлик тарихини яратишдир. Қайта кристалланишнинг биринчи босқичида углерод ва паст қотишма пўлатлар учун 1100°С гача бўлган ҳаддан ташқари ҳароратгача истиш амалга оширилади. Бу ҳароратдан тез совиганидан сўнг, кристалли структуранинг нуқсонлилигининг максимал даражасига эга бўлган структура ҳосил бўлади. Юқори ҳароратли иситиш рефрактер нитрид, карбонитрид ва кислородли фазаларнинг ажралишига ва уларнинг қаттиқ эритмага ўтишига олиб келади, бу жараён 1100° С ҳароратда қизгин давом этмоқда. Бу фазаларнинг эриши бошланиши қаттиқ эритманинг кимёвий микрохетерогенлиги билан тавсифланади. Бу ҳолда, совиганида,  $\gamma - \alpha$  ва трансформация пайтида кристалли структуранинг нуқсон даражаси ошган тузилиш ҳосил бўлади.

1-расм.

**5ХНМ пўлатдан ясалган панжара даврининг дастлабки қотиш ҳароратига, оралиқ температурага қараб ўзгариши.**



Тасма тузилмаларини яратиш, когерентли тарқоқ ҳудудларни (КТХ) парчаланиши ва кристалл панжаранинг микродисторияларининг ўсишиши [4], ҳароратнинг ҳаддан ташқари ҳароратдан ошиб кетиши остенитнинг гомогенлашишига олиб келади. Совитиш ва  $\gamma - \alpha$  трансформациясидан сўнг,  $\alpha - \alpha$  фазанинг панжара номукамаллиги паст бўлади.


Сўндирма пайтида углерод атомлари дислокацион ўтади ва мартенсит панжарасининг тетрагоналлиги пасаяди. (1-расм)

Қайта кристалланишнинг биринчи босқичида ишлатиладиган юқори иситиш ҳарорати деярли барча ортиқча фазаларнинг эришига ёрдам беради, лекин остенит донининг кескин ошишига олиб келади. Сондирма пайтида тез совутганда, тўйинган қаттиқ эритма ўрнатилади. Оралиқ температура пайтида нафақат карбид ёғинлари, балки рефрактер ифлослик фазаларининг тарқоқ заррачалар (нитродлар, карбонитридлар, оксидлар) кўринишидаги ёғинлари ҳам содир бўлади. Нормализация пайтида бу заррачаларнинг чиқиш оралиқ темперламасиз содир бўлади.

$As_1 + 30 - 50$  °C ёки  $As_3 + 30 - 50$  °C иситиш ҳароратидан амалга ошириладиган такрорий фазали қайта кристалланиш бошланғич микро ва субмикро структуранинг кучли таъсири шароитида содир бўлади. Оловга чидамли ифлосланиш фазаларининг тарқалган заррачалари ҳам кристалланишнинг тайёр марказлари, ҳам остенит донларининг ўсишига тўсиклардир.

2-расм.

**5ХНМ пўлатдан сақланган остеник (фоиз  $\gamma$  фаза) ва сақланган остеник таркибидаги углерод миқдорининг (фоиз С в  $\gamma$  фаза) дастлабки қаттиқлашув ва оралиқ температура ҳароратига қараб ўзгариши**




Олдиндан қаттиқлашадиган ҳарорат °C

Шунинг учун иккинчи босқичда қайта тақсимланиш ҳосил бўлади, сақланган остенит миқдори ва сақланган остенит таркибидаги углерод миқдори. (2-расм).

3-расм.

**5ХНМ пўлатдан механик хусусиятлари дастлабки қотиш ва оралиқ ҳароратига боғлиқ**



Олдиндан қаттиқлашиш ҳарорати °C



Бундан ташқари, ҳаддан ташқари ҳароратгача қиздирилганда биринчи кристалли қайта кристалланиш жараёнида ҳосил бўлган  $\alpha$  -  $\gamma$  -  $\alpha$  дислокация зичлиги мерос бўлиб ўтади. Бу меросхўрлик  $\alpha$  - фазада дислокация зичлигининг сезиларли даражада ошиши билан бирга келади. Иш маълумотларига кўра, мартенситик трансформацияда остенитдаги дастлабки дислокациялар муҳим роль ўйнайди. Уларнинг аниқ тизимлари мартенсит кристалларининг ядроланишининг асосий жойи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Икки фаза қайта кристалланиш билан иссиқлик билан ишлов беришдан кейин бундай муҳим таркибий фарқларни стандарт технология бўйича иссиқлик билан ишлов бериш билан солиштириш мумкин, бу ерда силжиш билан ишқаланиш пайтида, қотиб қолган ва бўшаштирувчи ашиндириси устида силжиш пайтида, металлни металлга силжитиш пайтида ашинма қаршилиқ сезиларли даражада ошади (3-расм).

4-расм.



Пўлатдан ясалган 5XНМ қаттиқлигининг ўзгариши ва дастлабки қаттиқлашув ва оралик температура ҳароратига боғлиқ; ҳаддан ташқари ҳароратда қотиб қолган  $\Delta$  – намуналар, ҳаддан ташқари ҳароратда қаттиқлаштирилган  $\circ$  – намуналар.

Хулоса қилиш мумкинки, икки фаза қайта кристалланишдан сўнг, агар дастлабки сўндирма  $1150^{\circ}\text{C}$  дан ва оралик температура  $550^{\circ}\text{C}$  да амлга оширилган бўлса, панжара даври ва остенит донининг катталиги минимал қийматга эга бўлади. Қотишма пўлатларни иссиқлик билан ишлов бериш, ўта оғир шароитларда, статик мустаҳкамликни 11фоиздан 20 фоизгача оширади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Калитин Ю. М., Садовский В. Д.. Структурная наследственность в цементуемых легированных сталях. МиТОМ, 1966. – № 2. – С. 7 -11.
2. Мухамедов А.А. Исследование свойств после перекристаллизации стали. МиТОМ, 1972. – № 12.– С. 14-20.
3. Пугачева Т.М., Кенис М. С., Трахтенберг Б. Ф.. Повышение работоспособности холодновысадочных матриц методом термоциклической обработки. В кн.: Термоциклическая обработка металлических материалов. – Л. 1980. – С. 70 – 71.
4. Меженный Ю. О., Скоков Ю. А., Ярославцева Р. С.. Некоторые структурные превращения в сплаве Fe – 24%, связанные с выделением азота из твердого раствора. В кн.: Взаимодействие между дислокациями и атомами примесей в металлах и сплавах. – Тула. ТПИ, 1969. – С. 211-215.

*Нашрга доц. Н.Холмирзаев тавсия этган*

**STACHYBOTRYS CHARTARUM ЗАҲАРЛИ МИКРОҚЎЗИҚОРИННИНГ  
ИККИЛАМЧИ МЕТАБОЛОТИ СТАХИБОТРИЛАКТАМ А НИНГ ТУЗИЛИШИ****Камолов Л.С., Абдурахмонов А. А., Нахатов И., Нурмонов С.Э. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** *Stachybotrys chartarum* штаммининг филтрланган культурал суяқликлари этилацетат билан тўлиқ экстракция қилинди. Экстракциядан олинган қизил қолдиқ градиент элюит билан устунли хроматографияда силикагель орқали ўтказилганда 2 хил фракция олинди. Олинган 1 фракциялар ЮСЮҚХ да стандартлар билан солиштирилганда стахиботрилактам эканлиги кўрсатди. Бу эса молекулаларни стандарт намуналар билан хроматографик ва спектроскопик солиштириш орқали исботланди. 2-фракция кристалл моддадан иборат бўлиб, улар  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  спектор маълумотлари стахиботрилактам А эканлигини кўрсатиб, бу эса сесквитерпеноид ҳосиласи эканлигини кўрсатди. Ушбу бирикма учун таклиф қилинган структура спектроскопик маълумотларга асосланган бўлиб, сесквитерпеноид дриман халқаси туган янги модда эканлиги аниқланди.

**Таянч сўзлар:** *стахиботриотоксикоз, экстракция, колонка, спектр, силуфол, хроматография, штамм, микроқўзиқорин.*

**Аннотация.** Отфильтрованные культуральные жидкости штамма *Stachybotrys chartarum* исчерпывающе экстрагировали этилацетатом. Выделенный красный остаток подвергали колоночной хроматографии (силикагель) с градиентным элюированием, в результате чего получали 2 различных фракции. Препротивная ТСХ фракции 1 дала небольшое количество смеси известных соединений стахиботрилактам. Эти молекулы проявляли хроматографические и спектроскопические свойства, аналогичные стандартным образцам.

Фракция 2 состояла из кристаллического материала, который показал те же параметры  $^1\text{H}$  и  $^{13}\text{C}$ , что и параметры стахиботрилактам А, производного сесквитерпеноид дримана. Структура, предложенная для этого соединения, была основана на спектроскопических данных и указаний на конфигурацию стереогенных атомов углерода не было получено. Гриб продуцировал в основном стахиботрилактам А - полностью охарактеризованное производное сесквитерпеноид дримана.

**Ключевые слова:** *стахиботриотоксикоз, экстракция, колонка, спектр, силуфол, хроматография, штамм, микрогриб.*

**Annotation.** Filtered culture fluids of the *Stachybotrys chartarum* strain were exhaustively extracted with ethyl acetate. The isolated red residue was subjected to column chromatography (silica gel) with gradient elution, resulting in 2 different fractions. The opposite TLC of fraction 1 yielded a small amount of a mixture of known stachibotramid compounds. These molecules exhibited chromatographic and spectroscopic properties similar to standard samples.

Fraction 2 consisted of a crystalline material that showed the same parameters of  $^1\text{H}$  and  $^{13}\text{C}$  as the parameters of stachibotramid A, a derivative of drimane's sesquiterpenoid. The structure proposed for this compound was based on spectroscopic data and no indication of the configuration of stereogenic carbon atoms was obtained. The fungus was produced mainly stachybotrys fully characterized derived sesquiterpenoid of drimane.

**Key words:** *stachybotriotoxicosis, extraction, column, spectrum, silufol, chromatography, strain, microgribs.*

Кўпгина заҳарли кўзиқоринлар микоз касалликларини келтириб чиқариб, одамлар ва ҳайвонларнинг соғлиғига зарар етказди. Маълумки, кўзиқоринлар айрим ҳолларда сурункали гайморит, дерматофитоз, соч тўкилиши касалликларига ва кўз касалликларини кўзғатувчиси ҳисобланади [1-5].

Озиқ-овқатдан заҳарланиш ва кўзиқоринларнинг токсинлари (заҳарлари) билан озиқланиш одам ва ҳайвонларда микотоксикоз касалликларини келтириб чиқаради. "Моғорлаган нон" ҳодисаси бу доннинг *Fusarium* кўзиқоринлари билан зарарланиши сабабли содир бўлади. Кўзиқориннинг заҳарлилиқ хусусиятлари ҳатто ундан нон тайёрланганда ҳам сақланиб қолади [6,7].

Бундай вазиятда токсин ҳосил қилувчи кўзиқоринларни ўрганиш натижалари билан кенгроқ танишиш, уларнинг келиб чиқиши, табиатда тарқалишини аниқлаш ва шу асосда улар келтириб чиқарадиган касалликларга қарши курашиш тизимини яратиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан токсин ҳосил қилувчи кўзиқоринларни ўрганиш

фаннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, илмий тажрибанинг замонавий даражасида турли соҳа мутахассислари томонидан кенг қамровли тадқиқотларни талаб қилади[8].

Қўзиқоринларнинг заҳарли таркибий қисмларни (метаболитларини), шу жумладан, макро ва микроскопик қўзиқоринларнинг алкалоидларини кимёвий ўрганиш заҳарли моддалар тузилишидаги илмий моҳиятни очиб беради. Одамлар ва ҳайвонларнинг оммавий заҳарланишининг олдини олиш учун қўзиқорин синтез қиладиган физиологик фаол моддаларни индивидуал ҳолда ажратиш, уларнинг кимёвий тузилишини ва биологик фаоллигини ўрганиш заҳарли моддалардан инсон ҳаёти учун тўғри фойдаланишга олиб келади. Бу эса уларни зарарсизлантириш ва тирик организмга мумкин бўлган таъсир механизмини ўрганишда ўта долзарб муаммо ҳисобланади[9-22].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, *Stachybotrys chartarum* заҳарли қўзиқориннинг иккиламчи метаболитларини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади.


**Стахиботрилактам А (I) ни экстракция қилиш.** Микроорганизмларнинг ўсиши, ривожланиши ва иккиламчи метаболитлар синтезлашида озуқа муҳити муҳим ўрин тутаяди, уларнинг ривожланиши учун оптимал бўлган ҳароратларда микроб ҳужайрасининг ўсиши муҳитда максимал даражада иккиламчи метаболитлар ҳосил бўлишини таъминлайди. Тадқиқотлар давомида *Stachybotrys chartarum* штаммининг иккиламчи метаболитлари синтезига азот манбалари таъсири ўрганилади ҳамда тажрибаларда  $\text{NH}_4\text{NO}_3$ ,  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ,  $(\text{NH}_4)_2\text{H}_2\text{PO}_4$  ва  $\text{NaNO}_3$  тузларидан фойдаланилди. Тадқиқот учун танланган штаммлар ривожланишининг оптимал ҳароратдан келиб чиққан ҳолда тажрибалар 35 ва 45°C да олиб борилди. *Stachybotrys chartarum* штамми Мандельс озуқа муҳитида 20л ли қолбада қачалка ёрдамида 14 кун давомида ўстирилди. Ўстирилган *Stachybotrys chartarum* штаммининг мицелласи культурал суюқликдан филтрлаб ажратилганда 58гр мицелладан иборат биомасса ва 15л культурал суюқлик олинди. Филтрланган 58 гр мицелладан иборат биомассани 200 мл эфир солинган қолбага жойлаштирилди ва 40-45°C да сув ҳаммомида қиздирилади. Экстракция жараёни уч марта такрорланди ва 6,95 гр экстракцион сумма олинди. Қолган сувли қисмига хлороформ билан экстракция қилинди ва экстракт вакуум роторли ускуна билан қуритилганда 1,32 гр экстракцион сумма ҳосил бўлди. Экстракцион сумманинг умумий оғирлиги 8,27 гр ни ташкил этди. *Stachybotrys chartarum* ажратиб олинган 8,27 гр экстракцион суммани 250 г Silpearl силикагелига адсорбцияланди. Адсорбент устунли хроматографик колонкага жойлаштирилди. Колонка бензол ва бензол:метанол (10:1) система элюит билан кетма-кет ювилди. Устунли хроматография ёрдамида бензол:метанол (10:1) система билан ювилганда 83 мг стахиботрилактам А (I) ажратиб олинди. Стахиботрилактам А (I),  $\text{C}_{24}\text{H}_{33}\text{NO}_4$ , суюқ.тем. 220° (MeOH),  $R_f=0,52$  .( ЮҚХ, силуфол, система  $\text{CHCl}_3$ -MeOH, 10:1),  $[\alpha]_D^{24} -13,5 \pm 2^\circ$  (с 0,8;  $\text{CHCl}_3$ -MeOH, 10:1).

**3-Моноацетатстахиботрилактам А (II).** 9,8 мг стахиботрилактам А га 0,5 мл қуруқ пиридин ва 0,30 мл уксус ангидриди қуйилди. Реакцион аралашма яхшилаб аралаштириб, хона температурасида 1 кун қоронғи жойда сақланди. Реакцион аралашманинг эритувчиси учуриб юборилиб, қолдиқ устунли хроматография қилинди. Хроматографик колонка хлороформ : метанол (20:1) системали элюит билан ювилганда 7,71 мг аморф ҳолдаги моноацетат стахиботрилактам А (II) олинди,  $\text{C}_{26}\text{H}_{35}\text{NO}_5$ ,  $R_f=0,36$  (ЮҚХ, силуфол, система хлороформ : метанол (10:1)).

**Стахиботрилактам А нинг кимёвий тузилиши ва модификацияси.** Лаборатория шароитида ўстирилган *Stachybotrys chartarum* микроқўзиқоринининг муҳим маҳсулотлардан бири бўлган стахиботрилактам А устунли хроматография ёрдамида ажратиб олинди ва унинг тузилишини ўрганиш учун модификация қилинди (1-чизма).

1-чизма.

## Стахиботрилактам А нинг химиявий модификацияси



Стахиботрилактам А нинг элементар таркиби  $C_{24}H_{33}NO_4$  юкори аниқликдаги масс-спектрометр билан аниқланди. Текширилаётган модданинг (I) ЯМР  $^{13}C$  спектри (1-жадвал), 156,88; 155.39; 135.66; 117.60; 113.22; 101.80 м.у. сигналларни намаён қилиши стахиботрилактам А молекуласида беш томонлама алмашинган бензол ядроси мавжудлигидан далолат беради. Шунга кўра, стахиботрилактам А (I) ЯМР  $^1H$  спектрида (1-жадвал) 7.31 м.у. да битта ароматик протонга хос синглет сигналнинг мавжудлиги битта ароматик протон борлигини кўрсатади.

Стахиботрилактам А (I) нинг спектри дейтеропиридин ва II-III моддаларининг спектри дейтерохлороформ эритувчиларида қайд этилди. Кимёвий силжишлар, мультиплетлиги ва спин-спин (ССТК) ўзаро таъсир константаси 2М ЯМР  $^1H$ - $^1H$ ,  $^1H$ - $^{13}C$  корреляцион спектрларида аниқланди. Қисқартмалар: с-синглет, д-дублет, т-триплет, дд-дублет-дублет, тд-триплет-дублет, дт-дублет-триплет, тт-триплет-триплет, кд-квартет-дублет, м-мультиплет.

Стахиботрилактам А нинг ЯМР  $^1H$ ,  $^{13}C$ , 2М, ЯМР  $^1H$ - $^1H$  интерпретацион спектрлари ва ЯМР  $^1H$ - $^{13}C$  кимёвий силжиш корреляцион спектрларининг шарҳи 1-чизмада кўрсатилган бўлиб, фрагментларга ажратилган тузилишни яратилишига имкон беради. Молекуланинг алициклик қисми 15та углерод атомидан иборат бўлиб, сесквитерпеноид дриман ҳалқали тузилишга тўғри келади. Стахиботрилактам А ни пиридинли шароитда сирка ангидрид билан ацетилланганда моноацетат II ҳосил бўлади. Моноацетатнинг ҳосил бўлиши стахиботрилактам А (I) нинг молекуласида битта гидроксил гуруҳи мавжудлигини англатади. Моноацетат II нинг ЯМР  $^1H$  спектрида метоксил гуруҳи 3,79 м.у.да резонанс частоталарининг ҳосил бўлиши, бу соҳага тегишли метоксил гуруҳининг мавжудлигини ва бу бензол ҳалқасида жойлашган метоксил гуруҳилигини кўрсатади. Дарҳақиқат, ЯМР  $^{13}C$  спектрида бензол ҳалқасида метоксил гуруҳига боғланган углерод атомига тегишли бўлган 55,56 м.у.да сигналнинг намаён бўлиши, стахиботрилактам А (I) да бензол ҳалқасида метоксил гуруҳи борлигини яна бир мартаба исботлайди.

I ва II моддаларнинг ПМР спектрларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, моноацетат II нинг ПМР спектрида битта протонли триплет сигналнинг 2,02 м.у.да намаён бўлиши ацетоксил гуруҳидаги протон геминал ҳолда бирикканлигини кўриш мумкин. Шунинг учун тегишли гидроксил гуруҳи иккиламчи углеродга жойлашганлигини ва стахиботрилактам А нинг ЯМР  $^{13}C$  спектрида 80,06 м.у.да сигнални намаён бўлиши, бу сигнал иккиламчи углерод атоми борлигини тасдиқлайди.

1-жадвал.

Стахиботрилактам А (I) ва унинг ҳосилаларининг кимёвий силжиши (δ, м.у.), мультиплетлилиги ва спин-спин ўзаро таъсир константаси (ССТК, J, Гц).

Протонларнинг ҳолати	Моддалар		
	I	II	III
1α-Н	2,35 тд (13;3)	1,56 тд (13;3)	1,58 тд (13;3)
1β-Н	1,13 дт (13;3)	1,31 дт (13;3)	1,33 дт (13;3)
2α-Н	1,70	1,80	1,82
2β-Н	1,95 тт (13;3)	1,55 тт (13;3)	1,55 тт (13;3)
3β-Н	3,54	4,61 т (3)	4,63 т (3)
5α-Н	0,94	0,94	0,96
6α-Н	1,55	1,63	1,65
6β-Н	1,42 кд (13;3,5)	1,38 кд (13;3,5)	1,40 кд (13;3,5)
7α-Н	1,70	1,70	1,72
7β-Н	1,55	1,38	1,40
8β-Н	1,75	1,94	1,96
11α-Н	3,00 д (16,7)	2,98 д (17)	3,16 д (17)
11β-Н	3,09 д (16,7)	2,73 д (17)	2,82 д (17)
14-Н	7,35 с	7,54 с	7,44 с
18-CH <sub>3</sub>	0,80 д (5,8)	0,73 д (6,5)	0,73 д (6,5)
19- CH <sub>3</sub>	0,97 с	0,90 с	1,12 с
20- CH <sub>3</sub>	1,19 с	0,98 с	1,16 с
21- CH <sub>3</sub>	0,88 с	0,89 с	1,06 с
22- CH <sub>3</sub>	4,09; 4,35 д (16,7)	4,32; 4,44 д (17)	4,35; 4,40 д (17)
3-ОAc	-	2,02 с	-
-OCH <sub>3</sub>	3,79 с	3,80 с	3,76 с
NH	7,05	7,08	7,04

Стахиботрилактам А нинг оксидлаб олинган III кетон ҳолдаги моддасининг масса спектрометрик парчаланиши жараёнида ҳосил бўлган m/z 206 га мос келадиган максимал чўққиларни ҳосил бўлиши, стахиботрилактам А нинг I молекуласида иккиламчи гидроксил гуруҳи ва C - 3 жойлашган иккиламчи гидроксил гуруҳи оксидланганлигини кўрсатади.


Стахиботрилактам А (I) нинг ЯМР <sup>13</sup>C спектрида 173,9 м.у. соҳада сигналнинг ҳосил бўлиши, моддада карбомид (>N-C=O) ёки изомерланиш гуруҳи азометинокси (>N-C=O) қайта гуруҳланувчи функционал гуруҳ мавжудлигини кўрсатади. Уларнинг орасидаги танлов кейинроқ амалга оширилади.

Модданинг ИҚ спектр маълумотларида 1675 см<sup>-1</sup> соҳада юқори частотали валент тебранишнинг намаён бўлиши, стахиботрилактам А нинг молекуласида мураккаб эфир гуруҳи борлигини кўрсатади. Юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки стахиботрилактам А (I) молекуласидаги, 4 та кислород атомларидан 2 таси бирламчи, 2 таси иккиламчи бўлиб, улардан биттаси фенолли гидроксид гуруҳида жойлашган кислород атомларидан иборат бўлиб, биттаси 173,9 м.у. соҳада сигнал намаён қилиши кислород атоми тўртламчи углерод атомига боғланган эканлигини кўрсатади. Ароматик ҳалқага боғланган углерод атомларининг ЯМР <sup>13</sup>C спектрида 155,6 ва 139,2 м.у.да сигналларнинг

намоён қилиши стахиботрилактам А молекуласида фенол гидроксилдан бошқа яна битта кислород атоми билан боғланган углерод борлигини кўрсатади. ЯМР <sup>13</sup>С спектрида 80,06 м.у.да сигнални намаён бўлиши, кислород атомига боғланган туртламчи углерод атомини борлигидан далолат беради. Углерод атомларига хос 139,2 ва 80,06 м.у.да сигналларни намоён бўлиши алициклик углерод атоми билан ароматик углерод атомлари эпоксид функционал боғ орқали кислород билан боғланганлигини кўрсатади.

2-чизма.

**Стахиботрилактам Анинг электрон оқим таъсирида олинган масс- спектри**



Стахиботрилактам Ани электрон оқим таъсири остида парчаланиш пайтида m/z 207 ва 189 ионларнинг пайдо бўлиши шунини кўрсатадики, молекуланинг сесквитерпеноид қисмида иккиламчи гидроксил гуруҳи жойлашганлигини, шу жумладан бензол ҳалқасидаги С-13 углерод атоми жойлашган бирламчи метоксил гуруҳи ён занжирда жойлашганлигини кўрсатади.

Уч томонлама алмашинган бензол ядросидаги углерод атомларининг 128,3; 128,8 ва 137,3 м.у. соҳадаги сигналларининг кимёвий силжишларни ҳосил бўлиши, ароматик ҳалқа уч томонлама углерод-углерод боғ билан боғланган деган хулосага келишга имкон беради.

Стахиботрилактам А (I) нинг ЯМР <sup>1</sup>Н спектрида 3,00 ва 3,09 м.у.да АВ системали иккита протонларнинг резонанслашуви ҳамда уларнинг 2М ЯМР <sup>1</sup>Н - <sup>13</sup>С спектрда 32,86 м.у. да углерод (С - 11) атомининг кимёвий силжиш корреляцияси билан протонларнинг резонанслашуви кузатилади. Ушбу изолирланган метилен протонларининг узок масофали <sup>1</sup>Н - <sup>13</sup>С (НМВС) корреляция спектрида (4-жадвал ва 2-расм) учта ароматик углерод атомлари С-12 (128,8 м.у), С-13 (139,2 м.у), С - 17 (155,6 м.у) билан ҳамда молекуланинг терпеноид қисмидаги учта углерод атомлари С - 8 (37,1 м.у), С - 9 (104,7 м.у), С-10 (42,2 м.у) корреляциялашуви бу углерод атомлари ўзаро боғланганлигини кўрсатади. Шунинг учун, изоляция қилинган метилен протонлари жойлашган С - 11 углерод атоми молекуланинг сесквитерпен қисмини резонанслашадиган ароматик ҳалқадаги С - 12 (128,8 м.у.) углерод атом билан углерод-углерод боғ билан боғлайди. Молекулада С-9 (104,7 м.у) ва С-17 (155,6 м.у) углерод атомларини боғлайдиган эпоксид функциянал гуруҳи спиробензофуран ҳалқасини ҳосил қилади. Худди шу НМВС спектрида Н-14 (7,35 м.у.) ароматик протоннинг углерод атомлари С - 12 (128,8 м.у.), С - 13 (139,2 м.у) билан ўзаро корреляциялашуви С - 14 (139,2 м.у.) углеродда муҳокама қилинаётган протоннинг ўрни эканлигини кўрсатади. Шунга ўхшаш хулосалар, стахиботрилактам А (I) (CD<sub>3</sub>OD) ва моноацетатстахиботрилактам А (II) нинг (CD<sub>3</sub>OD) ПМР спектрларини солиштиришдан

келиб чиқади. Моноацетатстахиботрилактам А (II) (CD<sub>3</sub>OD) ПМР спектрида ароматик протоннинг сигналлари стахиботрилактам А (I) (CD<sub>3</sub>OD) билан таққослаганда 0,19 м.у. паст соҳада намаён бўлиши, ароматик протон ҳамда II метаболитдаги ацетоксил гуруҳи вициналь ҳолда жойлашганлигини кўрсатади. Ароматик ҳалқадаги Н - 14 водород атоми билан С-23 (173,9 м.у.), С -16 (137,3 м.у.) углерод атомлари ўзаро вициналь ҳолда корреляцияланадиган кузатилади. Бу эса С-15 углерод атоми ароматик протонга нисбатан геминаль ҳолада жойлашганлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда II модданинг ЯМР <sup>1</sup>H спектрида АВ системали иккита протонга хос кимёвий силжишлар 4,09 м.у. ва 4,35 м.у.да дублет сигналнинг намаён бўлиши ва 2М ЯМР <sup>1</sup>H-<sup>13</sup>C корреляцион спектрида углерод атоми хос 43,6 м.у.да сигнал билан корреляциялашганлиги метилен протонларнинг С-22 углеродда жойлашганлигини кўрсатади. Бу бирикмаларнинг НМВС спектридан кўриб чиқилган С-22 углеродда жойлашган АВ системали метилен протонларининг С - 23 (173,9 м.у.), С-16 (137,3 м.у.), С-17 (155,6 м.у.) ва С-15(128,3м.у.) углерод атомлари билан ўзаро таъсирлашуви, С-22 углерод атомини С-16 атоми билан боғланганлигини кўрсатади.


4-жадвал.

**Стахиботрилактам А (I) нинг дейтеропиридиндаги узок масофали <sup>1</sup>H - <sup>13</sup>C корреляцион ўзаро таъсир (НМВС) спектри**

Протонлар		Углерод атомлари	
Молекуладаги ўрни	δ, м.у.	Молекуладаги ўрни	δ, м.у.
Н-5	0,94	С-4	38,0
		С-10	42,2
		С-19	17,4
		С-21	23,5
2Н-11	3,00; 3,09	С-8	37,1
		С-9	104,7
		С-10	42,2
		С-12	128,8
		С-13	139,2
Н-14	7,35	С-12	128,8
		С-13	139,2
		С-16	137,3
		С-23	173,9
СН <sub>3</sub> -18	0,80	С-7	30,8
		С-8	37,1
		С-9	104,7
СН <sub>3</sub> -19	0,97	С-1	24,9
		С-5	41,0
		С-9	104,7
		С-10	42,2
СН <sub>3</sub> -20	1,19	С-3	80,6
		С-4	38,0
		С-5	41,0
		С-21	23,5
СН <sub>3</sub> -21	0,88	С-3	80,06
		С-4	38,0
		С-5	41,0
		С-21	23,5
2Н-22	4,09; 4,35	С-15	128,3
		С-16	137,3
		С-17	155,6
		С-23	173,9

3-чизма.

Стахиботрилактам А (I) нинг дейтеропиридиндаги НМВС спектри



Молекуланинг аниқланган қисмларини ҳисобга олган ҳолда, ўрганилаётган I метаболитнинг  $C_{24}H_{33}NO_4$  элементар таркибидан, стахиботрилактам А молекуласида яна битта цикл бўлиши кераклиги келиб чиқади.

Юқорида кўрсатилганидек, С-23 (173,9 м.у.) углерод атомини ўз ичига олган сигналларнинг N-кўшбоғли карбамид (-N-C=O) гуруҳи ёки унинг изомери азометинокси (-N=C-O-) гуруҳига мос келишини ЯМР  $^{13}C$  спектридан кўраимиз.

Стахиботрилактам Анинг ЯМР  $^{13}C$  ва  $^1H$  спектрларида С-22 (43,6 м.у.) ва 2H-22 (4,09; 4,35 м.у.) водород атомлари кимёвий силжишлари намаён бўлиши гетероатом билан хусусан, азот атоми билан боғланганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, С-23 углерод атоми С-22 атоми билан учламчи N атоми орқали бирикиб E гетероҳалқани ҳосил қилади. Моноацетат II нинг НМВС спектридаги N-H водород атомларининг сигналлари С-22 ва С-23 углерод атомлари сигналлари билан корреляцияси, бу хулосани яна бир мартаба тасдиқлайди.

A/B ҳалқаларининг қўшилиши ва янги I молекуласининг терпеноид қисмини конформацияси қуйидагича аниқланади. Стахиботрилактам Анинг ЯМР  $^1H$  спектрида H-5 протоннинг сигнали 0,94 м.у. да спин-спинларнинг ўзаро таъсир константаси қийматлар соҳасида сигналлар кузатилади (3-жадвал). Ушбу константалар, молекуланинг терпеноид қисмидаги В ҳалқасига нисбатан H-5 протоннинг аксиаль ҳолда йўналганлигини кўрсатади, бў эса А ва В ҳалқаларининг бир-бирига нисбатан транс- ҳолда жойлашганлигидан далолат беради. Шу билан бирга I-II бирикмаларнинг ПМР спектридаги H-1 $\alpha$ , H-1 $\beta$ , H-2 $\beta$ , H-3 $\beta$ , H-6 $\beta$  протонларнинг фазода жойлашуви (3-жадвал) А ва В ҳалқаларининг конформациясига мос равишда  $^{10}C^3$  ва  $^8C^5$  “кресло” фазовий тузилишга эга эканлигини кўрсатади (4-чизма).

Стахиботрилактам Анинг I ва II ацетатларининг ПМР спектрида ( $CDCl_3$ ) H-3 протоннинг сигнали 4,61 ва 3,54 м.у. соҳада триплет сигналларнинг намаён бўлиши спин-спинларнинг ўзаро таъсир константаси  $^3J = 3Гц$  соҳадаги қийматларда доимий кучга эга бўлганлиги кузатилади. Берилган маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, H-3 протоннинг кимёвий силжиш кўрсаткичлари моноацетат II таркибидаги эркин гидроксил гуруҳи С-3 углеродда эканлигини ва шунинг учун II ҳосил бўлган маҳсулот стахиботрилактам А нинг моноацетат эканлигини англатади. Жонсу методикаси биноан моноацетат II нинг оксидланиши натижасида олинган III кетон моддаси 3 - дегидростахиботрилактам А дир. Спин-спин ўзаро таъсир константасининг ( $^3J = 3Гц$ ) қийматлар соҳасида триплет сигнални ҳосил қилиши, H-3 протонининг  $\beta$  - экваториал




йўналишли фазовий жойлашганлигини кўрсатади. Бу шуни англатадики, **II** бирикмасидаги С-3 углерод таркибидаги ацетоксил гуруҳи ва стахиботрилактам **A** молекуласидаги тегишли гидроксил гуруҳлари ва **II** моноацетат молекуласидаги ацетоксил гуруҳи  $\alpha$  - аксиаль фазовий конфигурацияга эгалигидан далолат беради.

Ушбу хулосалар 4-чизмада кўрсатилган стахиботрилактам **A** ROESY спектри маълумотлари билан ҳам тасдиқланган. Молекуладаги  $\text{CH}_3$ -19 метил радикали ва Н-8 протонлари орасидаги ЯЭО таъсирининг бир хил спектрда аниқланиши метил радикалининг фазода  $\beta$ -ориентациялашувини, ҳамда С-8 ( $\text{CH}_3$ -18) метил гуруҳига нисбатан  $\alpha$  - ориентацион йўналишга имкон беради.

4-чизма.

#### Стахиботрилактам **A** (I) нинг терпеноид қисмининг конформацияси ва дейтеропиридинда олинган ROESY спектри



Стахиботрилактам **A** молекуласида Н-1  $\alpha$  - Н-2  $\beta$  ва Н-5 - Н-6 $\beta$  антиперипланар протон жуфтликлари ўртасида ЯЭО таъсирини кузатиш ROESY спектрининг ўзига хос хусусияти бўлиб, ўрнатилган **A** ва **B** ҳалқаларининг фазода жойлашишига мос келади. Шундай қилиб, тақдим этилган экспериментал маълумотлар стахиботрилактам **A** (I) формуласида (4-чизма) тасвирланган тузилишга эга деган хулосага келишимизга имкон беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Билай В.И., Пидопличко Н.М. Токсикообразующие микроскопические грибы и вызываемые ими заболевания у человека и животных. – Киев: Наукова думка, 1970. – 292 с.
2. Jarvis BB (2003) *Stachybotrys chartarum*: a fungus for our time. *Phytochemistry* 64:53–60
3. Kaise H, Shinohara M, Miyazaki W, Izawa T, Nakano Y, Sugawara M, Sugiura K (1979) Structure of K-76, a complement inhibitor produced by *Stachybotrys complementi*, nov. sp. K-76. *J Chem Soc Chem Commun* 1979:726–727
4. Miyazaki W, Tamaoka H, Shinohara M, Kaise H, Izawa T, Nakano Y, Kinoshita T, Hong K, Inoue K (1980) A complement inhibitor produced by *Stachybotrys complementi*, nov. sp. K-76, a new species of fungi imperfecti. *Microbiol Immunol* 24:1091–1108
5. Yamamoto I, Muto N, Murakami K, Suga S (1989) An enzyme immunoassay for K-76 monocarboxylic acid, a novel anticomplementary compound. *J Immunoassay* 10:153–167
6. Kaise H, Shinohara M, Miyazaki W, Izawa T, Nakano Y, Sugawara M, Sugiura K (1979) Structure of K-76, a complement inhibitor produced by *Stachybotrys complementi*, nov. sp. K-76. *J Chem Soc Chem Commun* 1979:726–727
7. Ayer WA, Miao S (1993) Secondary metabolites of aspen fungus *Stachybotrys cylindrospora*. *Can J Chem* 71:487–493
8. Jarvis BB, Salemme J, Morais A (1995) *Stachybotrys* toxins. 1. *Nat Toxins* 3:10–16
9. Sakai K, Watanabe K, Masuda K, Tsuji M, Hasumi K, Endo A (1995) Isolation, characterization and biological activities of novel triprenyl phenols as pancreatic cholesterol esterase inhibitors produced by *Stachybotrys* sp. F-1839. *J Antibiot* 48:447–456

10. Ogawa K, Nakamura M, Hayashi M, Yaginuma S, Yamamoto S, Furihata K, Shin-Ya K, Seta H (1995) Stachyocins, novel endothelin receptor antagonists, produced by *Stachybotrys* sp. M6222. II. Structure determination of stachyocins A, B and C. *J Antibiot* 48:1396–1400
11. Koide H, Hasegawa K, Nishimura N, Narasaki R, Hasumi K A new series of the SMTP plasminogen modulator with a phenylamine-based side chain. *J Antibiot*.2012. 65:1–7.
12. Koide H, Narasaki R, Hasegawa K, Nishimura N, Hasumi K) A new series of the SMTP plasminogen modulator with a phenylglycine-based side chain. *J Antibiot*. 2012. 65:91–93
13. Kamolov L.S., Aripova S.F., Isaev M.I., Stakhibotrin - a new natural compound. // *Chemistry of nature, compound., Special. Release, 1997, – p. 4.*
14. Kamolov L.S., Aripova S.F., Isaev M.I. Low molecular weight metabolites of fungi. I. Stachibotrin from *Stachybotrys chartarum*. // *Chemistry of nature, compound, 1997, – p. 599-607.*
15. Kamolov L.S., Aripova S.F., Tashkhodzhaev V., Isaev M.I. Low molecular weight metabolites of fungi. II. Clarification of the stachibotrin structure // *Chemistry of nature, compound. 1998. – p. 666.*
16. Kamolov L.S., Aripova S.F., Isaev M.I. On the issue of low molecular weight metabolites of fungi. // *Chemistry of nature, compound., Special issue, 1998, – p. 7.*
17. Kamolov L.S., Aripova S. R, Isaev M.I. Low molecular metabolites of *Stachybotrys chartarum*. // *Abstracts of 3rd International Symposium on the Chemistry of Natural Compounds. Bukhara (Uzbekistan), 1998, – p. 250.*
18. Kadirova D.B, Kamalov L.S, Bobakulov K.M, Aripova S.F Chemical constituents of the toxic mold *Stachybotrys chartarum*. *Chem Nat Compd.* 2013. – p. 583–584.
19. Kamolov L.S., Tashkhodzhaev V., Aripova S.F. Crystal structure of cyclopentanone oxime from the toxic fungus *Stachybotrys chartarum*. // *Chemistry of nature, compound. 2015, – № 3. – p. 514-515.*
20. Kamalov L. S., Zakirova R. P., Aripova S. F. Growth-stimulating activity of the extract of the microscopic fungus *Trichoderma harzianum* // *Uzbek Biological Journal, 2019, – № 3. – p. 13-16.*
21. Turaeva B, Soliev A, Eshboev F, Kamolov L, Azimova N, Karimov H, Zukhriddinova N and Khamidova Kh. The use of three fungal strains in producing of indole-3-acetic acid and gibberellic acid. // *Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology, 2020. – № 21. – p. 32-43.*
22. Kamolov L, Tojiyeva S, Xasanov Sh, Axmedov O, Berdimurodov E. *Stachybotrus* toxic microscopic fungus low molecular metabolites// *Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology, 2021. – № 22. – p. 50-61.*

## ДИГИДРОКВЕРЦЕТИН ФЛАВОНОИДИНИНГ ИНОТРОП ТАЪСИРИНИ ТАВСИФЛАШ

**Рустамов Ш.Ю., Жумаев И.З., Усманов П.Б. (ЎзМУ хузуридаги ББИ),  
Жўрақулов Ш.Н. (ЎЗР ФА ЎМКИ)**

**Аннотация.** Ушбу ишда дигидрокверцетин флавоноиди *in vitro* шароитида каламуш юраги папилляр мускули қисқариш фаоллигига таъсири ўрганилди. Папилляр мускул препаратларининг қисқариш фаолияти *in vitro* шароитида механография услубида мускул қисқариш кучини қайд қилувчи қурилмада SI - BAM21 - LC (World Precision Instruments Inc. (WPI); США) ўрганилди. Дигидрокверцетин флавоноиди 10 мкМ дан 60 мкМ гача мусбат инотроп таъсир кўрсатиши тадқиқ қилинди. Ушбу флавоноиднинг мусбат инотроп таъсир механизмига аниқлик киритиш учун Ca<sup>2+</sup> каналларининг блокатори нифедипиндан (IC<sub>50</sub>-0.01 мкМ) ва Na<sup>+</sup> каналларининг блокатори лидокаиндан (IC<sub>50</sub>-15 мкМ) фойдаланилди. Дигидрокверцетиннинг папилляр мускул қисқариш фаоллигига мусбат инотроп таъсири асосан Na<sup>+</sup> каналларини фаоллаштириши орқали бориши аниқланди.

**Таянч сўзлар:** *папилляр мускул, ион канал, инотроп, дигидрокверцетин.*

**Аннотация.** В этом исследовании изучается влияние флавоноида дигидрокверцетина на сократительную активность папиллярных мышц сердца крысы в условиях *in vitro*. Сократительную активность препаратов папиллярных мышц изучали в условиях *in vitro* с помощью SI-BAM21-LC (World Precision Instruments Inc. (WPI); США) в устройстве, которое регистрирует силу сокращения мышц с помощью способа механографии. Было исследовано, что флавоноид дигидрокверцетин оказывает положительный инотропный эффект от 10 мкМ до 60 мкМ. Для выяснения механизма положительного инотропного действия этого флавоноида использовали блокатор Ca<sup>2+</sup> каналов нифедипин (IC<sub>50</sub>-0,01 мкМ) и блокатор Na<sup>+</sup> каналов лидокаин (IC<sub>50</sub>-15 мкМ). Было обнаружено,

что положительный инотропный эффект дигидрокверцетина на сократительную активность папиллярных мышц в основном обусловлен активацией  $\text{Na}^+$ -каналов.

**Ключевые слова:** *сосочковая мышца, ионный канал, инотроп, дигидрокверцетин.*

**Annotation.** This study investigated the effect of the flavonoid dihydroquercetin on the contractile activity of the papillary muscle of the rat heart in vitro. The contractile activity of papillary muscle preparations was studied in vitro using SI-BAM21-LC (World Precision Instruments Inc. (WPI); SSHA) in a device that records the force of muscle contraction using a mechanography method. It was investigated that the flavonoid dihydroquercetin has a positive inotropic effect from 10  $\mu\text{M}$  to 60  $\mu\text{M}$ . To elucidate the mechanism of the positive inotropic action of this flavonoid, the  $\text{Ca}^{2+}$  channel blocker nifedipine ( $\text{IC}_{50}$  - 0.01  $\mu\text{M}$ ) and the  $\text{Na}^+$  channel blocker lidocaine ( $\text{IC}_{50}$ -15  $\mu\text{M}$ ) were used. It was found that the positive inotropic effect of dihydroquercetin on the contractile activity of papillary muscles is mainly due to the activation of  $\text{Na}^+$  -channels.

**Key words:** *papillary muscle, ion channel, inotrope, dihydroquercetin.*

Ҳозирги вақтда юрак-қон томир тизимининг патологиялари бутун дунё бўйлаб касалланиш ва ўлимнинг умумий таркибида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда, бу эса ҳар йили 17,3 миллион ўлимга олиб келади ва ЖССТ мутахассисларининг фикрига кўра, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 25 миллионга етиши мумкин [1:1838-1845]. Энг тез-тез учрайдиган юрак касаллиги юрак етишмовчилиги бўлиб, бу юрак-қон томир тизимининг деярли барча касалликларининг оғир асоратларидан бири ҳисобланади [2:261-269]. Юрак етишмовчилиги касалликларида пайдо бўладиган миокарднинг шикастланиши натижасида ривожланадиган юрак мушакларининг қисқариш фаоллигининг сезиларли даражада сусайиши билан тавсифланади [3:50-58].

Клиник кардиология амалиётида бир қанча кардиопротектор хусусиятга эга бўлган дори воситалар  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Na}^+$ -каналлари блокаторлари, адреноблокаторлар сифатида юрак ишемик касаллигини даволаш мақсадларида фойдаланилади [4:31-38, 5:365-373]. Шунингдек, сўнгги йиллар давомида экспериментал тадқиқотларда бир қатор табиий ва синтетик моддаларнинг ишемия-реперфузия шароитида самарали кардиопротектор хусусиятга эга бўлган моддалар аниқланган [6:3249-3254, 7:137-143]. Жумладан, ўсимлик флавоноидлари кучли кардиопротектор хусусиятга эга бўлиб, улар бугунги кунда юрак қон-томир тизими касалликларини даволаш учун истиқболли воситалар ҳисобланади [8:240, 9:627-633, 10:1340-1348].

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишининг мақсади дигидрокверцетин флавоноидининг in vitro шароитада каламуш миокарди функционал фаоллигига таъсири механизмини ўрганиш ҳисобланади.

#### МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Тажрибалар оқ, зотсиз каламушлар (200-250 гр.) юраги ўнг қоринчасидан ажратиб олинган ҳамда махсус тажриба камерасига жойлаштирилган папилляр мускул препаратларида (диаметри 0,5-0,8 мм, узунлиги 1-3 мм) олиб борилди. Тажриба камерасида жойлашган препаратлар доимий равишда куйидаги таркибдаги кребс эритмаси билан (мМ):  $\text{NaCl}$ -118;  $\text{KCl}$ -4,7;  $\text{CaCl}_2$ -2,5;  $\text{MgSO}_4$ -1,2;  $\text{KH}_2\text{PO}_4$ -1,1; глюкоза-5,5;  $\text{NaHCO}_3$ -25, рН-7,4 перфузия қилинган. Кребс эритмаси 35°C ҳароратда карбоген ( $\text{O}_2$ — 95 фоиз,  $\text{CO}_2$  — 5 фоиз) билан оксигенланган. Дигидрокверцетин флавоноиди миокард қисқариш фаоллигига таъсири изометрик режимда in vitro шароитда механография услубида мускул қисқариш кучини қайд қилувчи қурилмада SI - BAM21 - LC (World Precision Instruments Inc. (WPI); США) олиб борилди. Ушбу приборда механик сигнал SI - пьезоэлектрик датчик KG20 SI - BAM21 – LCV орқали қурилмадан фойдаланилган ҳолда олинди. Кучайтиргич орқали узатилган сигнал iWorx LabScribe2 махсус дастури ёрдамида рақамли форматда ПК га узатилиб қайд қилиб борилди ҳамда математик ва статистик таҳлил қилинди. Мускул препарати ЭСЛ-2 стимулятори ва Pt-электродлар ёрдамида 0,1-3 Гц частотада, 10 мс давомийликдаги, поғона даражасидан 20 фоиз ортувчи ток кучи билан кўзгатилади.

Дигидрокверцетин флавоноидининг инотроп таъсир механизмини баҳолаш учун, унинг папилляр мускул қисқариш фаоллигига таъсирини in vitro шароитида дозага боғлиқ таъсири ўрганилди. Шунингдек, ушбу флавоноиднинг таъсир механизмини аниқлаш учун

Ca<sup>2+</sup> канали специфик блокатори нифедипин (IC<sub>50</sub>-0.01 мкМ) ва Na<sup>+</sup> - каналанинг специфик блокатори лидокаин (IC<sub>50</sub>-15 мкМ) дан фойдаланилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари OriginPro 7.5 (OriginLab Corporation, США) статистик дастур асосида таҳлил қилинди.

**ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**


Кимёвий бирикмалар орасида флавоноидлар физиологик таъсир спектри кенг диапазонга эга ҳисобланади [3:50-58]. Жумладан, шундан айримларининг юрак-қон томир тизими касалликларига антиаритмик ва кардиотроп таъсир кўрсатиши тавсифланган. Бизнинг тажрибаларда дигидроқверцетиннинг каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига дозага боғлиқ таъсири текширилганда, ушбу флавоноид барча концентрацияларда мусбат инотроп таъсир кўрсатиши аниқланди.

1-расм, Б. да тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дигидроқверцетин флавоноиди папилляр мускули қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда – 51,8±3,1 фоиз, га ошириши аниқланди. Шу билан бирга, флавоноиднинг мускул қисқариш кучини ярим максималга камайтирувчи IC<sub>50</sub> қиймати концентрацияси мос равишда - EC<sub>50</sub> 21.2 мкМ ни ташкил қилди.

1-расм. А.

**Дигидроқверцетин флавоноидинининг каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига дозага боғлиқ мусбат инотроп таъсири (оригинал ёзув)**


А



1-расм, Б.

**Дигидроқверцетин флавоноидинининг дозага боғлиқ инотроп таъсири**

Б




Ордината ўқида – максималга нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланган қисқариш кучининг амплитуда қиймати, абсцисса ўқида - дигидроқверцетиннинг концентрацияси (мкМ) кўрсатилган. Стимуляция частотаси 1 Гц ( $t=+36\pm 0,5^{\circ}\text{C}$ );  $n=3-5$ ).

Маълумки, кўплаб фармакологик агентларнинг мусбат инотроп таъсирининг асосий сабабларидан бири бу кардиомиоцитларда ҳужайра ички ( $[\text{Ca}^{2+}]_i$ ) ионлари миқдорининг камайиши ётади. Ушбу агентларнинг айримлари ҳужайра ташқарисидан кардиомиоцитлар ички муҳитига  $[\text{Ca}^{2+}]_i$  киришини камайтиради ва бошқалари эса ҳужайра ички  $\text{Ca}^{2+}$ -депосининг  $\text{Ca}^{2+}$ -транспорт тизимларини модификация қилади [11:110-122].

Дигидроқверцетин флавоноидининг мусбат инотроп таъсирини таъминланишида  $\text{Ca}^{2+}$  ионларининг ўрнини аниқлаш учун каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига  $\text{Ca}^{2+}_L$ -каналларининг специфик блокатори нифедипин иштирокида ўрганилаётган флавоноиднинг таъсири текширилди. Ушбу экспериментда нифедипиннинг 0,01 мкМ га тенг бўлган концентрациясидан фойдаланилди, бу унинг  $\text{IC}_{50}$  қийматига мос келади ва папилляр мускул қисқариш кучини 50 фоизга камайтиради. Бунда муҳитда нифедипин 0,01 мкМ мавжуд шароитида дигидроқверцетин (60 мкМ) нинг мусбат инотроп таъсири назоратга нисбатан мос равишда –  $43,3\pm 4,2$  фоизга тенг бўлиши аниқланди (2-расм).

2-расм.

**Нифедипин мавжуд шароитда дигидроқверцетиннинг папилляр мускул қисқариш фаоллигига таъсири.**



Ордината ўқида - каламуш юраги папилляр мускули қисқариш кучи, максималга нисбатан фоизда ифодаланган, 100 фоиз деб қабул қилинган. Кўзгатиш частотаси 1 Гц. Барча ҳолатларда  $n = 6$ .


Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нифедипин мавжуд шароитда дигидроқверцетин флавоноиди мускул қисқариш кучини ошириш хусусияти сақланиб қолди, лекин нифедипин йўқ шароитдаги даражаси билан бир хил эмас. Фаоллигини кўшимча равишда қисман камайтириши аниқланди. Ушбу маълумотлар ўрганилаётган флавоноиднинг мусбат инотроп таъсирида кардиомиоцитларнинг потенциалга боғлиқ  $\text{Ca}^{2+}_L$ -каналларини фаоллаштириши орқали бориши ва кардиомиоцитларга  $\text{Ca}^{2+}$  ионларининг киришини қисман ошириши мумкин.

Маълумки, кўплаб мусбат инотроп таъсир кўрсатувчи воситаларнинг таъсири сарколеммада потенциалга боғлиқ  $\text{Na}^+$ -каналларининг фаоллашиши билан боғлиқ бўлиб, бу эса юрак мускул қисқариш фаоллигини ошириши билан боради. Ушбу воситалар кардиомиоцитда  $[\text{Ca}^{2+}]_i$  сатҳини ошириши натижасида юрак мускул қисқариш фаоллигининг ортишига олиб келади. Шу билан бирга, дигидроқверцетин флавоноидининг таъсирини

таъминлашда потенциалга боғлиқ  $\text{Na}^+$ - каналларининг ролини тушунтириш мақсадида ушбу каналларнинг специфик блокатори лидокаин иштирокида папилляр мускул қисқаришига уларнинг таъсирини ўрганилди [12:578-590]. Ушбу тажрибаларда лидокаиннинг  $\text{IC}_{50}$  қийматига мос келувчи 5 мкМ концентрацияси иштирокида дигидрокверцетин (60 мкМ) флавоноиди таъсиридаги қиймати назорат билан солиштирилганда папилляр мускул қисқариш кучини мос равишда –  $81,4 \pm 3,4$  фоизни ташкил этди (3-расм).

3-расм.

**Лидокаин мавжуд шароитда дигидрокверцетин флавоноидининг папилляр мускул қисқариш фаоллигига таъсири**



Ордината ўқида – максималга нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланган қисқариш кучининг амплитуда қиймати, ифодаланган. (n=5).

Лидокаин билан олиб борилган тажрибаларда олинган натижалар билан бир қаторда дигидрокверцетин флавоноидининг мусбат инотроп таъсирини таъминлашда кардиомиоцитларни  $\text{Na}^+$ -каналлари муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Бунда,  $\text{Na}^+$ -каналларининг фаолашиши кардиомиоцитларда  $\text{Na}^+$ - ионларининг ортишига олиб келади ва  $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувнинг тескари реверсион фаолашиши натижасида цитозолга  $\text{Ca}^{2+}$  ионларининг киришини кучайтиради ва бу  $[\text{Ca}^{2+}]_i$  миқдорини ҳамда СР даги захирасининг ортишига олиб келиши мумкин.

Юқорида олиб борилган барча тажрибалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, дигидрокверцетин флавоноидининг папилляр мускул қисқариш фаоллигига мусбат инотроп таъсирини таъминлашда асосан  $\text{Na}^+$ -каналларининг фаолашиши асосий ўрин тутди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Braunwald E, The war against heart failure: the Lancet lecture. The Lancet. 2015, Vol 38, No 15, – PP. 1838–1845.
2. Wright P., and Thomas M. Pathophysiology and management of heart failure. Clinical Pharmacist. 2018, Vol 10, No 12, PP. 261-269.
3. Mc Murray J.J and Stewart S. European Heart Journal Supplements, 2002, 4 (Supplement D), D50-D58.
4. Глезер М.Г., Асташкин Е.И., Новиков М.В. Лечение стабильной стенокардии: современное состояние вопроса // Фарматека. – 2013. – № 18. – С. 31–38.
5. Werdan K., Ebelt H., Nuding S. et al. Ivabradine in combination with beta-blocker improves symptoms and quality of life in patients with stable angina pectoris: results from the ADDITIONS study // Clin. Res. Cardiol. – 2012. – Vol. 101, N 5. – P. 365–373.

6. Jintao W., Jun Z., Weihong Z. et al. The study on protective mechanism of preconditioning with different treatment courses of Probucol on ischemia-reperfusion injury in cirrhotic rats // Chongqing Medicine. – 2012. – N 31 – P. 3249–3254.

7. Житникова Л.М. Метаболическая терапия, или кардиопротекция – как необходимый компонент комбинированной терапии сердечно-сосудистых заболеваний // Российский медицинский журнал. – 2012. № 4. – С. 137–143.

8. Барнаулов О.Д. Фитотерапия больных сердечно-сосудистыми заболеваниями. 2010, – 240 с.

9. Lu N, Zhang Y, Gao Z. Nitrite-glucose-glucose oxidase system directly induces rat heart homogenate oxidation and tyrosine nitration: Effects of some flavonoids//Toxicol. In Vitro. -2009. -Vol. 23(4). – P. 627-633.

10. Selmi C, Cocchi C.A, Lanfredini M, Keen C.L, Gershwin M.E. Chocolate at heart: the anti-inflammatory impact of cocoa flavanols // Moï. Nutr. Food Res. -2008. -Vol. 52(11). – P. 1340-1348.

11. Цүг S., Nadine J.O., and Alexandra P.; Pharmacology of L-type Calcium Channels: Novel Drugs for Old Targets? // Curr Mol Pharmacol. – 2015 Aug. – V. 8(2). – P. 110-122.

12. Shey-Shing Sheu and W. J. Lederer. Lidocaine's Negative Inotropic and Antiarrhythmic Actions Dependence on Shortening of Action Potential Duration and Reduction of Intracellular Sodium Activity// Circulation Research. – 1985. – V. 57. – N. 4. – P. 578-590.

*Наширға доц. Л.Камолов тавсия этган*

**ABOUT MODERN NUTRITION OF TEENAGERS OF THE SOUTHERN REGIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN****Umedova Sh.N. (KarSU)**

**Annotation.** The article is devoted to the study of modern nutrition of teenagers of 17-18 years old in Kashkadarya and Surkhandarya regions – the southern regions of The Republic of Uzbekistan. The results showed that the amount of vitamins B<sub>1</sub>, B<sub>6</sub>, A and D in the boys' food are higher compared to the norm by 87%, 50%, 20% and 12%, respectively, but the amount of vitamins B<sub>2</sub>, B<sub>9</sub> and C is lower in composition of food consumed. In girls' food, only vitamins B<sub>1</sub> and B<sub>6</sub> were higher than normal levels by 91% and 69%, respectively. Other vitamins (B<sub>2</sub>, B<sub>9</sub>, B<sub>12</sub>, PP, C, A, and D) are less than in norm. Amounts of minerals consumed by teenagers in composition of food, was a significantly lower in both groups, and only normal level of iron was registered in boys' food. In addition, was found a low amount of macronutrients in the daily nutrition of the schoolchildren.

**Аннотация.** Мақола Ўзбекистон Республикаси жанубий ҳудудлари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидаги 17-18-ёшли мактаб ўқувчиларининг амалдаги овқатланишини ўрганишга бағишланган. Олинган натижаларга кўра, текширилувчилардан ўғил болаларнинг овқатида В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub>, А ва Д витаминларининг миқдори меъёрга нисбатан тегишли ҳолда 87, 50, 20 ва 12 % га кўп, Витамин В<sub>2</sub>, В<sub>9</sub> ва С ларнинг миқдори эса истеъмол таомлари таркибида камлиги қайд қилинган. Қизларда эса витаминлардан фақатгина В<sub>1</sub> ва В<sub>6</sub> витаминларининг меъёрга нисбатан 91 ва 69 % га кўп. Қолган витаминлар (В<sub>2</sub>, В<sub>9</sub>, В<sub>12</sub>, РР, С, А ва Д) меъёрга нисатан кам қабул қилинган. Минерал моддаларнинг ўқувчилар томонидан озик моддалар билан истеъмол қилиниши ҳар иккала гуруҳ вакилларида меъёрга нисбатан сезиларли даражада кам, фақатгина темир элементининг қабул қилинишини ўғил болаларда меъёр атрофида эканлиги қайд қилинди. Шунингдек, ўқувчилар овқатида макронутриентларнинг ҳам суткалик миқдори меъёр даражасидан камлиги қайд қилинди.

**Таянч сўзлар:** *соғлом овқатланиш, нутрициология, макронутриент, микронутриент, пластик материал, фаст-фуд.*

**Keywords:** *healthy eating, nutrition, macronutrient, micronutrient, plastic material, fast food.*

**Аннотация.** Статья посвящена изучению современного питания подростков 17-18 лет в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях - южных регионах Республики Узбекистан. Результаты показали, что количество витаминов В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub>, А и D в пище мальчиков выше нормы на 87%, 50%, 20% и 12% соответственно, но количество витаминов В<sub>2</sub>, В<sub>9</sub> и С ниже в составе потребляемой пищи. В пище девочек только витамины В<sub>1</sub> и В<sub>6</sub> были выше нормы на 91% и 69% соответственно. Остальные витамины (В<sub>2</sub>, В<sub>9</sub>, В<sub>12</sub>, РР, С, А и D) меньше нормы. Количество минеральных веществ, потребляемых подростками в составе пищи, было значительно ниже в обеих группах, а в пище мальчиков регистрировался только нормальный уровень железа. Кроме того, в ежедневном питании школьников обнаружено низкое количество макроэлементов.

**Ключевые слова:** *здоровое питание, питание, макроэлементы, микронутриенты, пластический материал, фаст-фуд.*

**Relevance of the topic:** According to the Food and Agriculture Organization of the UN and The World Health Organization, currently more than 840 million people around the world are underfed, more than 30 percent of the world's population suffers from malnutrition, a micronutrient deficiency. Figuratively speaking, the following words of the First President of The Republic of Uzbekistan I.A. Karimov about a nutritious (healthy) food: "A full-fledged nutrition largely depends on its structure, sufficient saturation with nutritious and high-quality substances that ensure normal development and the functioning of the body necessary for normal metabolism, health promotion, disease prevention, retardation of aging process and prolonging life. In this regard, taking of essential amino acids, vitamins, mineral substances, microelements and other substances not produced in the body with food is the most important for human life. In other words, it is no secret that the health of the person, his long and prosperous life depends on proper and balanced diet, the most important component of which are fruits and vegetables" [1].

The intellectual potential of the organism, especially the growing, primarily depends on healthy nutrition, and the intensity of growth and development processes, physical activity and resistance to the effects of environmental factors and adaptability on the reception of a sufficient number of macro- and microelements, established by the norms of nutriceology (science of



nutrition). Therefore, it is desirable that the diet of the growing organism was fired sufficiently to meet their daily requirements [2, 3, 5, 7, 8].

**Object and subject of research:** Studies were conducted in Kashkadarya and Surkhandarya regions by method of questioning 17-18 years old teenagers. Of them 150 teenagers were from secondary schools No5, No29 and No34 of Karshi (83 boys and 67 girls) and 120 teenagers - from secondary schools No8 and No14 of Termez cities (56 boys and 64 girls) [4, 6].

**Research methods:** In the study were used questionnaires ation, biochemical and statistical methods.

**Purpose of research:** Study modern nutrition of teenagers and developing habits of healthy nutrition.

For the first time in our research the level of coverage of the physiological needs of teenagers in macro and microelements are determined in the conditions of the cities of Karshi and Termez by studying their modern nutrition.

**Results and discussion:** The obtained results were compared with the normal requirements of different groups of the population of The Republic of Uzbekistan in nutrients and energy [9].

The following table provides data on the amount of macro- and micronutrients, as well as the energy value of the main nutrients (proteins, fats, carbohydrates) in the winter season (January, February) in composition of the nutrition of teenagers in the cities of Termez and Karshi.

Table 1.

**Quantity of macronutrients in daily nutrition of 17-18 years old teenagers and their energy value**

Indicators (g)	Boys			Girls		
	norm*	Fact	difference, %	norm*	fact	difference, %
<b>Proteins</b>	<b>104</b>	85	-18	<b>90</b>	64	-29
<b>Fats</b>	<b>104</b>	92	-12	<b>90</b>	66	-27
<b>Carbohydrates</b>	<b>450</b>	346	-23	<b>380</b>	295	-22
<b>Energy value, kcal</b>	<b>3100</b>	2622,7	-15,4	<b>2750</b>	2086	-24

\* SanPiN No 0250-08. Tashkent. 2008.

Results indicate that boys' needs in protein covered in 85 g instead of the daily norm of 104 g (18% less), and the girl's needs in 64 g instead of the daily norm of 90 g (29% less).

The amount of fats in the daily menu of boys was less than the norm and amounted to 92 g instead of 104 g (12% less), this indicator for girls was also less than the norm – 66 g instead of 90 g (27% less). Similarly, the intake of total carbohydrates was also below than normal levels. If boys consumed 346 g of carbohydrates instead of 450 g (23% less) during the day, girls consumed 295 g instead of 380 g (22% less). When calculating the total energy in macronutrients in boys' food, this figure was 2,622.7 kcal instead of 3,100 kcal (15.4% less), and for girls 2,086 kcal instead of 2,750 kcal (24% less).

Table 2.

**The amount of minerals in the composition of daily food for 17-18 years old teenagers**

Mineral substances	Boys			Girls		
	norm*	fact	difference, %	norm*	fact	difference, %
Calcium	1200 mg	750	-38	1200 mg	769	-36
Phosphorus	1800 mg	1317	-27	1800 mg	1040	-42
Iron	15 mg	15,2	+1	18 mg	14,2	-21
Iodine	150 mcg	56	-63	150 mcg	59	-61

\* SanPiN No 0250-08. Tashkent. 2008.

Table 2 shows the data on the amount of mineral substances taken by teenagers. As it can be seen, the boys' need for calcium is covered only by 750 mg instead of 1,200 mg (38% less). The calcium content in the girl's diet is 769 mg instead of 1200 mg (36% less). If boys during the day consume 1317 mg of phosphorus instead of 1800 mg (27% less), then girl's need for phosphorus is covered only by 1040 mg instead of 1800 mg (42% less). Non-coverage with the daily need for iodine is even more obvious: for boys – 56 mcg instead of 150 mcg (63% less), and for girls – 59 mcg (61% less). Of the other elements studied, only iron was taken as norm for boys, and for girls the content of this mineral substance was less than normal by 21%.

Table 3.

**The amount of vitamins in the composition of daily products of 17-18 years old teenagers**

Vitamins	Boys			Girls		
	norm*	Fact	difference, %	norm*	fact	difference, %
B <sub>1</sub>	1,5	2,8	+87	1,3	2,48	+91
B <sub>2</sub>	1,8	1,4	-22	1,5	1,1	-27
B <sub>6</sub>	2,0	3	+50	1,6	2,7	+69
B <sub>9</sub>	200	124,4	-38	200	116,7	-42
B <sub>12</sub>	3,0 mg	3,02	+1	3,0	2,36	-21
PP	20	20,2	+1	17	13,3	-22
C	70	52,2	-25	70	52,8	-25
A	1	1,2	+20	0,8	0,62	-23
D	2,5 mcg	2,8	+12	2,5	1,66	-34

\* SanPiN No 0250-08. Tashkent. 2008.

As can be seen from table 3, boys intake of vitamins B<sub>1</sub>, B<sub>6</sub>, A and D, which ensure the normal course of life processes, increase mental and physical abilities, is distinguished by a high level compared with the norm. The amount of vitamins B<sub>2</sub>, B<sub>9</sub> and C in the composition of food consumed was lower (less by 22%, 38% and 25%, respectively). The intake of vitamins PP (nicotinic acid) and B<sub>12</sub> (cyanocobalamin) as part of a daily food can be considered equal to norm.

Unlike boys, girls intake only vitamins B<sub>1</sub> and B<sub>6</sub> in their nutrition in norm, while all other vitamins – B<sub>2</sub>, B<sub>9</sub>, B<sub>12</sub>, PP, C, A and D are lower (less by 27%, 42%, 21%, 22%, 25%, 23% and 34%, respectively).

**Conclusions:** The low amount of macro- and microelements contained in the composition of daily consumed food, as mentioned above, has a negative impact on growth, development, health of the body and the familiarization of knowledge. To avoid this, first of all, it is necessary to form a healthy nutrition among teenagers through agitation, as well as to organize special commissions to monitor the quality of food in school canteens. At the same time, it is important to organize round tables with relevant specialists, biologists and parents to improve teenagers' knowledge and skills in following the rules of healthy nutrition. If pay special attention to the formation of the principles of healthy nutrition of teenagers, as mentioned above, it would contribute to occurrence of a healthy and mentally developed generation ready for serving the country.

### References

1. Каримов И.А. “Ўзбекистонда озик-овкат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи 2014, 7 июн. – №110, 1-2-бетлар.
2. Глобальная стратегия по питанию, физической активности и здоровью. ВОЗ. – Женева, 2004. – 18 с.
3. Кондратьева И.И., Абрамова Е.И., Шумилова С.Л и др. К характеристике фактического питания, физического развития и состояния здоровья школьников Москвы // Вопросы питания – Москва, 1993. – №1. – С. 23-26.
4. Методические рекомендации по вопросам изучения фактического питания и состояния здоровья населения в связи с характером питания / Зайченко А.И., Волгарев М.Н., Бондарев Г.И и др. – Москва– 1986. – 86 с.
5. Смоляр В.И. Рациональное питание. – Киев: Наукова Думка, 1991. – 368 с.
6. Химический состав пищевых продуктов: Книга 1: Справочные таблицы содержания основных пищевых веществ и энергетической ценности пищевых продуктов / Под ред. проф., д-ра техн. наук И.М. Скурихина, проф., д-ра мед. наук М.Н. Волгарева – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ВО «Агропромиздат», 1987. – 224 с.
7. Курбонов Ш.Қ. Овқатланиш маданияти. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 209 б.
8. Курбонов Ш. Қ, Дўсчанов. Б.О, Курбонов. А. Ш., Каримов О. Р. Соғлом овқатланиш физиологияси. – Қарши, 2018. – 436 б.
9. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси турли гуруҳларининг озик моддалар ва энергияга бўлган физиологик талаб меъёрлари. СанПин-0250-08. Д.Ж.Шарипова ва бошқалар. ТТАУФ. – Тошкент, 2008. – 38 б.

*Recommended for printing prof. Sh.Kurbanov*

## LIMNIRIS (TAUSH) КЕНЖА ТУРКУМИ (*IRIS L.*) ТУРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ

**Ортиков Э.А., Тоғаев С.А., Рахматов А.А.,  
Бухоров Ғ.Х.** (ЎзР ФА Ботаника институти)

**Аннотация.** Ушбу мақолада, *Iris songarica* Schrenk Fischer & Meyer ва *Iris losizy* Kanitz турларининг морфологияси, систематикаси, экологияси ҳақида маълумотлар келтирилди. Шу билан бирга ушбу турларнинг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича таксимланиши ўрганилди.

Ўзбекистон Миллий гербарий фонди ва Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги (MW) гербарий фондларида сақланаётган ушбу турларнинг гербарий намуналари ўрганилиб, олиб борилган дала тадқиқотлари асосида йиғилган намуналарга асосланган ҳолда турларнинг тарқалишини акс эттирувчи харита берилган.

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон, флора, гербарий, ҳудуд, тур, туркум, ареал, гербарий, ботаник-географик район, флора, фонд, харита.

**Аннотация.** Данная статья содержит информацию по морфологии, систематике, экологии видов *Iris songarica* Schrenk Fischer & Meyer и *Iris losisy* Kanitz. В то же время изучено распространение данных видов в пределах ботанических и географических районов Узбекистана.

Были изучены образцы гербариев этих видов, хранящиеся в гербарных фондах Национального гербария Узбекистана и гербарного фонда Московского государственного университета им. М. В. Ломоносова (МВ). На основе материала, собранного в ходе полевых исследований и хранящихся в гербарных фондах, была подготовлена карта, отражающая современное распространение видов.

**Ключевые слова:** регион, вид, род, ареал, гербарий, ботанико-географический районы, флора, фонд, карта.

**Annotation.** This article includes information on morphology, systematics and ecology of *Iris songarica* Schrenk Fischer & Meyer and *Iris losisy* Kanitz species. Also distribution of these species within botanical and geographical regions of Uzbekistan was studied.

The herbarium specimens stored at the Funds of the National herbarium of Uzbekistan and Moscow State University named after of M. V. Lomonosov (MW) were studied. The map of the modern distribution of the species was developed based on material gathered during expeditions and from Herbarium Funds.

**Key words:** region, species, genus, areal, herbarium, botanical and geographical regions, flora, fund, map.

### Қириш.

Ҳозирги кунда ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, давлат кадастрини юритиш, биологик хилма-хиллигини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, чўлланишнинг олдини олиш, ўсимликларнинг мосланишларини ҳар томонлама ўрганиш, ўзига хос эндем ва реликт турларнинг бой таркибига эга минтақаларнинг таксономик хилма-хиллигини замонавий методлар ёрдамида аниқлаш, флора генезиси ва эндемизм фракцияларнинг шаклланиш марказларини ўрганиш ботаника фанининг олдидаги асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Булар қаторига мунозарага сабаб бўлаётган гуруҳлар устида аниқ мақсадли тадқиқотлар олиб боришни кўшиш мақсадга мувофиқдир. Сўнги йилларда ғарб ва шарқ олимлари ўртасида систематик жихатдан мунозарага сабаб бўлаётган гуруҳлардан бири *Iris* L. (*Juno* Tratt.) туркумидир. Мазкур туркум турлари антропоген омилнинг индикатори ҳисобланиб, чорва моллари кўп боқиладиган, чўл, тоғ олди ва қуйи тоғ минтақаларида, баъзан ўрта тоғ минтақасида ҳам кенг тарқалган. *Iris* L. туркуми биринчи бўлиб, 1753 йилда Карл Линней томонидан *Asparagales* оиласидан ажратилган. Шундан сўнг бир қатор олимлар томонидан туркум турларининг морфологияси ўрганилиши натижасида *Iris* туркуми таксономиясида сезиларли ўзгаришлар юз берган [4]. Philip Miller (1754) *Hermodactylus* ва *Xiphion*, Leopold Trattinnick (1817) *Juno*, Ignaz F. Tausch ва R. A. Reichenbach (1823, 1841) *Limniris*, С. А. Невский (1937) *Sclerosiphon*, Г. И. Родиненко (1961) *Iris* кенжа туркумларини *Iris* L. туркумидан ажратган [1]. 1878 йилда J. Вейкер пиёзли гуллари бир нечта турини *Iris* L. турига бирлаштирган ва уларни *Xiphion* L. турлари деб номлаган. 1812 йилда R. Salisbury илдизпояли *Iris* турига яқин бўлган турларни янги туркумга яъни *Hermodactylus Salisb* янги кенжа туркумига ажратади. Шундан сўнг 1953 йилда Америкалик ботаник А. Lourens томонидан *Iris* туркуми систематикасини туркум, кенжа туркум, секция, серияга ажратишни асослаб берди. *Iris* L. туркумининг ҳозирги замонавий систематикасига кўра, ташқи морфологияси, гул тузилиши, ранги, барглариининг ҳолати, илдизпояси ва пиёзи ҳамда табиий географик тарқалишига қараб ушбу туркум 6 та кенжа туркумга ажратилди: *Limniris* (*Tausch*) *Spach*, *Iris* (*Lawrence*) *Mathew*, *Nepalensis*, *Xiphium* (Miller) *Spach*, *Hermodactyloides* *Spach*, *Scorpiris* *Spach*. [2]. Лекин бу ҳолатни айрим ғарб олимлари тан олишмайди. Юқоридаги олимларнинг изланишларидан кўриниб турибдики, туркум турлари устида баҳс-мунозаралар ўз ниҳоясига етгани йўқ. Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон флорасида тарқалган *Iris* туркуми турлари устида кенг кўламдаги тадқиқотлар олиб бориш кераклигини кўрсатмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида, Тоғли Ўрта Осиёнинг Помир Олой ва Ғарбий Тиёншон тизмалари туркумининг вакилларига бойлиги ва уларнинг хилма хиллиги баланд ажралиб туради. Ҳозирга қадар фанга қиритилган кўпгина турлар учун Ўзбекистон худуди *locus classicus* ҳисобланади. Туркум

турларининг умумий тарқалишига эътибор берилса, туркум турлари ўзига хос икки минтақа Фарбий Тиёншон ва Помир Олойдаги мустақиллашган тур ҳосил бўлиш марказларига тўғри келишини кўриш мумкин. Ҳозирга қадар, Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турлари устида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламдаги (тур таркиби, географияси, баландлик минтақалари тарқалиш, экологияси, камёб ва эндем турларининг муҳофаза чоралари, ўсимликлар қопламидаги ўрни сингари тадқиқотлар олиб борилмаган. Олиб борилган айрим тадқиқотлар маълум бир турларнинг морфологияси, фенологияси, уруғ унвчанлиги, мосланиши каби изланишлар билан чекланган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда *Iris* туркумининг фондларда сақланаётган гербарий намуналари ва олиб борилган дала тадқиқотларимизда йиғилган материаллар асосида *Limniris* секцияси мансуб бўлган *I. loczyi* August Kanitz, ва *I. songarica* Schrenk Fischer & Meyer. турларини Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тақсимланиши амалга оширилди.

#### Методлар.

Туркумнинг *Limniris* секцияси мансуб бўлган *I. loczyi* August Kanitz, ва *I. songarica* Schrenk Fischer & Meyer. турларини Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тақсимланиши амалга оширишда М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети (MW) гербарий фондида сақланаётган ҳамда Ўзбекистон миллий гербарийси TASH фондида сақланаётган намуналар асосида амалга оширилди. Турларнинг сўнгги умумқабул қилинган номлари International Plants Names Index ([www.ipni.org](http://www.ipni.org)), the World plants Catalogue of Life ([www.catalogueoflife.org](http://www.catalogueoflife.org)) ва Plants of the World online ([www.plantsoftheworldonline.org](http://www.plantsoftheworldonline.org)) бўйича, таксонларнинг муаллифлари “Authors of Plant Names” R.K. Brummit, C.E. Powell (1992) қўлланмасидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди. Ўрганилган барча намуналарнинг географик координаталари Google Earth дастури асосида аниқланиб, ArcGIS 10.0 бўйича турнинг тарқалиш харитаси тузилди. Ўзбекистон ботаник-географик районлар бўйича тақсимланиши К.Ш. Тожибаев ва бошқалар (2016) томонидан ишлаб чиқилган схема бўйича амалга оширилди.

#### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.

Ўзбекистон флорасида *Iris* L. туркумининг 3 секциясига мансуб бўлган 45 тури тарқалган, мазкур рақамлар кейинчалик олиб борилаётган изланишлар ва айрим систематик тадқиқотлар натижасида ўзгаришда холи эмас. Чунки ҳозирги кунда Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турлари устида аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар давомида куйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган: флорадаги турларни тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталарини тузиш, Ўзбекистондаги маъмурий вилоятлар бўйича тарқалиши, ботаник-географик районлар бўйича тақсимланиши, турларнинг ареал типлари, баландлик минтақалари бўйича тарқалиши, экологияси, замонавий молекуляр методларни қўллаш орқали турларнинг филогенетик шажарасини тузиш, баркодини яратиш, тирик коллекцияларини яратиш, айниқса, молекуляр методларни қўллаш орқали мунозараларга барҳам бериш асосий мақсадлардан биридир.

Флорадаги туркум *Limniris* секцияси *I. loczyi* Kanitz, *I. songarica* Schrenk турлари киради. Мақолада мазкур икки турнинг Ўзбекистонни ботаник-географик районларда тарқалиши келтирилган бўлиб, мазкур таҳлиллар илк бор амалга оширилмоқда.


*Iris loczyi* Kanitz *Növényt. Gyujtesek Eredm. Grof Szechenyi Bela Keletasziai Utjabol* 58 1891. Ушбу тур August Agosto Kanitz томонидан фанга киритилган бўлиб, илдизпояли, кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Барглари узун ва ингичка, чизикли, яшил-кулранг, узунлиги 20–40 см, эни 2–5 см, экологик муҳит шароитидан келиб чиққан ҳолда барглари баъзан доим яшил бўлиши мумкин. Гулпоясининг узунлиги 15–30 см, баъзан улар ер сатҳидан юқори бўлади. Гулларининг диаметри 4–7 см бўлиб, бинафша, кўк бинафша ва тўқ кўк рангда. Гулда 3 та ташқи гултожбарглари ва 3 та ички гултожбарглари бор, узунлиги 6 см ва кенлиги 1–2 см. У ингичка толали, тугунча ёки жигарранг-қора илдизларга эга бўлиб, қаттиқ қобиқларни ҳосил қилади. Илдизпоянинг тепасида майда жигарранг, толали қолдиқлари (охирги мавсум барглари) қобиғи (янги барглари) жойлашган. Апрель-май ойларида гуллайди, июнь-июль ойларида мева ҳосил қилади.

Турнинг ареали Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Тибет ва Хитойнинг тоғли худудларига тўғри келади. Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH), Москва давлат университети (MW) гербарий фондларида сақланаётган ҳамда дала тадқиқотлари давомида йиғилган гербарий намуналари асосида мазкур турнинг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тарқалиши амалга оширилди.

Бунга кўра: I-1 **Ғарбий-Тиёншон округи**. I-1-е **Чоркесар ботаник-географик райони**: Кураминский хр. (Папский р-н, Чадаксай, Айгир-байтал, 10.09.2010, *Каримов* n<sup>0</sup>1). I-3 **Фарғона-Олой округи**. I-3-б **Шарқий-Олой ботаник-географик райони**: Алайский хр. (Урочище Катта-ишман, 25.06.1949, *Сахобитдинов*, *Ли* n<sup>0</sup>133). I-6 **Ғарбий-Хисор округи**. I-6-а **Қашқадарё ботаник географик райони**: Зарфшанский хр.(верховья бас. р. Қашқадарья. окр. Фароб, уш. р. Танги-Фароб, 18.05.1936, *Гнездило* n<sup>0</sup>98; верховья басс. р. Яккабаг-дарья. окр. киш. Ташкурған. 12.07.1936, *Бочанцев*, *Бутков* n<sup>0</sup>880). I-6-d **Кухитанг ботаник географик райони**: Кугитангский хр. (к востоку от киш. Базар-тюбе, 2189 м. 16.05.1928. *Богданович*, *Рябов* n<sup>0</sup>29). I-5 **Кўхистон округи** I-5-с **Ургут ботаник-географик райони**: Заравшанский хр. (Аман-кутанская лесная дача. Задернованный склон, 27.05.1933, *Дробов*, *Сахобутдинов* n<sup>0</sup>73a).

1-расм.

*Iris losizy* **Kanitz** турининг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тақсимланиши [3].




*Iris songarica* Schrenk Enum. Pl. Nov. 1: 3 1841. тури 1841 йил Alexander Gust Schrenk фанга киритилган бўлиб, илдиз поясининг устки қисмидаги қобиғи уни ташқи томонидан ўраб туради. Барглариининг узунлиги 15-23 см. дан 70-80 см. гача, кенлиги еса 2-3 мм. дан 7-10 мм. гача кенгайиб боради. Гул поясининг узунлиги 25-50 см. Гулпоясининг устида узунлиги 7-14 см, кенлиги 1.8-2.0 см.ли ғунчалари жамланган бўлиб одатда 2-3 тадан, камдан-кам ҳолларда 3-5 тадан жойлашган бўлади. Гулларида 3 жуфт ташқи “тушувчи” деб номланган тожбарглари ва 3 жуфт ички “стандартлар”деб номланувчи ички тожбарглари мавжуд. Воронкасимон гуллариининг диаметри 8-9 см. рангги бинафша ва тўқ кўк рангда июнь-июль ойларида овалсимон цилиндрсимон жигарранг уруғлар ҳосил қилади. Ушбу турнинг аруали асосан Афғонистон, Покистон, Эрон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон худудларига тўғри келади.

Ушбу турнинг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйлаб тарқалиши:

**I-1 Ғарбий–Тиёншон округи. I-1-е Чоркесар ботаник-географик райони:** (В 3 км на юго-восточный от к Гава галечниковая-попынновая-злаковая разнотравная степь, 14.07.1931, *Кнорринг, Емлис*, n<sup>0</sup>144, (MW); Ферганская долина. По дороге от сел. Чуст в сел. Гавасай. 25.05.1952, *Арифханова*, n<sup>0</sup>1030), (TASH); **II-4 Бухоро округи. II-4-б Қуйи-Зарафшон ботаник-географик райони:** (Самарканд, на р. Даргоме, 31.05.1921, *Попов*, n<sup>0</sup>67); (Кызылкум, Нурота р-н, с/х Кызылча, 07.05.1951 *Новикова*); (Самаркандская обл. По степи за Даргомом, 05.06.1920, *Гомолицкий*); (Кызылкумы, Кенимехчуль, озеро Шор-куль, 08.05.1935 *Пугасова*, n<sup>0</sup>46); (Кызылкумы, Кенимехчуль, 19.06.1935, *Тарасевич, Климовская*, n<sup>0</sup>42); (Навоийский р-н, Малик-чуль, к ЮЗ от ст. Кермине, в ириснике, 27.04.1965, *Пряхин*); (Катта-Курганский у., горы Зиндонтау у села Муса-Кок, 06.05.1925, *Попов*, n<sup>0</sup>54); (Щебнистый пустынный светлозем вблизи города Кермине, 05.06.1931, *Никаноров*); (Глинистая пустыня в окр. Каттакурғана, 30.05.1927, *Александрова*); (Южный Кызылкум. Кенимехчуль, с/х 40 лет Октября от к/к Ходжа-казган на юг 6 км, 15.05.1964, *Иванова*); (Южный Кызылкум. Кенимехчуль, в 7 км к СВ от кол. Кызыл-кудук, на серобурых почвах, 06.06.1956, *Ли*, n<sup>0</sup>319); (ЮВ окраина Кызылкумов, окр. г. Кенимех. ВС от города. Пустынная равнина, слегка покрытая щебнем, 10.07.1934, *Тыщенко*, n<sup>0</sup>1); **II-4-с Карши-Қарнобчўл ботаник-географик райони:** (Район к С СВ от г. Бекбулди. Супесчаные гряды в 8 верст на ЮЗ от к/к Чарагыл, 23.05.1928, *Линчевский*, n<sup>0</sup>317); (TASH). **II-4-с Каршинско-Қарнабчульский ботаник-географик райони:** Ст. Караулбазар ср.аз. ж.д. на известняков и песках, 04.06.1934, *Вильов* n<sup>0</sup>145). (MW); (Бухарская область, в 8 км. Западнее г. Навои, 15.05.1972, *Пименов, Баранова*, n<sup>0</sup>74). (MW); **I-4 Нурота округи, I-4-б Актау ботаник-географик райони:** (Самаркандская обл., окр. г. Нурата, в попынно-ирисовой группировке 24.05.1964, *Пряхин*); **I-4-а Нурота ботаник-географик райони:** (Нуратинские хребет, кол. Узункудук, 28.05.1968, *Хайдаров* n<sup>0</sup>1441); (Нуратинские горы. Хребет Каракча-тау. Сев.склон в 2,5-3 км на СВ от к/к Юкары-Кария, 06.07.1937, *Демурина*, n<sup>0</sup>545); (TASH); **I-5 Кухистон округи, I-5-d Зирабулоқ-Зиёвиддин ботаник-географик райони:** (Зерабулак-Зиатдинские горы. Адыры между г. Зиатдин, ист. Кермине, 28.04.1962, *Пятаева*); (TASH). **I-6 Ғарбий-исор округи, I-6-а Қашқадарё ботаник-географик райони:** (Кашкадарьинская обл., окр. Тенги-Харама, глинистые холмы, 20.05.1928, *Якимова, Москвин*, n<sup>0</sup>130); **I-6-б Тарқопчиғай ботаник-географик райони:** (Памироалай Пестроцветные низкогорья к ЮВ от г. Гузар. Ур. Курган-таш, гипсоносные шлейфы красных песчаников, 03.09.1935, *Лепешкин*, n<sup>0</sup>2); **II-3 Қизилқум округи, II-3-а Қизилқум ботаник-географик райони:** (Каракалпакские Кызылкумы. Кол-Кудук. Предгорья в 3 км, 13.04.1934, *Муравлянский*, n<sup>0</sup>127); (Гиждуванский р-н, в 3 км к В ЮВ от кол. Маши-кудук на пустынной почве, 14.06.1956, *Ли, Момотов*, n<sup>0</sup>346); (Центр. Кызылкумы, окр. колодца Ак-Байтал. На закрепленных песках, 00.04.1959, *Грингоф* n<sup>0</sup>135); (Бухара. У колодца Зекры, 14.04.1913, *Теплов*, n<sup>0</sup>93); (Бухара, у кол. Балты-бай, 28.04.1913, *Теплов*, n<sup>0</sup>17); (Бухарская владыня. Хушаб-Қара-булак, 21.04.1915, *Культиасов*, n<sup>0</sup>336); (ЮВ окраина Кызылкумов. Окр. родника Аяк-Агитма, слабо засоленные впадины между бугристыми песками, 02.05.1937, *Бочанцев*, n<sup>0</sup>190); (Район ст. Караулбазар, 03.05.1929. Петрова, n<sup>0</sup>57), (TASH); (Бухарская область, Кызылкумы, между Конимехом и Кокча, пески, 27.04.1975, *Пименовы, Баранова*, n<sup>0</sup>67), (MW); (Останцовые возвышенности Кызылкумов, горы Букунтау между Кулкудуком и Джоскудуком 23.04.1987, *Пименов, Васильева*, n<sup>0</sup>35), (MW); **II-8 Устюрт округи, II-8-б Жанубий Устюрт ботаник-географик райони:** (В 10 км С СВ от развалин крепости Аллан, 10.07.1948, *Момотов*, n<sup>0</sup>515); Устюрт. Пески Сим, 00.07.1971. *Халмуратов*);

2-расм.

***Iris songarica* Schrenk Fischer & Meyer турининг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тақсимланиши [3]**



Ўзбекистон Миллий гербарий ва Москва давлат университети гербарий фондларида сақланаётган *Iris* туркуми, *Limniris* (Taush) Spach кенжа туркуми турларининг гербарий намуналари таҳлили натижасида *Iris losizy* August Kanitz ва *Iris songarica* Schrenk Fischer & Meyer турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районлар бўйлаб тарқалиши таҳлил қилинди. Бунда турларнинг *Iris L.* туркумининг бошқа турлари билан қардошлилиги ҳамда филогенетик шажарасини тузиш бўйича дастлабки морфологик маълумотларни ўрганилди. *Iris losizy* August Kanitz ва *Iris songarica* Schrenk Fischer & Meyer турларининг декоративлиги, дориворлигидан келиб чиқиб келгусида мазкур турлар устида молекуляр тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Evgeny V. Mavrodiev, Mario Marti 'nez-Azori'n, Peter Dranishnikov, Manuel B. Crespo. "At Least 23 Genera Instead of One: The Case of *Iris L. s.l.* (Iridaceae)". PLOS ONE 9(8): e106459. doi:10.1371/journal.pone.0106459
2. Farshid Memariani & Mohammad Reza Joharchi "Iris ferdowsii (Iridaceae), a new species of section Regelia from northeast of Iran", Phytotaxa 291 (3): 192–200. 2017 Magnolia Press
3. K.Sh. Tojibaev, N.Yu. Beshko, V.A. Popov, C.G. Jang, K.S. Chang Botanical Geography of Uzbekistan. Korea National Arboretum, Pocheon, Republic of Korea. 2017. - 250 p.
4. Nursel Ikinci, Tony Hall, M. Dolores Lledó, James J. Clarkson, Nico Tillie, Arnis Seisums, Takeshi Saito, Madeline Harley and Mark W. Chase "Molecular phylogenetics of the juno irises, *Iris* subgenus *Scorpiris* (Iridaceae), based on six plastid markers". Botanical Journal of the Linnean Society, 2011, 167, 281–300.

Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган

**ДИГИДРОКВЕРЦЕТИН ФЛАВОНОИДИНИНГ АОРТА ПРЕПАРАТИ  
ҚИՏҚАРИШИГА ВАЗОРЕЛАКСАНТ ТАЪСИРИ**

**Зарипов А.А.** (Қорақалпоқ ДУ), **Есимбетов А.Т.** (СамВМИ Нукус филиали),  
**Омонтурдиев С.З., Усманов П.Б.** (ЎзМУ хузуридаги Биофизика ва биокимё институти),  
**Жўракулов Ш.Н.** (ЎЗР ФА Ўсимликлар моддалари кимёси институти)

**Аннотация.** Ушбу ишда дигидрокверцетин флавоноидининг фенилэфрин билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига таъсири ўрганилган. Изометрик кучланиш FT-03 (Grass Instrument Co., АҚШ) механотрони ёрдамида қайд қилинган. Олинган натижалар шуни кўрсатади,



дигидрокверцетиннинг релаксант таъсири асосида СМХ плазматик мембраналаридаги рецепторга орқали бошқарилувчи ва захира-бошқарувчи  $Ca^{2+}$ -каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионларининг киришининг блоканиши ва саркоплазматик ретикулумдан  $Ca^{2+}$  ионларининг чиқишининг сусайиши билан боғлиқ комплекс механизмлар ётиши мумкин.

**Таянч сўзлар:** *силлиқ мускул хужайраси, саркоплазматик ретикулум, флавоноид, рецепторга орқали бошқарилувчи  $Ca^{2+}$  канал.*

**Аннотация.** В настоящей работе изучены механизм действия флавоноида дигидрокверцетина на сократительные ответы аорты крысы индуцируемые фенилэфрином. Регистрацию изометрической силы проводили с помощью преобразователя силы типа FT-03 (Grass Instrument Co., США). Анализ полученных данных позволяет предположить, что в основе релаксантного действия дигидрокверцетина может лежать комплексный механизм, включающий ингибирование высвобождения ионов  $Ca^{2+}$  из СР и блокаду поступления ионов  $Ca^{2+}$  по запас-оперируемым и рецептор – управляемым  $Ca^{2+}$  -каналам плазматических мембран ГМК.

**Ключевые слова:** *гладкомышечная клетка, саркоплазматик ретикулум, флавоноид, рецептор - управляемые  $Ca^{2+}$  канал.*

**Annotation:** In this work we studied the mechanism of the action of flavonoid dihydroquercetin on the contracting responses of rat aorta induced by phenylephrine. Isometric tension forces were recorded using a force transducer FT-03 (Grass Instrument Co., USA). The analysis of the obtained data suggests that the basis of the relaxant action of dihydroquercetin may be based on a complex mechanism including the inhibition of the release of  $Ca^{2+}$  ions from the SR and the blockade of  $Ca^{2+}$  ions influx by stock operated and receptor-operated  $Ca^{2+}$  channels of plasma membranes of SMC.


**Key words:** *smooth muscle cell, sarcoplasmic reticulum, flavonoid, receptor-operated  $Ca^{2+}$  channel.*

Дунё микёсида бугунги кунда ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва фармакологик фаоллигини аниқлаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда [1]. Улар орасида флавоноидлар кенг спектрда терапевтик таъсирга эгаллиги ва токсик таъсир даражаси пастлиги, кўшимча салбий таъсири камлиги билан ажралиб туради [2]. Клиник тиббиёт амалиётида кверцетин, дигидрокверцетин каби флавоноидлардан дори воситаларини яратишда кенг фойдаланилади [3,4]. Дигидрокверцетин кўплаб касалликларга, жумладан, гипотензив, ангиопротектив, спазмолитик, антибактерицид, ялиғланишга қарши хусусиятларга эга ҳисобланади [5,6]. Дигидрокверцетин қон томир силлиқ мускул хужайраси функционал фаоллигига бевосита таъсир қилмаслиги, аммо КСI ва ФЭ билан чақирилган қон томир препарати қисқаришларига релаксант таъсири қилиши кўрсатиб ўтилган [7,8]. Лекин дигидрокверцетин флавоноидининг қон-томирларга вазорелаксант таъсир механизмлари батафсил ёритиб берилмаган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ушбу тадқиқот ишининг мақсади *дигидрокверцетин флавоноидининг* каламуш аорта қон-томир силлиқ мускул хужайраларининг функционал фаоллигига таъсирини ўрганишдан иборат.

1-расм.

### Дигидрокверцетин флавоноидининг кимёвий структура формуласи



**Тадқиқот усуллари ва материаллари.** Тажрибалар изометрик шароитда оқ-зотсиз каламушларнинг (200-250 г) аорта қон-томир препаратларида (~3–4 мм) олиб борилди. Тажриба ҳайвонлари цервикал дислокация усулида жонсизлантирилди ва кўкрак қафаси очилиб, аорта қон томири жарроҳлик усулида ажратиб олинди ва Кребс – Хенселейт

физиологик эритмаси ((мМ): NaCl 120,4; KCl 5; NaHCO<sub>3</sub> 15,5; NaH<sub>2</sub>PO<sub>4</sub> 1,2; MgCl<sub>2</sub> 1,2; CaCl<sub>2</sub> 2,5; C<sub>6</sub>H<sub>12</sub>O<sub>6</sub> 11,5, HEPES pH 7.4.) билан перфузияланган махсус камерага (5 мл) жойлаштирилди. Айрим тажрибалар учун таркибида Ca<sup>2+</sup> бўлмаган Кребс эритмалар ҳам ишлатилди. Бунинг учун Кребс эритмасига ЭГТА (1 мМ) қўшилди. Физиологик эритмалар карбоген (95 фоиз O<sub>2</sub>, 5 фоиз CO<sub>2</sub>) билан оксигенланди ва ҳарорати U-8 ультратермостати ёрдамида +37±0,5°C да ушлаб турилди. Аорта ҳалқалари Grass FT.03 (Grass Instrument Co., АҚШ) датчикига платинали симдан ясалган илгаклар ёрдамида уланади. Бундай ҳолатда аорта ҳалқалари ~60 мин. давомида мувозанатга келгунга қадар ушлаб турилди. Ҳар бир препаратга 1 гр (~10 мН) га мос келадиган бошланғич кучланиш берилди. Қисқариш кучи механотрондан келувчи сигнал кучайтиргичга узатилади ва Endim 621.02. самописеци ёрдамида қайд қилиб олинди.


**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Бизнинг олдинги тажрибаларимизда *дигидрохверцетин флавоноидининг* каламуш аорта қон томири силлиқ мускул хужайраси потенциалга боғлиқ фаоллашувчи Ca<sup>2+</sup><sub>L</sub>-каналлари орқали вазорелаксант таъсир кўрсатиши аниқланди [8].

Бизга маълумки, фенилэфрин билан чақирилган аорта силлиқ мускул хужайраси қисқариши асосан рецептор орқали бошқарилувчи Ca<sup>2+</sup>-каналлари орқали кировчи Ca<sup>2+</sup>-ионлари билан таъминланади [9]. Шу сабабли тажрибаларда α-адренорецептор агонисти-фенилэфрин (1 мкМ) билан чақирилган аорта қон томир препарати қисқариш фаоллигига *дигидрохверцетиннинг* вазорелаксант таъсири ўрганилди. Бунда рецептор орқали бошқарилувчи Ca<sup>2+</sup> каналлари орқали [Ca<sup>2+</sup>]<sub>in</sub> миқдори ортиши ва СР дан цитозолга Ca<sup>2+</sup> ионларини чиқиши натижасида силлиқ мускул хужайрасида қисқариш жараёни амалга ошади.

Фенилэфрин билан чақирилган аорта препарати қисқаришларига *дигидрохверцетин флавоноидини* концентрацияга боғлиқ (5-125 мкМ) кучли релаксант таъсирга эга эканлиги аниқланди. Жумладан, *дигидрохверцетин флавоноиди* 5 мкМ концентрацияда аорта препарати қисқариш фаоллиги амплитудасини назоратга нисбатан 3,4±2,1 фоизга сусайтирган бўлса, 125 мкМ концентрацияда 81,6±3,7 фоизга камайтириши аниқланди ва ярим максимал концентрацияси IC<sub>50</sub>=30,9 мкМ эканлиги маълум бўлди (2-расм).

2-расм.

***Дигидрохверцетин (ДГК) флавоноидининг фенилэфрин (1 мкМ) билан чақирилган каламуш аортаси қисқариш кучига дозага боғлиқ таъсири***



Ордината ўқида - ФЭ 1 мкМ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучи 100 фоиз деб олинган. Абсцисса ўқида-флавоноиднинг концентрацияси келтирилган (барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи \*p<0,05, \*\*p<0,01; n=6).


Олинган натижалар шуни кўрсатадики, дигидрохверцетиннинг таъсири рецептор орқали бошқарилувчи  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари блокадаси билан юзага келишини тахмин қилиш мумкин.

Рецептор орқали бошқарилувчи  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари блокадаси силлиқ мускул хужайраларга  $\text{Ca}^{2+}$ -ионлари киришини камайиши, уларда  $[\text{Ca}^{2+}]_{\text{in}}$  миқдорининг пасайиши ва бунинг натижасида уларнинг қисқариш фаоллигининг сусайишидан далолат беради. Рецептор орқали бошқарилувчи  $\text{Ca}^{2+}$ -каналларига дигидрохверцетиннинг релаксанти таъсирининг тасдиғи сифатида  $\alpha$ -адренорецепторлар блокатори – фентоламин (ФА) билан олиб борилган тажриба натижаларидан билиш мумкин. Маълумки, фентоламин блокатори силлиқ мускул хужайраси рецептор орқали бошқарилувчи  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлар функционал фаоллигини ўрганишда кенг қўлланилади [10].

Олиб борилган тажрибаларда ФА 10 мкМ концентрацияда фенилэфрин билан чақирилган аорта препарати қисқариш кучини  $81,7 \pm 3,1$  фоизга сусайтириши аниқланди. Фенилэфрин (1 мкМ) билан чақирилган аорта қисқариш кучига ФА (10 мкМ) мавжуд шароитда дигидрохверцетиннинг (125 мкМ) таъсири ўрганилганда нормал шароитдаги максимал релаксанти фаоллигига нисбатан  $31,3 \pm 4,1$  фоизга сусайтириши аниқланди (3–расм).

3-расм.

#### Фентоламининг дигидрохверцетин флавоноидининг релаксанти эффекига таъсири



Ордината ўқида –1 мкМ ФЭ билан индуцирланган, аорта қисқариш кучи 100 фоиз деб олинган (барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи \* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 5$ ).

Ушбу натижалар ўрганилаётган дигидрохверцетиннинг релаксанти таъсир эффекида рецептор орқали бошқарилувчи  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлар блокадаси билан боғлиқлигидан далолат беради.


Маълумки, фенилэфрин (1 мкМ) таъсирида силлиқ мускул плазмалеммасида жойлашган  $\alpha_1$ -адренорецептор активацияси G-оксили орқали фосфолипаза C (PLC) фаоллашиши, ўз навбатида, фосфатидилинозитол 4,5-дифосфатдан инозитол 1,4,5-трифосфат ( $\text{IP}_3$ ) ва диацилглицерол (DAG) ҳосил бўлишини таъминлайди [11]. Қон томирлар тонусини бир маромда сақланишини таъминлаш учун силлиқ мускулларнинг қисқариш ва бўшашиш жараёнларини бошқаришда, инозитол 1,4,5-трифосфат рецептори ( $\text{IP}_3\text{R}$ ) муҳим рол ўйнайди.

Шунинг учун  $\text{IP}_3\text{R}$  орқали CP дан  $\text{Ca}^{2+}$ -ионларини ажралишига дигидрохверцетин флавоноидининг таъсирини билиш мақсадида биз навбатдаги тажрибаларимизни олиб бордик. Адабиётлардан маълумки,  $\text{Ca}^{2+}$ -ионлари мавжуд бўлмаган шароитда ФЭ ёрдамида юзага келган аорта препаратининг қисқариш жараёнлари асосан  $\text{IP}_3\text{R}$  орқали CP дан ажралаётган  $\text{Ca}^{2+}$ -ионлари ҳисобидан таъминланади [11].

Кребс эритмаси таркибида  $\text{Ca}^{2+}$  ионлари мавжуд бўлмаган шароитда фенилэфрин (1 мкМ) билан чақирилган аорта препарати қисқариш кучини нормал Кребс эритмаси шароитидагига нисбатан кам эканлиги аниқланди. Бунда қисқариш кучи СР  $\text{IP}_3\text{R}$  орқали цитозолга  $\text{Ca}^{2+}$  ионларининг чиқиши билан боғлиқ ҳисобланади ва ушбу шароитда *дигидрокверцетин флавоноиди* 125 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан  $62,9 \pm 3,7$  фоизга камайтириши аниқланди (4-расм).

4-расм.

**$\text{Ca}^{2+}$ -ионлари мавжуд бўлмаган Кребс эритмасида фенилэфрин билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига дигидрокверцетин (ДГК) флавоноидининг таъсири**



Ордината ўқида –1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучи 100 фоиз деб олинган. (барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи  $**p < 0,01$ ;  $n=5$ )

Олинган натижалар *дигидрокверцетин флавоноидининг* релаксат таъсири плазмалеммада жойлашган рецепторга боғлиқ фаоллашувчи  $\text{Ca}^{2+}$ -каналли ва шунингдек, СР  $\text{Ca}^{2+}$ -каналли ( $\text{IP}_3\text{R}$ ) блокадаси билан боғлиқлигини тахмин қилиш имконини беради.

**Хулоса.** Олинган натижалар дигидрокверцетин флавоноидининг силлиқ мускул хужайраларига релаксат таъсири плазмалеммада жойлашган потенциалга боғлиқ  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари билан бирга рецепторга боғлиқ фаоллашувчи  $\text{Ca}^{2+}$ -каналли ҳамда СР  $\text{Ca}^{2+}$ -каналли ( $\text{IP}_3\text{R}$ ) блокадаси билан боғлиқлигини тахмин қилиш имконини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Brusotti G., Cesari I., Dentamaroa A., Scaccialanza G., Massolini G. Isolation and characterization of bioactive compounds from plant resources: The role of analysis in the ethnopharmacological approach // Journal of Pharmaceutical and Biomedical Analysis – 2014. – V.87. – P.218-228.
2. Nichols M., Townsend N., Scarborough P., Rayner M. Cardiovascular disease in Europe 2014: Epidemiological update // European Heart Journal. – 2014. – Special article. – P.2-10.
3. Плотников М.Б., Тюкавкина Н.А., Плотникова Т.М. Лекарственные препараты на основе дигидрокверцетина. Томск: Изд-во Томского ун-та. – 2005. – 228 с. – С.36-37.
4. Kumar S., Pandey A.K. Chemistry and biological activities of flavonoids: An overview // The Scientific World Journal – 2013. – V.11; – P.1-16.
5. Britov AN, Aparina TV. The role of “Kapilar” (dihydroquercetin) in correction of hemodynamic and metabolic disturbances in patients with atherosclerosis and hypertension. Regionar. Krovooobr. Mikrotsirk. – 2006; – V.5(2); – P.46-53.
6. Plotnikov M. B., Aliev O. I., Sidekhnemova A. V., Shamanaev A. Yu., Anishchenko A. M., Nosarev A. V., and Pushkina E. A. Modes of Hypotensive Action of Dihydroquercetin in Arterial Hypertension // Bulletin of Experimental Biology and Medicine – 2017; – V.162; – P.153-156.

7. Шаманаев А.Ю., Сидехменова А.В., Новикова Е.В., Носарев А.В., Плотников М.Б. Влияние композиции дигидрокверцетина и арабиногалактана на сокращение гладкомышечных клеток воротной вены крыс // Сибирский медицинский журнал – 2014; – №3; – С.102-105.
8. Зарипов А.А., Есимбетов А.Т., Усманов П.Б., Журакулов Ш.Н. Влияние флавоноида дигидрокверцетина на сократительную активность аорты крысы // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. – 2021. – №1. – С.72-75.
9. Wier W.G., Morgan K.G. Alpha- adrenergic signaling mechanism in contraction of resistance arteries // Rev. Physiol. Biochem. Pharmacol. – 2003. – V.150. – P.91-139.
10. Godfraind T. Calcium channel blockers in cardiovascular pharmacotherapy // *J Cardiovasc Pharmacol Ther.* – 2014. – V.19(6). – P.501-515.
11. Taylor C. Regulation of IP<sub>3</sub> receptors by cyclic AMP // *Cell Calcium.* – 2017. – V.63. – P.48-52.

*Наишга проф. Ш.Қурбонов тавсия этган*

## ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДАГИ МАДАНИЙ ЎСИМЛИКЛАР ЁВВОЙИ АЖДОДЛАРИНИНГ ОЗУҚАБОП ТУРЛАРИ

**Абдураимов О.С** (ЎзР ФА Ботаника институти), **Нархаджаева А.** (ҚарДУ),  
**Махмудов А.В** (ЎзР ФА Ботаника институти), **Маматқулова И.Э** (Ўзбекистон  
Миллий университети Жиззах филиали)

**Аннотация.** Мақолада дала тадқиқотлари давомида йиғилган, мавжуд адабиётлардаги маълумотлар ҳамда Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналар асосида Ўзбекистон флорасида тарқалган маданий ўсимликлар ёввойи аждодларининг озуқабоп турлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра республикамиз ҳудудида 21 оила 51 туркумга мансуб 79 тури учраши қайд этилган. Озуқабоп турлар оилалар кесимида таҳлил қилинганда, *Amaryllidaceae*, *Rosaceae* ва *Poaceae* вакиллари улуши кўп эканлиги кузатилади. Турларнинг ҳаётий шакллари бўйича ҳам таҳлили шуни кўрсатадики, озуқабоп турлар 20 та бир йиллик, 4 та икки йиллик, 31 та кўп йиллик, 3 та ярим бута, 9 та бута ҳамда 11 та дарахтдан иборат. Турларнинг аксарият қисмини бир ва кўп йиллик ўсимликлар ташкил қилади. Турларнинг тарқалиши ва популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш бўйича олинган маълумотлар, муҳим хўжалик аҳамиятга молик бўлган турлардан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга популяциялар юзасидан олинган натижалар, камёб ва йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилиш ҳамда улар устида узоқ йиллик мониторинг ишларини олиб боришда фойдаланилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** маданий ўсимликларнинг ёввойи аждоди, флора, озуқабоп ўсимликлар, ҳаётий шакли, Миллий гербарий (TASH), Ўзбекистон.

**Аннотация.** В статье проанализированы пищевые растения диких сородичей культурных растений на основе собранных в ходе полевых исследований и имеющихся литературных данных, а также на основе гербарных образцов, хранящихся в фонде Национального гербария (TASH). По результатам анализа на территории нашей республики произрастают 79 видов, принадлежащих к 51 роду и 21 семейству. При анализе пищевых видов растений по семействам преобладают представители семейств *Amaryllidaceae*, *Rosaceae* и *Poaceae*. Анализ растений по жизненным формам показывает, что на территории Узбекистана встречаются 20 однолетних, 4 двулетних, 31 многолетних, 3 полукустарника, 9 кустарников и 11 видов деревьев пищевых растений. Значительную часть видов составляют однолетние и двулетние растения. Полученные данные по распространению видов и оценке современного состояния популяций способствуют широкому применению хозяйственно ценных видов в народном хозяйстве. Наряду с этим полученные по популяциям результаты используются в охране редких и исчезающих видов, а также в проведении долгосрочного мониторинга по данным видам.

**Ключевые слова:** дикие сородичей растений, флора, пищевое растений, жизненная форма, Национальной гербарий (TASH), Узбекистан.

**Annotation.** The article analyzes food plants of wild relatives of cultivated plants on the basis of collected in the course of field research and available literature data, as well as on the basis of herbarium specimens stored in the fund of the National Herbarium (TASH). According to the results of the analysis, 79 species belonging to 51 genera and 21 families grow on the territory of our republic. When analyzing food plant species by families, representatives of the families *Amaryllidaceae*, *Rosaceae*, and *Poaceae*

prevail. Analysis of plants by life forms shows that on the territory of Uzbekistan there are 20 annuals, 4 biennials, 31 perennials, 3 half shrubs, 9 shrubs and 11 species of food plant trees. A significant part of the species are annual and biennial plants. The data obtained on the distribution of species and the assessment of the current state of populations contribute to the widespread use of economically valuable species in the national economy. Along with this, the results obtained for populations are used in the protection of rare and endangered species, as well as in long-term monitoring of these species.

**Keywords:** *wild relatives plants, flora, food plants, life form, National Herbarium (TASH), Uzbekistan.*

**Кириш.** Инсониятнинг озик-овқатга эҳтиёжининг йил сайин ортиб бориши, глобал иқлим ўзгариши шароитида қурғоқчиликка мослашувчан, тупроқ шўрланишига ва янгидан-янги зарақунандаларга чидамли, ҳосилдорлиги юқори маданий ўсимлик навларини яратиш маълум бир даражада табиий флорадан керакли материалларни олиш, аниқроғи, маданий экинларнинг янги навларини яратишда уларнинг табиий флорадаги ёввойи аждодларидан фойдаланиш билан боғлиқ [1:370-389]. Шу билан бирга, дунёдаги озик-овқат танқислигига барҳам беришда маданий ўсимликларнинг алоҳида хўжалик аҳамиятга эга ёввойи аждодлари – кишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати, миқдорини яхшилаш ва ўсимликларнинг йўқолиб кетиш хавфини камайтириш учун асосий генлар манбаи ҳисобланади [2:1117-1133., 3:120]. Охириги йилларда айнан маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари озуқабоп турларини тадқиқ этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда [4:3-13., 5:147-155].

Инсонларнинг яшаши ҳамда уларнинг ҳаёт кечириш жараёнида ўсимликлар муҳим ўрин эгаллайди [6:210]. Маълумки, ўсимликлар ўзларининг у ёки бу органларида ҳаёт учун зарур бўлган турли органик моддаларни, уларнинг бирикмаларини ҳамда минерал тузларни сақлайди. Инсонлар шу сабабли, ўсимликларнинг ҳар хил органларидан турли мақсақларда фойдаланиб келишади [7:44-52]. Улар маданий ўсимлик турлари ва навлари билан чегараланиб қолмасдан, балки теварак атрофида ўсаётган ёввойи ўсимлик турларининг ички сирларини билиб, ўрганиб, улардан узоқ йиллар давомида фойдаланиб келмоқдалар. Бу ўсимликларнинг энг муҳим ва фойдали хусусиятларидан бири уларнинг озик-овқат сифатида фойдаланилиши ҳисобланади. Кўпчилик ўсимликлар хомлигича ҳам истеъмол қилиниши, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикаимиз флорасида 4500 га яқин тур бўлиб [8:107-118], уларнинг 300 га яқини озик-овқат ва зираворлар сифатида аҳоли томонидан кенг миқёсда истеъмол қилинади [9:376]. Айнан маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари сифатида Ўрта Осиё мамлакатлари ҳам ўрин эгаллайди [10:114., 11:93-101., 12:70].

Маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари назарияси энг изчил ҳолда Н.И. Вавилов томонидан ишлаб чиқилган [13:380]. Н.И. Вавилов ўзи ва бошқа ботаник олимлар томонидан илмий экспедицияларда тўпланган жаҳон ўсимлик ресурслари (250000 га яқин намуналар коллекцияси) тўғрисидаги жуда катта материалларга таянган ҳолда маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларининг 8 та асосий географик маркази ёки ўчоқларини кўрсатиб берди [14:126]. Булар қуйидагилар: Хитой маркази (соя, тарик, турли сабзавот ва мевали экинлар ватани); Ҳиндистон маркази (маданий ўсимликлар турларининг деярли 1/3 қисми; шоли, шакарқамиш, бақлажон, бодринг, мевали экинлар ватани); Ўрта Осиё маркази (нўхат, кунжут, махсар, ясмик, кўпгина сабзавотлар – пиёз, саримсоқ, исмалоқ, мевалар - ўрик, нок, ток, бодом ватани); Фарбий Осиё маркази (буғдойнинг кўпгина турлари, икки қаторли арпа, жавдар, беда, карам турлари, сабзи, анжир, анор в б.); Ўрта денгиз маркази (зайтун, цератони дарахти, жуда кўп озуқа ва сабзавот экинлари ватани); Эфиопия маркази (буғдой, арпа, мойли экинлар, бананнинг алоҳида бир тури, кофе дарахти ва б. ватани); Марказий Америка маркази (90 га яқин озик-овқат, техника ва доривор ўсимликлар, шу жумладан, маккажўхори, узун толали ғўза, ловиянинг бир неча тури, қовоқ, какао, мевали ўсимликларнинг кўпгина турлари ватани); Жанубий Америка маркази (кўпгина илдизмевали ўсимликлар, биринчи навбатда, картошка, ока, хина дарахти ва кока буталари ватани).

Н.И. Вавиловнинг фикрича, (1929) Ўрта Осиё кўплаб маданий ўсимликлар, айниқса, мевали ўсимликлар келиб чиқишининг йирик ва энг муҳим генетик марказларидан бири ҳисобланади [15:1-248]. М.Г. Попов (1929) Ўрта Осиёнинг мевали ўсимликлари ва узумнинг генетик ресурсларини баҳолай туриб: "...бу ерда ёввойи ҳолда, замонавий мевали ўсимликларни келтириб чиқарувчи [15:1-248], морфологик ва географик жиҳатдан кенг ажралиб чиққан шакллар мавжуд [16:1-8]. Ушбу генотипик бойлик ҳали ҳам тўлиқлигича ҳисобга олинмаган ва ҳатто генлар бойлигининг мавжудлиги ҳам аниқланмаган".

Марказий Осиёда мевали ўсимликларнинг генетик хилма-хиллиги камида 3 та омил билан белгиланади. Биринчидан, икки флоранинг алоқа чегараси шу ердан ўтади: Ўрта ер денгизи ва Шарқий Осиё, бу эса мевали ўсимликларнинг мустақил гуруҳларини шакллантиришга хизмат қилган. Чотқол ва Фарғона тизмаларининг алоқа зонасида ҳар иккала флора вакиллари хилма-хиллиги кузатилмоқда, бу эса ареал четлари ва ташқарисида рецессивларнинг бўлиниши, популяциялар барқарорлигининг заифлиги ва гибридизация жараёнларининг кенг ривожланиши билан боғлиқдир.

**Тадқиқот объекти ва методлари.** Тадқиқотларимиз Ўзбекистоннинг турли ботаник-географик районларида [17:1105-1132] ҳамда ЎзР ФА Ботаника институти Миллий гербарий (TASH) фондида олиб борилди. Тадқиқотлар давомида республикамиз флорасида тарқалган маданий ўсимликлар ёввойи аجدодларининг озуқабоп турлари таҳлил қилинди. Ўсимликларнинг номлари <http://www.plantsoftheworldonline.org/> [18], <http://www.theplantlist.org/> [19], [www.ipni.org](http://www.ipni.org) [20] сайтларига мувофиқ келтирилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Олиб борилган дала тадқиқот ишлари, Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналар ҳамда мавжуд адабиётлар асосида Ўзбекистон флорасидаги маданий ўсимликлар ёввойи аجدодлар озуқабоп турларининг замонавий таҳлили амалга оширилди (1-жадвал). Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг марказий қисмида континентал иқлимга эга арид минтақада жойлашган. Шарқ ва шимоли-шарқдаги мамлакатларда умумий ҳудуднинг бешдан бир қисмини эгалловчи ҳамда Фарбий Тиёншон ва Помир-Олой тоғ тизмаларининг тугалланувчи қисми ҳисобланган ўрта тоғ ва юқори тоғ рельеф шакллари устунлик қилади (1-расм).

1-расм.

Тадқиқот олиб борилган ҳудуд харитаси



Ўзбекистоннинг асосий қисмини текисликлар эгаллаган бўлиб, бу ерда дунёнинг йирик чўллари – Қизилкум ва Устюрт платоси жойлашган.

## Маданий ўсимликлар ёввойи аждодларининг озуқабоп турлари

№	Оила	№	Туркум	№	Тур	Ҳаётий шакли
1	<i>Amaranthaceae</i> Juss.	1	<i>Atriplex</i> <u>L.</u>	1	<i>A. tatarica</i> L.	Бир йиллик
		2	<i>Spinacia</i> <u>L.</u>	2	<i>S. turkestanica</i> Iljin	Бир йиллик
		3	<i>Chenopodium</i> <u>L.</u>	3	<i>Ch. album</i> L.	Бир йиллик
2	<i>Amaryllidaceae</i> J.St.-Hil.	4	<i>Allium</i> <u>L.</u>	4	<i>A. altissimum</i> Regel	Кўп йиллик
				5	<i>A. ampeloprasum</i> L.	Кўп йиллик
				6	<i>A. caspium</i> (Pall.) M.Bieb.	Кўп йиллик
				7	<i>A. giganteum</i> Regel	Кўп йиллик
				8	<i>A. oschaninii</i> O.Fedtsch.	Кўп йиллик
				9	<i>A. praemixtum</i> Vved.	Кўп йиллик
				10	<i>A. pskemense</i> B.Fedtsch.	Кўп йиллик
				11	<i>A. sabulosum</i> Steven ex Bunge	Кўп йиллик
				12	<i>A. sativum</i> L.	Кўп йиллик
				13	<i>A. stipitatum</i> Regel	Кўп йиллик
				14	<i>A. suworowii</i> Regel	Кўп йиллик
3	<i>Anacardiaceae</i> R.Br.	5	<i>Pistacia</i> <u>L.</u>	15	<i>P. vera</i> L.	Дарахт
4	<i>Apiaceae</i> Lindl.	6	<i>Apium</i> <u>L.</u>	16	<i>A. graveolens</i> L.	Бир йиллик
		7	<i>Carum</i> <u>L.</u>	17	<i>C. carvi</i> L.	Икки йиллик
		8	<i>Daucus</i> <u>L.</u>	18	<i>D. carota</i> L.	Икки йиллик
		9	<i>Ferula</i> Tourn. ex L.	19	<i>F. karelinii</i> Bunge	Кўп йиллик
		10	<i>Foeniculum</i> <u>Mill.</u>	20	<i>F. vulgare</i> Mill.	Кўп йиллик
		11	<i>Elwendia</i> Boiss.	21	<i>Elwendia persica</i> (Boiss.) Pimenov & Kljuykov	Кўп йиллик
5	<i>Asteraceae</i> Bercht. & J.Presl	12	<i>Artemisia</i> L.	22	<i>A. dracunculus</i> L.	Кўп йиллик
		13	<i>Cichorium</i> <u>L.</u>	23	<i>C. intybus</i> L.	Кўп йиллик
		14	<i>Inula</i> <u>L.</u>	24	<i>I. helenium</i> L.	Кўп йиллик
		15	<i>Lactuca</i> <u>L.</u>	25	<i>L. serriola</i> L.	Бир йиллик
				26	<i>L. tatarica</i> (L.) C.A.Mey	Кўп йиллик
6	<i>Berberidaceae</i> Juss.	16	<i>Berberis</i> <u>L.</u>	27	<i>B. integerrima</i> Bunge	Бута



				28	<i>B. oblonga</i> (Regel) C.K.Schneid.	Бута
7	<i>Brassicaceae</i> Burnett	17	<i>Brassica</i> L.	29	<i>B. juncea</i> (L.) Czern.	Икки йиллик
				30	<i>B. elongata</i> Ehrh.	Икки йиллик
		18	<i>Eruca</i> Mill.	31	<i>E. vesicaria</i> (L.) Cav.	Бир йиллик
		19	<i>Sinapis</i> L.	32	<i>S. alba</i> L.	Бир йиллик
				33	<i>S. arvensis</i> L.	Бир йиллик
		20	<i>Erucastrum</i> (DC.) C.Presl	34	<i>E. armoracioides</i> (Czern. ex Turcz.) Cruc- het	Кўп йиллик
21	<i>Celtis</i> L.	35	<i>C. caucasica</i> Willd.	Дарахт		
8	<i>Caprifoliaceae</i> Juss.	22	<i>Lonicera</i> L.	36	<i>L. microphylla</i> Willd. ex Schult.	Бута
9	<i>Elaeagnaceae</i> Juss.	23	<i>Elaeagnus</i> Tourn. ex L.	37	<i>E. angustifolia</i> L.	Дарахт
10	<i>Fabaceae</i> Lindl.	24	<i>Glycyrrhiza</i> Tourn. ex L.	38	<i>G. glabra</i> L.	Кўп йиллик
				39	<i>L. mulkak</i> Lipsky	Кўп йиллик
		25	<i>Lathyrus</i> L.	40	<i>L. tuberosus</i> L.	Кўп йиллик
				41	<i>V. ervilia</i> (L.) Willd.	Бир йиллик
26	<i>Vicia</i> L.	42	<i>V. orientalis</i> (Boiss.) Bég. & Diratz.	Бир йиллик		
		43	<i>R. janczewskii</i> Pojark.	Бута		
11	<i>Grossulariaceae</i> DC.	27	<i>Ribes</i> L.	44	<i>R. meyeri</i> Maxim.	Бута
				45	<i>J. regia</i> L.	Дарахт
12	<i>Juglandaceae</i> DC.ex Perleb	28	<i>Juglans</i> L.	46	<i>M. longifolia</i> (L.) L.	Кўп йиллик
13	<i>Lamiaceae</i> Martinov	29	<i>Mentha</i> L.	47	<i>M. neglecta</i> Wallr.	Кўп йиллик
14	<i>Malvaceae</i> Juss	30	<i>Malva</i> Tourn. ex L.	48	<i>M. crithmifolius</i> (Retz.) Fisch. & C.A.Mey.	Ярим бута
15	<i>Nitrariaceae</i> Lindl.	31	<i>Malacocarpus</i> Fisch. & C.A.Mey.	49	<i>E. crus-galli</i> (L.) P.Beauv.	Бир йиллик
16	<i>Poaceae</i> Barnhart	32	<i>Echinochloa</i> P.Beauv.	50	<i>E. oryzoides</i> (Ard.) Fritsch	Бир йиллик
				51	<i>E. indica</i> (L.) Gaertn.	Бир йиллик
		33	<i>Eleusine</i> Gaertn.	52	<i>E. triticeum</i> (Gaertn.) Nevski	Бир йиллик
		34	<i>Eremopyrum</i> (Ledeb.) Jaub. & Spach	53	<i>H. bulbosum</i> L.	Кўп йиллик
		35	<i>Hordeum</i> L.	54	<i>S. spontaneum</i> L.	Кўп йиллик
		36	<i>Saccharum</i> L.	55	<i>S. segetale</i> (Zhuk.) Roshev.	Бир йиллик
56	<i>S. sylvestre</i> Host			Бир йиллик		
37	<i>Secale</i> L.					


		38	<i>Sorghum Moench</i>	57	<i>S. halepense</i> (L.) Pers.	Кўп йиллик
17	<i>Polygonaceae</i> Juss.	39	<i>Fallopia Adans.</i>	58	<i>F. convolvulus</i> (L.) Á.Löve	Бир йиллик
		40	<i>Polygonum L.</i>	59	<i>P. aviculare</i> L.	Бир йиллик
		41	<i>Rheum L.</i>	60	<i>R. tataricum</i> L.f.	Кўп йиллик
		40	<i>Rumex L.</i>	61	<i>R. acetosa</i> L.	Кўп йиллик
				62	<i>R. confertus</i> Willd.	Кўп йиллик
				63	<i>R. crispus</i> L.	Кўп йиллик
				64	<i>R. marschallianus</i> Rchb	Бир йиллик
18	<i>Rosaceae</i> Juss.	42	<i>Crataegus L.</i>	65	<i>C. pontica</i> K.Koch	Дарахт
		43	<i>Crataegus L.</i>	66	<i>C. songarica</i> K.Koch	Дарахт
				67	<i>C. turkestanica</i> Pojark.	Дарахт
		44	<i>Cydonia Mill.</i>	68	<i>C. oblonga</i> Mill.	Дарахт
		45	<i>Malus Mill.</i>	69	<i>M. domestica</i> (Suckow) Borkh.	Дарахт
		46	<i>Prunus L.</i>	70	<i>P. armeniaca</i> L.	Дарахт
				71	<i>P. bucharica</i> (Korsh.) Hand.-Mazz.	Дарахт
		47	Rosa L.	72	<i>P. mahaleb</i> L.	Дарахт
				73	<i>P. spinosissima</i> (Bunge) Franch.	Бута
				74	<i>R. canina</i> L.	Бута
75	<i>R. caesius</i> L.			Бута		
48	<i>Rubus L.</i>	76	<i>S. dulcamara</i> L.	Ярим бута		
		77	<i>S. nigrum</i> L.	Бир йиллик		
19	<i>Solanaceae</i> Juss	49	<i>Solanum L.</i>	78	<i>U. dioica</i> L.	Кўп йиллик
20	<i>Urticaceae</i> Juss	50	<i>Urtica L.</i>	79	<i>V. vinifera</i> L.	Бута
21	<i>Vitaceae</i> Juss.	51	<i>Vitis L.</i>			

Тоғлар оралиқларида эса катта-катта. Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон ва Самарқандда чуқурликлар, жарликлар мавжуд. Қизилқумда денгиз сатҳидан 350-570 м баландликда жойлашган қолдиқ тоғлар мавжуд.

Тадқиқотлар давомида олинган натижалар шуни кўрсатадики, флорамизда мазкур хилдаги ўсимликлар 21 оила, 51 туркумга мансуб 79 турдан иборат эканлиги қайд этилди (1-жадвал). Аксарият ўсимликлардан маҳаллий аҳоли бир неча юз йиллардан бери мунтазам равишда фойдаланиб келишади. Айниқса, Ўрта Осиёнинг тоғли худудларида мевали дарахтлардан асосий озуқа ўсимлиги ҳамда даромад манбаи сифатида ҳам фойдаланишади. Тадқиқотлар давомида озуқабоп турлар оилалар кесимида таҳлил қилинганда, *Amaryllidaceae* (11 та), *Rosaceae* (11 та) ва *Poaceae* (9 та) вакиллари улуши кўп эканлиги кузатилди (2-расм). *Anacardiaceae*, *Caprifoliaceae*, *Elaeagnaceae*, *Juglandaceae*, *Lamiaceae*, *Malvaceae*, *Nitrariaceae*, *Urticaceae* ва *Vitaceae* оиласи вакиллари фақатгина биттадан тур билан иштирок этиши кузатилди (2-расм).

2-расм.

Турлар оилалар кесимидаги таҳлили



Айниқса *Amaryllidaceae* оиласи *Allium* туркуми турларидан маҳаллий аҳоли озуқабоп ва доривор ўсимлик сифатида кенг фойдаланади. *Rosaceae* оиласи вакиллари ҳам ўзига хос муҳим озуқавий ўсимликлардан ҳисобланиб, асосан дарахт ва бутасимон ҳаётий шаклига мансуб бўлган ўсимликлардан иборат. *Poaceae* оиласи вакиллари асосан бир йиллик ўсимликлардан иборат. Лекин шунга қарамай селекция ва қишлоқ хўжалигининг асосий экинлари сифатида айнан мазкур оила вакиллари иштирок этади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири, уларнинг ташқи муҳитга тез мослашувчанлиги ҳамда ҳосилининг тез пишиши билан боғлиқ. Дарахт ва бута ўсимликларида селекция ишлари бирмунча кўпроқ муддат талаб қилади. Бир йиллик ва кўп йиллик ўт ўсимликларда бу жараён нисбатан тезроқ давом этади.

Бундан ташқари аҳолининг асосий истеъмол қиладиган мева маҳсулотлари таркибига *Pistacia vera*, *Juglans regia*, *Vitis vinifera* ва бошқаларни киритиш мумкин. Тадқиқотлар давомида турларнинг ҳаётий шакллари бўйича ҳам таҳлили амалга оширилди. Унга кўра озуқабоп турлар 20 та бир йиллик, 4 та икки йиллик, 31 та кўп йиллик, 3 та ярим бута, 9 та бута ҳамда 11 та дарахтдан иборат. Турларнинг аксарият қисмини бир ва кўп йиллик ўсимликлар ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигининг асосий экинлари сифатида айнан бир

йиллик ўсимликлардан фойдаланилади. Ариасеае оиласи вакиллари маҳаллий аҳолининг асосий зиравор озукаси ҳисобланади. Бу борада халқимиз томонидан узоқ йиллардан бери анъанавий тарзда фойдаланиб келинмоқда.

**Хулоса.** Иқлим ўзгариши ҳамда антропоген омиллар кўламининг ошиб бориши натижасида озукабоп ўсимликларни тадқиқ этиш ва уларнинг табиий захираларини мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади. Бу биринчи навбатда инсонларни табиий ўсимлик хом ашёсига бўлган талабини қондиришга хизмат қилса, иккинчидан, биологик хилма-хиллик ҳамда турли ген мутациясига чидамли бўлган навларни олишда фойдаланилади. Муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган турларни аниқлаш, уларни инвентаризациялаш, конспектини тузиш, тарқалишини акс эттирувчи замонавий хариталарини тузиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Мазкур олинган натижалар, муҳим хўжалик аҳамиятга молик бўлган турлардан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш имконини беради.

Юқорида қатор тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, флорамизда тарқалган МЎЁА тарқалиши, популяцияларининг ҳолати ва уларни муҳофаза чора-тадбирлари борасида тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу эса флорамизда тарқалган маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодларини табиий популяцияларини тадқиқ этиш, уларнинг экологик оптимумини аниқлаш ҳамда уларнинг тирик коллекцияларини яратишни тақозо этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Harris DR, Gosden C (1996) The beginning of agriculture in western Central Asia. In: Harris DR (ed) The origins and spread of agriculture and pastoralism in Eurasia. University College London Press, London, P. 370–389
2. Long Chunlin, Hammer Karl, Li Zhijun. The Central Asiatic region of cultivated plants. *Genet Resour Crop Evol* (2021) 68:1117–1133
3. Lunyova N, Ulyanova T (2000) Central Asian in situ conservation of wild relatives of cultivated plants. In: Maxted N, Ford-Lloyd BV, Hawkes JG (eds) Plant genetic conservation. Springer, Dordrecht 120 p.
4. Yuan QC, Shu CJ, Wang M, Xiao ZC, Zhang WM (2016) Application and development of economic plants in “One Belt and One Road”. *Chin Wild Plant Resour* 35(2): 3–13
5. Zhang ML (2017) A review on the floristic phytogeography in arid northwestern China and Central Asia. *Biodivers Sci* 25(2):147–155
6. Ҳайдаров Қ.Х., Хожиматов Қ.Х. Ўзбекистон ўсимликлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 210 б.
7. Иманбаева А.А., Ишмуратов М.Ю., Дуйсенова Н.И., Туякова А.Т. К изучению видового состава диких сородичей культурных растений Мангистауской области // Вестник Карагандинского университета. Серия «Биология. Медицина. География». – № 3(79) 2015. – С. 44-52.
8. Sennikov A.N., Tojibaev K.Sh., Khassanov F.O., Beshko N.Yu. The Flora of Uzbekistan Project // *Phytotaxa* 282 (2):107-118. 2016.
9. Брежнев Д.Д., Коровина О.Н. Дикие сородичи культурных растений флоры СССР. – Ленинград: Изд. Колос. 1981. – 376 с.
10. Арзуманов В.А., Бутков Е.А., Турдиева М.К., Байметов К.И., Юшев А.А. 2015. Растительные ресурсы плодовых и орехоплодных растений Центральной Азии и их роль в формировании местного сортирмента // – Ташкент: Baktria press. – 114 с.
11. Иманбаева А.А., Ишмуратов М.Ю., Копбаева Г.Б. К изучению видового состава диких сородичей культурных растений флористического района – отроги общего сырта. Известия Национальной академии наук Республики Казахстан. Серия биологическая и медицинская. – №6. 2016. – С. 93-101.
12. Grubov VI (1999) Plants of Central Asia: plant collections from China and Mongolia. Science Publishers, Enfield 70 p.
13. Жуковский П.М. Культурные растения и их сородичи. Ленинград. Изд. Колос. 1971. 380 с.
14. Коровина О.Н. Природный генофонд дикорастущих родичей культурных растений флоры СССР и его охрана (аннотированный перечень). – Л., 1986. – 126 с.
15. Vavilov NI (1929) Studies on the origin of cultivated plants. *Bull Appl Bot Genet Plant Breed* 16:1–248
16. Утарбаева Н.А., Калыбекова Ж.Т. Дикие родичи культурных растений во флоре Актюбинского флористического округа // Вестник Актюбинского регионального государственного университета имени К. Жубанова. – №1, 2014. – С.1-8.

17. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал. – Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). – С. 1105-1132.
18. [www.plantsoftheworldonline.org](http://www.plantsoftheworldonline.org)
19. [www.theplantlist.org/](http://www.theplantlist.org/)
20. [www.ipni.org](http://www.ipni.org)

*Наширға проф. Л.Ёзиев тавсия этган*

## СУРХОН ДАВЛАТ ҚҶРИҚХОНАСИ УЧУН *SALVIA L.* ВА *NEPETA L.* (LAMIACEAE) ТУРКУМЛАРИДАН ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР

Тургинов О., Раҳматов А.А., Тоғаев С.А. (ЎзР Ботаника институти),  
Бухоров Ғ.Х. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада, Сурхон давлат қўриқхона флорасида тарқалган *Lamiaceae* оиласига мансуб, *Salvia* ва *Nepeta* туркум турларининг қўриқхона флораси учун аввал келтирилмаган 5 тури киритилди. Қўриқхона флораси учун қўшимча тарзда *Salvia L.* ва *Nepeta L.* турлари таркибини аниқлашда, 2018-2020 йилларда олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган маълумотлар ҳамда йирик гербарий фондларида (TASH, MW, LE) сақланаётган намуналардан фойдаланилди. Турларининг координата нукталарини аниқлашда Google Earth дастури, тарқалишини акс эттирувчи гео ахборот тизими (ГАТ) хариталари ArcMap 10 дастури ёрдамида амалга оширилди ва турларининг қўриқхона флорасида тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари яратилди.

**Таянч сўзлар:** *Ўзбекистон, Туркменистон, флора, гербарий, Кўхитанг, Lamiaceae, Nepeta bracteata, Nepeta cataria, Salvia aria, Salvia aethiopsis, Salvia pobedimovae.*

**Аннотация.** В статью включены 5 видов родов *Salvia L.* и *Nepeta L.*, принадлежащих к семейству Lamiaceae, распространенных во флоре Сурхандарьинского государственного заповедника, которые ранее не упоминались для флоры заповедника. Помимо определения состава видов *Salvia L.* и *Nepeta L.* для флоры заповедника, использовались данные, собранные в ходе полевых исследований, проведенных в 2018-2020 гг., и образцы, хранящиеся в крупных гербарных фондах (TASH, MW, LE). При определении координатных точек видов с помощью программы Google Earth были сделаны карты геоинформационной системы (ГИС), отражающие распространение, с использованием программы ArcMap 10, а также карты ГИС, показывающие распространение видов во флоре заповедника.

**Ключевые слова:** *Узбекистан, Туркменистан, флора, гербарий, Кухитанг, Lamiaceae, Nepeta bracteata, Nepeta cataria, Salvia aria, Salvia aethiopsis, Salvia pobedimovae.*

**Annotation:** The article includes 5 species of the genera *Salvia L.* and *Nepeta L.*, belonging to the Lamiaceae family, widespread in the flora of the Surkhandarya State Reserve, these were not previously included in the flora of the reserve. In determining the composition of *Salvia L.* and *Nepeta L.* species for the flora of the reserve, data was collected during field studies conducted in 2018-2020 and specimens stored in large herbarium funds (TASH, MW, LE) were used. When determining the coordinates of species using the Google Earth program, maps of the geographic information system (GIS) were made, reflecting the distribution, using the ArcMap 10 program, as well as GIS maps, showing the distribution of species in the flora of the reserve.

**Keywords:** *Uzbekistan, Turkmenistan, flora, herbarium, Kouhitang, Lamiaceae, Nepeta bracteata, Nepeta cataria, Salvia aria, Salvia aethiopsis, Salvia pobedimovae.*

### Кириш

Кўхитанг тоғининг фауна ва флорасининг ўзига хослиги, эндем, камёб турларга бойлиги, иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда бу ҳудудда иккита қўриқхона мавжуд, булар Ўзбекистон Республикаси қисмида Сурхон давлат қўриқхонаси, Туркменистон Республикаси қисмида Койтендаг қўриқхоналари. Мазкур қўриқхоналардаги биологик хилма- хиллик, жумладан, флораси тўғрисидаги билимлар, Кўхитанг тоғини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотларда намоён бўлган.

Ҳозирга қадар, Кўхитанг тоғи флораси ўрганишдаги А.Н. Невский (1937), Ф.О. Хасанов (1987), Н. Эфименко (2006), А.Ж. Ибрагимов (2010, 2019) сингари олимлар ўз тадқиқотларини олиб боришган [4, 2, 7, 8, 1, 13, 6].

А.Ж. Ибрагимов (2010) олиб борилган тадқиқотлари натижасида Сурхон давлат кўриқхонаси флорасида 77 оила 372 туркумга мансуб 747 тур учрашини келтирган бўлса, Н. Эфименко (2006) Койтендаг кўриқхонаси учун 86 оила 430 туркумга мансуб 982 тур учрашини қайд этган [1, 8].

Койтендаг кўриқхонаси биологик хилма-хилликни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар Welch Jeff бошчилигида (2019) олиб борилган бўлиб, флора тўғрисида Mark Gurni et al., томонидан амалга оширилган. Бунга кўра, кўриқхона флорасида 1136 тур учраши келтирилган [6]. Юқорида келтирилган рақамлар ўртасидаги фарқни (1136=747) инобатга олган ҳолда, Умумий, Кўхитанг тоғи флорасида мақсадли флористик тадқиқот олиб бориш кераклигини кўрсатади.

#### Тадқиқот объекти ва методлари

Кўриқхона флораси учун кўшимча тарзда *Salvia* ва *Nepeta* турлари таркибини аниқлашда, 2018-2020 йилларда олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган маълумотлар ҳамда йирик гербарий фондларида (TASH, MW, LE) сақланаётган намуналардан фойдаланилди. Турларнинг қабул қилинган номлари [www.ipni.org](http://www.ipni.org) ҳамда [www.powo.org](http://www.powo.org) бўйича келтирилди [14, 15]. Таксонларнинг муаллифлари “Authors of Plant Names” R.K. Brummit, C.E. Powell (1992) қўлланмаси асосида [9], турларининг координата нуқталарини аниқлашда Google Earth дастури, тарқалишини акс эттирувчи гео ахборот тизими (ГАТ) хариталари ArcMap 10 дастури ёрдамида амалга оширилди.

#### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Кўриқхона пасттексик, тоғ ўрмонлари, баланд тоғли экотизмлар, арча ва шу каби турли хил дарахтлардан иборат. Н.Ю. Бешко, Ф.О. Хасанов (2013) маълумотида кўра, юксак ўсимликларнинг 806 тури, шулардан 39 тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китобга киритилган [5].

Кўриқхона флорасида тарқалган *Lamiaceae* Martinov оиласига мансуб *Salvia* L. ва *Nepeta* L. туркум турларини ўрганиш, таркибини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган, умумий рўйхатда бериб кетилган. Хусусан, А.Н. Невский (1937) Кўхитанг флораси учун *Salvia* туркумининг 7 турини, *Nepeta* туркумининг 1 турини, Ф.О. Хасанов (1987) *Salvia* 7 тур, *Nepeta* 1 тур, А.Ж. Ибрагимов (2010) *Salvia* 7 тур, *Nepeta* 1 тур учрашини келтиришган [4, 7, 1].

Кўхитанг тоғи флорасини ўрганишга бағишланган 2018-2020 йилларда олиб борилган дала тадқиқотлари ҳамда TASH, LE гербарий фондларини таҳлил этиш натижасида Ўзбекистон флорасида тарқалган *Salvia* туркумининг уч (*S. ariana* Hedge, *S. aethiopsis* L., *S. sclarea* L.) ва *Nepeta* туркумининг икки тури (*N. bracteata* Benth., *N. cataria* L.) Сурхон давлат кўриқхонаси флора рўйхатига биринчи мартаба киритилди. Мазкур турларнинг А.М. Махмедов (1984, 1987), С.С. Ковалевская (1987), Т.И. Цукерваник (1987) Кўхитанг тоғида учраши келтирилган бўлсада, А.Ж. Ибрагимов (2009) Сурхон давлат кўриқхонаси флора таркибида киритилмаган.

*Salvia ariana* Hedge 1966, Notes Roy. Bot. Gard. Edinburgh 26: 47.

Ушбу турнинг ареали I.Ch. Hedge (1982) томонидан келтирилган маълумотларда Афғонистон ва қисман Туркменистонда (Копетдаг) тарқалганлигини қайд этган [11]. А.М. Махмедов (1987) маълумотларига кўра, бу тур Помир Олойда тарқалган: Кўхитанг, жанубий Тожикистоннинг паст тоғлари (Туюнгов, Актау), Копетдаг [17]. Тадқиқот давомида мазкур тур кўриқхона флораси таркиби учун биринчи мартаба келтирилди шу билан бирга Ўзбекистон флораси учун ҳам. А.И. Введенский (1961) томонидан келтирилган маълумотларда ҳам турнинг Ўзбекистон флорасида учраши тўғрисида маълумотлар келтирилмаган. Фондларда сақланаётган намуналар орасида Кўриқхона худудидан ҳам терилган намуналар мавжуд: (1-расим). Кугитангский хр. Шерабадский район, окр. сел. Вандоб, на глинистых холмах, 21.05.1970, Джумаев n<sup>0</sup>20; окр. сел. Вандоб, на мелкоземистых почвах, 24.05.1970, Джумаев n<sup>0</sup>98 (TASH); Ущелье Танги-дара, на осыпи щебня. 16.05.1915, М.Г. Попов 701 (TASH); Окрестности сел. Вандоб. 20.05.1970, Джумаев; Ущелье Танги-Дара, по осыпи Щебня. 16.05.1915, М.Г. Попов (TASH); Окрестности сел. Вандоб. На мелкоземистых почвах. 18.05.1970, Джумаев (LE!).

*Salvia aethiopsis* L. 1753, Sp. Pl.: 27.

А.М. Махмедов (1987) маълумотларига кўра, бу тур Тиён-Шоннинг Қирғиз Оладоғи, Помир Олойнинг Зарафшон, Ҳисор, Кўхитанг тизмалари ҳамда Копетдоғнинг ғарбий ва марказий қисмларида тарқалган [17]. А.М. Махмедов (1984) Кўхитанг тоғининг Туркменистон қисми яъни Ходжафил ва Маркуши қишлоқлари атрофида бу турнинг учрашини келтирган [3]. Олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида бу турнинг Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида ҳам тарқалганлиги аниқланди: Кугитангский хр. Заповедник Сурхан. N 37.988729 E66.686954, Тургинов, 02.06.2020 (TASH).

*Salvia pobedimovae* J.G. González (= *Perovskia botschantzevii* Kovalevsk. & Koczk.) 2017, Тахон 66: 141.

Сўнги йилларда айрим таксономик ўзгаришлар натижасида Ўрта Осиёдаги айрим туркумларнинг вакиллари бошқа туркумларга бирлаштирилган, шулардан бири *Perovskia botschantzevii* Kovalevsk. & Koczk. Ушбу тур J.G. González ва бошқалар томонидан *Salvia pobedimovae* J.G. González турига ўзгартирилган [10].


С.С. Ковалевская (1987) *P. botschantzevii* Помир Олойнинг Нурота, Кўхитанг ва Тиён-Шоннинг Чотқол, Қурама, Узун-Ахмат, Фарғона, Моғултоғ тизмаларида учрашини келтирган [16]. И.А. Ибрагимов (2010) Сурхон давлат қўриқхонаси флорасига *Perovskia* Kar. туркумининг фақат бир турини *Perovskia scrophulariifolia* Bunge киритган [1]. Ўзбекистон Миллий Гербарийси (TASH) фондида сақланаётган намуналарини ўрганиш давомида давомида Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудидан терилган намуналар борлиги ҳам маълум бўлди: Юго-западный Памир-алай. Хребет Кугитанг; юго-восточный склон. В 4 км к з от кишлак Вандоб. 09.07.1940, А.Архиреев n<sup>o</sup>236 (TASH).

*Nepeta bracteata* Benth. 1848, A.P.de Candolle, Prodr. 12: 395.

Т.И. Цукерваник (1987) мазкур турни Помир Олойнинг Туркистон, Зарафшон, Кўхитанг тизмаларида тарқалганлиги келтирган [18]. Қўриқхона флора таркибида бу тур келтирилмаган. Ўзбекистон Миллий Гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналар орасида қўриқхона флораси ҳудудидан терилган намуналар мавжудлиги аниқланди: Кугитангский хр., окр. сел. Вандоб. 1972, Джумаев; Горы Кугитанг; ущелье Танги-Дара, розсыпь щебня. Верх. р. Мачилсай. В 5 км выше к/к Кампыртепе. Арчевник. 18.05.1978, М.М. Набиев, А.Д. Ли, Т.И. Цукерваник n<sup>o</sup>335 (TASH); ущелье Танги-Дара, розсыпь щебня. 16.05.1915, М.Г.Попов (TASH).

1-расим.

Кўхитанг тизмаси Сурхон давлат қўриқхона флорасидан топилган *Salvia* ва *Nepeta* туркум турлари



*Nepeta cataria* L. 1753, Sp. Pl.: 570.

Т.И. Цукерваник (1987) томонидан келтирилган маълумотларига кўра, мазкур тур, Тургай впадинаси, Балхаш олди, Орол олди, Устюрт, Жунғор Олоғи, Тиён-Шоннинг Илийрти Олоғи, Чу-Или тоғи, Қирғиз Олоғи, Кунгей Олоғи, Терс Олоғи, Талосс Олоғи, Қоратоғ, Угом, Қоржонтоғ, Пском, Чотқол, Фарғона, Отойноқ тизмалари, Памир-Олойнинг Олой, Турикстон, Нурота, Зарафшон, Ҳисор, Кўхитанг, Копеттоғ, Катта Балханда учрашини қайд этган [18]. Ўзбекистон Миллий Гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналар орасида кўриқхона флораси худудидан терилган намуналар мавжудлиги аниқланди: Кугитангский хр., окр. сел. Вандоб, в. н.у.м.1200 м. 11.07.1984, Ф.О. Хасанов (TASH).

### Хулоса

Сурхон давлат кўриқхона флорасида тарқалган Lamiaceae оиласига мансуб, *Salvia* ва *Nepeta* туркум турларининг кўриқхона флораси учун аввал келтирилмаган 5 тури киритилди. Бу турларининг кўриқхона флорасида тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари яратилди. Табиатга биотик, абиотик ва антропоген омиллар таъсирида рўй берадиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, бу каби худудлардаги биологик хилма-хилликни асраш мақсадида ҳар 5-10 йиллар оралиғида мақсадли флористик ва геоботаник тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ибрагимов А.Ж. Флора Сурханского заповедника (хребет Кугитанг): Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 2010. – 20 с.
2. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – 353 с.
3. Махмедов А.М. Шалфеи Средней Азии и Казахстана (систематика, география и рациональное использование). – Ташкент: Фан, 1984. – С. 112
4. Невский С.А. Материалы к флоре Кугитангтау и его предгорий. В сб. Флора и систематика высших растений – М., Л.: Изд-во АН СССР, 1937. – С. 199-346.
5. Рекомендации по расширению системы охраняемых природных территорий в Узбекистане / Отв. ред. А.Т.Исмаилов; Программа развития ООН в Узбекистане, Министерство сельского и водного хозяйства, Главное управление лесного хозяйства, ГЭФ. – Ташкент: Baktria press, 2013. – 256 с.
6. Уэлч Дж, Стоев П (Ред.) Отчет о научных исследованиях, поддерживаемых Королевским обществом защиты птиц Великобритании в заповеднике Койтендаг (Восточный Туркменистан). Penso Publishers, Sofa, 2019. – 92 с.
7. Хасанов Ф. О. Ксерофильная древесно-кустарниковая растительность Кугитангтау: Автореф. дис... канд. биол. наук. – Ташкент, 1987.– 20 с.
8. Яценко Р. В. Заповедники Средней Азии и Казахстана // Охраняемые природные территории Средней Азии и Казахстана. – Алматы. 2006. – №. 1. – С. 256.
9. Brummitt R.K., Powell C.E. Authors of plants names. Royal Botanic Gardens. – Kew, 1992. – P. –732.
10. Drew, B. T., González-Gallegos, J. G., Xiang, C. L., Kriebel, R., Drummond, C. P., Walked, J. B., & Sytsma, K. J. (2017). *Salvia* united: The greatest good for the greatest number // Taxon, 66 (1), 133-145.
11. Hedge I. C. *Salvia* L. In: Rechinger KH (ed.), Flora Iranica 150: 1982. 403-476, Akademische Druck und Verlagsanstalt, Graz.
12. Hedge, I. C. Studies in the Flora of Afghanistan III: an account of *Salvia* // Notes Roy. Bot. Gard. Edinb. 1966. 26 (4), 407.
13. Ibragimov, A., & Sulonov, K. Bioecology rare species and extinction of the surkhan state natural reservoir // Scientific Bulletin of Namangan State University, 2019. 1 (1), 82-86.
14. IPNI. International Plant Names Index, <https://beta.ipni.org/> Last accessed: 6 October 2019.
15. POWO. Plants of the World Online. Facilitated by the Royal Botanic Gardens, Kew. Available from: <http://www.plantsoftheworldonline.org>. Last accessed: 6 October 2019.
16. Kovalevskaya S.S. *Perovskia* Kar. In: Adylov TA, editor. Conspectus Florae Asiae Mediae 9. Tashkent: Fan Publishers. 1987. Pp. 151-155 [In Russian].
17. Maxmedov AM. 1987. *Salvia* L. In: Adylov TA, editor. Conspectus Florae Asiae Mediae 9. Tashkent: Fan Publishers. Pp. 138-151 [In Russian].
18. Tsukervanik N.I. *Nepeta* L. in: Adylov, T.A. (Ed.), Conspectus Florae Asiae Mediae, 9. Tashkent, 1987. Pp. 44-58. [in Russian].

Наширға проф. Л.Ўзиев тавсия этган



**КОВРАК ВИЗИЛДОҒИ (*MACHOZETUS LEHMANNI MENETRIES, 1848*) НИНГ  
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.****Халимов Ф.З. (СамДУ), Алимова Л.Х. (БухДУ)**

**Аннотация.** Коврак визилдоғининг (*Machozetus lehmanni*) Ўрта Осиёда тарқалган эндемик тур эканлиги ҳақида маълумотлар бўлса-да, унинг морфобиологик ва экологик тавсифи ўрганилмаган. Мақолада коврак визилдоғининг морфологик тавсифи берилган ва асосий морфометрик кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинган. Энг юқори ўзгарувчанлик бошнинг узунлигида, энг тор ўзгарувчанлик эса устқанотлар кенлигида кузатилади. Тана қисмларининг морфометрик кўрсаткичлари орасидаги коррелятив алоқалар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** *Machozetus lehmanni*, *Machozetus concinnus*, морфометрик кўрсаткичлар, вариация коэффициентлари

**Аннотация.** Феруловая жужелица (*Machozetus lehmanni*) отмечается как эндемический вид Средней Азии, но морфобиологические и экологические её особенности ещё не изучены. В статье приводится морфологическое описание *Machozetus lehmanni* и статистически анализированы морфометрические показатели. Наиболее вариабельным из морфометрических показателей является длина головы, а наименее вариабельным оказался ширина надкрылий. Анализирована корреляционная взаимосвязь между морфометрическими показателями разных частей тела.

**Ключевые слова:** *Machozetus lehmanni*, *Machozetus concinnus*, морфометрические показатели, коэффициент вариации.

**Annotation.** The ferula ground beetle (*Machozetus lehmanni*) is noted as an endemic species of Central Asia, but its morphobiological and ecological features have not yet been studied. The article provides a morphological description of *Machozetus lehmanni* and statistically analyzed morphometric parameters. The most variable of the morphometric parameters is the length of the head, and the width of the elytra is the least variable. The correlation relationship between morphometric indicators of different parts of the body has been analyzed.

**Key words:** *Machozetus lehmanni*, *Machozetus concinnus*, morphometric parameters, coefficient of variation.

Мамлакатимиз энтомофаунаси жуда хилма-хил ва кўплаб факат шу ҳудудлар учун хос бўлган эндемик турларни ўз ичига олади. Шундай эндемик турлардан бири визилдоқ кўнғизлар (Carabidae) оиласига мансуб *Machozetus Chaudoir*, 1850 авлодининг турларидир. Визилдоқ кўнғизларнинг бу авлоди Ўрта Осиёнинг эндемик авлоди бўлиб, ўз таркибида факатгина иккита турни бирлаштиради: *Machozetus lehmanni Menetries*, 1848 ва *Machozetus concinnus* С.А. Dohrn, 1885. Ушбу кўнғизлар Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Шимолий Афғонистоннинг чўл ва тоғолди зоналарида тарқалган [3,9]. Кейинги йилларда бу кўнғизларнинг Эронда ҳам тарқалганлиги музей коллекциялари асосида кўрсатиб берилди [7]. *Machozetus* авлодига мансуб кўнғизлар ихтисослашган фитофаглар бўлиб, ўсимликларнинг, асосан, ковракнинг уруғи билан озикланади [2]. *Machozetus lehmanni* Туркменистоннинг Репетек кўриқхонасидаги кум барханларида соябонгулдошларга мансуб ўсимликларда учрайдиган ўзига хос монофаг тур сифатида қайд этилади [1,6].

Бу турнинг ҳаёти ва ривожланиши тупроқдаги махсус инида ўтади. Урғочилари тупроқда 4 м гача бўлган тик уя қазийди. Уяга биттадан тухум қўяди ва личинкаларнинг озикланиши учун коврак уруғларини тўплайди [2,4]. Личинкалари тупроқда ривожланади. *Machozetus lehmanni* нинг личинкалари дастлаб И.Х.Шарова ва К.В.Макаров томонидан тасифланган. 3-ёшдаги личинкаларининг катталиги 34 мм гача, танаси оқиш ва майда туклар билан қопланган, кўзлари ривожланмаган. Бу ҳолат уларнинг яширин, камҳаракат ҳаёт тарзига эга эканлигидан далолат беради [5].

А.Ш.Ҳамраев (2013) томонидан Хоразм ва Қорақалпоғистонда *Machozetus lehmanni* ва *Machozetus concinnus* Nebrinae кенжа оиласи вакили сифатида қайд этилади [8].

Ушбу илмий тадқиқотларда *Machozetus* авлоди турларининг тарқалиши ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлса-да, бу турларнинг морфологик тавсифи ва биологик хусусиятлари очиқ берилмаган. Шу сабабли мазкур мақолада бу турларнинг тўлиқ морфологик тавсифи келтирилади. Кейинги йилларда коврак ўсимлиги табиий


майдонларининг қисқариб бораётганлигини ҳисобга олсак, ушбу ўсимлик билан чамбарчас боғланган бу қўнғизлар популяциясининг ҳозирги аҳволини ўрганиш долзарб муаммо ҳисобланади.

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** Тадқиқот материали бўлиб визилдоқ қўнғизлар оиласининг *Machozetus* авлодига мансуб *Machozetus lehmanni* ва *Machozetus consipnus* қўнғизлари хизмат қилди.

Тадқиқотлар Ўзбекистоннинг Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари чўл ҳудудларида 2020-2021 йилларда олиб борилди. Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудлар жойлашуви 1-расмда кўрсатилган. Тадқиқотларда қўнғизлар визуал (қўл билан териш) усулда йиғилди ва этилацетат ёрдамида жонсизлантирилиб, коллекция тайёрланди.


1-расм.

### Тадқиқот ўтказилган ва намуналар терилган ҳудудлар



Лаборатория шароитида қўнғизларнинг морфометрик кўрсаткичлари ўлчовли чизғичга эга МВС-9 бинокуляр микроскоп ёрдамида текширилди.

Асосий морфометрик кўрсаткичлар сифати бошининг узунлиги (БУ) ва кенлиги (БК), кўзлар орасидаги масофа (КМ), олдқўкракнинг узунлиги (ОУ) ва кенлиги (ОК), устқанотларнинг (элитра) узунлиги (ЭУ) ва кенлиги (ЭК), қўнғиз танасининг умумий узунлиги ( $TU=BU+OU+UU$ ) каби кўрсаткичлар олинди (2-расм). Қўшимча равишда тана қисмларининг нисбатлари аниқланди. Бунда: БУ/ТУ – бош узунлигининг тана узунлигига нисбати; БК/ТУ – бош кенлигининг тана узунлигига нисбати; КМ/ТУ – кўзлар орасидаги масофанинг тана узунлигига нисбати; ОУ/ТУ – олдқўкрак узунлигининг тана узунлигига нисбати; ОК/ТУ – олдқўкрак кенлигининг тана узунлигига нисбати; ЭУ/ТУ – элитра (устқанотлар) узунлигининг тана узунлигига нисбати; ЭК/ТУ – элитра кенлигининг тана узунлигига нисбати; ОК/ОУ – олдқўкрак кенлигининг олдқўкрак узунлигига нисбати; ЭК/ЭУ – элитра кенлигининг элитра узунлигига нисбати.



**2-расм.** Морфометрик ўлчовлар схемаси: 1-2-бошнинг узунлиги-БУ; 2-3-олдкўкрак узунлиги-ОУ; 3-4-элитра узунлиги-ЭУ; 5-6-элитра кенлиги-ЭК; 7-8-олдкўкрак кенлиги-ОК; 9-10-бош кенлиги-БК; 11-12-кўзлар орасидаги масофа-КМ.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Statistica 10 стандарт пакети асосида ўтказилди. Бунда морфометрик кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматлари, стандарт оғиш, стандарт хатолик, вариация коэффицентлари ва тана қисмлари ўртасидаги корреляция коэффицентлари аниқланди.


**Тадқиқот натижалари.** *Machozetus* авлодига мансуб *Machozetus lehmanni* ва *Machozetus concinnus* турлари бир бирига жуда ўхшаш турлардан иборат бўлиб, уларнинг асосий фарқи ўлчамидадир. Ўрганилган ҳудудларда бу икки тур популяциясининг сони бир-биридан кескин фарқ қилади. Агар *Machozetus lehmanni* ўрганилган 7 та ҳудуднинг барчасида учраган бўлса, *Machozetus concinnus* фақат 2 та ҳудудда (Бухоро вилояти «Жайрон» экомаркази ва Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Алан чўли) кам сонда топилди.

*Machozetus concinnus* 20,2-25,5 мм катталиқдаги қора, ялтироқ рангдаги визилдоқ кўнғиздир. Умуман морфологик хусусиятлари билан *Machozetus lehmanni* га жуда ўхшаш. Бу тур намуналари 10 тадан кам бўлганлиги ва статистик таҳлил учун етарли эмаслиги сабабли куйида фақат *Machozetus lehmanni* га тавсиф берамиз.

**Морфологик тавсифи.** *Machozetus lehmanni* қора, ялтироқ рангдаги йирик кўнғиз. Танасининг узунлиги 29,6-42,8 мм. (3-расм). Боши йирик, прогнатик типда, жағлари билан биргаликдаги узунлиги 10,7-17,5 мм, бошининг эни кўзлари билан биргаликда 7-11,3 мм. Жағлари кучли ривожланган. Кўзлари йирик, қора ёки оқ рангда, кўпинча қора кўзларининг ўртасида ҳажми турлича бўлган оқ доғ бор. Бу оқ доғ баъзан кўзининг марказида, базан катталашган ёки бутун кўзни қоплаб олган. Кейинги ҳолатда кўзлар оқ рангга эга бўлади. Иккала кўз орасидаги масофа бошнинг кенлигига боғлиқ ҳолда 6,3-9,6 мм ни ташкил этади. Мўйловлари 11 бўғимли, 1-бўғими жуда йирик, 2-бўғим 3- ва кейинги бўғимларидан 1,5 марта кичик. Охириги 4 та бўғими сарғиш-жигар рангда. 1-2-бўғимлари ялтироқ қилларга эга, 3-бўғимдан бошлаб барча бўғимлар майда сарғиш тукчалар билан қопланган. Мўйловларидаги ҳар бўғимнинг охириги қисмида бир нечтадан сенсиллалар (қиллар) жойлашади.

Оғиз органлари кучли тараққий этган. Юқориги лаб сариқ туклар билан қопланган. Олдинги жағлари жуда йирик. Пастки жағ пайпаслагичлари уч бўғимли, қора, ялтироқ, ҳар бир бўғимнинг учки қисми сарғиш рангда. 1-бўғими йирик ва йўғонлашган, кейинги, 2-бўғимидан 1,5 марта узун. 3-бўғими калта, асосидан учига томон кенгайиб боради ва яссиллашган. Пастки лаб пайпаслагичлари ҳам уч бўғимли, асосий бўғими калта, 2- бўғим

ундан 4-5 марта узун, 3-бўғими асосий бўғимдан 1,5 марта узун, кенгайган ва яссилашган, учки қисми жигаррангда. Пастки лаби сарғиш-жигар рангда, ялтироқ.



3-расм. *Machozetus Chaudoir, 1850* авлоди турлари: А-*Machozetus lehmanni*; Б-*Machozetus concinnus* (ориг.).

Оёқлари югурувчи типда, кучли ривожланган, узун, қора ялтироқ рангда, жигарранг қиллар билан қопланган. Қиллар болдирнинг икки ён томонида зич қатор ҳосил қилади.

Олдкўкраги ўзига хос юраксимон шаклда, лекин остки томони ўткирлашмаган, ҳар доим бошидан энли, ўрта қисмидан эса бўйи бўйлаб майда эгатча ўтади. Олдкўкракнинг узунлиги 5-7,1 мм, эни 12-15,7 мм.

Элитраси (устқанотлари) кучли хитинлашган ва бирлашиб кетган бўлиб, қорамтир-ялтироқ рангда. Иккала устқанотларнинг бирлашган жойи ингичка эгатча шаклида. Ҳар бир элитрасида 7-8 та чизик шаклидаги эгатчалар мавжуд ва улар устқанотларни пушталарга ажратиб туради. Устқанотларни ажратиб турадиган марказий эгатча бошқа эгатчалардан бироз кенлиги билан ажралиб туради. Элитранинг кенлиги 12-15,7 мм, узунлиги эса 13,3 мм дан 20,2 мм гача етади.

Ўрганилган морфометрик кўрсаткичларнинг популяция ичидаги ўзгарувчанлиги унча юқори эмас ва анча барқарор кўрсаткичлар ҳисобланади. Одатда, барқарор бўлмаган кўрсаткичлар учун вариация коэффицентини 33,3 фоиз дан юқори бўлиши керак. Статистик таҳлиллар аниқланган кўрсаткичлар орасида бошнинг узунлиги энг юқори вариация коэффицентига эга эканлигини кўрсатди ( $C_v=9,22$ ). Вариация коэффицентининг энг паст кўрсаткичи ( $C_v=5,51$ ) устқанотлар кенлигига таълуқлидир (1-жадвал).


Маълумки, организмларда тана қисмларининг ўлчамлари бир-бирига чамбарчас боғланган. Аммо, бу боғлиқлик даражаси турли тана қисмлари ўртасида турлича бўлиши мумкин. Бу муаммони аниқлаш мақсадида тана қисмлари морфометрик кўрсаткичлари орасидаги корреляция коэффицентлари аниқланди (2-жадвал). Жуда юқори корреляцион боғлиқлик бош кенлиги (БК) ва кўзлар орасида масофа (КМ), олдкўкрак кенлиги (ОК) ва устқанотлар кенлиги (ЭК), устқанотлар узунлиги (ЭУ) ва тананинг умумий узунлиги (ТУ) орасида кузатилади (корреляция коэффицентини-0,9). Жуда кучсиз коррелятив боғлиқлик бош узунлиги (БУ) билан олдкўкрак узунлиги (ОУ) орасида кузатилади (0,31), кучсиз боғлиқлик, шунингдек, олдкўкрак узунлиги (ОУ) ва бош кенлиги (БК), олдкўкрак узунлиги (ОУ) ва кўзлар орасидаги масофа (КМ) орасида кузатилади (0,50). Умуман, олдкўкрак узунлиги бош қисмининг морфометрик кўрсаткичларига нисбатан анча кучсиз боғлиқлик намоён этади.

1-жадвал.

*Machozetus lehmanni* кўнғизлари айрим морфометрик кўрсаткичларининг статистик таҳлили (n=100)

Тана қисмлари	Max	Min	Ўртача арифметик, М	Стандарт оғиш, sd	Стандарт хатолик, m	Вариация коэффиценти, Cv, фоиз
БК	11,3	7	9,5	0,77	0,08	8,10 фоиз
БУ	17,5	10,7	13,7	1,26	0,14	9,22 фоиз
КМ	9,6	6,3	7,6	0,62	0,07	8,15 фоиз
ОК	13,3	10	11,7	0,69	0,07	5,95 фоиз
ОУ	7,1	5	6,0	0,39	0,04	6,57 фоиз
ЭК	15,7	12	13,6	0,75	0,08	5,51 фоиз
ЭУ	20,2	13,3	17,3	1,17	0,13	6,77 фоиз
ТУ	42,8	29,6	36,9	2,38	0,26	6,46 фоиз
БК/ТУ	0,29	0,23	0,26	0,01	0,001	4,94 фоиз
БУ/ТУ	0,41	0,32	0,37	0,02	0,002	4,92 фоиз
ОК/ТУ	0,36	0,3	0,32	0,01	0,001	3,72 фоиз
ОУ/ТУ	0,18	0,14	0,16	0,01	0,001	5,35 фоиз
ЭК/ТУ	0,43	0,34	0,37	0,01	0,001	3,60 фоиз
ЭУ/ТУ	0,51	0,43	0,47	0,01	0,002	2,97 фоиз
КМ/ТУ	0,24	0,19	0,21	0,01	0,001	5,55 фоиз
ОК/ОУ	2,32	1,73	1,96	0,10	0,01	5,11 фоиз
ЭК/ЭУ	0,98	0,71	0,79	0,04	0,004	4,85 фоиз

4-расм.



*Machozetus lehmanni* морфометрик кўрсаткичларининг статистик тавсифи (ўлчов бирлиги-мм, шартли қисқартмалар тадқиқот услубларида кўрсатилган. \* -ўртача арифметик қиймат, ■-стандарт хатолик, Т - стандарт оғиш).

2-жадвал.

***Machozetus lehmani* тана қисмлари ўлчамлари орасидаги корреляцион боғлиқлик кийматлари (корреляция коэффициентлари) (n=100)**

Тана қисмлари	БК	БУ	КМ	ОК	ОУ	ЭК	ЭУ	ТУ
БК								
БУ	0,79							
КМ	0,90	0,70						
ОК	0,85	0,70	0,84					
ОУ	0,50	0,31	0,50	0,69				
ЭК	0,77	0,69	0,76	0,90	0,66			
ЭУ	0,61	0,56	0,57	0,71	0,69	0,74		
ТУ	0,80	0,85	0,73	0,83	0,67	0,84	0,90	

Хулоса. *Machozetus lehmani* ва *Machozetus concinnus* морфологик жиҳатдан бирига жуда ўхшаш турлар бўлиб, ўлчами жиҳатидан кескин фарқ қилади. *Machozetus concinnus* 20,2-25,5 мм, *Machozetus lehmani* эса 29,6-42,8 мм. катталиқдаги қора, ялтирок рангдаги визилдок кўнғизлардир. Илк маротаба *Machozetus lehmani* га морфологик тавсиф берилди ва асосий морфометрик кўрсаткичлари ва уларнинг вариацияси тавсифланди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бегов П. Проблемы освоения пустынь (Problems of Desert Development) // Международный научно-практический журнал. – Ашхабад, 2006. – № 2. – С. 16-19.
2. Давлетшина А.Г., Аванесова Г.А., Мансуров А.К. Энтомофауна Юго-Западного Кызылкума. – Ташкент: Фан, 1979. – С. 128.
3. Крыжановский О.Л. Состав и происхождение наземной фауны Средней Азии (главным образом на материале по жесткокрылым) [Composition and origin of the terrestrial fauna of Central Asia (based chiefly on the beetles material)]. – М.-Л.: Наука, 1965. – 430 с.
4. Моисеев В.А., Давлетшина А.Г. Мир насекомых Узбекистана. – Ташкент: Ўқитувчи, 1997. – 144 с.
5. Шарова И.Х., Макаров К. В. Личинка жуэлицы *Machozetus lehmani* Men. (Coleoptera, Carabidae). Энтомологическое обозрение, LXII, 3, 1983, – Р. 524-528.
6. Farkas J. Фауна жуэлиц Репетекского заповедника (Coleoptera, Carabidae). Бюллетень Московского общества испытателей природы. Отделения Биология, 1998. Т. 103, вып. 5. – С. 22-23.
7. Kataev V.M. & Wrase D.W. Taxonomic and faunistic notes on certain Anisodactylina, Harpalina, Ditomina and Amblystomina from the Palaearctic, Ethiopian and Oriental regions (Coleoptera: Carabidae: Harpalini). Vernate 35/2016, – Р. 251-279.
8. Khamraev A.Sh. Soil organisms and entomocomplexes in Khorezm and Karakalpakstan (Uzbekistan) // Soil ecology. – ZEF BONN, 2013. – №6. – Р. 1-67.
9. Wrase, D. W. 2003. Subtribe Ditomina Bonelli, 1810. – Pp. 363–367. – In:
10. Löbl L. & Smetana A. (eds). Catalogue of Palaearctic Coleoptera.
11. Volume 1. Archostemata - Mухophaga - Adephaga. - Stenstrup: Apollo Books, – Pp. 819.

*Наширға доц. Б.Рўзиев тавсия этган*

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Каримов М. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида хорижий олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари ва малака ошириш институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, энг сўнгги ўқув ва илмий тажрибаларни ўрганиш ва уларни таълимга татбиқ этиш ёритиб берилган. Шунингдек, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш, таълим сифатини ошириш ва халқаро таълим майдонида университетнинг обрўсини ошириш мақсадида халқаро таълимнинг аниқ механизмлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳақида сўз боради.

**Таянч сўзлар:** *Ўзбекистон, Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, илм-фан, таълим, Ҳаракатлар стратегияси, технология, халқаро ҳамкорлик, профессор, конференция, илмий-тадқиқот.*

**Аннотация.** В данной статье описывается налаживание сотрудничества высших учебных заведений Республики Узбекистан с зарубежными высшими учебными заведениями, исследовательскими центрами и институтами повышения квалификации, изучение новейших образовательных и научных практик и их применение в образовании. Также обсуждается внедрение новых педагогических технологий в образовательный процесс, разработка конкретных механизмов и программ международного образования с целью повышения качества образования и повышения репутации вуза в сфере международного образования.

**Ключевые слова:** *Узбекистан, Кабинет Министров, Министерство высшего и среднего специального образования, наука, образование, Стратегия действий, технология, международное сотрудничество, профессор, конференция, научно-исследование.*

**Annotation.** This article describes the establishment of cooperation of higher education institutions of the Republic of Uzbekistan with foreign higher education institutions, research centers and institutes of advanced training, the study of the latest educational and scientific practices and their application in education. It also discusses the introduction of new pedagogical technologies in the educational process, the development of specific mechanisms and programs of international education in order to improve the quality of education and enhance the reputation of the university in the field of international education.

**Keywords:** *Uzbekistan, Cabinet of Ministers, Ministry of Higher and Secondary Special Education, Science, Education, Action Strategy, Technology, International Cooperation, Professor, Conference, Research.*

Ўзбекистонда ҳозирги миллий юксалиш даврида - янги Учинчи Ренессанс пойдеворида тамал тоши қўйилаётган даврда таълим соҳасида устувор ислохотларнинг жадаллик билан олиб борилиши, иқтисодий тараққиётнинг негизи илм-фанга ва таълимга асосий эътибор қаратилганлигининг ёрқин намунаси.

Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган дастлабки йиллардан оқ жамият олдида турган ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий вазибаларни ҳал қилиш, аввало, таълим тизимини тубдан ислох қилиш, халқимизнинг бой маънавияти ва кадрларига, инновацион фан-техника ва технологияларга, юқори маънавият ва ишлаб чиқаришнинг эркин бозор иқтисодиётига асосланган янги шаклланган маънавий тизимини яратишни тақозо қилади. Инновацион тараққиётнинг ривожланишида илм-фан ва таълим асосий роль ўйнаши туфайли мамлакатимизда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибалари шунинг кўрсатадики, ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш таълим олувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш жадаллиги ва самарадорлигини оширишни кафолатлайди. Бу ўринда ХХ асрнинг охирилари – ХХІ асрнинг бошларида “Япон мўъжизаси”, “Жанубий Корея мўъжизаси”, “Сингапур мўъжизаси” ва ҳозирги кунда эса “Хитой мўъжизаси” деб ном олган ҳамда мамлакат миқёсида юқори ривожланиш даражасига эришиш асосида жаҳон бозорига тобора жадал равишда кириб бораётган мамлакатларнинг таълим ва тарбия соҳаларини ташкил қилишларига эътиборни қаратишимиз ўринли бўлади.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кадрлар тайёрлашнинг маъно-

мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир муҳим масалалар белгиланган.

2017-2019 йиллар мобайнида Олий таълим соҳасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган қатор қарорлар Ўзбекистон Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уни амалиётга татбиқ қилиш бўйича асосий вазифалар белгиланган.

Бунда олий таълим муассасалари жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириши, ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиши белгиланган. Ўқув-педагогик фаолиятга, малака ошириш курсларига хориждаги таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг хорижий таълим ва илмий муассасаларда амалиёт ўташини, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.<sup>1</sup>

Сўнгги 3 йилда олий таълим муассасаларининг 1 611 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши таъминланди. Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий олий таълим ва илмий муассасалар магистратура мутахассислигига 112 нафар, докторантурасига 51 нафар ёшлар таълим олишга қабул қилинди.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 46 нафар профессор-ўқитувчининг Канада, Буюк Британия ва Италия давлатларида стажировка ўташи таъминланди.<sup>2</sup>

2017-2019 йилларда таълим жараёнига 1 154 нафар хорижлик юқори малакали педагог ходим ва олим жалб этилди (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар, Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДХ мамлакатларидан 316 нафар)<sup>3</sup>.

Республикамизнинг олий таълим муассасалари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириб, дунё ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиб, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- олий таълим муассасалари профессор ўқитувчиларнинг малакасини ошириш;
- таълимнинг турли йўналишлари учун янги ўқув дастурлари, замонавий ўқув-методик адабиётлар яратилиши;
- олий таълим муассасалари профессор ўқитувчиларнинг хорижий илмий амалий семинар, конференция ва симпозиумларда кенг иштирок этиши;
- профессор ўқитувчиларнинг ва талабаларнинг хорижий алмашинув дастурлари ва тренингларда қатнашуви;
- хорижий ўқитувчи ва профессорларнинг республика олий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш ва тажриба алмашинуви мақсадида ишлашга таклиф этиш.

Олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ХХР, Корея Республикаси, Малайзия, Миср, Россия Федерацияси, Украина, Озарбайжон, Туркманистон ва бошқа қатор етакчи давлатлар билан ҳукуматлараро шартномалар асосида амалга оширилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Таълим Вазирлиги ўртасида 1999 йил 8 ноябрдан белгиланган “Таълим соҳасида ҳамкорлик” тўғрисидаги шартнома доирасида Хитой олий таълим муассасаларида Ўзбекистоннинг қатор олий таълим муассасаларидан 40 та талаба, фан номзодлари ва ёш мутахассислар амалиёт ўтамоқдалар.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> <https://www.lex.uz/docs/3171590?ONDATE=19.06.2017><https://lex.uz/docs/4545884>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ//www.uza.uz

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ 2-боб.

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/4545884>



Хитой олий таълим муассасаларида амалиёт хитой тили ва адабиёти, шунингдек, турли техник ва табиий фанлар йўналиши бўйича билимларни такомиллаштириш мақсадида олиб борилади.

Ўзбекистон олий таълим муассасалари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Россия Федерацияси, ХХР, Ҳиндистон, Япония, Корея Республикаси, Малайзия ва бошқалар билан тўғридан-тўғри муассасалараро шартномалар асосида ҳамкорлик олиб боришмоқда.

Ушбу шартномалар профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, уларнинг турли конференция ва симпозиумларда иштирок этиши, қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий мақолалар чоп этириш ва ҳоказо вазифаларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон олий таълим муассасалари Британия Кенгаши, Гёте номидаги институт, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Корея ва Япониянинг халқаро ҳамкорлик бўйича агентликлари, Ҳиндистон ва Малайзия техник ҳамкорлик дастури, БМТнинг ривожланиш дастури, ЖБ, АТБ, ИТБ ва бошқалар билан яқиндан алоқа ўрнатган.<sup>1</sup>

Ушбу барча дастур ва лойиҳалар давлатда олий таълимни ривожлантириш, илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув-методик жараёни такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, талабалар алмашинувини кенгайтиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон олий таълим муассасалари Европа Иттифоқининг Темпус ва Эрасмус Мундус номли таълим дастурларида фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда республикада Европа Иттифоқининг Темпус ўқув дастурининг 20 та лойиҳаси татбиқ этилиб, уларда Ўзбекистоннинг 40 атрофида олий таълим муассасалари иштирок этади.<sup>2</sup>

Темпус лойиҳаси асосан техник фанлар ва назарий технологиялар соҳасидаги магистратура ва бакалаврият учун ўқув дастурларини ишлаб чиқаришга бағишланган. Республика олий таълим муассасалари Европанинг қатор университетлари билан ҳамкорликда турли фанлар бўйича янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб боради. Бундан ташқари, Темпус лойиҳаси иштирокчи олий таълим муассасаларини замонавий компьютер ускуна ва техникаси билан таъминлаш имкониятини беради.

Темпус лойиҳаси, шунингдек, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишга қаратилган. Лойиҳалар доирасида европа олий таълим муассасаларида қисқа муддатли семинарлар, илмий-амалий конференциялар, малака ошириш курслари олиб борилишини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбекистон олий таълим муассасалари Европа Иттифоқининг талабалар, ўқитувчиларнинг академик тезкорлиги, университетлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган Эрасмус Мундус дастурида ҳам иштирок этади. Дастурлар доирасида талаба ва ўқитувчилар Европа олий таълим муассасаларида илмий амалиёт ўташ имкониятига эга бўлишади.

Ҳозирги кунда хорижий ўқитувчи ва мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилиш бўйича хорижий шериклар билан ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишдаги энг фаол иш Корея Республикаси ва Япониянинг халқаро ҳамкорлик бўйича агентликлари ЈСА ва КОІСА билан олиб борилмоқда.<sup>3</sup>

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони<sup>4</sup> бўйича илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ//www.uza.uz

<sup>2</sup>©2014 National Erasmus+ Office in Uzbekistan.

<sup>3</sup> <https://www.jica.go.jp/uzbekistan/russian/index.html>

<sup>4</sup>“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4545884>

Фанлар академиясининг тегишли институтлари ҳамда нуфузли хорижий олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан етакчи маҳаллий олий таълим муассасаларининг фаол ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бунда менторлик моделидан кенг фойдаланишнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Мамлакатимиз олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий даража дастурларини ишлаб чиқиш, таълим хизматлари экспортини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар билан таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолиятини кенгайтириш, ҳамкорликда ўтказиладиган илмий конференциялар ва семинарлар сонини кўпайтириш, халқаро илмий ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш, ривожланган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда халқаро қўшма илмий журналлар, шунингдек, таълим форумлари, ректорлар конференциялари ва бошқа анжуманлар ташкил этиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада мамлакат таълим тизими манфаатларига мос келувчи инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш доирасида алоқалар олиб борилмоқда.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш орқали университетларда таълим сифатини ошириб замонавий ўқув жараёнини ташкил этиш, университетларни етакчи ўринларни олишига кўмаклашиш ва таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида узвийликни таъминлаш мумкин.

Бугунги кунда Республикадаги олий таълим муассасаларида халқаро ҳамкорлик ва кадрлар масалалари бўйича ўз олдига қўйган бир қатор вазифалар мавжуд:

- хорижий олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари ва малака ошириш институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- энг сўнгги ўқув ва илмий тажрибаларни ўрганиш ва уларни таълимга татбиқ этиш;
- талаба ва ўқитувчи-ходимларни дунёнинг нуфузли таълим муассасаларида тажриба орттириб қайтиши;
- таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш;
- халқаро грант ва дастурларда иштирок этиб, хорижий сармояларни жалб қилиш;
- хорижий ОТМлардан йўналишлар бўйича мутахассисларни маъруза ўқиш учун таклиф қилиш;
- хорижий ҳамкор ОТМлар билан биргаликда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва форумлар ташкил қилиш;
- Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган элчихона ва ваколатхоналар билан таълим соҳасида дўстона алоқалар ўрнатиш;
- таълим сифатини ошириш ва халқаро таълим майдонида университетнинг обрўсини ошириш мақсадида халқаро таълимнинг аниқ механизмлари ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- университет талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги соҳасидаги илғор халқаро тажрибаларни ўрганишни ташкил этиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, таълим сифатини таъминлашда бугунги глобализация жараёнларига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграция қилиш мамлакатимиз келажаги учун жуда муҳим ҳисобланади. Таълим дунёвий илмий-интеллектуал, бадиий-эстетик ва маънавий-ахлоқий маданият ютуқларини ўзлаштириш жараёнидир ва ҳақиқий таълим миллий-давлат чегараларини тан олмасдан жаҳон тажрибаларига асосланган бўлиши ҳар қандай давлат келажаги учун кучли омилдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://www.lex.uz>.
2. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони.

3. ©2014 National Erasmus+ Office in Uzbekistan
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ//www.uza.uz
5. <https://www.jica.go.jp/uzbekistan/russian/index.html>

*Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган*

## ИСТОРИЯ ВЗАИМООТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И СИНГАПУРА В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СФЕРЕ (1997-2007)

**Шакиров И.Р.** (НУУз имени Мирзо Улугбека)

**Аннотация.** Экономическое сотрудничество является одной из важнейших направлений международных связей. В статье, на основе привлечения ранее не опубликованных архивных материалов, анализируется история взаимоотношения двух стран в сфере экономики. Исходя из прочного, взаимовыгодного и развивающегося сотрудничества Узбекистана и Сингапура, в статье основной акцент сделан на анализ динамичного сотрудничества двух стран в сфере экономики. Автором статьи установлены первые практические меры правительств двух стран в установлении экономических связей в сфере экономики, а также в хронологическом порядке исследованы основные события.

**Калит сўзлар:** *ҳамкорлик, келишув, иқтисод, таширф, имзолаш.*

**Annotation.** Economic cooperation is one of the most important areas of international relations. In the article, based on the attraction of previously unpublished archival materials, the history of relations between the two countries in the economic sphere is analyzed. Based on the strong, mutually beneficial and developing cooperation between Uzbekistan and Singapore, the article focuses on the analysis of dynamic cooperation between the two countries in the economic sphere. The author of the article establishes the first practical measures of the governments of the two countries in establishing economic ties in the economic sphere, and also studies the main events in chronological order.

**Keywords:** *cooperation, agreement, economics, visit, signing.*

**Аннотация.** Иқтисодий ҳамкорлик халқаро муносабатларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Мақолада илгари нашр қилинмаган архив материалларини жалб қилиш асосида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий соҳадаги муносабатлар тарихи таҳлил қилинган. Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги мустақкам, ўзаро манфаатли ва ривожланиб бораётган ҳамкорликка асосланиб, мақолада икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий соҳадаги фаол ҳамкорликни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф икки мамлакат ҳукуматларининг иқтисодий алоқаларни ўрнатишда биринчи амалий тадбирларни аниқлайди, шунингдек, асосий воқеаларни хронологик тартибда ўрганади.

**Ключевые слова:** *сотрудничество, договор, экономика, визит, подписание.*

Шайбонийхоннинг ҳокимият тепасига келиши ва унинг ҳукмронлиги даврида *қўшчи* ва *найман* қабилаларининг ўрни алоҳида эканлиги “Нусратнома” асари русча таржимасининг (“Таварихи гузида-Нусрат-наме”. Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений кандидата филол. наук А. М. Акрамов. Ташкент, 1967.), 172-173, 276, 284, 288 саҳифаларида баён этилган. Биноийнинг “Шайбонийнома” асарида “найман” ва “қўшчи” қабиласи билан бир қаторда *уйғур*, *карлаут*, *дўрман* ва *ички* қабилаларининг вакиллари Шайбонийхон томонидан юқори лавозимларга тайинланганлиги тўғрисида маълумотларни учратиш мумкин. (Қаранг: <http://www.vostlit.info/Texts/rus15/Binai/frameset.htm>)

Шу билан бирга, “Нусратнома” асарида Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султонга маҳаллий аҳолини кўчириш бўйича маслаҳат берганлиги ҳамда 1501-1502 йиллар оралиғида Жанубий Хоразмда жойлашган Қиёт ва Болдумсоз (Бугунги кунда Турманистон ҳудудида жойлашган этрап (туман ёки округга тенг маъмурий ҳудудий бирлик)) аҳолиси Бухорога кўчириб юборилган. Мазкур маълумотлар Бухоро ва унинг атрофида яшовчи туркманларнинг миграцион жараёнларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.



Юқоридаги маълумотлар Турсун Султановнинг “Кочевые племена Приаралья в XV-XVII вв. (вопросы этнической и социальной истории)” номли илмий асарида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мўғуллар ҳақидаги маълумотлар Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида мавжуд. Улар XVI аср тарихий воқеаларининг кўплаб муҳим тафсилотларини очиб беради. Шунингдек, 1501-1503 йилларда мўғуллар ва ўзбеклар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида илмий адабиётларда мавжуд бўлган маълумотларни сезиларли даражада тўлдиради. Манбадаги тарихий-этнографик характердаги маълумотлар алоҳида эътиборга моликдир, хусусан, Аҳси жанги пайтида ўзбеклар қўшинининг қабилавий таркиби тўғрисида Муҳаммад Солиҳнинг келтириб ўтган маълумотлари ўзбек халқининг этник таркиби борасида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, Шайбонийхоннинг 208та ҳарбий юришларида қатнашган бир қатор қабилаларнинг отрядлари сонини кўрсатади. Ушбу маълумотлар Шайбонийлар билан даштга тарқатилган уруғ ва қабилаларнинг миқдорий таркиби тўғрисидаги саволни ёритишда ишлатилиши мумкин. Шунингдек, бу ерда Муҳаммад Солиҳнинг Маҳмудхоннинг “қирқ минггача мўғулга”, яъни 40 мингга яқин аскарга эга эканлиги ҳақидаги сўзларини таъкидлаш керак. Шу муносабат билан, Мирза Ҳайдарнинг мўғулларни Мўғулистон ва Шарқий Туркистоннинг бошқа аҳолисидан ажратиб кўрсатган, масалан, асирга олинган ва Қошғарда юрган мўғулларнинг сонини ҳам алоҳида келтириши қизик. Маълумки, “Мўғул” атамасини талқин қилишда яқдиллик йўқ. Баъзи тадқиқотчилар мўғулларни туркий ва мўғул қабилаларининг конгломерати, бошқалари Чигатой хонлари хизматидаги шахслар, бошқалари эса этник гуруҳ, миллат деб билишади, эҳтимол, Муҳаммад Солиҳ ва Мирзо Ҳайдарнинг юқорида келтириб ўтган маълумотлари (ва бошқа манбаларда мавжуд бўлган мўғуллар ҳақидаги шу каби тарихий ва демографик материаллар) “мўғуллар” номи ўша пайтда мамлакатнинг бутун аҳолисига эмас, балки фақат жамиятнинг ҳарбий синфга тегишли эканлигидан далолат беради [14, б-194].

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, тадқиқотга жалб этилган манбалардаги этник маълумотлар асар бўйича тарқоқ ҳолда баён этилган, манбаларда мазкур масалага бағишланган алоҳида қисм ёки айнан этнология соҳаси доирасида ёзилган асарлар учрамайди.

Шу билан бирга, асарда этник бирликлар номи (қабила ва уруғлар) маълум халқларнинг компоненти сифатида келтирилмаган. Кейинги даврларга келиб мазкур масала юзасидан ёзилган илмий ишларга дуч келишимиз мумкин (*насабнома* жанрида битилган).

Мазкур асарларда келтирилган аксар этник бирликлар хон оиласи ва сулола хонадонига яқин бўлган қабила ва уруғларни ташкил этади.

Шу билан бирга, Муҳаммад Солиҳ қаламига мансуб (М.Акрамов томонидан “Тарихи гузидайи нусратнома” асари М.Солиҳ томонидан ёзилганлиги тўғрисида келтирилган далиллари қолган фаразлардан кўра устунроқ, бизнингча) икки асар XV аср охири XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга кўчиб келган кўчманчи ўзбек қабилаларининг номи уларнинг сони ва миқдорини аниқлашда бир-бирини тўлдирувчи манба сифатида қаралиши мумкин, зеро мазкур асарларда бир-бирига зид келадиган маълумотлар мавжуд эмас.

Умуман олганда, Шайбонийлар давридаги этногенез ва этник жараёнлар қай тарзда кечганлигини билиш мақсадида мазкур манбалар билан ишлаш жараёнида бевосита манбаларнинг барча қўлёзма нусхаларини жалб этиш, унинг таржималаридан фойдаланиш ва ушбу манбалар тадқиқига бағишланган илмий асарлар ва мақолаларда келтирилган маълумотларни солиштирган ҳолда объектив тарзда хулоса чиқаришимиз мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абрамов С.В. Концепция конструктивизма в исследовании национализма // Context and Reflection: Philosophy of the World and Human Being. 2018, Vol. 7, Is. 5A. Б.1.
2. Дондокова Л.Ю. Краткий тематический словарь по этнологии. – Улан-Удэ: Издательство БГСХА, 2006. – 35 с.

3. Тишков В. А. // Полупроводники – Пустыня. – М. : Большая российская энциклопедия, 2015. – С. 498–499. – (Большая российская энциклопедия : [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов ; 2004–2017, т. 27). – ISBN 978-5-85270-364-4.
4. Этнография: Учебник / Под ред. Ю. В. Бромлея и Г. Е. Маркова. – М.: Высш. школа, 1982. – 320 с, ил.– Авт. указ. в предисловии и оглавлении.
5. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент, Ўз РФА Археология институти, 2004. – Б. 3-10.
6. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи: ўқув қўлланма / А.Х. Дониёров, А.А. Аширов, О. Бўриев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги. Тошкент давлат шарқшунослик ин-ти. – Т.:Yangi nashr, 2011. – 316 б.
7. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. – Тошкент: Фан, 1985. – 259 с.
8. Камолов Х.Ш. История вторжения кочевых племен Дашт-и кипчака в Среднюю Азию (XVI в.): Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – 55 с.
9. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. – Тошкент: Фан, 1985. – Б- 15-19.
10. Материалы по истории казахских ханств XV–XVIII веков. (Извлечения из персидских и тюркских сочинений). – Алма-Ата: Наука. 1969. – Б. 9-10.
11. Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва минтақада юз берган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши. Ўз РФА Тарих институти. – Т.: Янги нашр, 2011. – Б. 9-10.
12. Акрамов А.М. Таварих-и гузида-Нусрат-наме: Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений кандидата филол. наук А. М. Акрамова. – Ташкент, 1967. – С. 9.
13. Султанов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV–XVII вв. (вопросы этнической и социальной истории). – М.: Наука, 1982. – 133 с.
14. Страны и народы востока Вып. XXVI Средняя и Центральная Азия (География, этнография, история) Книга 3. Т. И. Султанов Известия Шейбани-наме\* Мухаммада Салиха о моголах ( XVI в.)). – М., 1989. – С. 209.

*Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## XX АСРНИНГ 50–70 -ЙИЛЛАРИДА ҚҲЙИ ҚАШҚАДАРЁ ЗОНАСИНИНГ СУҒОРИЛИШ ТАРИХИ

**Жабборова И. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Совет ҳокимиятининг Ўзбекистон заминиди, хусусан, қўйи Қашқадарё худудида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида экин майдонларини кўпайтириш, уларни сув билан таъминлаш, яъни янги ерларни ўзлаштириш, суғориш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларни амалга оширишнинг тадрижий тараққиёти тарихи кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** *Қашқадарё воҳаси, суғориш, Қашқадарё, Қарши чўли, канал, сув омбори, суғорилиш, деҳқончилик, сув тармоқлари, тадқиқ этиш, долзарблик, мақсад, вазифаси.*

**Аннотация:** в данной статье освещается история последовательного развития хлопководства в советском Узбекистане, в частности в Нижней Кашкадарье, в целях увеличения посевных земель, освоения и орошения новой целины.

**Ключевые слова:** *Кашкадарьинский оазис, орошение, река Кашкадарья, Кашкадарья, Каршинский степь, канал, водохранилище, орошаемые, земледелие, исследовать, актуальность, цель, задачи.*

**Annotation:** This article describes the development history of enlarging new crop fields for cotton in the region of Kashkadarya, supplying water for cotton crops, namely, acquisition of new lands, having measures for irrigation and execution of all these above-mentioned tasks

**Key words:** *the Kashkadarya oasis, Kashkadarya region, Kashkadarya, Kashkadarya desert, canal, water reservoir, river, irrigated, agriculture, water branches, research, actuality, aim, objectives.*

Тарихдан маълумки, Қашқадарё воҳаси ҳудудини сув билан таъминловчи асосий сув манбаи Қашқадарё дарёси ҳисобланган. Қашқадарё топоними дарё номи сифатида яралган. Дарё хавзасининг майдони 12 минг км кв бўлиб, тоғдаги қор, муз, ер ости сувлари билан тўйинади. Узунлиги 332 км бўлган Қашқадарё дарёси Ҳисор тоғларининг кичик жилғаларидан бошланиб, вилоятимизнинг барча ҳудудини жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қадар кесиб ўтади. XX асрнинг 50-йилларида Қашқадарё суви дарёнинг юқори қисмидаги ҳудуд ерларини суғоришда фойдаланилган ва қуйи оқимига қадар сув оқими борган сари камайиб Косон ҳудудларида қумга сингиб кетган. Ёз ойларида сувнинг камайиши натижасида воҳанинг қуйи оқимидаги ерларни суғоришнинг иложи бўлмаган.

Совет давлатининг мустамлакачилик сиёсати натижасида Ўзбекистон пахта етиштириб берувчи асосий ҳудуд сифатида танланиши, ўлкада пахта майдонларининг кенгайтириш ва ерларни сув билан таъминлаш вазифасини амалга оширишни талаб қилди. Жумладан, пахта маҳсулотини етиштириш учун қулай иқлим шароитига эга бўлган Қашқадарё воҳаси ҳам советларнинг назаридан четда қолмади. Пахтачиликни ривожлантириш учун сув муаммосини ҳал қилиш вилоятда кенг кўламда илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини бажаришни тақозо этарди. Шу сабабли Зарафшон сувини Қашқадарё дарёсига олиб келиш учун амалий ишлар бошлаб юборилди.

1946 йил 2 февралдаги СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг "Амударё ирригация тизими тўғрисида" ги фармонида [1:30] мувофиқ Амударё суви ресурслари ҳисобига Қашқадарё ва Зарафшон водийларида сувдан фойдаланишни яхшилаш, сув таъминоти ва суғоришни ривожлантириш бўйича таклифларини муҳокама қилиш учун махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

1948 йилда Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг Самарқанд лойиҳалаш ташкилоти «Ортиқча сувларни Зарафшон этакларидаги ерларга оқизиш ва ундан суғориш учун фойдаланиш лойиҳаси»ни тузди. Унда биринчи навбатда Зарафшон дарёсининг сувини Қашқадарёга қуйиш масаласи ўртага қуйилди.

1951 йилнинг мартда мазкур масала юзасидан тузиб чиқилган лойиҳа СССР Пахтачилик министрлиги томонидан тасдиқланди. Лойиҳага кўра, каналдан секундига 45–50 куб метр сув оқизиш мўлжалланди. Канал сувининг бир қисми Самарқанд вилояти ерларини суғорса, қолган асосий қисмини Қашқадарё вилояти экин майдонларига оқизиш назарда тутилди [2].

Лойиҳа 1953 йилнинг август ойида СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг сув хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги илмий-техника Советида кўриб чиқилди [3] ва маъқулланди. Илмий-техника кенгаши Қашқадарё вилоятида суғориладиган майдонларни 116 минг гектарга етказиш мумкинлигини кўрсатди. Бунинг учун қадимий Эскианҳор каналини тиклаш зарур эканлиги асослаб берилди. [4:38]

Канал йўналиши сув тиндиргич иншооти воситасида Қарши чўлидан бўз ва қўриқ ерларга ўтади ва Қарши шаҳридан 181 км юқорида Қашқадарё дарёсига қуйилади. Канал трассаси ўз йўлида иккита темирбетонли дюкер (немисча, канал сувини дарё ёки бошқа канал ўзани, йўл ва ш. к. тўсиқлар билан кесишган жойдан ўтказиш учун ётқизиладиган қувур шаклидаги босимли сув ўтказгич) қуриладиган сойлар билан кесишади, 116 километрида сувни 4,5 метрга тушириб берадиган сув туширгич иншооти (қия тубли каналлардаги сув ҳаракати тезлигини тартибга солувчи гидротехник иншоот) ва 144 километрида хавфли бўлган, яъни сув тошиб кетиш эҳтимоли бўлганида ортиқча сувни оқизиб юборадиган иншоот қурилади. [5]

Қашқадарё воҳасида суғориш тизимини йўлга қўйиш КПСС XIX съезди СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича 1951-1955 йиллар учун қабул қилган [6:25] да ҳам белгиланган эди. 1953 йили Қорабоғ, Хонобод, Пасмон каналлари, Рудасой сувомборига қуйиладиган каналнинг бош қурилиши, Пўлати-Бўлмас сув бўлгич иншоотлари қуриш ишлари амалга оширилди [7]. Лойиҳа қидирув ишларидан Қашқадарё дарёсига сувни ташлаб берадиган Зарафшон канали бўйича, Зарафшон дарёсидан Қашқадарё дарёсига сувни ўтказиб берадиган Эскианҳор канали қайта қуриш ишлари, Қалқамасой сув омбори бўйича ва

Қашқадарё дарёсидаги мавжуд сув тизимларини бошқариш ва уларнинг техник ҳолатини тубдан яхшилаш бўйича лойиҳа режа ишлари бажарилди [8].

Эскианҳор каналининг қурилиши Қашқадарё воҳасининг қуйи оқимидаги суғориладиган майдонларни кенгайтириш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиши ва Зарафшон сувлари нафақат Косон, Бешкент ва Қарши туманларининг мавжуд суғориладиган майдонларини суғориш суви билан таъминлабгина қолмай, балки ушбу экин майдонларини сезиларли даражада кенгайтириш имконини ҳам бериши керак эди.

Канал қурилиши халқнинг меҳнати билан амалга оширилди. 1955 йил 28 августда Эскианҳор канали Қашқадарё воҳасига қуйилди [9:14]. Шу тариқа 1955 йил августда Қашқадарёга Зарафшон суви етказиб берадиган Эскианҳор канали қурилишининг биринчи босқичи якунланди.

1958 йил 21 февралда ЎзССР Сув хўжалиги Министрлиги томонидан қурилиши давом этаётган Эскианҳор каналининг алоҳида объектларини қабул қилиб олиш ва ишга тушириш тўғрисида қарори қабул қилинди.[10]

Вилоят партия комитети ва вилоят ижроия комитетининг топишириғига биноан бошқарма ва машина-экскаватор станцияси коллективлари Эскианҳор каналдан алоҳида шохобча-тармоқ қазиб чиқардилар. 1957 йилда ҳар секундда 5 кубометр сув ўтадиган канал орқали Файзиобод даштига Зарафшон суви қуйилди.

1956-1960-йилларда Эскианҳор канали орқали Қашқадарё вилояти ички ҳудудларига сув келишини таъминлаш учун сув йўлларини тозалаш, созлаш ва қўриб чиқиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Эскианҳор каналдан Қарши тумани Бешкент каналига сув ўтказишни тартибга солувчи асосий иншоотлар ташкил қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди. Бажариладиган ишлар лойиҳасини “Узгипроводхоз” институти ишлаб чиқадиган бўлди. «Узгипроводхоз» институти Қашқадарё вилоятининг ўрта ва юқори қисмидаги ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг Бош режасини тузди. Унда воҳанинг ўрта ва юқори қисмида неча-неча асрлар давомида фойдаланилмай ётган катта майдонларни суғориш ва ўзлаштириш ишлари белгилаб берилди.[11]

1956-1960-йилларга мўлжалланган ирригация ишлари аввалгиларга нисбатан бирмунча самарали бўлди. Эскианҳор канали орқали Зарафшон дарёсининг суви 184 км узоқликдан 300 метр пастликка Қашқадарёга олиб келинди. Қашқадарё ўзани билан туташтирилди.

1961 йил охирида Эскианҳор канали қурилишида лойиҳа асосидаги қурилиш-монтаж ишлари асосан тугатилиб, 1962 йилда Эскианҳор канални тиклаш ишлари тугалланди. 1967 йил декабрига қадар Эскианҳор каналдан Қашқадарё воҳасига қуйиладиган сув иншоотлари қурилишлари қуриб битказилди. Жумладан, 1965-1967 йиллар давомида 300 км узунликдаги каналлар бетонлаштирилиб, 270 км дан зиёд коллектор (дренаж тармоғининг сув йиғувчи қисмидан келаётган сувни қабул қилиб, мелиорацияланадиган майдондан чиқариб юборадиган очиқ канал ёки дренаж қувури ) ва дренажлар (экинларнинг нормал ривожланишига халақит берадиган ортиқча тупроқ грунт сувларини ва сувда эрувчан заҳарли тузларни тупроқ қатламларидан чиқариб ташлаш учун қуриладиган гидротехника иншоотлари тизими) қурилди [12].

XX асрнинг 60-йиллари бошида Қарши чўлини ўзлаштириш ишлари бошлангандан сўнг Амударё сувининг Қарши, Бешкент, Косон ҳудудларига қуйилиши ва Зарафшон сувининг Қашқадарёнинг ўрта ва юқори оқимларида сув исрофгарчилигини олдини олиш мақсадида “Эскианҳор” каналининг янги йўналиши лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 1970 йил 6 ноябрда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланди. Янги йўналиш бўйича канал трассаси 64 км масофага қисқариши ҳамда Чимқўрғон сув омборида 400 миллион кубометр сув тўплаш имконияти мавжудлиги аниқлаб чиқилди.

1972 йил август ойида Эскианҳор каналининг янги канали бўйлаб Зарафшон суви Чирокчи далаларига оқизилди. Ўз навбатида, Қашқадарё сувлари Шаҳрисабз ва Китоб вилоятлари далаларига ҳам етказиб берилди.[13]

1955 йилдан 1974 йилгача бўлган даврда Эски Анҳор канали воҳанинг қуйи зонаси туманларини сув билан таъминлаб турди. Амударё суви қуйи зона майдонларини суғориш

учун сарфланди. Натижада Эскианҳор сувини воҳанинг юкори зона туманларига оқизиш эҳтиёжи туғилди. 1973 йилда Эскианҳор реконструкция қилиниб, унинг трассаси ўзгартирилди.

Хуллас, Қашқадарё худудида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг олиб борган оқилона сиёсати натижасида воҳани сув билан таъминлаш даражаси яхшиланди. Лекин капитал маблағларнинг сарфланиши даставвал ўз натижасини берган бўлса-да, кейинги йилларда моддий жиҳатдан ажратилган маблағларни қопламади. XX асрнинг 80 йилларида сув танқислиги муаммосининг юзага келиши ва аста-секин ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида истеъмолдан чиқиб кетиш ҳоллари кузатилди. XX асрнинг 50-60 йилларида доимий тозалаб, реконструкция қилинган сув иншоотларининг XX асрнинг 70 йиллари охири ва 80 йилларидан эътиборсиз қолишига фақат пахта ҳосилини кўпайтириш учун ерлардан ҳам экстенсив фойдаланишига олиб келди. Кейинги йилларда капитал маблағларнинг ўзлаштирилиши жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ортиб бориб сув хўжалигидаги кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Пардаев А. Возрожденный край. –Тошкент: Узбекистан, 1984. – С. 30
2. Қашқадарё сув хўжалиги бошқармаси музейи фонди материалларидан.
3. ЎзР МДА Р.837-жамғарма, 38-рўйхат, 5465-йиғма жилд, 16-бет.
4. Пардаев А. Возрожденный край. –Тошкент: «Узбекистан», 1984. – Стр. 38
5. ҚВДА 79-жамғарма, 1-рўйхат, 142-йиғма жилд, 143-варақ
6. Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – Б. 25.
7. ҚВДА 79-жамғарма, 1-рўйхат, 131-йиғма жилд, 31-варақ.
8. ҚВДА 79-жамғарма, 1-рўйхат, 131-йиғма жилд, 35-варақ.
9. Нуров С. Олтин водий. –Тошкент: Ўзбекистон, 1972. –Б. 14.
10. ЎзР МДА Р.2483-жамғарма, 1-рўйхат, 1670-йиғма жилд, 1-бет.
11. ЎзР МДА Р.2483-жамғарма, 1-рўйхат, 1137-йиғма жилд, 16-бет.
12. “Қашқадарё ҳақиқати” газетаси, 1967 йил 27 декабрь сони.
13. Хамраев Н., Халиков И. Освоение и орошение Каршинской степи. – Тошкент: Узбекистан, 1981. – С. 46.

*Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## MUSTAQILLIK YILLARIDA QISHLOQ XO‘JALIGINING MEVA VA SABZAVOTCHILIK TARMOG‘I: RIVOJLANISHI, MUAMMOLAR VA NATIJALAR

**Qabulov E.A., Hasanov Sh.Sh.**(TerDU Pedagogika instituti)

**Annotatsiya:** Maqolada mustaqillik yillarida qishloq xo‘jaligining meva va sabzavotchilik tarmog‘ini davlat tomonidan qo‘llab quvvatlanishi, shuningdek, sohada mavjud bo‘lgan muammolar va ularning yechimlariga bag‘ishlangan.

**Kalit so‘zlar:** *Qishloq xo‘jaligi, meva-sabzavot, dehqonchilik, klaster, yer resurslari, dehqonchilik hududlari, covid – 19, bog‘dorchilik, sovet hukumati.*

**Аннотация:** В статье рассматривается государственная поддержка плодоовощной отрасли сельского хозяйства в годы независимости, а также существующие проблемы в этой сфере и пути их решения.

**Ключевые слова:** *сельское хозяйство, фрукты и овощи, сельское хозяйство, кластеры, земельные ресурсы, сельскохозяйственные зоны, Covid-19, садоводство, Советское правительство.*

**Annotation:** The article focuses on the state support of the agricultural fruit and vegetable sector during the years of independence, as well as the existing problems in this area and their solutions.

**Keywords:** *Agriculture, Fruits and Vegetables, Agriculture, Clusters, Land Resources, Agricultural Zones, Covid-19, Horticulture, Soviet Government.*

Meva-sabzavotchilik tarmog‘i O‘zbekiston agrar sektorining muhim tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Bu tarmoq aholining oziq-ovqat mahsulotlariga, qayta ishlash sanoati tarmoqlarini esa

xomashyoga bo'lgan talabini qondirish bilan birga mamlakatimizning eksport salohiyatini oshirishga va valyuta mablag'larini ishlab topishga imkon yaratadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 -yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan "2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" da zamonaviy agrotexnologiyalar asosida yuqori hosildorlikka ega bo'lgan, ertapishar hamda shirin ta'mga ega pakana va yarim pakana daraxtlarni ekish orqali intensiv bog' va uzumchilikni rivojlantirish va dunyo bozorlarida xaridorgir eksportbop meva-sabzavot mahsulotlari ishlab chiqarish hajmlarini oshirishga alohida e'tibor qaratilgan"<sup>1</sup>. Harakatlar strategiyasi" doirasida iqtisodiyotning real sektori tarmoqlarida xalqaro standartlarni joriy etishning ilmiy- amaliy asoslarida ham keltirilgan:

- qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirish, saqlash va qayta ishlash tizimi hamda oziq-ovqat sanoatida Global GAP va ISO 22 000 NASSR xalqaro sifat standartlarini joriy etish orqali mahsulotlar raqobatbardoshligini oshirish yo'llari;

- qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat sanoati tarmoqlarida xalqaro standartlarni joriy etishning mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlashga ta'siri masalalari;

- iqtisodiyotning real sektori mahsulotlari raqobatbardoshligini oshirish orqali eksport salohiyatini mustahkamlash va logistika tizimlarini rivojlantirish yo'nalishlari.<sup>2</sup>

Mamlakatimizda bugungi kunda qishloq xo'jaligi sohasiga oid normativ-huquqiy baza yaratildi va bosqichma – bosqich takomillashtirilmoqda.

Meva-sabzavotchilikni keng ko'lamda rivojlantirishga davlat tomonidan alohida e'tibor qaratilib, butunlay yangi intensiv texnologiyaga asoslangan bog'lar barpo etilmoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev rahnamoligida aholiga oziq-ovqat mahsulotlarini uzluksiz yetkazib berish, iste'molchilar talabini yurtimizda yetishtirilayotgan meva-sabzavot, poliz mahsulotlari, uzum va kartoshka hisobidan to'la ta'minlash masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Maqolada umumiy qabul qilingan metodlar – xolislik, tarixiy tahlil, qiyosiy – mantiqiy tahlil, xronologik ketma-ketlik tamoyillari asosida mustaqillik yillarida meva va sabzavotchilik tarmog'ining rivojlanishi, shuningdek davlat tomonidan qo'llab quvvatlanishining huquqiy asoslari asosida bayon etilgan.

Maqola uchun birlamchi ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, Qishloq xo'jaligi boshqarmasi arxiv ma'lumotlari va lex.uz (O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari milliy bazasi) materiallari tashkil etadi.

Insoniyat mavjud ekan, albatta, sifatli oziq-ovqat mahsulotlariga ehtiyoj sezadi. Jahonda globallashuv va urbanizatsiya jarayonlarining jadallashuvi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish bilan birga aholi sonining tez o'sishi hamda qishloq xo'jaligi mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojning tobora ortishi shuningdek, xo'jalik tizimining intensiv rivojini taqozo etmoqda. Bu jahonning turli madaniy – xo'jalik areallarida insoniyatning hayot ta'minotini yaratishdagi rivojlanish tendensiyalarini turli tarixiy davrlar kontekstida o'rganishga bo'lgan qiziqishning ortishiga olib kelmoqda. Zero, BMTning ming yillik rivojlanish dasturiga ham qishloq xo'jaligini intensiv rivojlantirish, tabiiy-ekologik toza mahsulotlar ishlab chiqarishni nazarda tutgan ustuvor yo'nalish kiritilgan.

Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, meva-sabzavot mahsulot turlarining istiqbolda rivojlanishiga birinchidan, ovqatlanish ratsionida meva, sabzavot va poliz mahsulotlarining ulushi oshib borayotganligi kabi omillar sabab bo'lmoqda.

Jahon meva va sabzavotchilik sohasining holati tahlillari shuni ko'rsatmoqdaki, bugungi kunda meva-sabzavot mahsulotlari ishlab chiqarish va eksporti asosan Xitoy, AQSh va YeI to'g'ri kelmoqda.

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli farmoni bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasini 2017 – 2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi". [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli farmoni bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasini 2017–2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi". [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Mustaqillikdan so'ng yurtimizda olib borilayotgan tub o'zgarishlar zamirida, qishloq xo'jaligining muhim tarmoqlaridan biri, meva va sabzavot mahsulotlarining hajmini ko'paytirish va turlarini kengaytirish maqsadida ko'plab qonun osti hujjatlari qabul qilingan.

Sug'oriladigan dehqonchilikning asosini yer – suv resurslari tashkil qiladi, bu holatga respublika Birinchi Prezidenti I.A.Karimov “Bizning dehqonchiligimiz – sug'oriladigan dehqonchilik. Katta-katta kanallar, sug'orish va drenaj tarmoqlari sug'oriladigan dalalar bilan bog'liq bo'lgan yaxlit yer-suv kompleksini yuzaga keltiradi”, deb baho bergan.

Meva-sabzavot mahsulotlari ishlab chiqarish va qayta ishlash hajmini oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan 1999 -yildan boshlab har yil meva-sabzavot mahsulotlari va uzum yetishtirish hamda ulardan foydalanishning prognoz balansi ishlab chiqish bo'yicha Qaror qabul qilina boshlandi.

Bu borada 2006 -yil 9-yanvardagi “Meva – sabzavotchilik va uzumchilik sohasini isloh qilish bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida”gi qaroriga muvofiq bog'larimiz tobora kengayib, joylarda, ayniqsa, olis qishloqlarda mevani qayta ishlaydigan kichik korxonalar soni kun sayin ko'payib bormoqda.

“Meva-sabzavot mahsulotlari O'zbekiston qishloq xo'jaligining asosiy eksport mahsulotlaridan hisoblanadi. Har yili 500 mln. AQSh dollari atrofida O'zbekiston zaminida yetishtirilgan meva-sabzavot mahsulotlari xorij bozorlarida sotiladi”.<sup>1</sup>

Meva-sabzavot mahsulotlari asosan dehqon va fermer xo'jaliklarida yetishtirilishi sharoitida Meva – sabzavot eksport salohiyatini rivojlantirishning ayrim jihatlarigina o'rganilgan, xolos.

Mamlakatimizda meva-sabzavotchilik sohasini takomillashtirish, shu jumladan, meva-sabzavot mahsulotlari ekiladigan maydonlarni, saqlash va qayta ishlash quvvatlarini sezilarli oshirish, mazkur tarmoqni rivojlantirish uchun xalqaro moliyaviy institutlarning mablag'larini faol jalb etishga yo'naltirilgan kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga meva-sabzavot mahsulotlarini ishlab chiqarish, saqlash, qayta ishlash va sotish sohasidagi ilg'or tajriba tahlili ushbu mahsulotlarni ishlab chiqaruvchilarning kooperatsiyasini rivojlantirishni samarali rag'batlantirish zarurati mavjudligini ko'rsatmoqda.<sup>2</sup>

**Mamlakatimizda meva-sabzavot va uzum yetishtirish dinamikasi va ularda xo'jaliklar ulushi<sup>3</sup>**

Ko'rsatkichlar		2001-yil		2006-yil		2011-yil		2012-yil	
		Ming tonna	Ulushi foizda	Ming tonna	Ulushi foizda	Ming tonna	Ulushi foizda	Ming tonna	Ulushi foizda
Meva	Yalpi mahsulot	790,6	100	949,3	100	1710,3	100	1871,1	100
	Fermer xo'j.	62,3	7,88	175,5	18,49	816,4	47,73	890,3	47,58
	Dehqon xo'j.	437	55,27	566,5	59,68	875,4	51,18	956,7	51,13
Sabzavot	Yalpi mahsulot	2644,7	100	3517,5	100	6346,4	100	6993,7	100
	Fermer xo'j.	129,4	4,9	480,3	13,7	2215,7	34,913	2474,4	35,38
	Dehqon xo'j.	1982,7	75	2716	77,2	4086,1	64,385	4465,6	63,85

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan (www.stat.uz).

<sup>2</sup> MDH mamlakatlari bozoriga eksport qilish. Rossiya Federatsiyasi va Qozog'iston misolida. Amaliy qo'llanma. O'zbekiston biznes forumi loyihasi. 2008-yil.

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 14-martdagi meva-sabzavotchilik sohasida qishloq xo'jaligi kooperatsiyasini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida PQ-4239-son qarori.

Agar buni mamlakatimiz mustaqilligining ilk davridagi ko'rsatkichlar bilan taqqoslaydigan bo'lsak, meva va uzumchilik qariyb 2–2,5 barobar oshganini, meva 3–6 uzum 2–3 barobar ko'p yetishtirilayotganini ko'ramiz.

“2016–2020-yillarda qishloq xo'jaligini yanada isloh qilish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori<sup>1</sup>, “Ho'l meva-sabzavot, kartoshka, poliz mahsulotlari va uzum xarid qilish va ulardan foydalanish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori<sup>2</sup>, 2019-yil 9-dekabr kuni yurtboshimiz raisligida “Meva-sabzavotchilikka ixtisoslashgan klaster tashkil etish, meva – sabzavotchilik yetishtirish sifati va eksport hajmini oshirish bo'yicha vazifalar belgilab olindi<sup>3</sup>.

Yurtimizda eng avvalo, an'anaviy (olma, nok, kartoshka) ekinlardan tortib, tropik (sitrus, mango, papay) ekinlarga yetishtirish imkonini beruvchi, qulay iqlim sharoitining mavjudligini ta'kidlab o'tish kerak. Yer resurslarining cheklanganligi va g'alla yetishtirish siyosatidan voz kechilishi ko'pchilik dehqonlarning meva-sabzavotlarni yetishtirish sohasiga o'tishlari uchun zamin yaratmoqda.

Arxeologik va tarixiy-etnografik tadqiqotlar yurtimiz qadimiy dehqonchilik hududlaridan biri ekanligidan dalolat bermoqda. Vohada dehqonchilik taraqqiyoti sug'orish ishlarining darajasi va ko'lami bilan belgilangan. Sun'iy sug'orish tizimi ajdodlarimizning muhim kashfiyoti sifatida yurtimizda qadim-qadimdan rivojlanganini, kanallar qazilib sug'orma dehqonchilik bilan shug'ullangani haqida O'zbekiston tarixining eng qadimgi yozma manbasi sanalmish “Avesto” da ham qayd qilib o'tiladi.<sup>4</sup>

Ajdodlarimiz asrlar davomida meva va sabzavotchilik sohasida katta yutuqlarni qo'lga kiritganligi tarixiy manbalarda aksini topgan. Ammo o'tgan asrda sobiq ittifoqning paxta yakka hokimiyatchiligining o'rnatilishi bu sohani orqaga ketishiga sabab bo'ldi.

Qishloq xo'jaligining meva va sabzavotchilik tarmog'i naqadar muhim va dolzarbligini hayotning o'zi tasdiqlamoqda. Bugungi kunda nafaqat yurtimizda balki butun dunyo oldida turgan global muammo (Covid – 19) pandemiyasiga qarshi kurashda asosiy tibbiy dori – darmon vazifasini o'tayotgan, meva va sabzavot mahsulotlari hisoblanadi.

Shu kunlarda yurtboshimiz tashabbusi bilan meva-sabzavotchilikka ixtisoslashgan 55 ta tuman, 86 ta klaster va 125 ta kooperativ bu borada yetakchi bo'lishi kerakligi ta'kidlandi. Bog' va tokzorlarda qator oralari, takroriy maydonlarning har bir qarichidan samarali foydalanib, 2 – 3 marta hosil olishni yo'lga qo'yish zarurligi qayd etildi. Qishloq xo'jaligi vazirligi, Bog'dorchilik hamda Uzumchilik agentliklari sabzavot, poliz va boshqa turdagi ekinlar ekilishini tashkil etish uchun mas'ul etib belgilandi.<sup>5</sup>

Tarixga nazar solsak, 1991 -yilgacha qishloq xo'jaligi sohasida Sovet hukumati tomonidan amalga oshirilgan siyosatning mazmun va mohiyatiga e'tibor berilsa, O'zbekistonda qishloq xo'jaligining meva va sabzavotchilik tarmog'ini rivojlantirishga alohida e'tibor berilgan bo'lsada, biroq, ushbu yo'nalishlarning hammasi markaz manfaatlariga moslashtirilgan holda olib borilib, Sovet hukumati tomonidan hech qanday moddiy va ma'naviy sharoit yaratib berilmagan. O'zbekistonda qishloq xo'jaligini meva va sabzavotchilik tarmog'ini rivojlantirish masalasi faqatgina sifatsiz mahsulotlar ishlab chiqarish rejasini bajarish, ortiqcha mahsulot ishlab chiqarish masalasi milliy imkoniyatlar talab – ehtiyojlarini hisobga olmagan holda amalga oshirildi.

Shuningdek, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlovchi korxonalarini jahon andozalari asosida qayta ta'mirlash, yangilarni qurish hamda mahsulot turlarini ko'paytirish masalasiga jiddiy kirishilmadi. Korxonalarining Sovet hokimiyati yillarida raqobatbardosh, jahon andozalariga mos

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi iqtisodiy-ijtimoiy taraqqiyotining mustaqillik yillaridagi (1990 – 2010 yillar) asosiy tendensiya va ko'rsatkichlari hamda 2011 – 2015 yillarga mo'ljallangan prognozlari: statistik to'plam. – T.: O'zbekiston, 2011.

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 29-dekabrda qabul qilingan “2016 – 2020-yillarda qishloq xo'jaligini yanada isloh qilish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ – 2460-sonli qarori.

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 6-yanvardagi “Ho'l meva-sabzavot, kartoshka, poliz mahsulotlari va uzum xarid qilish va ulardan foydalanish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ -2717-sonli qarori.

<sup>4</sup> “Xalq so'zi”, 2019-yil 10-dekabr, 255-son (7485).

<sup>5</sup> O'zbekiston tarixi // 2004 yil, 3-son, – B. 6.



keladigan sifatli mahsulotlar ishlab chiqarilishga, uni eksportga jo'natish masalasiga umuman e'tibor berilmadi.

Xulosa qilib aytganda, Davlat tomonidan qishloq xo'jaligining meva va sabzavotchilik sohasida innovatsion yutuqlardan keng foydalanish, intensiv bog'dorchilik, sabzavotchilikni rivojlantirish qish mavsumida sabzavot hamda poliz mahsulotlarini yetishtirishga ixtisoslashgan xo'jaliklarni yanada kengaytirish masalalari ko'rib chiqilgan. Butun yil mobaynida qishloq xo'jalik mahsulotlarining buzilmasdan, yo'qotilmasdan saqlashni ta'minlovchi infratuzilmalarni, zamonaviy texnologiyalar asosida saqlash va elektron savdolar asosida sotish bo'yicha kompleks tashkiliy-huquqiy choralarni ko'rishni hamda mahsulotlarni raqobatbardoshligini oshirishda xalqaro sifat standartlarini joriy etib uning shartlariga amal qilgan holda faoliyatini amalga oshirishni yanada kengaytirib, to'laqonli tarzda ish olib borish ko'zda tutilgan.

#### **Foydalanilgan adabiyot va manbalar**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 -yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli farmoni bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasini 2017–2021-yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi". www.lex.uz.
2. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan (www.stat.uz).
3. MDH mamlakatlari bozoriga eksport qilish. Rossiya Federatsiyasi va Qozog'iston misolida. Amaliy qo'llanma. O'zbekiston biznes forumi loyihasi. 2008-yil.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 14-martdagi meva-sabzavotchilik sohasida qishloq xo'jaligi kooperatsiyasini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida PQ-4239-son qarori.
5. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiy-ijtimoiy taraqqiyotining mustaqillik yillaridagi (1990–2010-yillar) asosiy tendensiya va ko'rsatkichlari hamda 2011–2015-yillarga mo'ljallangan prognozlar: statistik to'plam. – T.: O'zbekiston, 2011.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 29-dekabrda "2016–2020-yillarda qishloq xo'jaligini yanada isloh qilish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ – 2460-sonli qarori.
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 6-yanvardagi "Ho'l meva-sabzavot, kartoshka, poliz mahsulotlari va uzum xarid qilish va ulardan foydalanish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ -2717-sonli qarori.
8. "Xalq so'zi", 2019-yil 10-dekabr soni.
9. O'zbekiston tarixi, 2004. 3-son. –B. 6.
10. 2020-yil 14-aprel kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev raisligida qishloq xo'jaligi tarmoqlarini yanada rivojlantirish, oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmini oshirish masalalari bo'yicha videoselektor yig'ilishidagi nutqi.

*Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган*

## **ПОДЪЁМ В ПРОИЗВОДСТВЕ СПЕЦИЙ И ПРЯНОСТЕЙ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ**

**Каримова Н.И. (ДЖГПИ)**

**Аннотация:** В данной статье приводятся сведения о развитии производства специй и пряностей в годы независимости. Виды и разновидности сортов пряностей по отдельным наименованиям. Использование их в производстве и торговле. Также приводятся статистические данные вывоза и привоза специй и пряностей Республики Узбекистан. По приведенным сведениям, можно будет определить места выращивания, цены, виды разных сортов пряностей и специй, рост торговли импорта и экспорта в годы независимости. Состояние рыночных отношений в Республике с 1991 года по сегодняшний период. Принятые меры по усовершенствованию выращивания пряностей по Республике Узбекистан. В статье приведены о проводимых ярмарках пряностями и специями, плодо-овощной индустрии и торговых отношениях по данным сведениям Торго-Промышленной палаты Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** специи, пряности, выращивание шафрана, виды пряностей и специй, импорт, экспорт, статистические данные.

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada mustaqillik yillarida ziravorlar va qo'shimcha ta'm beruvchi vositalar ishlab chiqarishni rivojlantirish bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan. Shaxsiy nomlar bo'yicha ziravor navlarining turlari, ularning ishlab chiqarish va savdoda ishlatilishi, shuningdek, O'zbekiston Respublikasida ziravorlar va qo'shimcha ta'm beruvchi vositalar eksporti va importi bo'yicha statistik ma'lumotlar keltirilgan. Taqdim etilgan ma'lumotlarga ko'ra, mustaqillik yillarida ziravorlar va ularning etishtiriladigan joylari, narxlari, turlari, import va eksport savdosining o'sishini bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan. 1991 yildan hozirgi davrga qadar Respublikada bozor munosabatlarining holati to'g'risida ma'lumotlar, hamda O'zbekiston Respublikasida ziravorlar etishtirishni yaxshilash bo'yicha bajarilgan ishlar keltirilgan. Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasi Savdo-Sanoat palatasi ma'lumotlariga ko'ra, ziravorlar va ularning yarmarkalari, meva-sabzavot sanoati va savdo aloqalari to'g'risida ma'lumotlar batavsil berilgan.

**Tayanch so'zlar:** *ziravorlar, qo'shimcha ta'm beruvchi vositalar, za'faron yetishtirilishi, ziravorlar turlari, import, eksport, statistika ma'lumotlari.*

**Annotation:** This article provides information on the development of the production of spices and spicery in the years of independence. Types and varieties of spices for individual names. Their use in production and trade. Also provided are statistical information on the export and import of spices and spicery the Republic of Uzbekistan. According to the information provided, it will be possible to determine the places of cultivation, prices, types of different varieties of spices and spicery, the growth of import and export trade in the years of independence. The state of market relations in the Republic from 1991 to the present period. Measures taken to improve the cultivation of spices in the Republic of Uzbekistan. The article provides information on the fairs of spices and spicery, fruit and vegetable industry and trade relations, according to the information of the Chamber the Trade and Industry of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** *spices, spicery, saffran cultivation, types of spices and spicery, import, export, statistic information.*

В годы Независимости были проведены ряд торговых реформ; снижение таможенных пошлин, снижение тарифов на товары<sup>1</sup>, что естественно положительно повлияла на рост внутренней торговли пряностями, специями и потребности в них значительно возрос, что способствовало их выращиванию, вывоза и ввоза разновидностей специй и пряностей; таких как; анис, тмин, сельдерей, кориандр, ажгон, петрушка, пастернак, тминоножка, мелисса, базилик, майоран, мята, тимьян, горчица и др. Которые и сегодня являются ценными и широко приобретаемыми товарами рынка Узбекистана.

В крупных городах, таких как Ташкент, Самарканд, Джизак и Бухара, есть современные базары сельскохозяйственной продукции; специи и пряности. В небольших городах и районах Узбекистана пряности и специи в основном продаются на местных базарах, где иногда производители продают свою продукцию напрямую. Основные розничные супермаркеты, торговцы и крупные продуктовые магазины начали открывать свои филиалы в разных городах в зависимости от потребительского потенциала и населения. Много работы необходимо проделать, чтобы ознакомить отечественных потребителей с сертифицированными продуктами; специями и пряностями, развить региональный внутренний рынок Узбекистана.

Важно отметить что, существует нехватка современных складских и перерабатывающих объектов, отвечающих требованиям в отношении хранения специй и пряностей. Там где хранятся специи и пряности разных видов, не должны находиться не пищевые товары и материалы которые способствуют загрязнению и порче продукта. Поэтому хранение и расфасовывание пряностей и специй должны отвечать соответствующему стандарту и нормам действующих в Узбекистане<sup>2</sup>. По данным нормативно- правовым актам в качестве сопутствующего ассортимента предприятиями и организациями плодоовощной

<sup>1</sup> Lex.uz Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3303 от 29.09.2017 года «О мерах по дальнейшему упорядочению внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан». Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5303 от 16.01.2018 «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны»).

<sup>2</sup> Lex.uz Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан об утверждении общего технического регламента о безопасности пищевой продукции в части ее маркировки с 12 июля 2017 г., № 490, Ташкент, п.5 /пункт 29-36 и глава 6 приложение №1.

торговли могут продаваться другие продовольственные товары в расфасованном виде: пряности, соусы, специи, соль, уксусная кислота пищевая, столовая (с концентрацией не более 10 процентов) и прочее и также установлены правила хранения, температура и место помещения для товара. В Постановлении Республики Узбекистан о розничной торговле приведены основные термины и понятия которые установлены, например следующие; комиссионная торговля — вид розничной торговой деятельности, предполагающий продажу комиссионерами товаров, переданных им для реализации по договорам комиссии, торговыми объектами розничной торговли считаются: рынки (базары), супермаркеты, торговые центры, авто-магазины, торговые комплексы, гипермаркеты, мини-маркеты, гастрономы, специализированные магазины, палатки, павильоны, ларьки и прочие. Также в приложении о правилах розничной торговли объектами купли продаж делятся на стационарные, передвижные торговые точки, где ведется торговля специями и пряностями. К стационарным торговым объектам входят; магазины, ларьки, павильоны, аптеки, автозаправочные станции, Розничные передвижные торговые объекты; прилавки, авто-магазины, палатки, и другие, которые установлены на временной основе (сезонный торг, время), а также к концу торгового дня переноса объекта по установленному порядку<sup>1</sup>.

К примеру, в годы независимости в Узбекистане выращивали из специй лук, что составило рост в 1991 году 397,3 тысяч тонн, а 1996 году – 222, 8 тыс. тонн лука<sup>2</sup>. Из статистических данных количество специи чеснока 1991 году составило 3,5 тыс. тонн, а 1996 году наблюдалось снижение производства чеснока и составила 1,5 тыс. тонн.

Подъём производства винограда по статистическим данным на период 1991 года составило 480,4 тыс. тонн. В период 1996 года составило 478,2 тыс. тонн виноградов разных сортов<sup>3</sup>.

В 2000 году количества выращивания и производства, ввоз и вывоз этих продуктов, разновидности пряностей и специй резко возросло, по сравнению прошедшего периода. Это наблюдается тем, что новые реформы в сфере сельского хозяйства, демографический подъём, развитие науки, лабораторные исследования, рост торговли, развитие туризма и расширение отрасли в промышленности повысила потребность их выращиванию и производству по всем регионам Республики Узбекистан. В частности по установленным порядкам Министерства Сельского хозяйства Республики Узбекистан, в соответствии с законом; в течение трех лет на 50 процентов уменьшается земельный налог, уплачиваемый фермерскими хозяйствами и другими сельскохозяйственными организациями, выращивающими сертифицированные семена овощных, бобовых и масличных культур, а также саженцы фруктовых деревьев и виноградников в Касансайском, Чартакском и Янгикурганском районах Наманганской области<sup>4</sup>.

В 2000 году было экспортировано 16029,2 тыс. тонн прочее семя кунжутное на 13711,6 тыс. долларов США для производства, семя мака на период 2000 год было вывезено 38,6 тыс. тонн на 40,1 тыс. долларов США. Также в Узбекистан ввозились и вывозились из специй; винный уксус, поваренная соль, дрожжи пищевые, смеси и экстракты соков растительного происхождения, вино, сое, прочие части растений, семена растительных плодов для производства и др. Международное сотрудничество в сфере торговли с зарубежными странами как Китаем, Индией, Россией, Украиной и др. плодотворно повлияло на подъем производства ввоза и вывоза пряностей и специй, а также развития сельского хозяйства в Узбекистане. В частности по сравнению с 2000 по 2005 года разновидностей специй и пряностей возросло как например; семена сафлора (американский шафран) с 2002 года

<sup>1</sup> Абзац седьмой пункта 3 в редакции постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 марта 2012 года № 65 – СЗ РУ, 2012 г., № 11, ст. 116.

<sup>2</sup> Статистика Госкомстат Узбекистана.

<sup>3</sup> Статистика Госкомстат Узбекистана.

<sup>4</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан 11.01.2021 г. N ПП-4941 О мерах по развитию плодовоовощеводства и виноградарства в Касансайском, Чартакском и Янгикурганском районах Наманганской области.

начали вывозить в Европейские страны как Россия Казахстан и др. Торговля Сафлора в годы независимости значительно возрос, его называют еще и дикий шафран. С давних времен из лепестков сафлора производили красильные вещества, пищевую краску желто-красного цвета для окраски карамели, лепестки для чая. В годы независимости из этой пряности широко начали производить масло сафлора. Оно теперь в основном применяется в промышленном производстве для изготовления линолеума, в пищевом производстве изготавливают маргарин и применяют в косметологии масло сафлора как тонизирующие и увлажняющее средство для кожи рук и тела.

Выше указанные сведения бесспорно послужили росту производства сафлора и её активное выращивание в Узбекистане с 2002 года. Рынки Узбекистана по продаже специй и пряностей с каждым годом развиваются и расширяют свои торговые отношения и за пределами Республики, которое способствует подъему экономики страны. Особое место в торговле пряными растениями и специями занимают торговые компании, такие как, «flagma.uz» под торговой маркой “FLAGMA\*” где товары реализуются оптом и в розницу с 2000 года. Например; оптом семена сафлора оцениваются то 210 - 220 \$ за тонну в Узбекистан<sup>1</sup>. Торговая компания сотрудничает 135 городами и 14 регионами и сотрудничает с 54 странами такие как: Россией, Беларусией, Казахстан, Таджикистан, Грузия, Азербайджан и другими европейскими странами<sup>2</sup>. Следующее из ведущих торговых компаний специями и пряностями в Узбекистане занимает “SPICE EXPERT”, которое было основано в 2014 году, что сыграло заметную роль в подъеме производства специй и пряностей, баночки, крафт пакеты для лучшего сохранения специй и видов пряностей, производит ингредиенты специй для выпечки к примеру; желатин (пищевой), сахарная пудра, разрыхлитель, лимонная кислота, из пряностей прочие виды ванилина и специи (в одном наименовании) в частности и пряная растительность.

Торговые интернет компании: Tutto.uz, arba.uz, gomart.uz, uztovar.uz которые были созданы в годы независимости играют не маловажную роль в расширении торговых лавок пряностей и развитии торговых отношений по регионам нашей Республики и в частности за рубежом, в производстве, ввозе и вывозе специй и пряностей.

Проделаны ряд научных работ, в частности изучены виды и наименование пряностей и специй и проделан статистический подсчет сведений о выращивании, импорта и экспорта специй и пряностей в Узбекистане.

По статистических данным известно, что вывоз из Узбекистана семена мака составило по 2000-2010 г. количество 158,5( тыс. тонн) на сумму 95,7 (тыс. долларов США), ввоз составил 2012- 2019 г. количества пряности мака 718,5 (тыс. тонн), на сумму 700 (тыс.долларов США)<sup>3</sup>, 2000 – 2011 г. количества вывоза семя кунжута 26626,2 тыс. тонн на сумму 18.635 (тыс. долларов США). Только за 2020- 2021 по февраль месяц было вывезено количество арахиса 2276,8 тыс. тонн, на сумму 2308,9 тыс. долларов США.

Председатель Центробанка совместно с банками выделит для семейного бизнеса в регионе 900 млрд. сум. кредитов вместо запланированных 625 млрд. сум.).

Из пряностей шафран, разные смеси специй занимают главное место в экспортном рынке Узбекистана. Сведения о ввозе пряных продуктов и специй за 2019 период составило например; имбирь свежий (корни) недробленный привозят из Казахстана и Киргизии, имбирь (корневища для употребления в пищу) из Китая, сычуаньский перец, вкусовой орех также из Китая, лавровый лист из Грузии и Объединенных Арабских Эмиратов.

Узбекистане 2020 году по данным Торгово-промышленной палаты, наименование и разновидностей специй и пряностей резко возросло по сравнению 2019 года, и повышение экспорта составила на сумму 336, 42 долларов, а импорт на сумму 517,76 долларов США.

Важно отметить, о Постановление Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2020 года № ПП-4670 «О мерах по охране, выращиванию, переработке и рациональному

<sup>1</sup> [https:// flagma.uz](https://flagma.uz)

<sup>2</sup> <https://spicexpert.uz>

<sup>3</sup> Статистика Госкомстат Узбекистана

использованию имеющихся ресурсов дикорастущих лекарственных растений». Арендная плата в размере 50% от установленного тарифа для субъектов хозяйств, устанавливающих фитобары в государственных учреждениях, и не начисляется при организации через торговые автоматы<sup>1</sup>. Также Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2019 года № ПП-4239 « О мерах по развитию сельскохозяйственного сотрудничества в области плодоовощной продукции», реформы послужат сельскохозяйственным объединениям такие как, Галляаральский и Зааминский районы Джизакской области, Булунгурский и Ургутский районы Самаркандской области, Олтиарыкский и Кувинский районы Ферганской области, Кибрайский и Паркентский районы Ташкентской области. Совместная деятельность по производству и переработке, сушке, хранению и продаже овощей бесспорно будет способствовать развитию торговли специй и пряностей в Республике и за её пределами.

В Узбекистане спрос на производства пряностей и специй с каждым годом растет и это

В этой таблице приведены сведения о посеве шафрана по регионам Республики <sup>2</sup> .№	Название области	Площадь посева на 2021 г. площадь земли тыс. га	Семена для посева на 2021 г. тыс.тон	Сумма для посева семян тыс.долларов США в (себестоимость 7500 \$ )	Регионы посева (по районам)
1	Джизак	20	20	150 000	Бахмал
					Заамин
					Янгиабод
					Галляарал
2	Кашкадарья	20	20	150000	Шахрисабз
					Китаб
3	Сурхондарья	20	20	150000	Паркент
4	Ташкент	10	10	75000	Бустанлык
					Паркент
5	Наманган	4	4	30000	Косонсай
					Поп
6	Андижан	3	3	22500	Кургантепа
7	Фергана	3	3	22500	Фергана
<b>Всего</b>		<b>80</b>	<b>80</b>	<b>600 000</b>	<b>13 районов</b>

естественно способствует развитие торговли. Например ; перечная мята выращивается во всех регионах нашей республики и за 2020 год импорт этой пряности составил 25 тыс.долл. США. Солодка также растет в диком виде и выращивается на плантациях республики и экспорт составил 19471 тыс.дол. США. Спрос мирового рынка пряностям и специям с каждым годом поднимается. Пряности такие как; стевия, дикий миндаль, шафран, горький перец, лавровый лист, базилик, седана, куркума занимают солидное место на мировом рынке. Общая структура импорта и экспорта продовольственных товаров; ТНВЭД<sup>3</sup> 09030000000910; пряности, чай, кофе, мате и парагвайский чай за 2020 год экспорт составил в процентах - 0.1 % на сумму 14785.6 тыс. долл. США, а импорт составил в процентах -0.2% на сумму 48186.6 тыс. долл. США<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> lex.uz Постановление Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2020 года № ПП-4670 «О мерах по охране, выращиванию, переработке и рациональному использованию имеющихся ресурсов дикорастущих лекарственных растений».

<sup>2</sup> Торгово-Промышленная палата

<sup>3</sup> <https://tnved.info> Товарная номенклатура внешнеэкономической деятельности.

<sup>4</sup> Государственный комитет статистики Республики Узбекистан

Сегодня бесспорно Узбекистан стал одним из передовых стран. В частности торгово-промышленная сфера развивается на уровне международных стандартов. Внешняя и внутренняя торговля страны развивается, благодаря культурным и дипломатическим связям, наличием природных ресурсов, научно-техническому потенциалу, социальным услугам и иностранным и отечественным организациям. Известно что, Узбекистан имеет богатый и древний опыт в сфере торговли на Великом Шелковом пути и естественно притягивает доверием международных стран и влияет на развитие торговых и экономических отношений. Развитие торговли, импорта и экспорта способствует устойчивости экономики на международном рынке. В конечном итоге развитию нашей республики и благосостоянию народа.

*Рекомендовано к печати доц. О.Буриевым*

## СИЁСИЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЎЗГАРИШЛАР ОМИЛЛАРИ СИФАТИДА

Норкулов С.Д. (Тошкент тиббиёт академияси)

**Аннотация.** Ушбу мақолада ижтимоий онг тизимида сиёсий онгнинг ўрни, унинг миллий ўзлигини англаш билан боғлиқлиги ва демократик ўзгаришларга таъсири масалалари тадқиқ этилади. Трансформациянинг бозор иқтисодиёти демократик тараққиётга ўтишни англаувчи воқелик экани, шу боис у демократия, модернизациялаштириш билан уйғун келиши очиб берилди.

**Таянч сўзлар:** *ижтимоий онг, сиёсий онг, миллий ўзликни англаш, демократик ўзгаришлар, трансформация, модернизация.*

**Аннотация.** В данной статье исследуется роль политического сознания в системе общественного сознания, его отношение к пониманию национального самосознания и влияние на демократические изменения. Выявлено, что трансформация - это реальность, означающая переход рыночной экономики к демократическому развитию, поэтому она совместима с демократией и модернизацией.

**Ключевые слова:** *общественное сознание, политическое сознание, национальное самосознание, демократические изменения, трансформация, модернизация.*

**Annotation.** This article examines the role of political consciousness in the system of public consciousness, its relation to the understanding of national identity and its impact on democratic changes. It is revealed that transformation is a reality that means the transition of the market economy to democratic development, so it is compatible with democracy and modernization.

**Keywords:** *public consciousness, political consciousness, national identity, democratic changes, transformation, modernization.*

Трансформация субъект (объект), институт ёки жамиятнинг бозор иқтисодиётига қурилган тараққиёт босқичига ўтишини англатади. Унда кечадиган жараёнлар институционал ва тизимли тарзда юз бериши керак. [1. –С. 201-202.] Бироқ бунинг учун сиёсий онгда туб ўзгариш бўлиши лозим, бу ўзгариш, энг аввало, бизнинг фикримизча, миллий ўзликни англашдир.

Ижтимоий борлиқ шахс, индивид ҳатто гуруҳ, элат, халқ иродасига боғлиқ тарзда муқаррар эмас, ҳаётнинг инсон иродасидан кучли шундай қонунлари борки, уларни фалсафий-умумий таъриф бериш орқали англаш (унда ҳам қисман) мумкин. Аммо онг инсон фаолиятини, ҳатти-ҳаракатларини белгиловчи куч, омил бўлса, у субстанционал моҳиятини ўзини ўзи билиш, англашдан бошлаши даркор. Сукротнинг “Ўзингни бил!” даъвати ижтимоий борлиқни нафақат англаш, шунингдек, унда мақсадга мувофиқ ўзгаришлар, янгиланишлар ўтказиш шартидир. [2. - С. 22.]

Сиёсий онг, ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра, назарий-концептуал ва амалий-стратегик хусусиятга эга воқелик ҳисобланади. У жамият, давлат ва ижтимоий бошқаришнинг магистрал йўналишини белгилаб беради ва ифода этади, кишилар ҳаётининг фундаментал аҳамиятга эга томонларини қамраб олиб, уларни қайси томонга йўналтириш мумкинлигини кўрсатади. Сиёсий онг ижтимоий онгнинг ўзаги, у мазкур ўзаги орқалигина жамият, давлат ва бошқариш фаолиятига, институтлар ва индивидлар ҳаётига, турмуши, дунёқарашига таъсир этади. Бугун ижтимоий ҳаётни сиёсий воқеликка, сиёсий онга бориб тақалувчи омиллар таъсирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кишилар уюшмаси, социум мавжудлиги, ижтимоий ҳаётда уюшқоқлик, тартиб, осойишталик бўлиши, мавжуд институтларнинг тўла қонли фаолият юритиши, турли низоларни, рақобат ва тўқнашувларни тўғри, адолатли ҳал этиш, Ф. Фуқуяма таъкидига кўра, сиёсий институтлар, аввало “давлатларнинг кучли бўлишини тақозо этади” [3. – С.5.]. Фуқаролик жамияти ҳам трансформацияга бош-қош бўладиган, уларни барча халқлар, миллатлар ва гуруҳлар манфаатлари нуқтаи назаридан ижобий ҳал этадиган сиёсий куч – давлат бўлишини талаб қилади. Шундай экан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида сиёсий онг ва сиёсий институтларнинг моҳияти, аҳамияти камаймайди, ўтиш даври билан боғлиқ трансформация, ўзгаришлар рўй бераётганида эса улар янада фаол бўлиши керак.

Сиёсий онгнинг трансформацион кучи, жамият янгиланишига таъсири миллий ўзликни

англашни долзарб, ҳатто ҳаёт ва мамот масаласи даражасига кўтаришида намоён бўлади. Ижтимоий ҳаёт ўзидан ўзи трансформацияга учрамайди, ҳатто сиёсий онг ҳам мазкур жараёнларни илғамаслиги, уларга бефарқ қолиши мумкин. “Борлиқ ўзини ўзи англаш орқали мавжуд, ўзини ўзи англаш орқали у ривожланиш йўллари белгилаб олади.” [4. – С. 23.] Бу пастулат миллатга, ижтимоий онгга ҳам тааллуқлидир. Бироқ гап шундаки, бу шунчаки деклоратив даъват бўлмаслиги, балки у миллат, халқ, шахс ҳаётининг “асосий мақсади сифатида қўйилиши лозим” [5. - С. 24.]. Сиёсий онгни иқтисодий омиллардан кейинга қўйиш, бизнинг фикримизча, ўта соддадиллик, ижтимоий ҳаётдаги мураккаблик ва зиддиятларни соддалаштиришга интилиш маҳсули ҳисобланади. У ижтимоий онг, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга назарий – концептуал ва амалий – стратегик йўналиш бериш мавқеини ҳеч қачон йўқотмайди. Сиёсат, давлат, жамият ва ижтимоий бошқарув инсоннинг бузғунчи кучлар таъсирига берилиши мумкинлигини унутолмайди [6. – С. 372.].

Сиёсий онг билан миллий ўзликни англашнинг ижтимоий ҳаётга таъсири жамиятни модернизациялашда ёрқин намоён бўлади. Мазкур муаммони профессорлар З. М. Исломов ва А. Қодировлар махсус тадқиқ қилишган. З. М. Исломов диққатини ижтимоий-ҳуқуқий жараённи такомиллаштириш, замонавийлаштиришнинг юридик муаммоларига қаратади. Олимнинг таъкидлашича: “Фуқаролик жамиятидаги (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий) ўзгаришлар албатта юридик шаклда бўлиши даркор. Қабул қилинаётган қонунлар жамият ривожланиши даражасига мос тушиши ва жамият демократик ривожланишининг узок муддатли истикболлари учун, фуқаролик жамиятининг тикланиши ва ўзини ўзи тартибга солиш жараёнларини жадаллаштириш учун, шахс ҳамда жамиятнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратган ҳолда, ундан бир оз олдинда бормоғи ҳам шарт.” [7.- 96-97 б.] Демак, жамиятни модернизациялаш, трансформация ҳуқуққа, барча тенг амал қиладиган қонунларга мувофиқ бўлиши керак. А.Қодиров эса демократлаштириш, модернизация ва трансформацияни айнан воқеликлар сифатида талқин этади. У: “Модернизация кўпроқ трансформация, ижтимоий янгиланиш демакдир,” [8.–106 б.] “жамиятни демократлаштириш кенг маънода уни модернизациялаштириш, янгилаш, замонавийлаштириш демакдир,” [9. - 107 б.] деб ёзади. Энг муҳими шундаки, тадқиқотчи Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни сиёсий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этади. Унинг фикрича, “модернизациялаштириш бир-бирига диалектик боғлиқ:

1. Ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий институтларини (коллектив ва индивидуал) яратиш, иқтисодий рақобат муҳитини яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаоллигини ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш;

2. Чексиз сиёсий ҳокимиятчиликни ҳар қандай асосларни йўқ қилиш, марказлаштиришдан чиқариш, ҳокимият ваколатларини қайта тақсимлаш;

3. Инсон онгини озод қилиш, орийат ҳиссини кишиларда мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда лоқайдлик ва сусткашликка барҳам бериш,” [10. - 50 б.] орқали рўй берадиган жараён ҳисобланади.

Трансформация, демократлаштириш ва модернизациялашдаги умумий муштараклик ижтимоий тараққиёт қонунларига, кишилар онгида пишиб-етилган, шаклланган идеалларга мувофиқлигидадир. Этимологик нуқтаи назардан уларни турлича талқин қилиш, изоҳлаш, фарқларни очиб бериш мумкин. Лекин сиёсий онг, миллий ўзликни англаш уларга йўналиш берувчи назарий-концептуал воқелик эканини унутиб бўлмайди. Трансформация, демократлаштириш ва модернизациялаш сиёсий онг (сиёсий онгнинг стратегик мақсади миллий ғоянинг стратегик мақсадига айнандир. Улар бир вақтнинг, бир маконнинг маҳсуллари ҳисобланади) нинг объективлашишини таъминловчи воситалар, йўллар ва механизмлардир.

Трансформацияга тизимли ўзгариш хос. Ғарб ва россиялик олимларнинг қарашларига асосланиб, Ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам сиёсий ҳаётга, жамиятни модернизациялашга “тизимли трансформация” хос деб биладилар. Уларнинг фикрига кўра, мазкур тизимли трансформация: 1) бозор иқтисодиётига ўтиш (иқтисодий фаоллик эркинлиги, баҳоларни назорат қилишдан воз кечиш; чегараларни товар импортига очиб бериш); 2) хусусийлаштириш; 3) иқтисодни барқарорлаштириш; 4) демократиянинг институтционаллашуви; 5) кўшпартиявиликка



ўтиш; 6) фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. [11.-274-277 б.] Мазкур ёндашув муаллифлари, “анъанавий жамиятлардан замонавийларга ўтиш – ижтимоий ҳаётни қайта ишлаб чиқариш услубини ўзгартиришни, яъни жамиятнинг одатдаги мавжудлик шакллари қайта-қайта яратувчи туридан, индивид эҳтиёжига кўра ижтимоий муносабатлар доимо такомиллашиб боровчи жамиятга ўтишини англатади” [12. - 268-269 б.]. Муаллифлар атамалар, категориялар моҳиятига етарли эътибор беришмаган, натижада таъриф мужмал, сўз ўйини бўлиб қолган. Ҳатто уларнинг юқоридаги таърифни аниқлаштиришга интилиши ҳам бирор аниқ тасаввур уйғотмайди. “Замонавийлашув, - деб ёзади тадқиқотчилар, - жамият тизими хусусиятларининг ўзгариши жараёни сифатида унинг энг муҳим соҳаларининг қайта қурилишининг ва мураккаброк, аммо мослашувчан турмуш тарзининг шаклланишини назарда тутди.” [13. - 269 б.] Фикр-ёндашувнинг мавҳумлиги боис таъриф сўзлар бирикмасидан иборат. Аслида гап сиёсий-ижтимоий борлик, уни модернизациялаш, трансформацион ўзгаришларнинг миллий хусусиятлари, жаҳонда кечаётган модернизациялашув билан муштарак томонлари ҳақида кечиши зарур эди. Китобнинг “Сиёсат назарияси” деб аталиши шунга тақозо этарди. Бизнинг фикримизча, республикада сиёсатшунос-олимлар етишмаслиги, сиёсий-ижтимоий жараёнларни тадқиқ этиш орқада қолаётгани юқоридаги ноаниқ таърифда аниқ кўзга ташланади.

Профессор Б. К. Иминов фикрича, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, трансформация “жамиятни ҳаракатга келтирадиган манфаатларни ҳисобга олишга, идора қилишга ва йўналтиришга боғлиқ.” [14. – 83 б.] Шу билан бирга олим жамиятдаги ўзгаришлар ёки инқилобий, ёки ислоҳий йўллар билан оширилишини қайд этади. У Ўзбекистондаги эволюцион, ислоҳий ўзгаришларни замонийлашув, трансформация кўринишлари сифатида қўллаб-қувватлайди.

Баъзан сиёсий онгнинг модернизациялаш ва демократлаштиришга таъсири етарли ҳисобга олинмайди, гоҳо уни ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билангина ифодалашади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва ижтимоий бошқаришни янгилаш сиёсий онг феномени тарзида тақдим этилади. Илмий, айниқса бозор иқтисодиётини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этган адабиётларда сиёсий онгнинг етакчилик, устуворлик ролига етарли эътибор берилмайди. Бу аслида жамиятда сиёсий маданиятнинг заифлиги билан боғлиқ ҳолдир. “Амалиёт кўрсатишича, жамиятни модернизациялаш, замонавийлаштиришга кўп ҳолларда бир томондан, сиёсий тизим ва сиёсий тартиб ўртасида, ва иккинчи томондан эса қонунийлик билан жамият анъанавий ҳаёти ўртасида юзага келадиган зиддиятлар тўсқинлик қилади... Жамиятнинг демократик модели (тараққиётнинг “Ўзбек модели”) билан сиёсий тартиб ўртасидаги зиддият сиёсий бошқарувнинг маъмурий – буйруқбозликка асосланган анъаналарига барҳам беришсиз ҳал этилмайди. Афсуски, жамиятда зарурий сиёсий маданиятнинг заифлиги сабабли ижтимоий ахлоқ мавжуд ижтимоий-сиёсий анъаналарни ижтимоий ҳаётда демократик анъаналар ва қадриятларнинг қарор топиши учун асосий тўсиқлар деб эмас, балки одатий бир ҳол деб тушунади.” [15. – 8 б.] Айнан шунинг учун ҳам анъанавий жамиятда сиёсатни ахлоқ, сиёсий онгни ахлоқий воқеликлар билан айнанлаштириш ҳукм суради. Ахлоқ моҳиятан гуманистик воқелик, у сиёсий фаолиятни инсонпарварлаштириш омили, лекин у сиёсатнинг, сиёсий онгнинг айнан ўзи эмас. Модернизациялаштириш ва демократлаштириш ҳам ахлоқий императивлардан ташқарида, уларга зид тарзда амалга оширилмайди, бироқ улар ҳам ахлоқнинг айнан ўзи эмас. Сиёсат билан ахлоқ, сиёсий онг билан ахлоқий императивлар модернизациялаштириш ва демократлаштириш жараёнида уйғунлашади, мазкур жараёнларга стратегик мақсадга мувофиқлик ҳамда гуманистик моҳият бахш этади. Сиёсий-ижтимоий институтлар қабул қилган стратегик мақсад ахлоқни назарда тутса-да, сиёсатнинг ўзига хос феномен эканини, ушбу ўзига хосликни ҳисобга олмаслик модернизациялаштириш ва демократлаштиришни “ўйин”га айлантиришини яхши билади. Хуллас, сиёсий онг реал ҳодисаларга таяниши, ижтимоий бошқариш талабларига бўйсунishi, мудом қатъиятлик ва ҳалимлик, дадиллик ва ён босиш, субординация ва координация ўртасида кезувчи ҳодисалар қаторига киради. Шу сабабли у баъзан “заиф” кўринади, аммо у мудом дадил бўлиш, ўзини ўзгартириш, ижтимоий фойдали кучлардан самарали фойдаланиш имконига эга. Бусиз модернизациялаштириш,

демократлаштириш ва трансформациянинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас.

Трансформация, модернизациялашув ва демократлашув жараёнларида манфаатлар масаласи ўта долзарблашади. Индивидуал, корпоратив, жамият, давлат, умуминсоний, минтақавий манфаатлар сиёсий фаолиятни чулғаб олади, кишилар у ёки бу манфаатлар атрофида бирлашиб ўзининг қарашлари, ғоялари ва концептуал – назарий тасаввурларини ёйишга интиладилар. Бу жараёнда фикрлар, ёндашувлар, қарашлар тўқнашувни бўлиши шубҳасиз. Ғарб демократияси сиёсий плюрализм байроғи остида бундай тўқнашувни қўллаб-қувватлайди, ҳатто унга кескин тус беради. [16. - С. 113-120.] Бироқ Ўзбекистонда шарқона демократия принципларига [17. – 4 б.] қурилган фуқаролик жамияти барча манфаатларни миллий тараққиёт мақсадига йўналтирилгани билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий онг назарий-концептуал ва амалий-стратегик аҳамиятга эга воқелик сифатида жамият, давлат ва бошқарувни қаерга бориш, қандай бориш ва қандай усуллар билан бориш кераклигини белгилаб беради. Шунинг учун, социум ҳаётини, кишилараро муносабатларни, сиёсий-ижтимоий институтлар фаолиятини ўрганишга бағишланган бирорта ҳам тадқиқот уни четлаб ўтолмайди. Сиёсий-ижтимоий борлик мохиятан, субстанционал негизига кўра, инсон-жамият-давлат тизимига тааллуқли, улар ўртасида кечадиган вертикал (иерархик) ва горизонтал (координацион) муносабатлардан иборатдир. Мазкур муносабатлар маълум бир манфаатлар ифодаси сифатида келади. Сиёсий онг, сиёсий фаолият манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омиллардир. Манфаатлар – ўздан ўзи уйғунлашмайди, ҳатто жамоалар, корпоратив бирлашмалар, халқаро ассоциациялар, жамиятлар юзага келганида ҳам манфаатлар тарқоқ, хилма хил, гоҳо антогонистик кўринишида келиши мумкин. Айнан шу ўринда сиёсий онг билан миллий ўзликни англаш уйғун келиши зарур, акс ҳолда сиёсий онг ўзининг назарий-концептуал ва амалий-стратегик вазифасини бажаролмайди. Миллий ўзликни англаш эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниш, “оламнинг ранг-баранглигини, ҳаёт мазмунини бу маконда ўзини фақат тириклик ва мавжудлик белгиси сифатида эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини англашдир.” [18. - 334 б.] Унинг марказида миллат, халқ манфаатлари туради. Трансформация сиёсий онг, миллий ўзликни англаш ва улар негизидagi миллий демократик тараққиёт манфаатларига мувофиқ келгандагина ижобий натижалар беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ионин Л.Г. Социология культуры. – Москва: Логос, 1998. – С. 201-202.
2. Гурджиев Г.И. В поисках бытия. Четвёртый путь к Сознанию. – Москва: ООО Книжное изд-во “София”, 2014. – С. 22.
3. Фукуяма Ф. Сильное государство. Управление и мировой порядок в XXI веке. – Москва: АСТ, 2006. – С. 5.
4. Гурджиев Г.И. В поисках бытия. Четвертый путь к Сознанию. – Москва: ООО Книжное изд-во “София”, 2014. – С. 23.
7. Қаранг: Грин Р. 33 стратегия войны. – Москва: РИПОЛ КЛАССИК, 2007. –С. 20-31; Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – Москва: Республика, 1994. – С. 372.
8. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 96-97.
9. Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаш стратегияси. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 106 б.
10. Юнусова Г.Х., Жабборов Х.Ж., Қосимова Х.Х. Сиёсат назарияси. –Тошкент: ЎзМУ, 2003. – Б. 274-277.
11. Юнусова Г.Х., Жабборов Х.Ж., Қосимова Х.Х. Сиёсат назарияси. –Тошкент: ЎзМУ, 2003. – 269 б.
12. Иминов Б.К. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура манбаи. –Тошкент: Минҳож нашр., 2002. – 83 б.
13. Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 8 б.
14. Кара-Мурза С.Г. Истмат и проблема Восток-Запад. – Москва: Изд-во ЭКСМО-ПРЕСС, 2002. – С. 113-120.
15. Алимасов В. Ижтимоий-маънавий мерос ва шарқона демократия. –Тошкент: NOSHIR, 2013. – 4 б.
16. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 334 б.

*Наирга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

**ЎЗБЕК ОИЛАСИДА ОТА – ОИЛА УСТУНИ ВА ТАЯНЧИ**

**Зоҳиров Р.Т.** (Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ФЎЎБО ходимларини малакасини ошириш ўқув курси директори)

**Аннотация.** Ушбу мақолада қадимдан ўзбек оилаларида ота оиланинг устунлиги ва таянчи ҳисобланиб келинганлиги, вилоятда оилада авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масаласида тадқиқотлар ўтказилганлиги, аёл ҳукмрон бўлганда оиладаги ўзгаришлар, эркак ва аёлнинг фарзанд тарбиясидаги вазифалари тўғрисида фикр юритилади.

**Таянч сўзлар:** ота – оила устунлиги, оилани мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси, оилада онанинг ўрни, миллий қадриятлар, ота бўлиш масъулияти, фарзанд олдидаги бурч.

**Аннотация.** В статье обсуждается тот факт, что узбекская отец долгое время был и остаётся опорой семьи, исследования по укреплению межпоколенческих отношений в семье в регионе, изменения в семье под властью женщин и роль мужчин и женщин в воспитании. детей.

**Ключевые слова:** родительско-семейная колонка, укрепление семьи, воспитание детей, роль матери в семье, национальные ценности, ответственность отца, долг перед ребенком.

**Annotation.** This article discusses the fact that the Uzbek family has long been a pillar and support of the family, research on strengthening intergenerational relations in the family in the region, changes in the family under the rule of women and the role of men and women in raising children.

**Keywords:** parent-family column, strengthening the family, raising children, the role of the mother in the family, national values, the responsibility of being a father, the duty to the child.

Глобаллашув даврида ҳаётнинг шиддат билан ўтиб бораётгани, техникаларнинг равожланиши, тўхтовсиз янгиликларнинг кириб келаётгани турли хил ижтимоий тармоқлардаги ёт ғояларни фарзандлар тарбиясига салбий таъсир қилётганлиги бугунги кунда ота-оналарда фарзанд тарбиясига ўта масъулият билан қарашни талаб қилмоқда.

Давлатимиз сиёсатининг бош негизида ҳам, юртбошимизнинг ҳар бир чиқишларида ҳам миллат давомийлигини таъминлайдиган, жамият тараққиётини белгилайдиган оилаларни фаровонлаштиришга, мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Оила хусусида фикр билдирар эканлар Муҳтарам Юртбошимиз Ш.Мирзиёев: “Одамларимиз билиши керак, оила муқаддас биз учун, оилани сақлаб қолмасак, биз ўзлимизни йўқотаемиз”, - дея оилани нақадар ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.

Бола оилада илк тарбияни олади. Унинг мактабда ўқиши, дўстлари орасида ўзини тутиши, ўқитувчи берган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида бажариши, уларни бажариш жараёнидаги ҳолати оилада олган тарбиясига боғлиқ. “Қуш уясида кўрганини қилади”, - деганларидек оилада фарзанд тарбиясида ота-онанинг маънавийлиги, маърифатли ва маданиятли даражаси катта аҳамият касб этади.

Имом Ғазолий айтиди: “Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби пок, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Яхшиликка ундалса, дунё ва охиратда саодатли бўлади. Ёмонликка ундалса, ҳалокатга учрайди”.

Донишманд халқимизнинг “Болага отадан ибрат, онадан меҳру муҳаббат даркор” деган ибратли нақли бежиз келиб чиқмаган. Боланинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан улғайиши гўзал одобли ота-онага боғлиқ. Бола ҳар жиҳатдан уларга ўхшашга тақлид қилади ва уларнинг ўзаро муносабатларидан озиқланади.

Хўш, ҳозирги кундаги ўзбек оилаларидаги аҳвол қандай? Ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги муносабатлари қай даражада?

2019 йилда “Оила” марказида ишлаган вақтимизда “Вилоятда авлодлараро муносабатларнинг оила шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти” мавзусида социологик тадқиқотлар ўтказган эдик. Сўровномада 1 000 дан ортиқ респондентлар қатнашиб ўз фикрларини беришган эди. Унда “Айтинчи, оилада ким устун бўлгани маъқул? Эркаки? Аёлми? Ёки ўзлари танлаши лозимми?” деган саволимизга сўровномада қатнашган 67% “Эркак”лар, 18% “Аёл” оилада “ҳукмрон” бўлишларини ва 15% респондентларимиз эса “Оилани ким бошқаришни уларни ўзлари аниқлаб олишларини” билдиришганлар.

Демак, тадқиқотлардан кўриниб турибдики, вилоятимиздаги оилаларни тинч-тоғув ва аҳил яшашлари учун оилада эркак бош бўлиши керак экан. Лекин оилада эркакларимиз ўзларини ўрниларини билишлари лозим, деб ўйлаймиз.

Ота-бу оиланинг устунлиги, қалқони ҳисобланади, Ота фарзанлари учун барча нарсага тайёр инсон. У бутун куч ва қувватини фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялашга сарфлайди. Ота оиладагилар яшаши учун уй-жой ҳозирлайди. Кийинтиради, едириб ичиради. Оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиладиган инсон бу отадир. Оталарнинг ўз фарзандларига нисбатан бўлган муҳаббат қасри асосларидан бири - бутун куч ва қувватларини фарзандларнинг фаросат, камолат билан безатиб, уларнинг вужудини касбу хунар либоси билан кийинтирмоқлари лозим.

Ҳар бир давлатнинг ўз қонун-қондаси, раҳбари бўлгани каби оила деб аталмиш давлат ҳам ўз султонига эга, бу шубҳасиз оталардир. Оилада эркак киши обрўси, ҳурмати аёлнинг унга эътибори, ҳурмати ва итоатига боғлиқ. Турмуш ўртоғини эъзозламаган аёл оиладаги фарзандларини отага ҳурмат руҳида тарбиялай олмайди. Бежиз халқимизда “Агар маликалардек яшамоқчи бўлсанг, эрингни султон бил”, - деган нақл юрмайди. Шунинг учун ҳам отанинг ўрни оилада бағоят салмоқлидир. Ўзининг масъулиятли ўрнини билмаган эркаклар - оталар ижтимоий фожеа сабабчиларидир, десак адашмаган бўламиз. Боиси, бу ҳолатда оиланинг барча ички-ташқи тизими ўзининг идора қила билиш ва мукамал интизомга эга бўлган интилишини издан чиқаради.

Оиламиз тинч, фарзандларимиз бахтли бўлишлари учун уларга отани ҳурмат қилиш, унинг ризолигига эришиш йўлларида сабоқ берайлик, Зеро, ҳаётнинг азалий фалсафаси шундай яратилган. Падари бузрукворлик бахти бола тарбиясидек залворли юкни елкасига ола билган, солиҳ, ибратли ота-оналарга насиб этади. Момоларимиз бежизга “Эркаклари зардали бўлган хонадоннинг аёллари пардали бўлади” деб нақл қилишмаган.

Маълумки, 90-йилларда мамлакатимиздаги нотинч ҳолатлар оилаларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўша вақтларда завод, фабрика ва корхоналарда ишловчиларнинг 70-80% ни эркаклар ташкил қиларди. Оиланинг асосий боқувчиси эркаклар ҳисобланарди. Ишлаб турган корхоналарнинг паст нархларда хусусийлаштирилиши оқибатида кўп эркакларимизга ишсизлик “тамғаси” босилиб, уйда ўтириб қолишди.

Оилани боқиш керакми? Керак! Ана ўша даврда аёлларимиз бозорга чиқишди. Олдинги шўролар даврида савдода асосан эркаклар ишлаган бўлсалар, ҳозирги вақтда бозор расталарида савдо қиладиганларнинг 90-95% ни “нозик қалб соҳибалари” ташкил қилмоқда. Агар эркак бекорчи бўлиб, аёл уйга пул топиб келдими, ўша кундан бошлаб, уйдаги “ҳукмронлик” аёлга ўтади. Аста-секин оиланинг бутун жловини ўз қўлига олган аёл - онадан оиладаги фарзандлар ҳам унинг чизган чизиғидан чиқишмайди. Ота вақт ўтиши билан оилада ёлғизланиб қолади.

Ҳозирги кунда ўғил болаларимизнинг овозлари ингичкалашиб, қизларимизнинг овозлари “дағаллашаётган”лигини гувоҳи бўлаяпмиз. Хўш, бу ҳолатни сабаби нимада? Ўрганишлар шуни кўрсатаптики, аёл “эгаллик” қиладиган оилаларда бу каби нохуш ҳолатлар кўпроқ учраётганлигини гувоҳи бўлаяпмиз.

Кўп йиллик тажриба ва изланишлар, минглаб оилаларни ўрганиш натижасида шундай хулосага келдикки, агар оилада аёл устун бўлса;

-аёл устун бўлган оилада мувозанат бузилади,

-оила институтида эркак ва аёл модели ўзгариб, аёл оиланинг боқувчисига айланиб қолади,

-ўзи ўзгартирган оила моделида қаттиққўл, иродаси метиндек, қаҳри қаттиқ “темир аёл”га айланади,

-ундай оилада аёлнинг “кучига” дош беролмаган эркак енгилла бошлайди, кучсиз эркакка айлана бошлайди,

-кучсиз эркак ўта меҳрибон, иродасиз, нозик табиат характер қирраларига эга бўла бошлайди,

- киз онадан ўрнак олиб, онгсиз равишда онанинг хулқ-атворини ўз бўлажак оиласида такрорлайди,

- қиз онгида эркак кучсиз, эркакка ишониб бўлмайди, «ўз кучингагина ишон» қабилдаги низомлар шаклланиб, эркаклардан кўра аёлларни «маъқул кўра» бошлайди,
- ўғил отадан ўртак олиб, юмшаб, кучсизланиб, «нозик йигитча»га айлана бошлайди. Эркаклар тинч, хотиржам, улар билангина “осойишта ришта”ларга эга бўлиш мумкин деган фикрга эга бўла бошлашади,
- ўғил аввал онасининг, сўнг аёлининг чизган чизигидан чиқмайдиган бўлиб қолади (“онасининг боласи”),
- она агрессив, дағал, эркакшода бўлгани сайин эркак, ўғил юмшоқлашиб, майинлашиб бораверади,
- эркак ва аёлнинг илоҳий бурчи, вазифалари чалкаша бошлайди,
- бу бир том остидаги одамлар кўз ўнгигагина "оила", аслида эса бегона бир жамоа шаклланади,
- оилада “эркакшода” қиз ва “аёллашган” йигитлар пайдо бўлади.
- тўй-ҳашамларда аёллар ўйлаб топган турли кераксиз удумлар, янги анъаналар пайдо бўла бошлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, қачонки эркак ўз ўрнида, аёл ўз ўрнида бўлсагина, фарзандлар ҳам солиҳ ва собит бўлиб ўз вазифаларини адо этадилар.

Агар аёл оилада эркакнинг ўрнини эгаллаб, унинг вазифаларини бўйнига ола бошласа, эркакнинг ҳар жабҳада омад йўллари тўсилаверади. Эркакнинг иқтисодий заифлиги бора-бора руҳий заифликка олиб келади, бу эса яхши оқибатларга олиб келмайди.

Буюк бобомиз, сўз мулкани султони Мир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “Тарбия бош омили-намунадир”. Яъни аввало ота-она шахсан фарзандига намуна кўрсатиши лозим. Шундай экан, жамиятнинг асосий бўғини бўлган ҳар бир оилада оилавий кадрятларимизни асраб авайлашимиз, оила чироғини ёқадиган келгуси авлодларга етказишимиз зарур.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, “Оила” кўрғонининг устуни ОТА эканлигини бебаҳо кадрятларимизга таянган ҳолда келажак авлодимизга-фарзандларимизга етарли тарзда онг-онгига сингдиришимиз зарур. Оилада отанинг мавқеини сақлаш учун миллий кадрятларимизни асраб - авайлаш ва фарзандларимизга кексаларнинг ўғитларига таянган ҳолда етказишимиз даркор, ўғилларимизга келгусида оила бошлиғи - ота бўлиш масъулияти, эркакнинг бурч-вазифаларини тушунтириб беришимиз керак. Фарзандлар ёмон бўлиб туғилмайди, оталар жамият ва фарзандлар олдидаги бурчини адо этиб фарзанд тарбиясидаги зиммасига юклатилган вазифани чин дилдан ҳис этса, фарзандларимиз ватан, эл-юрт, оила корига ярайдиган инсонлар бўлиб улғаядилар.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 201 б.
2. Абдурауф Фитрат. Оила. – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 2019. – 134.
3. Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 248 б.
4. Фарзанд тарбиясида отанинг масъулияти, вазифаси ва мажбуриятлари: муаммо ва ечим. Мақолалар тўплами. Республика илмий-амалий анжумани. – Т., 2018. – Б. 94–96.

*Наширға фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

### МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

Жамолов Д.Б. (ЎзМУ)

**Аннотация.** Мақолада ҳар қандай мамлакатда миллий маданият турфа омиллар таъсирида ўзгариб, шаклланиб, ривожланиб бориши таъкидланади. Муаллиф бу борада мамлакатнинг табиий ресурслари салмоғи, миллий маданият артефактларини яратувчи, концентрацияловчи ва трансляция қилувчи ижтимоий институтлар фаолияти, моддий ва маънавий кадрятларнинг шаклланишига таъсир

кўрсатадиган коммуникацион, аксиологик ва рационал омиллар, маданий диффузия жараёнлари, миллий маданият элементларини фиксация қилиш ва асраш имкониятлари алоҳида аҳамиятга эга бўлишини очиб беради.

**Таянч сўзлар:** *миллий маданият, миллий маданиятни шакллантирувчи омиллар, табиий ресурслари салмоғи, ижтимоий институтлар фаолияти, коммуникацион омиллар, аксиологик омиллар, рационал омиллар, маданий диффузия жараёнлари, миллий маданият элементларини фиксация қилиш ва асраш имкониятлари.*

**Аннотация.** В статье утверждается, что в любой стране национальная культура формируется, изменяется и развивается под воздействием различных факторов. Автор в число этих факторов включает существующие природные ресурсы страны, деятельность социальных институтов, создающих, концентрирующих и транслирующих артефакты национальной культуры, коммуникационные, аксиологические и рациональные факторы, формирующие материальные и духовные ценности, процессы культурной диффузии, возможности фиксации и сохранения элементов национальной культуры.

**Ключевые слова:** *национальная культура, факторы формирования национальной культуры, природные ресурсы, деятельность социальных институтов, коммуникационные факторы, аксиологические факторы, рациональные факторы, процессы культурной диффузии, возможности фиксации и сохранения элементов национальной культуры.*

**Annotation.** The article argues that in any country the national culture is formed, changed and developed under the influence of various factors. Among these factors, the author includes the existing natural resources of the country, the activities of social institutions that create, concentrate and broadcast artifacts of national culture, communication, axiological and rational factors that form material and spiritual values, the processes of cultural diffusion, the possibility of fixing and preserving elements of national culture.

**Key words:** *national culture, factors of formation of national culture, natural resources, activities of social institutions, communication factors, axiological factors, rational factors, processes of cultural diffusion, possibilities of fixation and preserving elements of national culture.*

Йигирма биринчи асрнинг ижтимоий тенденциялари миллий маданиятни шакллантирувчи ва такомиллаштирувчи омилларни бениҳоя кўпайтирди. Бу омилларга эътиборсизлик яқин келажакда миллий маданиятни ривожлантирувчи манбаларга эътиборсизликни англатади. Шу боисдан, миллий маданиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, таҳлил ва талқин қилиш билан боғлиқ масалалар нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам моликдир.

Ҳар қандай миллатнинг маданияти қотиб қолган воқелик эмас, албатта. У турли шарт-шароитлар, омиллар таъсирида муттасил такомиллашиб боради. Бу омиллар интерпретацияси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки миллий маданиятга таъсир кўрсатишга қодир омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали унинг ривожланиш қонуниятларини англаб олиш мумкин. Тўғри, бундай омиллар ўзининг турли-туманлиги билан характерланади, боз устига уларнинг миллат маданиятига таъсири ҳам турфалиги билан ажралиб туради. Бирок ушбу омиллар турли-туманлиги туркумидан энг муҳимларини ажратиш олиш мумкин.

Миллий маданиятни шакллантирувчи энг муҳим омиллардан бири *табиий ресурслардир*. Табиий ресурслар салмоғи нафақат моддий ва маънавий неъматлар ҳажмини, балки миллий маданият таракқиёти суръатларини ҳам белгилаб беради. Бошқача айтганда, мамлакат иқтисодиётининг табиий ресурслар билан таъминланганлиги даражаси баланд бўлса, миллий маданият ҳам жадал суръатлар билан ривожланади. Буни, масалан, АҚШ, Германия, Франция, Хитой, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг миллий маданиятлари мисолида кўриш мумкин. Табиий ресурслар танқислиги эса, аксинча, миллий маданият ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Табиий ресурслар миллий маданиятнинг шаклланишига замин яратувчи объектив шарт-шароит, холос. Бунинг устига, унинг миллий маданиятга таъсири бевосита эмас, билвосита характерга эга. Миллий маданият артефактларининг том маънодаги яратувчилари, уларни концентрация ва трансляция қилувчилари *ижтимоий институтлардир*. Ҳар қандай расмий ва норасмий ижтимоий институтларни бирлаштириб турган нукталардан бири шундаки, уларнинг барчаси жамиятда миллий маданиятни шакллантирувчи омил вазифасини ўтайди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин. Биринчидан, жамиятда фаолият кўрсатаётган

ижтимоий институтлар миллий маданият артефактларни яратишда фаол иштирок этади. Иккинчидан, ижтимоий институтлар миллий маданиятни янги элемент эвазига бойитишга хизмат қилади. Учинчидан, ижтимоий институтларнинг фаолияти натижасида турли қадрият, анъана ва нормалар ижтимоий ҳаётдан жой олади. Тўртинчидан, ижтимоий институтлар ўз ижтимоий-маданий функциясини бажариш давомида турли маданий тадбирлар воситасида миллий маданият элементларига амал қилинишини таъминлайди, уларни тарғиб ва ташвиқ қилади. Бешинчидан, ижтимоий институтлар миллий маданият артефактларини келгуси авлодларга трансляция қилиш имконини яратади.

Бироқ шуни ҳам назарда тутмоқ даркорки, миллий маданиятнинг шаклланиши учун жамиятда ижтимоий институтларнинг шунчаки мавжуд бўлиши кифоя эмас. Миллий маданият таркибий элементлари ривож ижтимоий институтларнинг яхлит тизим сифатида фаолият кўрсатишини тақозо қилади. Бинобарин, миллий маданиятнинг шаклланиши жамиятдаги *коммуникацион омилларга* ҳам боғлиқ. Бунда коммуникатор вазифасини ижтимоий институтлар ўтайди. Миллат вакиллари, ижтимоий-маданий муносабатларнинг бошқа субъектлари маданий коммуникацияларнинг реципиенти бўлиши мумкин. Коммуникатор ва реципиент ўртасидаги алоқалар турли воситалар (турли даражада ташкил қилинадиган маданий ва маърифий тадбирлар) ёрдамида амалга оширилади.

Миллий маданиятнинг шаклланиши маданий коммуникациянинг мазкур уч таркибий компонентида мутаносиб равишда содир бўлади. Биринчидан, коммуникаторнинг ижтимоий-маданий салмоғи ошгани сайин миллий маданият артефактларининг қарор топиш имкониятлари кенгайди. Иккинчидан, реципиентнинг маданий савияси юксалгани сайин миллий маданият артефактларининг мустаҳкамланиши, сақланиши ва келгуси авлодларга трансляция қилиниши имкониятлари ошади. Учинчидан, коммуникатор ва реципиент ўртасидаги алоқаларни таъминловчи воситалар такомиллашгани сайин миллий маданият ҳам юксалади.

Миллий маданиятнинг шаклланиши жамиятдаги *аксиологик омилларга* ҳам боғлиқ. Чунки унинг ҳар бир таркибий элементининг юзага келиши жамиятда муайян қадриятларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Миллий маданият шаклланиши жамият аъзоларининг қадриятларга бўлган муносабатига боғлиқ. Ниҳоят, миллий маданият ривож кишилар учун ҳаёт йўлини, хулқ-атвор моделларини, қадриятларни танлаш имкониятини ҳам тақозо этади. Шундай имкониятлар кенгайгани сайин шахс миллий маданият артефактларидан тобора эркинроқ ва унумлироқ фойдаланади. Бу ҳол миллий маданиятнинг турли моддий ва маънавий неъматлар билан бойиб боришини оптималлаштиради, унинг таркибида қадриятлар плюрализми мавжуд бўлишини таъминлайди.

Миллий маданиятнинг шаклланиши *рационал омилларга* ҳам боғлиқ. Биз бунда ушбу жараёнга ақлга мувофиқ муносабатни назарда тутмоқдамиз. Шундай муносабат ҳукм сурган жамиятда унинг шаклланиши жараёни ҳам оқилона ва самарали кечади. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин. Биринчидан, миллий маданият таркибий элементларининг шаклланиши оқилона норма ва қоидалар ёрдамида мувофиқлаштирилмоғи даркор. Иккинчидан, миллий маданиятнинг шаклланиши жамиятдаги маданий фаолият қоидалари ва нормаларининг рационаллиги даражасига боғлиқ.

Рационал омилларнинг аҳамияти жаҳон тажрибасида ҳам ўз исботини топмоқда. Хусусан, ривожланган мамлакатларда миллий маданият соҳасига волюнтаристик аралашув ва цензуранинг олдини олишга хизмат қиладиган қатор қонунлар қабул қилинган, маданий-маърифий муассасаларга давлат томонидан дотациялар ажратишнинг оқилона амалиёти жорий қилинган, маданий фаолиятни миллат ва халқ эҳтиёжларига монанд равишда йўлга қўйиш тажрибаси ҳаётга татбиқ этилган. Рационал чоралар миллий маданиятнинг жадал ривожига хизмат қилмоқда.

Миллий маданият *маданий диффузия* оқибатида ҳам шакллана боради. Маданий диффузия деганда турли миллий маданиятларга хос бўлган моддий ва маънавий қадриятларнинг ўзаро қоришиб кетиши жараёни назарда тутилади. Бироқ маданий диффузия жараёнини жўнгина тасаввур қилиш ярамайди. У гоҳо горизонтал (бир хил тараққиёт даражасида турган маданиятлар ўртасида), гоҳо эса вертикал (тараққиётнинг турли

босқичларида турган маданиятлар ўртасида) йўналишларда содир бўлиши мумкин. Бунинг устига, маданий диффузия жараёни бир неча босқичда юз беради. Биринчи босқичда муайян маданият негизда инновация туғилади. Бироқ бу инновация миллий маданият таркибидан жой олиши учун шу маданият ташувчилари томонидан қабул қилинмоғи, улар орасида кенг тарқалмоғи даркор. Иккинчи босқичда эса мазкур инновация турли миллат вакиллари орасидаги мулоқотлар шарофати билан ўзга маданият таркибига кириб келади, унинг илғор вакиллари томонидан ўзлаштирилади. Учинчи босқичда инновация ўзга миллат вакиллари орасида кенг тарқалади ва шу йўл билан ўзи кириб келган маданият таркибидан жой олади. Ниҳоят, тўртинчи босқичда янги маданият таркибидан жой олган инновация миллатнинг барча вакиллари томонидан ўзлаштирилади ва миллий кадриятларга мутаносиб равишда янгича мазмун касб этади.

*Жамиятда миллий маданият элементларини фиксация қилиш ва асраш имкониятларининг яратилганлиги* ҳам муҳим аҳамиятга эга. Миллий маданият мутгасил ривож топиб бориши учун жамиятда вужудга келган ҳар қандай моддий ва маънавий кадрият унинг маданий мулкига айланмоғи, асраб қолинмоғи даркор. Акс ҳолда миллатнинг турли вакиллари яратган кадриятлар, эришган тажрибалар тўлиқ жамланмай қолади, келгуси авлодларга тугал етиб келмайди.

Албатта, замонавий кишилик жамияти бундай фалокатлардан жиддий суғурта қилинган. Бугун ҳар қандай жамиятда моддий ва маънавий кадриятларни фиксация қилиш ва асраш имконини берадиган самарали механизм мавжуд. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор: жамиятда бундай механизм мавжудлигининг ўзи кифоя эмас. Шунинг билан бир қаторда яратилган моддий ва маънавий кадриятлар асраб қолиниши учун жамият аъзоларида бу имкониятлардан унумли фойдаланиш малакаси ҳам бўлмоғи керак. Кишиларда шундай малаканинг шаклланганлиги миллий маданиятнинг юксалишига мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Хуллас, ҳар қандай мамлакатда миллий маданият турфа омиллар таъсирида ўзгариб, шаклланиб, ривожланиб боради. Мамлакатнинг табиий ресурслари салмоғи, миллий маданият артефактларини яратувчи ва концентрацияловчи ва трансляция қилувчи ижтимоий институтлар фаолияти, моддий ва маънавий кадриятларнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган коммуникацион, аксиологик ва рационал омиллар, маданий диффузия жараёнлари, миллий маданият элементларини фиксация қилиш ва асраш имкониятлари бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”// [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.”// Халқ сўзи, 2017, 25 май.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1.- Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б. 240.
4. Давронова Ш.Ф. Истиклол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб аъналарининг бадиий синтези: Фил. ф.д. (DSc) дисс. автореф.- Самарқанд: СамДУ, 2019.- Б.5.
5. Древние цивилизации./ Под ред. Г.М. Бонгард-Левина.-М.:Мысль, 1989.- С. 37-69.
6. Коврова М.Н. Взаимодействие коммуникатора и реципиента коммуникативной функции правовой культуры.// Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки, 2009, №2.-308-с.
7. Липатова О.А. Феномен рациональности в культуре.// Известия Саратовского университета. Серия Философия. Психология. Педагогика, 2011, №1.- 21-с.
8. Муртазина Л. Р. Социальный институт как предмет социологического анализа.// Вестник Чувашского университета, 2011, №1.-186-с.
9. Полупанов В. “Пою назло многим”. Интервью с Д. Биланом.// Аргументы и факты.- 2011.- №52.- С.25.
10. Ратцель Ф. Народоведение.// biblioklub.ru.

*Наишра фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*



## БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ АБУ ҲАНИФА ҚАРАШЛАРИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Улуғов А.Ҳ. (Республика Маънавият ва маърифат маркази)

**Аннотация.** Мазкур мақолада бағрикенглик маданияти ва уни Абу Ҳанифа қарашларида намоён бўлиши илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада бағрикенглик маданияти бугунги кунда нафақат миллий балки умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бағрикенглик - ижтимоий-маданий ҳодиса бўлиб, у ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солиш орқали ўзга фикр ва эътиқодидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, ахлоқ қоидалари ва меъёрларини бузадиган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиш борасидаги фикрлар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** *тарих, дин, миллат, маданият, қадрият, эътиқод, давлат, фалсафа, ахлоқ, бағрикенглик, Абу Ҳанифа.*

**Аннотация.** В данной статье проводится научный анализ культуры толерантности и ее проявления во взглядах Абу Ханифы. В работе также отмечается, что культура толерантности сегодня становится неотъемлемой частью не только национальной, но и общечеловеческой культуры. Толерантность - это социокультурный феномен, отражающий идею уважения, воздержания от любых действий, нарушающих правила и нормы морали, независимо от других мнений и убеждений, посредством регулирования социально-политических отношений.

**Ключевые слова:** *история, религия, нация, культура, ценности, верования, государство, философия, этика, толерантность, Абу Ханифа.*

**Annotation.** This article provides a scientific analysis of the culture of tolerance and its manifestation in the views of Abu Hanifa. The article also notes that the culture of tolerance today is becoming an integral part of not only national, but also universal culture. Tolerance is a sociocultural phenomenon that reflects the idea of respect, refraining from any actions that violate the rules and norms of morality, regardless of other opinions and beliefs, through the regulation of socio-political relations.

**Key words:** *history, religion, nation, culture, values, beliefs, state, philosophy, ethics, tolerance, Abu Hanifa.*

Ҳозирги даврда глобаллашувнинг таъсирида қудратли давлатларнинг геосиёсий манфаатларини тўқнашув ва инсониятга қарши экстремизм ва терроризм ҳаракатлар тобора ортиб бормоқда. Бундай мураккаб глобал ўзгаришлар туфайли “Ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ижобий жараёнлар билан бирга, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ҳам тобора хавфли тус олмоқда”. [1]. Айни шу маънода, бағрикенглик маданияти нафақат миллий балки умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бизга маълумки, бағрикенглик ижтимоий-маданий ҳодиса бўлиб, у ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солишда инсоният тарихида алоҳида ўрин тутади.

Бағрикенглик маданияти эса ўзга фикр ва эътиқоднинг табиатидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, ахлоқ қоидалари ва меъёрларини бузадиган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилишдир. Бошқача қилиб айтганда, бағрикенглик - ҳар хил дин ва қарашларга эга бўлган шахслар билан ижтимоий-сиёсий муҳитда ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш, бошқаларни таъқиб қилишдан сақланиш, шу билан бирга уларнинг эътиқоди ва маданиятини ҳурмат қилиш демакдир.

Бағрикенглик тарих давомида турли халқлар ва динларнинг биргаликдаги ҳаётини таъминлаган ва умумбашарий қадрият сифатида узок тарихга эга бўлган энг муҳим тамойилдир. Шу маънода бағрикенглик маданий, диний ва сиёсий муносабатлар тизимидаги ахлоқий қадрият десак, янглишмаган бўламиз. Шунинг учун бағрикенглик маданияти сиёсий масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, бағрикенглик, умуминсоний маданиятнинг бир қисми бўлишига қарамай, тарихан асосан шаҳар, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳунармандчиликнинг қадимий анъаналари устувор бўлган маданиятга хосдир.

Шу нуқтаи назардан, бағрикенглик Ўрта Осиё халқлари маданиятида алоҳида ўрин тутади, улар тарихан сайёрамизнинг кўчманчи, деҳқон, ҳунарманд ва маданият вакиллари билан иборат бўлган. Қадим замонлардан буён уларнинг маданиятининг фалсафий ва ахлоқий табиати бағрикенгликни ушбу маданиятнинг асосий ғояси сифатида шаклланди. Шунинг таъкидлаш керакки, турли халқ, миллат ва элатларнинг турмуш тарзи ва тафаккури, шу асосда ҳам ўтроқ, шаҳар, деҳқончилик ва ҳунарманд халқларнинг маданияти кўчманчи

халқларнинг турмуш тарзи ва тафаккури ва маданиятидан тубдан фарқ қилади. Кўчманчи халқ деҳқон ва хунармандлардан ўзининг жанговар фазилатлари билан ажралиб турарди.

Араб олими Ибн Халдун “Ал-Муқаддима” рисоласида кўчманчиларнинг бу психологик ва ахлоқий хусусиятини моҳирлик билан тилга олади. Ибн Халдун жоҳил арабларнинг жанговар қобилиятини шу ижтимоий ҳаёт тарзидаги маънавий-ахлоқий фазилати сифатида баҳолайди. “Ўввойи халқлар бошқаларга қараганда кўпроқ ҳокимиятни эгаллаш имкониятига эга. Билинги, чунки кўчманчи ҳаёт жасорат сабабидир, ... Чунки улар бошқаларга қараганда ғалаба ва зулмга қодир” [2].

союза считается обязательной. Этот показатель является стабильным и находится на данном уровне уже в течение нескольких лет. Кроме того, большинство респондентов выступают за обязательное совершение при вступлении в брак религиозного свадебного обряда «никох» или прохождение обряда венчания в церкви. Единство взглядов было продемонстрировано узбекистанцами в вопросах значения и необходимости благословения родителей в процессе их вступления в брак. Абсолютное большинство граждан Узбекистана (более 99 %), вне зависимости от таких критериев, как возраст, этническая принадлежность, уровень материального благополучия, называют родительское благословение обязательным условием и залогом семейного счастья, благополучия молодых людей, которые вступают в брак. Наличие детей представляет собой основной смысл и семейную ценность для большинства граждан. Более 68 % опрошенных считают, что семья с двумя или тремя детьми считается полноценной, самодостаточной и счастливой. Как было выявлено по результатам опроса, наиболее оптимальным возрастом женщины, рождающей первого ребенка, является 22-25-летний возраст.

По мнению большинства участников опроса (более 87 %), минимальный интервал между родами должен составлять от 2 до 3 лет. Как считают 58 % женщин почти 47 % мужчин, данный интервал должен составлять более трех лет [7, с. 113]. Решение о рождении очередного ребенка в подавляющем большинстве семей Узбекистана обычно принимается мужем вместе с женой. Желание иметь двух и более детей, вне зависимости от пола, остается основным фактором, который влияет на принятие решения о рождении очередного ребенка.

Как было подтверждено исследованием, совместное проживание супругов, которые состоят в официально зарегистрированном браке, является традиционным самым распространенным принципом семейно-брачных отношений в Узбекистане: более 87 % лиц, участвующих в опросе, отметили, что они состоят в браке. Около половины семей Узбекистана (почти 45 %) являются нуклеарными, то есть в их состав входят супруги и дети. Распространение также получили многопоколенные семьи: каждый третий респондент отметил, что в состав его семьи входят не только супруги и их дети, но также и бабушки и дедушки [7, с. 113]. По результатам опроса, в качестве главы большинства семей выступает мужчина, которому принадлежит право на принятие окончательных решений по основным вопросам, касающимся как каждого члена семьи, так и в целом всей семьи. Именно мужчина вносит основной вклад в семейный бюджет и решает все финансовые дела, разрешает конфликтные ситуации в семье. Распределение обязанностей и функций в узбекской семье осуществляется в традиционной форме: мужчина отвечает за материальное обеспечение семьи, женщина – за воспитание детей, обеспечение комфортных жизненных условий для каждого члена семьи. Как было выявлено в рамках исследования, в последнее время семейные отношения узбекистанцев демократизируются, фиксируется появление семьи нового типа, которая основывается на принципах равенства между мужем и женой. Качество основания для распределения ролей и обязанностей между супругами выступает норма о равной ответственности. Увеличивается количество респондентов, которые отмечают, что женщина и мужчина в их семьях в одинаковой мере должны принимать важные решения по вопросам семейной жизни, вносить вклад в бюджет семьи, участвовать в распределении материальных ресурсов. Как показали данные опроса, в чуть меньше половины семей (42 %) фиксируется возникновение конфликтов и ссор. Респонденты говорят, что основные их причины заключаются в отсутствии взаимопонимания между членами семьи; материальных трудностях; безответственном отношении к собственным обязанностям членов семьи; стремлении мужа или жены навязывать собственную волю, добиваться стопроцентного подчинения; пренебрежении интересами и мнением иных участников семейных отношений; равнодушии между членами семьи; пристрастии одного из супругов к алкоголю, наркотическим средствам, азартным играм; болезни одного из членов семьи и связанными с этим проблемами. Больше всего конфликтные ситуации в семейных отношениях возникают между супругами, второе место по частоте их появления занимают отношения между невесткой и свекровью. В последнем случае причины конфликтов заключаются в деспотизме, стремлении свекрови к власти, неподготовленности невестки к жизни в семье, а также

нежелании уступать друг другу в определенных вопросах. Жители Узбекистана имеют сформированную нетерпимость отношения к насилию, проявляемого внутри семьи, а также к его самой распространенной форме – насилию к женщине: негативное отношение к семейному насилию высказали более 97 % участников опроса. Однако наряду с осуждением данного позорного явления, люди высказывают мнение о большей приоритетности сохранения семьи по сравнению с правом женщины на равноправие, защиту достоинства и безопасность. Немаловажным фактором для большинства граждан (более 64 %) при согласовании их действий, жизненного образа и манеры поведения выступают правила и нормы, принятые в махалле. Это является свидетельством того, что она представляет собой социально значимый институт, который оказывает влияние на человеческую жизнь, характеризуется важной воспитательной и духовной ролью. Более 38 % респондентов выразили свою надежду на оказание морально-психологической помощи в случаях возникновения сложных семейных обстоятельств, а около 20 % респондентов отметили имеющуюся у них необходимость в ее материальной поддержке. Проведенное исследование показало наличие в общественном мнении узбекистанцев установки, связанной с созданием прочных семейных отношений и сохранении долгосрочных отношений между ее членами в уважительном и доверительном порядке. Семейные разводы у большинства людей (70 %), проживающих в республике, вызывают крайне негативные эмоции. Семья для жителей Узбекистана имеет большое значение для общества в социально-нравственном плане, а супружество родственные связи можно назвать приоритетными в системе гражданских ценностей [7, с. 112–113].

Социологический опрос показал, что узбекская семья является крепким и дружным союзом, в качестве оснований которого выступают чувства любви и духовного родства, взаимоуважения и взаимопонимания между ее членами. Характеристики счастливой семьи представлены гостеприимством, трудолюбием, огромной любовью к детям, высочайшим уважением к старшему поколению. Практические меры, которые были приняты по инициативе Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева и направлены на то, чтобы укрепить семейный институт, регулировать взаимоотношение супругов, родителей и детей, нашли полную поддержку в узбекистанцев. Абсолютное большинство жителей республики выражают согласие с тем, что преобразования, происходящие в Узбекистане, способствуют повышению роли и значения семьи в обществе, а также позволяют укреплять и делать более здоровой духовно-нравственную атмосферу в семьях, позволяют создавать благоприятные и гармоничные отношения в них. Также данные преобразования, по мнению людей, участвующих в опросе, являются способствующим фактором к укреплению материального положения семей и воспитанию подрастающего поколения в духе общечеловеческих и национальных ценностей.

### Использованная литература

1. Шоумаров Г. Б. Оила психологияси. (Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма). – Т.: Шарқ, 2008. – 296 б.
2. Хидирова Ф. Ф. Оилада кизларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари: Пед. фан. ном. ... дисс. – Т., 2007. – 131 б.
3. Каримова В. М. Социальные представления об узбекской семье у юношей и девушек: Автореф. дисс. ... док. псих. наук. – Т.: 1994. – С. 40.
4. Акрамова Ф. А. Оилада софлом психологик мухитни таркиб топтиришнинг ижтимоий-психологик асослари. – Т.: Шамс АСА, 2014. – 185 б.
5. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан: Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 07 февраля 2017 г.
6. О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи: Указ Президента Узбекистана от 02 февраля 2018 г. № УП-5325.
7. Убайдуллаева Р. А. Семья в Узбекистане: Традиции и современные тенденции // Мониторинг общественного мнения, 2005. – № 3 (75). – С. 113–114.

*Рекомендовано к печати д.филос. н. С. Чариевым*

## ТАЛАБАЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШДА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Чориева Д.И. (СамДУ)

**Аннотация.** Мазкур мақолада талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда эстетик маданиятни шакллантириш омиллари ҳақидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада талаба ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва эстетик маданиятини шакллантириш, маданий-маърифий соҳада амалга ошириладиган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бораётганлиги борасидаги фикрлар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** талаба, эстетика, маънавият, маданият, маърифат, давлат, сиёсат, баркамол.

**Аннотация.** В данной статье с научной точки зрения анализируются факторы, формирующие эстетическую культуру на досуге студентов. В работе также подчеркивается, что целенаправленная организация свободного времени студентов и формирование эстетической культуры становится одним из приоритетов государственной политики в сфере культуры и образования.

**Ключевые слова:** студент, эстетика, духовность, культура, просвещение, государство, политика, совершенство.

**Annotation.** This article analyzes ideas about the factors that shape an aesthetic culture in the significant spending free time of students. The article also emphasizes that in the significant spending free time of students and the formation of an aesthetic culture becomes one of the priorities of state policy in the field of culture and education.

**Key words:** student, aesthetics, spirituality, culture, enlightenment, state, politics, perfection.

Бугунги кунда дунёдаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти ёшлар учун кўплаб имкониятларни яратмоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг олдида тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш борасида кўплаб талабаларни қўймоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак”, [1] – дея таъкидлагани бежиз эмас. Бинобарин, дунёнинг аксарият мамлакатларида ёшлар билан ишлашнинг янгича моделларини яратиш ҳамда уларни амалга оширишда инновацион механизм ва технологияларни қўллашга борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Бу борада жамиятимиз олдида турган долзарб вазифа ёшларимизни Ватанга, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, ҳар бир масалани онгли равишда масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчан маънавиятли баркамол талабаларни тарбиялаш, уларни жисмоний ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукамал билимли, маърифатли кишилар этиб вояга етказишдан иборат. Айнан мана шундай иқтидорли талабалар, маънавиятли ёшларгина юртимизнинг таянчи бўлиши ва порлоқ келажагини яратишини мумкин. Мамлакат равнақи, унинг эртанги порлоқ келажагини яратадиган ёшлар қалбига миллий қадриятлар, халқимизнинг бой тарихи ва маънавий мероси анъаналарини чуқур сингдириб, уларни ватанпарварлик, фидойилик ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир ота-она, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Юртимизда ёшларимизга яратилаётган имкониятлар ҳар биримиздан бу маъсулиятни чуқур ҳис этиб, эзгулик ва бунёдкорлик йўлида куч-ғайратимизни мунтазам сафарбар этишимизни талаб этади. 2020 йил 25 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этиши



бу борада амалга оширилаётган ишларимизни изчил давом эттириш учун стратегик вазифа сифатида белгиланди. Бинобарин, мазкур стратегик режалар замирида ёшларимизни ҳар томонлама пухта теран фикрлаш орқали турли хил ёт оқимлар, паст савияли “оммавий маданият” таъсиридан асраш орқали уларни Ватанга содиқ, фидойи инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай ишларнинг амалга оширилиши энг аввало ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий қадриятлари, эстетик маданияти, дунёқараши ва хулқ-атвор стереотипларини шакллантиришга самарали таъсир кўрсатади. Бу эса ёшларимизнинг бўш вақтларида муҳим сифат ўзгаришларини юзага келтиради. Бугунги кунда мамлакатимизда талаба ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва эстетик маданиятини шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, буни кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар, дастурлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарорида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши бу борадаги ишларнинг амалга оширилиши учун муҳим қадам бўлди. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”да 4.4. “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” ҳамда 4.5. “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” бандларида ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишга алоҳида эътибор берилган. Бундан ташқари Президентимиз раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мамлакатимизнинг 30 фоизини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг шароит яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунчалик кучли бўлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. 5 та муҳим ташаббуснинг 1-ташаббуси ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Ушбу муҳим ташаббус доирасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида “5 муҳим ташаббус” фестиваллари ташкил этилмоқда. Масалан, 2019 йил 16-17 октябрь кунлари Наманган муҳандислик-қурилиш институтида талаба-ёшлар ўртасида “Ёшлар ҳаётида 5 муҳим ташаббус” шиори остидаги “Талабалар фестивали” доирасида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув-мулоқотлар, спорт мусобақалари, китобхонлик аксиялари, концерт дастурлари ўтказилди.

2019 йил 12 июнь куни Бухоро шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Ёшлар ойлиги” доирасида ташкил этилган “Беш ташаббус, беш қанот” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Шундай фестиваллардан яна бири 2019 йил 26 сентябрь куни Андижон давлат университетида “Бешта муҳим ташаббус - ёшларимизнинг эртанги куни истиқболидир” шиори остида ўтказилди. Мазкур фестивалларни ўтказишдан асосий мақсад талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва уларнинг эстетик дунёқарашини шакллантиришдан иборатдир. Дам олиш уюшмалари (бирлашмалари) шароитида талаба ёшларнинг эстетик маданиятини шакллантириш муаммоларини ўрганиш табиатан мураккаб, интеграция-лашган бўлиб, фалсафа, социология, маданиятшунослик, психология, педагогика ва ижтимоий-маданий фаолиятнинг муаммоли соҳалари чорраҳасида жойлашган. Талабаларнинг эстетик ривожланиши ва тарбияси мураккаб, кўп қиррали жараёндир. Бу маданият, жамият ва маданий-тарихий инсоннинг онгини шакллантирадиган ажралмас

жараёнدير. Ушбу муаммонинг педагогик томонини ўрганиш учун "маданият", "шахснинг эстетик маданияти", "эстетик тарбия", "ёшлар", "талабалар" категорияларининг асосли асосларини таҳлил қилиш, шунингдек бўш вақтлар шароитида талаба ёшларнинг эстетик маданиятини шакллантириш моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини очиб бериш зарур. Педагогик фаолиятнинг энг муҳим жиҳати - эстетик тарбия. Эстетик тарбия шахснинг асосини ташкил этади, инсоннинг дунё билан муносабатларининг барча томонлари ва шакллариغا, унинг эстетик ривожланиши, интеллектуал салоҳияти, ҳиссий ҳолати ва ақлий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Эстетик тарбия, одамларни дунё маданияти ва санъати хазинаси билан таништириш - буларнинг барчаси эстетик тарбиянинг асосий мақсадига - яхлит шахс ва ижодий ривожланган шахсни шакллантириш учун зарур шартдир. Эстетик тарбия шахсиятнинг ёшликдаги ривожланишининг барча босқичларида амалга оширилади ва умуман таълимнинг ажралмас қисми сифатида ўзини ўзи англашнинг шаклланишида ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, бадий ва воқеликдаги гўзалликни (ажойибликни) тўлиқ идрок этиш ва тўғри англаш қобилияти. Бу эстетик қадриятларнинг ҳақиқий мезонларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган, бадий ва эстетик дунёқарашни кенгайтиришга, инсоний туйғуларни ташкил этишга, шахсиятнинг маънавий ўсишига ёрдам берадиган бадий тасвирлар, қарашлар ва эътиқодлар тизимини шакллантиради. Шу билан бирга, эстетик таълим инсоннинг хоҳиш-истаги, тайёрлиги, гўзаллик элементларини унинг ҳаётига сингдириш ва ижодий фаолиятда ва санъатда ўзини намоён қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Бадий ва ижодий фаолият турли даражадаги ташкилий даражаларга эга, шахсни бадий ўзини ўзи идрок этишнинг турли шакллари ва усулларини акс эттирувчи анча мураккаб тузилишга эга. Ҳозирги кунда бадий ижод ва санъатга мурожаат қилиш айниқса долзарбдир, чунки жамият ва давлат ёшларнинг эстетик тарбияси учун замин яратадиган педагогик дастурларни излаш ва амалга оширишда маънавий тикланишга муҳтож.

Бадий ижодга қўл урган ёшлар санъатни кўпроқ тушунишга киришадилар. Унинг бадий идрок этиш маданияти беқиёс даражада ўсиб бормоқда, диди яхшиланмоқда, эстетик ғоялари тобора равшан ва онгли бўлиб бормоқда. Шунинг учун бадий ижод билан бевосита алоқа инсоннинг бадий маданияти даражасининг муҳим амалий кўрсаткичларидан биридир. Шунинг учун эстетик тарбиянинг муҳим вазифаси талабаларни фаол ижодий фаолиятга жалб қилишдир.

Талабаларнинг эстетик маданиятини шакллантириш уларнинг шахсга айланишидаги муҳим вазифалардан бири, бадий ва эстетик фаолият билан маънавий, ахлоқий ва ижодий танишиш, экспрессив дунёнинг семантик таркибини яратиш ва тасдиқлаш истаги, бадий ва воқеликдаги гўзални тўлиқ идрок этиш ва тўғри англаш қобилиятини ривожлантириш шахснинг эстетик маданиятини шакллантириш - бу ёш мутахассиснинг диди ривожланишининг маълум бир даражаси бўлиб, у турли хил ҳиссиётлар ва билимлар ҳажминини бирлаштиради. Фалсафий жиҳатдан маъно жиҳатидан, шахснинг эстетик шаклланиш соҳаси ўзининг педагогик жиҳатидан очиқ бўлиб, ижодий илмий изланишни рағбатлантиради. Бундан ташқари, инсон пассив мавжудот эмас, у ўзининг шаклланиши ва ривожланишининг субъекти сифатида ишлайди.

Эстетик идрок етарлича ривожланган эстетик дид ва ҳиссиёт мавжудлигини англатади. Санъатни эстетик идрок этиш жараёни фаол, ижодий, тасаввур, ассоциатив фикрлашни ривожлантириш билан боғлиқ. Таълим функциясига эга, бадий шаклланади, такомиллашади, ижтимоий ҳиссиётларнинг барча бойликларини ривожлантиради, шахснинг умумий ва эстетик маданиятини ўзгартиради ва шу билан бирга эстетик тарбия жараёнини такомиллаштиради. Шахснинг эстетик маданиятининг сифат кўрсаткичлари тизимида ижодий тасаввур алоҳида аҳамиятга эга. Ижодий ҳаёл - бу таниқли элементларнинг комбинацияси асосида янги тузилмалар, ғоялар, лойиҳаларни шакллантиришга қаратилган ақлий фаолиятнинг бир тури. Эстетик фаолият жараёнида жуда ривожланган ижодий тасаввур талаб этилади, бу бир қатор шартлар ва мавжуд ғоялар, амалий тажриба, билим ва кўникмаларнинг мавжудлигига боғлиқ. А.Я.Дудецкий у ўз тадқиқотларида "том маънода инсон хотирасида ўз ўтмишидаги ҳис-туйғуларидан ва таассуротларидан жой олган ва ҳиссий,

мантикий ёки оқилона тасвирлар кўринишида тикланишга қодир бўлган барча нарсалар трансформация орбитасида қатнашиши мумкинлигини" таъкидлайди. Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, биз ёш авлод ва ёшларнинг эстетик маданиятини шакллантириш жараёнида ижодий тасаввурни ривожлантириш муҳим ўрин тутишини таъкидлаймиз. Замоनावий шароитда ижтимоий-демографик гуруҳ - ёшларга нисбатан илмий қизиқиш жуда юқори бўлиб, бу бир қатор объектив сабабларга кўра юзага келади. Жадал ривожланаётган sanoat, миллий иқтисодиёт, фан ва маданият олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сони ва сифатини янада оширишни белгилайди.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар олий таълимнинг ижтимоий институт сифатида роли, вазифалари, таркиби ва ишлаш шароитларини сезиларли даражада ўзгартирмоқда. Талабалик даври, бир томондан, муҳим фаолият шакллари билан танишиш, хусусан, касб бўйича, иккинчи томондан, идеал ва ҳақиқатдаги ҳақиқий бўшлиқ билан тавсифланади, бу эса ўз-ўзини аниқлашда ҳал қилиниши мумкин. Шу билан бирга, университет талабаларининг ўқув вазифаларини амалга ошириш сифатининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ортиб бормоқда. Талабалар зиёлиларни кўпайтиришнинг энг муҳим манбаидир. Олий ўқув юрти ўқувчиларга шахснинг самарали ривожланиши, фан-эстетик муҳитнинг имкониятларидан фойдаланиши учун яратилган. Масалан буни Хитой давлати мисолида кўрадиган бўлсак, Хитойда таълим инсонни шахсий, жамоавий ҳамда миллий манфаатларни уйғунлаштирган ҳолда тарбиялашга қаратилган. Айниқса, ёшлар эзгулик мезонларини ёвуз иллатлардан фарқлай билиши учун жамиятнинг барча соҳаларида рағбатлантирувчи тизим шакллантирилган. Бу "сифатли инсон + маҳоратли мутахассис = шахс" формуласини яратишга қаратилган таълим фалсафасини ташкил этади. Сифатли шахсни яратишга қаратилган мазкур таълим фалсафаси математик моделлаштириш орқали ишлаб чиқилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида" қароридан ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган эди.

Мазкур дастурнинг устувор вазифалари сифатида юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, ёшларни ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш; педагог ходимларнинг кадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш; ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш; ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш; ўқувчи-ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қабилар кўрсатиб ўтилган [3].

Ёшларнинг бўш вақтларини ўтказишнинг бошқа хусусиятлари унинг ўтказилишининг ўзига хослигини ўз ичига олади. Ота-она муҳити, қоида тариқасида, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим аҳамиятга эга эмас. Ёшларнинг аксарияти бўш вақтларини уйдан ташқарида, ўз тенгдошларининг ёнида ўтказишни афзал кўришади. Дам олишнинг ўзига хос қизиқишлари соҳасида, яъни хатти-ҳаракатлар, дўстлар, китоблар, кийим-кечакларни танлашда улар мустақил равишда ҳаракат қилишади. Ёшликнинг бу хусусияти аниқ сезилган ва И.В. Бестужев-Лада: "ёшлар учун компанияда ўтириш" - бу ҳаётий мактабнинг факултетларидан бири, ўзини ўзи тасдиқлаш шаклларида бири бўлган энг муҳим эҳтиёждир! Ўқув ва ишлаб чиқариш жамоасида ўсмирни ижтимоийлаштиришнинг барча аҳамияти ва кучи учун, барча зарур таркибга эга бўш вақтлардаги тадбирлар, "бўш вақт соҳаси"нинг ўсиши учун - туризм, спорт, кутубхона ва клуб бизнеси - буларнинг барчаси, ёшлар ўз тенгдошлари сафида ўжарлик билан "адашиб қолишмоқда". Бу шуни англатадики, ёшлар компаниясида мулоқот - бу ёшга жуда зарур бўлган дам олиш шакли."

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда олий ўқув юр்தларининг таълим тизимида маданий ва хордиқ чиқариш фаолиятининг таълим салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маданий хордиқ ҳақида педагогик билимларни олиш жараёни фаннинг концептуал-категория тузилишини такомиллаштириш билан боғлиқ. Шу муносабат билан, маданий хордиқ чиқариш концепциясининг концептуал асосланиши муҳим масала ҳисобланади.

Шахс ва умуман маданият нуқтаи назаридан бўш вақтнинг аҳамияти жуда катта, улар хар кимни маданий кадриятлар тизимига киритадилар, уларнинг ривожланишига ёрдам беради, шахснинг уйғун ривожланиши мақсадларига хизмат қилади.

Замонавий фан маълумотлари асосида Т.Г.Киселева ва Ю.Д. Рассомлар дам олишнинг қирқдан ортиқ асосий таркибий элементларини ишлаб чиқарадилар. Улар орасида спорт, ўйинлар, театр, коллекция, мусиқа, туризм ва бошқалар мавжуд. Ушбу элементлар, моделлар ва шаклларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Масалан, викторинада тахминан олтмишта, мусобақада олти юздан ортиқ, ўйин эса олтмиш мингдан иборат.

Замонавий назария ва амалиётда "бўш вақт" атамаси учта маънода ишлатилади: бўш вақтнинг синоними сифатида, турли хил ўзгаришларга эга бўлган ишламайдиган фаолият ва одамнинг психологик ҳолати. Бўш вақт ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг муҳим шакли бўлиб, бўш вақтнинг қисми сифатида белгиланади, у ўқиш, ижод, ижтимоий ишдан ажралиб, шахснинг эстетик ва жисмоний ривожланишига боради. Замонавий университетдаги ўқув жараёни талабадан интеллектуал кучини интенсив равишда талаб қилади, бунинг натижасида талаба жуда кўп ҳиссий тушқунликка тушади. Дам олиш соҳасининг таълим салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш маданий хордиқ чиқариш тадбирларини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бунда маънавий ва маданий кадриятларга, ижодий рағбатлантирувчи ва интеллектуал ривожланаётган қисмларга алоҳида эътибор берилади.

Талабалар билан тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий шакли - бу ўзини ўзи ташкил этиш, эҳтиёрийлик, эркинлик, алоқа эркинлиги ва қизиқиш бирлиги принципларига асосланган бўш вақтли уюшмалар (бирлашмалар). Уларда урф-одатлар шакллантирилади, хулқ-атвор қоидалари ишлаб чиқилади ва ёшларнинг бойлиги таъкидланади. Бундай уюшмаларнинг ёш таркиби хилма-хиллиги бизга оқсоқоллар тажрибасини ёшларга ўтказиш, таълим анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга имкон беради. Бўш вақт уюшмаларига (бирлашмаларига) устоз ўқитувчилар ва мураббийлар сифатида хизмат қиладиган ўқитувчилар ва иштиёқли жамоат фаоллари раҳбарлик қилишлари мумкин. Дам олиш уюшмаларида (бирлашмаларида) ўқитувчилар ўзларининг ижодлари билан шуғулланишлари мумкин, бу ҳам ҳамкорлик ва ижодкорликнинг ўзига хос муҳитини яратади. Ижодий бирлашмалар аъзолари ўрганиш, янги кўникмаларни ўрганиш ва мураббий билан норасмий шароитда мулоқот қилиш имкониятига эга бўладилар. Хулоса қилиб айтганда, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик. Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди. Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби,” [4] – дея таъкидлаган эди. Бинобарин, мамлакатимизда ёшларимизни хусусан, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда ҳаётдан завқ олиш учун эстетик маданиятни шакллантирилиши, энг аввало, давлатимиз томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар бундай кенг кўламли ўта муҳим масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрдаги 272-сон.
2. Алимардон Т. Миллий таълим: танқид ва таклиф // Тафаккур, 2019 йилдаги 4-сон. –Б. 19.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини

сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.08.2018 й., 07/18/3907/1706-сон

4. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-нинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

*Наируза фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## ИРФОНИЙ БИЛИМЛАР ТАСНИФИ

Исақова З.Р. (НамДУ)

**Аннотация.** Мақола тасаввуф таълимотининг таркибий қисми бўлган ирфоний билимлар таснифига бағишланган бўлиб, улар қалб, фаросат, илҳом, кашф, басират орқали очиб берилган: қалб инсоннинг тасаввур олами, тахайули, ҳис-туйғулари, тазаккури, фикратини қамраб олса, фаросат ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш кўзи очиклик, фаҳм нури орқали кашф ғайбий сирларнинг очирилишидир. илҳом кўнглига нур бўлиб қуйиладиган билим бўлиб, Ҳақ ва ҳақиқат, илоҳий ишқ, пок ахлоқ, комиллик ҳақидаги эзгу ғоялар илҳом таъсирида ирфоний моҳият касб этган. Кашф илоҳий моҳиятни билиш, инсон ва илоҳий моҳият ўртасидаги “парда”ларнинг кўтарилиши бўлса, басират қалб кўзининг очирилиши, ботиний равшанлашувни аниқлаган.

**Таянч сўзлар:** *ирфон, ориф, илм, маърифат, ҳикмат, қалб, фаросат, илҳом, кашф, басират, тасниф.*

**Аннотация.** Статья посвящена классификации эпистемологического знания, которое является неотъемлемой частью суфийских учений и раскрывается через сердце, интеллект, вдохновение, открытие, прозрение: открытие через свет понимания это открытие невидимых тайн. Вдохновение это знание, которое изливается в сердце как свет, а благородные идеи истины и Божественной любви, чистой нравственности и совершенства приобрели эпистемологическую сущность под влиянием вдохновения. Открытие это познание Божественной сущности, снятие “завесы” между человеком и божественной сущностью и открытие глаза прозрения, внутреннего просветления.

**Ключевые слова:** *знание, мудрость, знание, просветление, мудрость, сердце, интеллект, вдохновение, открытие, озарение, классификация.*

**Annotation.** The article is devoted to the classification of epistemological knowledge, which is an integral part of Sufi teachings and is revealed through the heart, intellect, inspiration, discovery, insight: discovery through the light of understanding is the discovery of invisible secrets. Inspiration is knowledge that pours out in the heart like light, and the noble ideas of truth and Divine love, pure morality and perfection acquired an epistemological essence under the influence of inspiration. Opening is the knowledge of the Divine essence, the removal of the “veil” between man and the divine essence and the opening of the eye of insight, inner enlightenment.

**Key words:** *knowledge, wisdom, enlightenment, wisdom, heart, intellect, inspiration, discovery, insight, classification.*

Ирфоний билиш парадигмаси ҳол мақомидаги орифнинг табиати ҳақидаги қарашларни ўзгартиришни талаб этади. Чунки орифнинг ҳақиқат йўлидаги “инсайт” ҳолати ва эришган маънавий даражаси ғайбий билиш ёки “қалб кўзи” орқали билишдир. Ғарб олимларининг тадқиқотларида ирфонга доир билимлар “мистицизм” деб тор доирада талқин этилиб, турлича маъно ва шаклда чалқаш ифода этилиши ирфоний билимлар таснифини тўлиқ белгилашни тақозо этади.

X-XIII асрларда яшаган мутасаввифларнинг ирфоний-фалсафий қарашлари қўлёзма асарларда баён этилган. Мутафаккирларнинг ижоди, таълимотларининг айрим жиҳатлари соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, тасаввуф таълимотининг мазмун-моҳияти, ирфоний билимлар ривожининг ўзига хос жиҳатлари, набийлик ва валийлик парадигмаси масалаларини ёритишда шарқшунос олимларнинг фундаментал тадқиқотлари, жумладан, Э.Бертельс [1], А.Кныш [2], М.Массигнон [3.], Ж.С.Тримингэм [4]нинг монографиялари муҳим методологик асос бўлди.

Хорижий мутахассис олимлар томонидан тасаввуфнинг фалсафий жиҳатлари, ирфоний билимлар ривожининг генезиси тариқат, ҳол, мақомот ҳақида М.Степанянц [5], А.Арберри [6], А.Афлокий [7], У.Турар [8], А.Зарринкўб [9] каби олимлар томонидан олиб борилган монографик тадқиқотлар маълум даражада мавзу доирасидаги ирфоний билиш гносеологияси тадқиқига доир муаммоларни очиб беришда муҳимдир.

МДХ мамлакатлари олимлари А.Кньш [10.], М.Мухаммедходжаев [11], А.Смирнов [12], Е.Фролова [13.], А.Хисматулин [14] тадқиқотларида тасаввуфнинг фалсафий-ирфоний таҳлили, жумладан, тасаввуф онтологияси, гносеологияси, комил инсон ғоялари турли аспектда таҳлил этилган. АХисматулин Абу Ҳомид Ғазолийнинг асарларини таржима қилиб, шарҳ ва изоҳлар билан бойитган [15].

Ирфоний билимлар таснифига қадар Шайх Колободий “ат-Таъарруф”да ирфон асосларини бирма-бир келтирган бўлса, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”да ирфоний билиш усулларини Ўзгурмиш ва Ўгдулмиш суҳбати орқали баён қилган. Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Фаридуддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Маҳмуд Шабустарий ирфон фалсафасини бадий тасвирлаган бўлсалар, Шайх Азизиддин Насафий ва Шайх Нажмиддин Кубро ирфоний билиш назариясини илмий асослаганлар. Носириддин Рабғузӣй, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ирфон аҳли (ориф) ҳаётидаги нозик нуқталарни насрий ифодалашган.

Орифнинг мақсади “Ал-Ҳақ ал-Аввал (Аллоҳ)га интилиш ва ирфон ҳақидаги илмдан бошқа ҳеч нарсани афзал кўрмаслик. Бунда орифнинг икки ҳолати унинг юксак камолотидан дарак беради, бири унинг руҳи билан боғлиқ мукамалликка интилиш (ирода) бўлса, иккинчиси унинг руҳи ва танасига тегишли бўлиб, бўйсунуш (такаббуд) сифатида тавсифланади [16.45.].

Айрим тадқиқотларда ирфоний билимлар релятив (нисбий, шартли) икки турга ажратилган: биринчиси назарий ирфоний билимлар, иккинчиси амалий ирфон тасаввуфий турмуш тарзи [17.23.]. Фикримизча, ирфон шундай илмки, назарий билимлар илоҳий моҳиятни билишда восита бўлиши мумкин, аммо назарий билимлар “қалб сирри”ни ечиб бера олмайди. Ирфоний билимларни назарий жиҳатдан тўла-тўқис тизимга солиш “илоҳий илм соҳиби бўлди”, дегани эмас. Ирфон Аллоҳни қалб кўзи билан мушоҳада этишдир. Ориф қалб кўзи орқали Аллоҳнинг борлигини ҳис этади, Аллоҳнинг буюклиги ва қудрати, абадийлиги, дил чироғини ёритувчи ҳам, фикрат сабоғини берувчи ҳам, икки жаҳонни фазли билан равшан этган ҳам, икки дунёни “қоф” ва “нун”дан пайдо қилган ҳам, қудрат қалами билан лавҳи адамда суврат чизган ҳам, жами махлуқот, инсон, унинг ақли, қалби ва руҳини гўзал яратган ҳам Аллоҳ эканини чуқур англайди. Ориф бу оламдаги барча воқеа-ҳодисалар, синоатда Яратувчининг аломатларини кўради, танийди. Аллоҳни қалб билан англаш мазмунидан ирфоний билимлар вужудга келади. Бу маърифат аҳли, ориф ва валий зотларнинг Аллоҳни қанчалик англаш даражаси ҳамда руҳоний мақомлари акс этган маноқиб, тазкира, бадиҳа, талқин, ҳикоят, ривоят, одоб, дурдона асарлардир. Буларнинг барчаси орифнинг қалб кўзи орқали англаган ҳақиқати, ирфоний билимларнинг сўз орқали интерпретациясидир.

Шайх Боязид Бистомий ирфоний билимларни Аллоҳ исмлари билан боғлаб тушунтирган: “Аллоҳнинг “Зоҳир” исми валийнинг “завоҳир ва ажойиб” (ошкора ва ғайриоддий)га, Аллоҳнинг “Ботин” исми валийнинг “анвор ва асрор” (нур ва сирлар)га нигорон бўлиши, Аллоҳнинг “Аввал” исми валийнинг “сабқат” (илгариллик, динамика)га, Аллоҳнинг “Охир” исми валийнинг “мустақбала” (истиқбол)га боғлиқ бўлади” [18.39.].

Қалб билан кўра олинадиган барча ҳодисалар (илҳом, кашф, туш ва ҳаказо) орифнинг Ер юзининг ахборот ва энергия соҳаси билан ўзаро таъсири натижасидир. Ўзаро таъсир даражаси қанча юқори бўлса, орифнинг қалб кўзи ҳам шу даражада “порлайди” [19.99.].

Ирфоний билимлар классификацияси қуйидаги тартибда белгиланди:

Ирфоний билимлар классификацияси				
Қалб (кўнгил)	Фаросат	Илҳом	Кашф	Басират
тасаввур	фитрат	тажаллий	хавотир	Рўё
тахаййул	фаҳм	завқ	аъён	мушоҳада
ички ҳис-туйғу	идрок	шавқ	беҳудлик	“ич”дан
тазаккур	тааммул	жазба	назар	кўриш
фикрат	ибрат	файз	сирр	қалб кўзи
зикр	заковат	ҳикмат	ғайб	ички
ҳол	тафаккур	каромат	кайфият	сезгирлик

**Қалб.** Қалб инсонни инсон қилувчи моҳиятдирки, инсонни ақлий, руҳий-маънавий ҳаётига тириклик бахш этади. Қалбнинг моддий кўриниши “юррак” дейилади. Шайх Сарий Сақатий қалбни уч тоифага ажратган: тоғсимон (ҳеч ким қимирлата олмайди), дарахтсимон (илдизи маҳкам, фақат шамолда тебранади), патсимон (шамол уни хоҳлаган томонга учуриб кета олади) [20.23.].

Қалб нурга эга бўлгани учун унга “қалб” деб ном берилган. Қалб ирфоний билишнинг асоси бўлиб, инсоннинг тасаввур олами, тахаййули, ҳис-туйғулари, тазаққури ва фикрати, зикри, ҳолини қамраб олган. Улар жунбуш (“ишқ”)га келиши натижасида инсонда билиш ва кашфиёт учун имконият пайдо бўлади: “кўнгил орифни Мутлақ борлик (универсум) ва оламни англаш сирлари билан таништиради” [21.284.]. Шу сабабли ориф қалбни “пок ва бир бутун ҳолда” деб идрок этади, майда-чуйда ташвишлар ва меъеридан ортик дабдаба, нафс хасталиги кўнгилни ўлдирди [22.391.]. Ўлик “кўнгил”да ҳис-туйғу жунбушга келмайди. Инсон биологик нуктаи назардан тирик, аммо қобилияти ва идроки нуктаи назаридан ўлик бўлиши мумкин. На мантиқ, на фалсафа унинг ана шу қобилиятга эга бўлиши учун ёрдам бера олмайди.

Қалб поклигининг энг юқори даражаси “Ҳақ” ва “мен” (объект ва субъект) ўртасидаги муносабатни англаш идрокнинг йўқлиги билан белгиланади, яъни ориф бутун дунёни Аллоҳнинг ўзида, уни ўраб турган барча нарсаларда сочилган ҳолда қабул қилади. Бу даража “фано”, яъни ўзликда йўқ бўлиш, дифференциация (парчаланиш)дир.

**Кашф.** Тафаккур қилиш, кашф йўли билан билиш, ғайбий сирларнинг очилишидир. Аллоҳ Расулининг мўъжизаси, авлиёнинг каромати ҳам Аллоҳнинг хазинаси бўлган кўнгилнинг ажойиботи ва саховатидир [21.64.] ки, орифнинг ўзгалар фикрини ўқиш ва фикран бошқаларга таъсир кўрсатиш, кўз ва нафас орқали ўзгаларга таъсир (энергия) ўтказиш хислати ғайб оламнинг “муждаси” (хушхабар)дир. Ирфоний билиш марказида фақат танланган зотлар (ориф)га тегишли бўлган “кашф” истилоҳи туради. Кашф мушоҳада, мукошафа, лавоқиҳ, маърифат, нурланиш, ишрок, завқ, таҳқиқ каби тасаввуфий-ирфоний истилоҳлар билан теран англашилади.

Тасаввуф адабиётларида кашф истилоҳи илоҳий моҳиятни билиш, инсон ва илоҳий моҳият ўртасидаги “парда”ларнинг кўтарилиши маъносида қўлланилган. Кашф ҳақида Қуръоннинг Қоф сураси, 22-ояти, Ҳадид сураси 8-оятларида келтирилган оятлар шарҳига кўра, орифнинг кўзидан “жаҳолат парда”лари кўтарилганида борлиқнинг сирлари (ҳеч бир воситасиз) кашф бўлади. Уни мантикий тафаккур ёки ақл-идрок ёки сакрал (муқаддас) китобларни ўқиш, ўрганиш билан англаб бўлмайди. Кашф орқали ориф таҳсилый билимга эҳтиёж сезмайди, аксинча, Илоҳий моҳиятга тўғридан-тўғри боғланиш йўлига эга бўлади. Билишнинг олий даражасини нурга қиёслаш мумкинки, бу нур орқали Аллоҳ хоҳлаган бандасининг қалбини мунаввар этади. “Тажалли” кашф истилоҳининг синоними бўлиб, Абулқосим Қушайрий кашфни “Аллоҳ ҳузурда бўлиш” [22.284.] деб таърифлаган. Боязид Бистомий назарида ориф маърифат юқини софлигича сақлай оладиган бандадирки, “Аллоҳ авлиё қалбига илм нуруни сочади” [20.29.]. Таҳсилый билим билан илоҳий нурга эришиб, нарсаларнинг асл моҳияти, махсус “дастурланган” ва “шифрланган” борлик сирини билиб бўлмайди.

**Фаросат** ботиний сезги, ҳис, ғайбий маъноларни билиш. Ҳадисда “Мўминнинг фаросатидан кўркинг, чунки у Аллоҳнинг нури билан назар солади” дейилганки, борлиқдаги нарсаларнинг барчаси илоҳий нур мазҳаридир. Фаросатнинг “фаросати ақлия”, “фаросати кашфия” ва “фаросати илоҳия” даражалари бор [23.12.]. Фаросат фитрат, фаҳм, идрок, тааммул, заковат, ибратни қамраб олгани учун тафаккурда хато ёки янглишлик бўлмайди. Фаросат аҳли мартабаси тўрт рунга ажратилади:

1. Иймон (мўминлар ҳоли) мартабаси дарахтнинг барги мисолидир.
2. Валоят (валийлар ва орифлар ҳоли), эҳсон мартабаси. Бу дарахт меваси кабидир.
3. “Ахвас ул-хос” (набийлар ҳоли) мартабаси меванинг айнан Ўзидир.
4. “Хулосаи ахвас” (расул, пайғамбар ҳоли) мартабаси Ўзининг Ўзидир.

Фаросатнинг биринчи ва иккинчи мартабаси касбий бўлиб, риёзат, жаҳд ва ғайрат билан қўлга киритилади. Кейинги иккита мартаба “ваҳбий” (берилган, бағишланган, ато этилган), яъни Аллоҳнинг лутфидир. Аллоҳ маърифат даргоҳидан пайғамбарлар ва мажзубларнинг қалби ва руҳига ҳеч бир васила билан эришиб бўлмайдиган “ваҳбий” илми юборади ва улар бу илм ташқи сабабсиз эгалланади. Зоҳири ва ботини бир бўлган инсоннинг фаросати хато қилмайдик, фаросат инсоннинг ички ҳис-туйғулари маҳсули” [24.34.] деб баҳоланади.

**Басират** “ич”дан кўриш, феноменал сезгирлик салоҳияти бўлиб, басиратнинг “ақл-идрок”, “заковат”, “тажриба”, “ҳужжат”, “ибрат”, “рўё”, “мушоҳада”, “ибсор”, “лиқо”, “назар”, “муъайяна” каби синонимлари бор.

X-XIII асрлар ирфоний билимлар ривожига бу истилоҳнинг моҳияти чуқурлашиб, “қалб кўзи”, “ботиний нигоҳ” деб номланган. Қуръонда “Аллоҳ мушоҳадаси учун Сизга Роббингиздан кўнгил кўзлари (басар) келмишдир. Ким шу кўзлар ила кўрса ўзига фойда, ким кўр бўлса, ўзига зиён [25.3.] дейилган. Бу оятдан илҳом олган Абу Ҳомид Ғаззолий басиратнинг дунёвий эҳтиросдан покланган ва сайқалланган, илоҳий дунё билан боғланидиган “қалб кўзи” эканини эътироф этган ва инсоннинг зоҳирий кўзига муқобил ботиний кўзни “басират” деб атаган: “ақлдан нарида ўзга бир давра бордурки, унда бошқа бир кўз, яъни басират очилур. Басират ила инсон ғайбни кўрур, воқе бўлажак синоат, ақл англашга ожиз бўлган айрим ҳодисаларни англай олур” [26.187.].

“Рисолаи Қушайрий”да “Аслида басират ва нур дейилмиш нарса маърифатдир. Аллоҳ Расулининг “Мўмин Оллоҳ нури ила назар айлар” ҳадиси худди шу маънода англашилиши керак” [23.127.] деган қараш илгари сурилган бўлса, Ибн Арабий басиратни “нафси нотика билан руҳ орасида жой олган нуроний жавҳар” [27.50.] деб таърифлаган. Кўнгил кўзи, басират (ботиний нигоҳ) очилиши учун кўнгил ҳар қандай боғланишдан пок, соф бўлиши талаб этиладики, натижада ғайб сирлари ошкор бўлади.

Аллоҳни басират, яъни қалб кўзи билан кўришни ёқлаган орифларга Аллоҳни кўришнинг йўллари (оддий кўз билан ёки қалб кўзи билан), Аллоҳнинг намоеън бўлиш шакли (инсон ёки нур шаклида), Аллоҳни кўриш манзили ва вақти (туш, уйғоқлик, жон бериш вақтида, жаннатда кўриш) каби жиддий ва ҳаттоки куфр тамғасини босишга олиб келадиган кескин саволлар берилди. Бу каби масалаларга аста-секинлик билан ойдинлик киритилиб, басират атамаси бир неча маънолар (жисмоний – кўз, руҳий – қалб кўзи)да истифода этиладиган бўлди.

**Илҳом.** Аллоҳ томонидан берилган завқ-шавқ, илоҳий билим, ҳикмат, кашф-каромат, кўнгилга бирор нарсани солишда акс этган ладуний илм. Илҳом Қуръонда “... ва Аллоҳ одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди” [25.31.] ояти ишорат этган азалий, кўнгилга нур бўлиб қуйиладиган билимдир. Ориф фасоҳат ва илҳом орқали илоҳий маърифат ҳақиқатига эришади. Билимлар уч формат (ўлчам)да таҳлил қилинади: Аллоҳни таниш илми, Аллоҳ билан робита (боғланиш) илми ва ладуний (илоҳий) илм [28.6.].

Аллоҳни таниш илми орқали бажарилиши шарт бўлган шариат қонун-қоидалари билинса, илоҳий илм (маърифат)га шариат аҳкомисиз эришиб бўлмайди. Шариат илмига манзилма-манзил, даражама-даража эришиш мумкин [29.19.]. Абу Ҳомид Ғаззолий “Илми ладунӣ” рисоласида батафсил ёритган. Илоҳий илмнинг ҳақиқати ва унга эришишнинг усуллари шуки, илоҳий илм Қуръонда нафс билан (У яратиб) тиклаган зотлар (инсонлар)



билан (қасам) [25.7.] дейилганки, инсон яратилганидан сўнг руҳга илоҳий нур бўлиб сингади. Бу ёрқинлик ва тажассум уч усул орқали бўлади. Биринчидан, илм олиш ва ундан максимал даражада фойдаланиш орқали. Иккинчидан, тақводорлик ва ҳалоллик, мужоҳада, ўз-ўзини тафтиш қилиш, Аллоҳ Расулининг Ҳақ йўлини мустаҳкам ушлаш орқали. Учунчидан, тафаккур қилиш билан. Руҳ билимдаги тақводорликни англаши ва ўрганиши азобларини бошидан кечириши билан у билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани ҳисобга олган ҳолда ўз билимларини акс эттиришни бошлайди. Мушоҳид (тафаккур қилувчи) донишмандлик йўлини танлаб ўзи ўзи учун йўл бошловчи бўлади. Унинг қалбида илоҳий оламга тўйнуқ очилади, бу орқали ҳикмат ва мукамалликка эришади. Илоҳий нурга эришмаган инсон илми ладунийга эриша олмайди [15.192-193.].

Ладуний илм-маърифат Аллоҳнинг Ўзи танлаган пайғамбарлари ва азиз зотларига атосидир [30.5.]. Ладуний илм шундай илмки, маърифатга етиш илми авлиёлик куёши Ҳазрати Хизрда мужассамдир. Инсон табиати ва нафси ва унга оид нарсани фикрдан чиқариб ташлаши, далилий тафаккурдан воз кечиши, қалбини бўшатиши натижасида мушоҳада ва ботиний нигоҳ билан кўргандан кейин у нарсаларнинг кераги йўқлигини англайди.

Шайх Шиблийга “ладуний илм”лар эшиклари очилиб, Аллоҳни қалб кўзи билан танигандан кейин китобларга эҳтиёжи қолмаган. Абу Ҳомид Ғаззолий, Шайх Абдулқодир Гийлоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмро зоҳирий илм сирларини мукамал ўрганиб, сўнг илоҳий сир-асрор ва Аллоҳга олиб борадиган илмдан насибадор бўлганлар. Ладун илми (вахий, муножот, илҳом, фаросат, жазб, риёзат) “курд бўлиб ухладиму араб бўлиб уйғондим” [31.113.] тенденциясига мос келади. Бунинг изоҳи “Насойим ул-муҳаббат”да мухтасар баён этилган: Абу Абдуллоҳ Бобуний курд миллатига мансуб бўлиб, Шерозга илм талаб қилиб келган. Унга валоятга эришиш учун оёғингни шифтга ип билан боғлаб, тонгга қадар “кўзбураҳ усфураҳ” (кашнич чумчуқ) деб зикр қилсанг, илм йўллари очилади. деб масҳара қилишади. У бу ишларни пок ният, сидқ ва ҳусни одоб билан адо этган. Тонг отгач, кўнглида ладун илмлари эшиги очилиб, араб тилида равон сўзлаш билан бирга, ҳар қандай мушкул масалани фаросат билан ечиб бера оладиган ориф даражасига етган.

Ирфоний билимлар онг билан англаб бўлмайдиган (онгдан ташқари) онгсизликнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалади. Ирфоний билимларни классификация (таснифлаш) қилишда онгнинг фазовий ўзгариш (қотиб қолиш, тўхташ, бир нуктага қадалиш)даги ҳолатини эътиборга олинади. Бу ҳолат уч босқичда амалга оширилади:

а) ирфоний билишгача бўлган босқич: маънавий-ахлоқий камолот, дунё матоҳларидан холилик, онгнинг ҳар қандай “сикуви” (қоида, қонун, структура, шарт, стереотип)дан халос бўлиш, маънавий-руҳий ҳолатга эришиш, яъни трансценденталлик (онг билан ишлашнинг катъий илмий усули) [32.28.];

б) ирфон (ҳол мақоми) босқичи: “ғарқ бўлиш”, “мен”ликда ўлиб, Ҳақ “мен”лигида тирилиш (янгича тафаккур), илоҳий ҳақиқат (ирфон)дан насибадор бўлиш, Аллоҳга яқинлашиш (васл);

в) ирфоний билишдан сўнгги босқич, “кулл” ва “жузъ” муносабати, узлат (ёлғизлик)га чекиниш, ирфон соҳиби бўлиш, аввалги ҳолига маънавий юксалган ҳолда қайтиш, комиллик. Бу босқичда илоҳий моҳият кашф этилади, яъни ориф қалби билан Аллоҳ ҳақиқатини англайди.

Ладуний илмга оддий воситалар (ақлий тафаккур, мантикий фикрлаш) билан эришиб бўлмайди. “Ладуний илм” кашф ва илҳом воситасида, маънавий таълим йўли билан ўзлаштирилади. Глобаллашув даври хусусияти ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Фанлар академиясида илоҳиёт бўлими ва олий таълим тизимида илоҳиёт факультетини шакллантириш ва “Ирфон фалсафаси” бўйича махсус курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965.
2. Кныш А.Д. Суфизм // Ислам. Историографические очерки. Под общей редакцией М.С.Прозорова. – М.: 1991; Унинг ўзи: Мусулманский мистицизм. – М.: Наука, 1992.
3. Massignon. Essai sur les origins du lexique technique de la mistiks of Islam. – London, 1914.
4. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе / Пер. с английского А.Ставиской. Под ред. и с пред. О.Ф.Акимушкина. – М.: Наука, 1989.
5. Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – М.: Наука, 1987.
6. Arberry A. Arberry of Katalogie of the arabik MSS in th litrariy of th India Office 2 / Sufism and ethcs. 1936. p. 97-98.
7. Ахмад Афлюкий. Манокиб ул-орифин.Ж.1. – Истанбул, 1989.
8. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Таржимон Нодирхон Ҳасан / Сўзбоши муал. ва масъул мух. С.Рафиъдин. – Т.: Истиклол, 1999.
9. Зарринқўб А. Жўстўжу дар тасаввуфи Ирфон. – Душанбе: Ирфон, 1992.
10. Кныш А.Д. Мусулманский мистицизм. – М.: Диля, 2004.
11. Мухаммедходжаев А. Гносеология суфизма. – Душанбе.: Дониш, 1990.
12. Смирнов А.В. Три решения проблемы трансцендентности и имманентности божественной сущности в философии Ибн Араби. Рационалистическая традиция и современность. Ближний и Средний Восток. – М.: 1990. – Б. 15.
13. Фролова Е.А. Проблемы веры и знания в арабской философии. – М.: 1983.
14. Хисматуллин А.А. Суфизм. Издательский Дом Азбука-классика; Петербургское Востоковедение, 2008.
15. Абу Ҳомид Ғаззолий. Илми ладуни / Хисматуллин А.А. Суфизм. Издательский Дом Азбука-классика. – Петербургское Востоковедение, 2008. – С. 156-189, 192-193.
16. Ибн Сина. Указания и напоминания [Раздел по метафизике]. Часть пятая / Перевод с арабского, предисловие и комментарии Т.Ибрагима и Н.В.Ефремовой. – М.: Orientalistica, 2019. – С. 45.
17. Биринджкар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан: в 3 ч / Пер. с перс. С. Ходжаниёзова, предисл., коммент. и общ. ред. И.А. Таировой. – М.: Садр, 2014. – С. 23.
18. Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Т.: ЎзМЭ, 1997. – С. 38.
19. Тихоплав В. Начало начал. – М.: Астрель, Санкт-Петербург, Весь, 2005. – С. 99.
20. Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами. Табақоти суфиййа / Таржима, нашрга тайёрловчи ва муқад. муал. М.Нуриддинов. – Т.: Фан, 2004. – С. 23–29.
21. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009. – Б. 64, 284.
22. Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-кулуб) / Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. – М.: Единство, 2004. – Б. 391.
23. Абдулкарим Кушайри. Рисаля Кушайри. – Дергях: Дергях йайыны, 1999. – Б. 12, 127.
24. Тибодо Л. Врожденная интуиция. Пер с англ. Серия: Ваша тайна. – М.: Рипол-Классик. 2007. – Б. 34.
25. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Зумар сураси, 3-оят. Ол-и Имрон сураси, 31-оят. 6-бет, Шамс сураси, 7-оят.
26. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улум ид-дин. Муҳаббат, шавк, унс ва ризо китоби. – Б. 187.
27. Ибн Араби. Геммы мудрости (Фусус ал-ҳикам) / Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. Перевод А.В.Смирнова. – М.: Наука, 1987. – С. 59.
28. Насыров И. Основания исламского мистицизма (генезис и эволюция). – М.: Языки славянских культур, 2009. – С. 6.
29. Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т. I. – Душанбе.: Ирфон, 1980. – С. 19.
30. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башар ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ул-авлиё / Шайх Абдулворис Муҳаммад Али Байзун нашрга тайёрлаган. – Байрут.: Дор ул-кутуб ал-илмиййа, 1999. – Б. 5.
31. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул мух. С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. – 113 б.
32. Али Заде А. Границы науки: о возможности альтернативных моделей познания. – М.: 1991. – С. 28.

*Нашрга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИНИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ****Мардонов Б.М. (ЎЗМУ)**

**Аннотация:** Мақолада глобаллашиб бораётган дунёда Ўзбекистон келажаги ҳисобланган ёшларни турли кўринишдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларни етувчи кадрлар бўлиб етиштирилиши учун ҳукумат томонидан олиб борилаётган туб ислохотлар кўлами таҳлил қилинган ҳамда, ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича муайян таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** *ёшлар, ёшлар тарбияси, ёшларга оид давлат сиёсати, қонун устуворлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий тарбия, маънавий тарбия, юксак малакали кадрлар тайёрлаш.*

**Аннотация.** В статье проанализированы масштабы, проводимых правительством, кардинальных реформ по защите молодежи, являющейся будущим Узбекистана, от различных угроз глобализирующегося мира, а также изложены конкретные рекомендации по дальнейшему совершенствованию молодежной политики.

**Ключевые слова:** *молодёжь, воспитание молодежи, государственная молодёжная политика, верховенство закона, нормативно-правовые документы, юридическое воспитание, духовное воспитание, подготовка высококвалифицированных кадров.*

**Annotation.** The article analyzes the scale of the government's radical reforms to protect the youth, which is the future of Uzbekistan, from various threats of the globalizing world, and also sets out specific recommendations for further improving youth policy

**Key words:** *youth, youth education, state youth policy, rule of law, regulatory documents, legal education, spiritual education, training of highly qualified personnel.*

Ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш стратегиясини, истиқболини, барча соҳаларда амалга оширилаётган фаолиятини ўша мамлакатнинг ёшларга бўлган муносабати белгилаб беради. Ёшлар сиёсати билан боғлиқ стратегик вазифаларни амалга ошириш жамиятда муҳим ижобий натижаларни таъминлайди. Ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг бир қанча йўллари мавжуд бўлиб, унинг аввалида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш туради.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати - Ўзбекистон Республикасининг фаолият йўналиши сифатида қонунчиликни тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар тизими, фуқаролик жамияти институтларининг соҳага дахлдор самарали фаолият юритиши, таълим тизимининг самарали йўлга қўйилиши, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига масъул давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти, ёшларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимида фаолият юритишига кўмаклашиш каби комплекс ислохотларни ўз ичига олувчи тизимли ишлардан иборатдир.

Замонавий дунёда ёшлар жамиятнинг энг ҳаракатчан, олдинга интилувчи қатлами, ислохотларнинг давомчисидир. Шу жиҳатдан, ёшларга Ўзбекистоннинг келажак бунёдкорлари сифатида қараш ва амалда шу қарашга мос фаолият олиб бориш муҳим вазифалардандир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”<sup>1</sup>, -дея қатъий фикр билдиргани эътиборлидир.

Қонун устуворлиги таъминланган жамиятларда у ёки бу соҳага доир ислохотлар, қабул қилинган қонун ва қарорлар, меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга жамият аъзолари томонидан асосий вазифа сифатида қаралади. Барча соҳалардаги қонунчилик базасининг кўламига ўша соҳага ҳукумат даражасидаги эътиборнинг даражасини белгилаш мумкин.

<sup>1</sup> Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 15 декабр.

Ёшлар сиёсатига ҳукумат даражасидаги эътиборнинг қўламини таҳлил қиладиган бўлсак, уни мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб ўрганиш заруратини пайдо қилади. Мустақилликнинг дастлабки кунлари қабул қилинган қонунлардан бири айнан ёшлар сиёсатига дахлдорлигини қуйида кўришимиз мумкин. 1991 йил ноябрда ҳукуматнинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуни қабул қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди. Мазкур қонун юртимизда ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий, амалий йўналишини белгилаб берганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу қонуннинг биринчи моддаси “Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиш ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкон борида тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир”<sup>2</sup>, деган жумлалар билан бошланади. Албатта, мазкур қонун муайян давр ўтгандан сўнг ўз ўрнини янгилаган, давр талабларига мос янги қонунга бўшатиб берди. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги қонун маълум бир давр ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берди. 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”<sup>3</sup>ги қонуни қабул қилинди. Дастлабки қабул қилинган қонундан янги қабул қилинган қонуннинг фарқи шундаки, янги қонун давр руҳига мос, жаҳон сиёсатининг замонавий қарашларини ўзида акс эттирган, халқаро тажрибани мужассамлаштирганлигини кўриш мумкин. Қонуннинг 3-моддасида ёшлар сиёсатининг субъекти сифатида 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган фуқаролар назарда тутилади. Қонуннинг 4-моддасида эса “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- очиқлик ва шаффофлик;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши;
- ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги;
- ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги”<sup>4</sup> каби асосий йўналишлар белгилаб

берилган.

Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат шуки, ҳар қандай мамлакатда амалга ошириладиган туб ислохотларнинг субъекти - бу кадрлардир. Демак, кадрлар тайёрлаш давлатнинг стратегик мақсадларини рўёбга чиқарувчи асосий омил ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш, ёшларни юксак малакали мутахассис бўлиб етиштиришлари учун аввало қонунчилик базасини такомиллаштиришга доир вазифалар ва уларнинг ечими билан боғлиқ жиҳатларни ҳисобга олиш зарур. Ёшлар сиёсатини самарали амалга ошириш учун республикада 40 дан ортиқ фармон ва қарорлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 100 га яқин қарорлари қабул қилинди. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги янги қонуннинг аҳамияти шундаки, юртимизда ёшларга доир давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини амалга оширувчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга ўз эътиборини қаратади.

Қонуннинг энг муҳим ва янги эътиборга молик томонлари сифатида қуйидаги айтиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, қонунни ишлаб чиқишда мамлакат ички хусусиятлари, ёшлар қатламининг ҳозирги ҳолати, қизиқишлари, муаммоларидан келиб чиқиб устувор йўналишлар қамраб олинган.

иккинчидан, қонунда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини қамраб олувчи ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий, сиёсий вазифалар аниқ ечимлар кўрсатиб берилган.

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/140894>

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> <https://www.lex.uz/acts/3026246>

<sup>4</sup> Ўша жойда.

учинчидан, ёшлар сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган давлат органларининг вазибалари (таълим муассасалари, маданият ва спорт, маънавий-ахлоқий жараёнларга масъул органлар, ҳуқуқ-тартибот органлари) аниқ кўрсатиб берилган.

тўртинчидан, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга асосий мақсад сифатида қарайдиган нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари, ваколатлари белгилаб берилган.

бешинчидан, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг халқаро тажрибаси, ёшлар сиёсатида муайян ижобий натижаларни қўлга киритган ривожланган мамлакатлардаги умумий қонунчиликка доир йўналишлар асос қилиб олинганлигини ютуқ сифатида айтиш мумкин.

Фикрларимизни асослаш мақсадида халқаро тажрибанинг қуйидаги эътиборга молик жиҳатларини таҳлил қилиш лозим деб ҳисоблаймиз:

Ёшларга оид давлат сиёсати БМТнинг бир қатор ҳужжатлари ва фаолиятининг асосий мазмунига айланган. 1985 йилда ташкилот томонидан эълон қилинган “Халқаро ёшлар йили” барча мамлакатлар томонидан ижобий ҳодиса эътироф этилди. 1995 йилда ёшлар муаммолари бўйича етакчи мутахассислар томонидан тайёрланган эксперт материаллари асосида халқаро-ҳуқуқий характердаги янги ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Натижада ёшлар сиёсатининг замонавий йўналишдаги қоидалари шаклланди.

Сўнги ўн йилликда БМТнинг ёшларга доир стратегияси ижобий томонга ўзгариб бораётганини, позитив тенденциялар шаклланаётганини кўриш мумкин. “2009 йилда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган 64/134-сонли резолюцияда қуйидаги 3 та устувор вазифа белгилаб қўйилган. 1) Ёшларга қаратиладиган эътибордан келиб чиқиб ресурсларни кўпайтириш. 2) Ёшларни жамиятдаги фаоллигини ошириш ва ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш. 3) Ёшларда ўзаро тушуниш ва маданиятлараро мулоқот кўникмасини ривожлантириш”<sup>1</sup>. Ушбу мақсадлар халқаро ҳамжамият томонидан ёш авлодни глобал, минтақавий ва миллий даражадаги фаолият олиб боришига қўмаклашиш сифатида қаралади. Дунё ёшларининг тинчлик ва барқарорлик ғояларини англаб етишлари, инсон ҳуқуқларига ҳурмат, турли маданиятлар, динлар, цивилизациялар вакиллари ўртасидаги конструктив мулоқотнинг туб моҳиятини англашлари, бирдамлик ғояларини амалга оширишнинг субъекти сифатида шаклланишлари учун восита бўлиб хизмат қилишини назарда тутади.

Ҳукумат даражасидаги эътибор самараси ўлароқ, ёшларнинг жамият турли соҳаларида фаолият юритишига замин яратилмоқда. Энг муҳими Ўзбекистонда ёшлар жами аҳолининг 60 фоизга яқинини ташкил этиши асосий ресурс сифатида қаралмоқда. Ҳолбуки, дунё мамлакатларининг катта қисмида бу кўрсаткич 20-25 фоиздан ошмайди. Бу эса ўша мамлакатлардаги инсон ресурсининг камайиб боришини англатади.

АҚШлик олим Патрик Бьекенен мазкур масаланинг сабабларини таҳлил қилиб, АҚШ ва Европада аҳолининг кескин камайиб кетаётганлигини, бу эса мамлакатлар келажагига соя солишини таъкидлайди. Аҳолининг камайишига таъсир кўрсатаётган омиллар сифатида олим 20 аснинг 60-йилларида бошланган “Маданий инқилоб”нинг натижаларини кўрсатади. Мазкур инқилоб натижасида ёшларда оила, никоҳ, фарзанд каби тушунчалар қадрият сифатидаги ўрнини йўқотганилигини тушунтиради. “...мен ушбу инқилоб нимани англатиши, қаердан келиб чиқиши ва ёшларимизнинг онгини қандай забт этиши ва ғалаба қозонишини тасвирламоқчиман”<sup>2</sup>. Олимнинг фикрича, ғарбдаги демографик инқирознинг аввалида ахлоқий муносабатларнинг янги форматга ўтиши туради. Яъни, ахлоқий қадриятларнинг инкор қилиниши, инсонларнинг ўз майлларига тобе бўлиб яшашлари “болаларнинг йўқолишига” сабаб бўлди.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий эволюциясини ёритиш асносида қуйидаги муҳим вазибаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

<sup>1</sup> URL: <http://www.unrussia.ru/ru/node/497>

<sup>2</sup> Патрик Джозеф Бьекенен. Смерть Запада. FineReader 12ACT, Terra Fantastica; Москва, Санкт-Петербург; 2003. Б-8.

Биринчидан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ёшларга доир сиёсат, пухта ўйланган, конструктив, тизимли ва аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсатдир. Мазкур сиёсатнинг ҳуқуқий асослари ёшларнинг таълим олиш, касб эгаллаш, ватанга содик фуқаро сифатида шаклланиш, маънавий-ахлоқий баркамол бўлиб етишишларини таъминлаш учун хизмат қилади.

Иккинчидан, дунё мамлакатлари ўртасида маданиятлараро мулоқотнинг кучайиб бориши мутахассислар томонидан ижобий тенденция сифатида қаралмоқда. Аммо, масаланинг иккинчи томони борки, уни ҳам таҳлил қилиш муҳим. АҚШлик назариётчи олим С.Хантингтон таъбири билан айтганда 21 асда маданиятлар тўқнашуви кучайиб бормоқда. Натижада йирик маданиятлар ўзига нисбатан кучсизроқ маданиятларни ютиб юбориш эҳтимоли юқори. Замонавий дунёда маданиятлар хилма-хиллигини сақлаб қолиш миллий хусусиятларни сақлаб қолишнинг ягона йўлидир. Шу маънода, ёшлар сиёсатида маданий муносабатларни тизимли таҳлилини олиб бориш ва мамлакатимиз ёшлари учун самарали жиҳатларини тадқиқ этиш асосий вазифалардандир.

Учинчидан, ёшларга мамлакат тараққиётининг эртанги куни сифатида қараш ҳамда уларни етук кадрлар бўлиб етишишларини кафолатловчи мукамал таълим тизимини яратиш. Айтиш мумкинки, янгиланаётган Ўзбекистоннинг келгуси тақдири кадрларга боғлиқ. Демак, таълим тизимини ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш ечилиши лозим масалалар таркибига киради.

Тўртинчидан, мафкуравий курашлар авж олаётган ҳозирги давр ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига стратегик аҳамият касб этувчи вазифа сифатида қарашни тақозо этмоқда. Ахборот олишнинг чекланмаганлиги “Оммавий маданият”, Диний радикал кўринишдаги таъсирлардан ёш авлодни асраш шубҳасиз, аниқ режа асосида олиб бориш эҳтиёжини яратмоқда.

Бешинчидан, Ёш авлоднинг ҳуқуқий тарбияси ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Сабаб шуки, ҳозирги даврда инсонлар ўртасида виртуал мулоқотнинг кучайиши ҳуқуқий тафаккурни ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтиради. Ижтимоий тармоқларларда бўлаётган турли диний, мафкуравий ички ва ташқи ташвиқотларга муносабат билдиришда амалдаги қонунчиликка риоя қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бу борада тизимли фаолият олиб бориш тегишли ташкилотлар ва ёшлар уюшмаларининг ҳамкорлигини кучайтиришга зарурат пайдо қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 15 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-361-сонли «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисидаги Фармони.
4. Патрик Джозеф Бьюкенен. Смерть Запада. FineReader 12ACT, Terra Fantastica; Москва, Санкт-Петербург; 2003. – Б. 8.

*Наирга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган*

## 1991 – 2016-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН-ҚОЗОҒИСТОН САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Хуррамов М.К. (ЖДПИ)**

**Аннотация.** Мазкур мақола 1991 – 2016 йилларда Ўзбекистон-Қозоғистон савдо-иқтисодий алоқаларининг етакчи тармоқлари, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ҳудудлараро ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек икки мамлакат товар айланмаси динамикаси таҳлили ва бошқа масалаларга бағишланган.

**Таянч сўзлар:** *худудлараро ҳамкорлик, товар айланмаси ҳажми, тариф ва нотариф усуллар, туб ўзгаришлар, божхона тўловлари, кооперация.*

**Аннотация.** Данная статья посвящена ведущим направлениям узбекистанско-казахстанских торгово-экономических отношений с 1991 по 2016 год, особенностям межрегионального сотрудничества в первые годы независимости, а также анализу динамики товарооборота двух стран и другим вопросам.

**Ключевые слова:** *межрегиональное сотрудничество, объем оборота, тарифные и нетарифные методы, коренные изменения, таможенные пошлины, кооперация.*

**Annotation.** This article is devoted to the leading areas of Uzbek-Kazakh trade and economic relations from 1991 to 2016, the peculiarities of interregional cooperation in the first years of independence, as well as the analysis of the dynamics of trade between the two countries and other issues.

**Key words:** *interregional cooperation, turnover volume, tariff and non-tariff methods, fundamental changes, customs duties, cooperation.*

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзбек-қозоқ муносабатларининг динамик ривожланишида иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик етакчи ўринни эгаллайди. Чунки СССР давлатининг парчаланишидан сўнг постсовет маконида ижтимоий-иқтисодий шок ҳолати вужудга келиши оқибатида кўпгина собиқ совет республикалари сиёсий ва иқтисодий мавҳумликда ўзлари учун ишончли ва яқин шерик топишга ҳаракат қиладилар.

Шу сабабли икки йирик Марказий Осиё давлати, ҳеч шубҳасиз, бир-бирини қўллаб-қувватлаш асносида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш иккала томон учун ҳам тенг манфаатли эканлигини тушуниб етадилар. Бундан ташқари ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихий, географик, маъданий ва тил жиҳатидан яқинлиги кўпгина кузатувчилар томонидан хўжалик алоқаларининг муваффақиятли ривожланиши ҳамда истиқболдаги иқтисодий интеграциянинг кафолати сифатида кўрилган<sup>1</sup>.

Ўтган аср 90-йилларининг бошида қўшни мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари муваффақиятли тарзда ривожланган. Бу ҳақда статистика маълумотлари гувоҳлик беради. 1992 йилда ўзаро савдо ҳажми жуда ҳам юқори даражада бўлган. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Давлатлараро кенгаши ижро қўмитаси ахборотиға кўра жорий йилда икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 2,6 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. Бунда Ўзбекистоннинг Қозоғистонга экспорти 12,9фоиз ни, Қозоғистондан импорт эса 15,2фоиз ни ташкил этган<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг илк йилларида қўшни мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожланишига туртки берган омилардан бири чегара олди худудлари ўртасида йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик муносабатлари ҳисобланади. Ҳали мустақил бўлмасдан олдин 1990 йил май ойида Тошкент вилояти ижроқўмининг раиси (ҳозирда вилоят ҳокими) С.Сайдалиев бошчилигидаги вилоят делегацияси билан Чимкент (ҳозирда Жанубий Қозоғистон) вилояти ижроқўми раиси М.Қорабоев бошчилигидаги вилоят делегацияси Чимкент шаҳрида 1995 йил охиригача ҳамкорлик қилиш ҳақидаги шартномани имзолайдилар<sup>3</sup>.

Хужжатда қўшма корхоналар тузиш, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар айирбошлаш, савдо ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, Тошкент ва Чимкент вилоятлари аҳолисиға етказиб бериш мақсадида Қозоғистоннинг Сариеғоч районида интенсив технология асосида эрта пишадиган сабзовот ва картошка етиштириш учун қўшма хўжалик барпо этиш каби вазифалар белгиланади.

Шартнома имзолангандан сўнг ўтган икки йил ичида салмоқли ишлар амалга оширилади. Аввало иқтисодий соҳада мустақкам алоқалар ўрнатилади. Ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 1992 йил 12 майида Тошкентга ҳоким М.Уркумбоев бошчилигида Чимкент вилоятининг делегацияси келади. Қозоғистон вакиллари Тошкент

<sup>1</sup> Узеков У.У. Политические аспекты Казахстанско - Узбекистанских отношений. Автореферат дисс. кан. пол. наук. – Алматы., 2000. – С. 18.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Г.Мачин. Ўзбекистон – Қозоғистон: ҳамкорлик уфқлари // Инсон ва демократия. 1993. – № 1. – Б. 59-61.

вилоятининг бир қатор хўжаликларига бўлишади. 1992 йил июл ойида Тошкент вилояти делегацияси Жанубий Қозоғистонга жавоб ташрифи билан боради<sup>1</sup>. Худудлараро амалий ҳамкорликнинг давоми сифатида 1993 йил 28-29 июн кунлари Тошкент вилояти ҳокими С.Сайдалиев бошчилигидаги делегация Қозоғистоннинг Жамбул вилоятига ташриф буюради<sup>2</sup>. Ташриф яқунлари бўйича бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик тузилмаларига кўмак бериш ҳамда бозор муносабатлари шароитида улар ўртасида ишчанлик алоқаларини ўрнатиш борасида келишувга эришилади.

Навбатдаги ўзаро ташриф 1994 йил мамлакатимизда катта муваффақият билан ташкил этилган Қозоғистон кунлари доирасида амалга оширилади. Қозоғистон Республикасининг Толдикўрғон ва Семипалатинск вилояти вакиллари Фарғона вилоятида бўлишади. Ташриф яқунларига кўра бу уччала вилоят ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатилди<sup>3</sup>.

Қайд этиш керакки, ўзаро ташрифлар доирасида худудлараро ҳамкорлик муносабатлари юқори даражага кўтарилди ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида мустақам алоқалар ўрнатилди. Экспертлар томонидан бу жараён икки ёш мустақил давлатлар ўртасидаги товар айланмаси ҳажми сезиларли даражада ўсишига хизмат қилган омиллардан бири сифатида эътироф этилади.

Дарҳақиқат, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Сайлау Батирша ули мустақилликнинг илк йилларидаги ўзбек-қозоқ иқтисодий алоқалари хусусида сўз юритиб шундай деган эди: “Умумий майдони салкам 4 миллион квадрат метрдан иборат 50 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган минтақамизнинг гуллаб яшнаши кўп жиҳатдан икки йирик давлат – Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстона муносабатларга боғлиқ”<sup>4</sup>.

Аммо кўп вақт ўтмай 1993 йилдан бошлаб икки қардош давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик суръати сезиларли равишда пастга қараб қулайди. Ачинарлиси шуки, бу салбий кўрсаткич 2000 йилларнинг бошига қадар давом этади. Шу даврдан бошлаб хўжалик соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳим тармоқлари, жумладан, савдо, қўшма корхоналар фаолияти, ишлаб чиқариш кооперацияси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ва иқтисодий интеграция жараёнлари стагнация ҳолатига тушиб қолади.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг тез суръатларда сусташуви кўпгина омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари мустақилликни қўлга киритиши биланоқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишни стратегик вазифа сифатида эълон қилишган эди. Лекин, иккала мамлакат бир хил ривожланиш мақсадини белгилаб олган бўлсаларда, уларни амалга оширишнинг аниқ йўналишларини белгилашда бутунлай бошқа йўлдан кетишди. Қозоғистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг радикал ва жадал услуби танланган бўлса, Ўзбекистонда эса, аксинча, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида, хусусан, иқтисодий соҳада босқичма-босқич ва тадрижий ўзгартиришлар тактикасига амал қилинди<sup>5</sup>.

1998 йил Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги товар айланмаси 200 миллион доллардан кўпроқ бўлиб, бунда экспорт 85 ва импорт 118 млн. долларни ташкил этади. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, товар айланмаси ҳажми пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич охиригача саккиз йилда деярли олти баробарга пасайиб кетади<sup>6</sup>. Ушбу даврда давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли йўларини танлаганлиги икки мамлакат ўртасидаги ўзаро транзит юқларини ташиш ва давлатларнинг бир-бирлари олдидаги қарзларини ундириш борасидаги ўзаро даъволарнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бундан ташқари иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатлари тартибга солинмаган эди. Томонлар бир-бирларини огоҳлантирмасдан туриб турли даражадаги чекловларни назарда

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Ташкентская и Джамбулская области: сотрудничеству крепнуть! // Газ. “Ташкентская правда”, 1993. 1 июля. – С.1-2.

<sup>3</sup> Набижон Собир. Азалий дўстликнинг янги қирралари // Халқ сўзи, 1994. 11 июнь. – Б. 1.

<sup>4</sup> Дилшод Каюмов. Бир-биримизсиз яшай олмаймиз // Халқ сўзи газ. 1994. 11 январь. – Б. 1.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. – Ташкент: Узбекистан. 1995. – С 10.

<sup>6</sup> Ташки ишлар вазирлиги жорий архиви материаллари. Дело № 083. – Б. 57.



тутовчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ этиши ўзаро савдо ҳажмининг ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

1999 йил Қозоғистон ҳукумати томонидан “Қозоғистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланувчи автотранспорт воситаларидан олинадиган йиғимлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинади. Бунинг оқибатда Қозоғистон территорияси ичида ҳаракатланувчи ўзбек автотранспорт воситалари ҳамда транзит юк ташувчиларининг фаолияти қийинлашади. Мазкур ҳужжатга кўра Қозоғистон ҳудудига кириш чегарасидан белгиланган манзилгача бўлган масофа учун чет эл автотранспортидан 300 АҚШ доллари миқдоридан йиғим ундирилади, шунингдек Қозоғистон ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб чиқиш чегарасидан учинчи давлат ҳудудида жойлашган белгиланган манзилгача ёки учинчи давлат территориясидан Қозоғистон ҳудудида жойлашган белгиланган манзилгача бўлган масофа учун чет эл юк ташувчиларидан олиб ўтилаётган юкнинг 30% қиймати миқдоридан йиғим олинishi белгиланади. Бу тақрибан юк билан ҳаракатланаётган ҳар бир километр учун 1 АҚШ долларини ташкил этади<sup>1</sup>.

Қайд этиш керакки, Қозоғистон ҳукумати томонидан қабул қилинган юқоридаги қарор бир ёқлама хусусиятга эга бўлиб, фақат ўз давлатининг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва ҳеч бир иқтисодий ҳамкор ҳисобланган кўшни давлатлар манфаати инобатга олинмаган. Халқаро иқтисодчи экспертларнинг таҳлиliga кўра, Қозоғистон ҳудудидан олиб ўтилаётган транзит юк учун тўловлар ушбу йилларда ташилаётган юк нархидан ҳам баландроқ бўлган. Бу ўз навбатида шундоқ ҳам иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечираётган ўзбек иқтисодиёти учун оғир зарба бўлади. Чунки постсовет маконида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ҳажми кўпроқ МДХ давлатлари ҳиссасига тўғри келган. Ўз-ўзидан маълумки, асосий иқтисодий ҳамкор давлатлар билан алоқалар Қозоғистон ҳудудидан ўтувчи транспорт коридорлари орқали амалга оширилган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 2000 йилларнинг бошларида ҳам ўсиш ўрнига пасайиш тенденциясини давом эттиради. Бундан ташқари давлатлар миллий иқтисодиёти ҳам қониқарли аҳволда эди. Чунки режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтган давлатларларда ҳали ҳамон капиталистик муносабатлар шаклланиб улгурмаган, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда эди. Мамлакатларнинг ялпи ички ички маҳсулоти ҳажмида ҳам мустақилликдан сўнг пасайиш тенденцияси давом этаётган эди. Қуйидаги иккита жадвалда мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида иккала давлат товар айланмаси ва ялпи ички маҳсулоти тенденцияси акс эттирилган.

1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги 1997 – 2002 йиллар ҳамда 2003 йилнинг 11 ойлиги бўйича товар айланмаси динамикаси (млн. АҚШ доллари миқдоридан)<sup>2</sup>**

	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003 йил январь-октябрь
<b>Товар айланмаси</b>	394,0	284,6	275,0	316,4	312,9	263,3	228,9
<b>Экспорт</b>	197,7	122,0	148,7	100,8	118,0	81,8	74,6
<b>Импорт</b>	196,3	162,6	126,3	215,6	194,9	181,5	154,3
<b>Сальдо</b>	+1,4	-40,6	+22,4	-114,8	-76,8	-99,7	-79,7

<sup>1</sup> Ташқи ишлар вазирлиги жорий архиви материаллари. Дело № 083. Б. 23.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Фонд №37, рўйхат №1, йиғма жилд №29. Б.386.

2-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг  
1991 – 2000 йилларда Ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати (фоиз)<sup>1</sup>**

	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	Жами 1991- 2000
Ўзбекистон	-0.5	-11.2	-2.3	-5.2	-0.9	1.7	5.2	4.3	4.3	3.8	-2.0
Қозоғистон	-11.0	-5.3	-9.2	-12.6	-8.2	0.5	1.7	-1.9	2.7	9.8	-30.6

Ўзбекистон Статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, уч йилда (2000-2002) Ўзбекистоннинг Қозоғистон умумий товар айланмасидаги улуши 4.3фоиз дан 1.0 фоизга пасайиб кетади<sup>2</sup>. Бунинг асосий сабаби бу даврда икки давлат божхона, солиқ, антидемпинг сиёсати ва чегараолди савдо соҳаларида ҳали ҳамон умумий келишувга эришилмаган эди. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, енгиллаштирилган божхона тўловлари, солиқлари ва тарифларини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолиятини рационал ташкил этиш савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда иқтисодиётнинг ўзаро бир-бирини тўлдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Икки томонлама савдо муносабатларини ривожлантиришда томонлар божхона режимини ҳамоҳанглаштириш масаласи асосий ҳал қилиниши керак бўлган долзарб вазифа бўлиб қолаётган эди. Бу йўналишда қуйидагиларни ҳисобга олиш икки томонга ҳам фойда келтирарди:

- ўзаро савдода божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва иш юритиш услубларини такомиллаштириш;

- юк ва божхона декларацияларини бир хиллаштириш;

- турли божхона режимларида божхона расмийлаштирув тартиб-таомилларини яқинлаштириш;

- товарларни олиб кириш ва олиб чиқишда асоссиз тариф ва нотариф тўсиқларни олиб ташлаш ва бошқалар.

Иқтисодиёт соҳасидаги таҳлилчиларнинг фикрича, Қозоғистон билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон йўл қўйган хатолардан бири бу Қозоғистонда 2000 йилларнинг бошида йирик саноат корхоналари ижара шартлари асосида чет элликларга берилган бошлаган вақтда Ўзбекистон томонидан бу мулкларни тасарруф этишга етарлича эътибор қаратмаганлигидир. Шу билан бирга Ўзбекистон турли механизмлар орқали чет эл бошқарувига берилаётган корхоналарни кўлга киритишга ҳаракат қилмайди ҳамда бу жараёнга совуққонлик билан қарайди. Йирик ишлаб чиқариш корхоналарини кўлга киритиш Ўзбекистонга Қозоғистондаги ўз иқтисодий позициясини мустаҳкамлаш имконини берарди. Афсуски Ўзбекистон мазкур имкониятдан унумли фойдалана олмайди.

Аммо Ўзбекистон Қозоғистоннинг катта шаҳарларида вазирлик ва етакчи саноат корхоналарининг савдо уйлари очишга урғу беради. Бу йўналишдаги ижобий кўрсаткичлардан бири 2003 йил 2 июлда Алмати шаҳрида “Ўзавто-Қозоғистон” масъулияти чекланган шериклик қўшма корхонасининг очилиши бўлди. Таъсисчилари Ўзбекистон томонидан “Ўзавтосаноат” устав фондида 51фоиз улушга эгалик қилади, Қозоғистон томонидан масъулияти чекланган шериклик “Меркур-Холдинг” 41фоиз улушга эгалик қилади. 2003 йил 22 октябрда “Атакент” кўргазма мажмуасида олтинчи халқаро “Автошоу – 2003” кўргазмасида “Ўзавто-Қозоғистон” масъулияти чекланган шериклик қўшма корхонасининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтади. 2003 йил якунига қадар 83 нафар автомобил сотилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Manuel Stark and Joachim Ahrens. Economic reform and institutional change in Central Asia: towards a new model of the developmental state? //Forschungspapiere Research Papers| 2012/05. P.14. <https://www.econstor.eu/bitstream/10419/58058/1/715367404.pdf>

<sup>2</sup> Ташки ишлар вазирлиги жорий архиви материаллари. Дело № 083. Б. 55.

<sup>3</sup> Ташки ишлар вазирлиги жорий архиви материаллари. Дело № 083. Б. 56.

Эслатиб ўтиш керакки, 2000-йилларнинг бошида Қозоғистон бозорида Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари учун талаб жуда ҳам юқори эди. Ўзбекистон бу борада ҳам сусткашликка йўл қўяди. Ёз ва куз мавсумида Қозоғистон шимолида айниқса ўзбек озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошишига қарамасдан Ўзбекистон тўғридан-тўғри маҳсулотлар етказиб бериш масаласини ҳал этмайди. Агар бу масалага етарлича эътибор қаратилганда, биринчидан, Ўзбекистон учун қўшимча валюта тушумларини олиб келарди, иккинчидан эса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги бозор вужудга келарди.

Икки мамлакат иқтисодий муносабатларига кучли туртки берган омиллардан бири 2008 йил апрел ойида Ўзбекистон Президентининг Остонага ташрифи билан боғлиқ. Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги Битимни имзолайдилар. Бунинг натижаси ўлароқ кейинги йилларда мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми сезиларли даражада ошади. 2012 йилда бу кўрсаткич 2,5 миллиард доллардан ошади, Қозоғистондан Ўзбекистонга экспорт 1,344 миллиард долларни, Ўзбекистондан Қозоғистонга импорт эса 817 миллион долларни ташкил этади. 2015 йилда мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми 3,2 миллиард АҚШ долларида ошади<sup>1</sup>. Аммо бу кўрсаткич етарли даражада эмас эди. Қуйидаги иккита жадвалда 2013 – 2016 йилларда иккала давлат товар айланмаси ҳамда 2001 – 2010 йилларда ялпи ички маҳсулоти тенденцияси акс эттирилган.

3-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги 2013 – 2016 йиллар бўйича товар айланмаси динамикаси (млн. АҚШ доллари миқдориди)<sup>2</sup>**

	2013	2014	2015	2016
<b>Товар айланмаси</b>	3 144.9	3 496.4	2 697.1	1 810.9
<b>Экспорт</b>	2 083.4	2 487.7	1 849.4	945.0
<b>Импорт</b>	1 061.5	1 008.7	847.7	865.9
<b>Сальдо</b>	1 021,9	1 479,0	1 001,7	79.1

4-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг 2001 – 2010 йилларда Ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати (фоиз)<sup>3</sup>**

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	Жами 2001-2010
<b>Ўзбекистон</b>	4.2	4.0	4.2	7.7	7.0	7.3	9.5	9.0	8.1	8.5	95.5
<b>Қозоғистон</b>	13.5	9.8	9.3	9.6	9.7	10.7	8.9	3.3	1.2	7.0	120.8

Икки давлат ўртасидаги сўнги тўрт йиллик (2013 – 2016 йиллар) давомидаги товар айланмаси ҳажмига эътибор қаратилса, охириги 2016 йилни ҳисобга олмаганда ўсиш тенденциясига эга бўлиб Ўзбекистон тўлалигича ижобий салдони қайд этган. Ўн йилликдаги (2010 – 2010 йиллар) ЯИМ миқдорини таққослайдиган бўлсак яққол устунлик Қозоғистон томонидалигига гувоҳ гувоҳ бўламиз.

<sup>1</sup> [www.caa-network.org](http://www.caa-network.org) Региональная аналитическая сеть Центральной Азии. Мирзохид Рахимов: Взаимоотношения Узбекистана и Казахстана: основные тенденции и фактор устойчивости Центральной Азии. <https://www.caa-network.org/archives/6994>

<sup>2</sup> [www.uzembassy.kz](http://www.uzembassy.kz) Посольство Республики Узбекистан в Республике Казахстан Узбекско-казахстанские отношения. Торгово-экономическое сотрудничество. <http://www.uzembassy.kz/ru/page/torgovo-ekonomicheskoe-sotrudnichestvo>

<sup>3</sup> Manuel Stark and Joachim Ahrens. Economic reform and institutional change in Central Asia: towards a new model of the developmental state? //Forschungspapiere Research Papers| 2012/05. – P.16. <https://www.econstor.eu/bitstream/10419/58058/1/715367404.pdf>

Умуман олганда, мустақилликдан то 2017 йилгача бўлган муддатда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий муносабатлар йилдан йилга фаоллашиб тадрижий ривожланиб борган. Аммо бу натижалар билан чегараланиб қолмаслик керак. Давлатлар ўртасидаги иқтисодий кооперацияни янада мустақкамлаш иккала давлатга ҳам тўлақонли иқтисодий манфаат олиб келади. БМТ экспертларининг фикрига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги самарали кооперация 10 йил ичида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камида икки баравар ошириши мумкин<sup>1</sup>. Бундан кўриниб турибдики, биз иқтисодий жиҳатдан қанчалик бир-биримиз билан яқин ҳамкор бўлсак ўртамиздаги мавжуд масалалар тезроқ ўз ечимини топади. Либерализм мактаби вакилларининг таъбири билан айтганда иқтисодий яқинлик бора-бора сиёсий яқинлик томон етаклайди.

## РОЛЬ ЖЕНЦИН В РАЗВИТИИ АГРАРНОГО СЕКТОРА

Эминова У.К. (ТГАУ)

**Аннотация.** Данная статья посвящена участию женщин в социально-политической и общественно-экономической жизни общества, законодательным основам защиты прав женщин в Республике Узбекистан. В работе обсуждается место и роль женщин в развитии аграрной сферы страны.

**Ключевые слова:** *аграрный сектор, реформы, гендерная равенства, фермерства.*

**Аннотация.** Ушбу мақола хотин-қизларнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки, Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Қонунчилик асослари ҳақида.

**Таянч сўзлар:** *аграр сектор, ислоҳотлар, гендер тенглиги, фермерлик.*

**Annotation.** This article is devoted to the participation of women in the socio-political and socio-economic life of society, on the legislative framework for the protection of women's rights in the Republic of Uzbekistan. The place and role of women in the development of the country's agricultural sector.

**Key words:** *agricultural sector, reforms, gender equality, farming.*

Масштабные социально-экономические изменения, происходящие в России последнее десятилетие, коснулись всех сфер жизни социума, в том числе и тендерных отношений. Как показывают западные и российские исследования, в современном обществе получает распространение эгалитарный тип внутрисемейных отношений, когда резкая дифференциация труда между полами в семейной и общественной жизни исчезает, уступая место интеграции супружеских ролей и высокой степени их взаимозаменяемости. В первую очередь это связано с ростом профессиональной занятости и образования женщин, в основе которого лежат не только экономические, но и в значительной степени социально-психологические факторы. Процесс освобождения от традиционного представления коснулся не только женской роли, но и мужской.

Как пишет У. Бек, благодаря большому участию женщин в наемном труде мужчины выходят из роли единственного кормильца, освобождаясь от давления профессии и поворачиваясь лицом к семье, детям, т.е. для мужчин становится возможна иная заинтересованность и в профессии и в семье<sup>2</sup>.

В современном мире права женщин приобрели исключительно важное значения для всех сторон жизни общества. Это касается сферы экономики, науки, политики, культуры и т.д. Тем не менее, обществом в основном используется потенциал мужского населения. За годы независимого развития Узбекистан добился больших успехов в защите прав и законных интересов женщин. Не менее значительны достижения и в сфере обеспечения их активного участия в общественно-политической и социально-экономической жизни республики. Необходимо, прежде всего, отметить осуществляемую в Узбекистане работу в области

<sup>1</sup> Э.Арипов: Основные принципы и приоритеты регионального сотрудничества в Центральной Азии. Сборник докладов международной конференции "Центральная Азия – главный приоритет внешней политики". – Ташкент, 2017. – С. 21.

<sup>2</sup> Бек У. Общество риска. На пути к другому модерну / Пер. с нем. – М.: Прогресс-традиция, 2000. – С. 384.

развития нормативно-правовой базы в данном направлении. За прошедшие годы принято и ратифицировано около 100 национальных и международных правовых актов, направленных на защиту интересов женщин.

Краеугольным документом, гарантирующим фундаментальные права женщин, является, как известно, Конституция страны. Список включает также целый ряд указов и постановлений Президента Узбекистана и Кабинета Министров, в том числе "О повышении роли женщин в государственном и общественном строительстве", "О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формирование здорового поколения" и многие другие. Ежегодно принимаются специальные государственные программы, в рамках которых проводится планомерная работа в определенном направлении, которое в той или иной мере касается улучшения условий и качества жизни женщин Узбекистана. На сельскохозяйственных производствах по-прежнему работают преимущественно мужчины. Женщины – главы агрокомпаний встречаются в нашей стране и вовсе редко. Почему «женский управленческий дефицит» в сельском хозяйстве остается актуальным и что поможет изменить сложившуюся ситуацию,

Во многих развивающихся странах сельское хозяйство показывает невысокие результаты, и одной из ключевых причин этого является то, что женщины не имеют равного доступа к ресурсам и возможностям, необходимым им для повышения производительности труда. В докладе «Положение дел в области продовольствия и сельского хозяйства, 2010-2011 годы. [1]

Например, женщины в сельском хозяйстве: устранение гендерного разрыва в интересах развития» (СОФА за 2010-2011 гг.) 1 представлены обширные данные о жизненно важной роли женщин в сельском хозяйстве и развитии сельских районов, о гендерных ограничениях, с которыми они сталкиваются в получении доступа к ресурсам и возможностям, о потенциальных выгодах для сектора и общества, которые могут быть получены в результате сокращения этих ограничений, а также об уроках, извлеченных из политических решений, программ и мер вмешательства, направленных на ликвидацию гендерного разрыва в сельском хозяйстве.

На женщин приходится в среднем 43 процента экономически активного населения, занятого в сельском хозяйстве в развивающихся странах. Доля женщин среди экономически активного населения, занятого в сельском хозяйстве, варьируется от примерно 20 процентов в Северной и Южной Америке до почти 50 процентов в Восточной и Юго-Восточной Азии и в Африке к югу от Сахары. Средние показатели по регионам скрывают большие различия внутри стран и между ними.

Одной из особенностей современных систем сельскохозяйственного производства является рост сельскохозяйственного производства по контракту или ведение сельского хозяйства на договорных началах при производстве продукции с высокой стоимостью.

Факты свидетельствуют о том, что женщины обеспечивают большую часть труда в рамках механизмов контрактного сельскохозяйственного производства, но женщины-фермеры в основном лишены возможности самостоятельно подписывать контракты, поскольку у них нет надежного контроля над землей, семейной рабочей силой и другими ресурсами, необходимыми для надежного обеспечения гарантированного потока продукции.

Женщины активно участвуют в животноводческом секторе. В частности, женщины часто играют важную роль в разведении птицы и молочного скота. В некоторых странах в мелкотоварном свиноводстве также доминируют женщины. Роль женщин в удовлетворении растущего спроса на продукты животноводства, возможно, будет уменьшаться по мере коммерциализации сектора, поскольку женщинам зачастую оказывается труднее открыть свой собственный бизнес, и они, как правило, утрачивают контроль над прибыльными видами деятельности. Имеющиеся данные показывают, что женщины составляют около 12 процентов занятых в первичном секторе рыболовства и рыбоводства. В двух ведущих странах-производителях, Китае и Индии, доля женщин среди общего числа рыбаков и рыбоводов составляет, соответственно, 21 процент и 24 процента. Во всех регионах женщины играют наиболее важную роль на этапах переработки и сбыта. Сельское хозяйство важно для женщин, но женщины-фермеры имеют меньший доступ к необходимым для сельскохозяйственных

производителей производственным ресурсам и услугам, таким как земля, скот, человеческий капитал, услуги по распространению сельскохозяйственных знаний, финансовые услуги и новые технологии. Улучшение условий доступа женщин к ЗЕМЛЕ и укрепление правовых гарантий владения имеет прямые последствия для производительности сельскохозяйственного труда, а укрепление положения женщин и их влияние в домохозяйстве также имеет последствия и в плане улучшения благосостояния домохозяйств.

Например, укрепление прав землевладения для женщин в Непале оказалось связано с улучшением состояния здоровья детей. Во всех развивающихся регионах женщины неизменно с меньшей вероятностью владеют или пользуются землей они реже имеют доступ к арендуемой земле, и участки, которыми они пользуются, обычно меньше, чем у мужчин. Во многих исследованиях делается попытка оценить, является ли деятельность женщин-фермеров столь же производительной, что и деятельность мужчин-фермеров. В большинстве этих исследований делается вывод, что мужчины-фермеры добиваются урожайности на 20-30 процентов выше, чем та, которую получают женщины-фермеры. В подавляющем большинстве исследований также делается вывод, что различия в урожайности объясняются различием в уровне производственных ресурсов. Хотя большинство из этих исследований относятся к странам Африки, расположенным к югу от Сахары, в докладе СОФА за 2010-2011 гг. приведены документальные данные об аналогичных разрывах в отношении производственных ресурсов во всех регионах.

Исходя из 20-30-процентной гендерной разницы в урожайности, ликвидация разрыва в использовании производственных ресурсов на сельскохозяйственных землях, занимаемых женщинами, может привести к росту объема сельскохозяйственной продукции в развивающихся странах, по которым имеются данные, в среднем на 2,5-4 процента. Если предположить, что разрывы в производственных ресурсах и урожайности характерны и для других развивающихся стран, можно заключить, что будет получен глобальный прирост аналогичных масштабов. При условии, что дополнительная продукция будет потребляться внутри страны, в 34 странах, по которым имеются данные, ликвидация 20-30-процентного разрыва в урожайности привела бы к сокращению числа людей, страдающих от недоедания, на 12-17 процентов. По оценкам на 2010 год, 925 миллионов людей в мире страдают от недоедания, так что положительные результаты такого масштаба могли бы выразиться в сокращении числа голодающих людей на 100-150 миллионов. В тех странах, где голод более широко распространен, а женщины играют важную роль в сельскохозяйственном секторе, такое пропорциональное снижение числа голодающих может быть еще более значительным. Данные из Африки, Азии и Латинской Америки неизменно показывают, что укрепление положения и руководящей роли женщин в домохозяйстве идет на пользу семье. А с усилением женского влияния на экономические решения их семьи начинают выделять большую часть доходов на продукты питания, здравоохранение, образование, детскую одежду и питание детей.

Таким образом, именно по этой причине программы социальной защиты во многих странах теперь ориентированы на женщин. Эти дополнительные преимущества не были включены в оценки роста объема производства в результате ликвидации гендерного разрыва.

#### Использованная литература

1. Экономика сельского хозяйства: учебное пособие / Н. И. Кузнецов [и др.] ; ред. Ю. А. Меркулов. – Саратов : ФГОУ ВПО "Саратовский ГАУ", 2011. – 176 с.
2. Брайнс Дж. Экономическая зависимость, гендер и разделение домашнего труда / Гендер и экономика: мировой опыт и экспертиза российской практики. Отв. ред. и состав. Е.Б. Мезенцева. – М.: ИСЭПН РАН - МЦГИ, 2002. – С. 352.
3. Римашевская Н., Ванной Д., Малышева М. и др. Разделение труда в семье и принятие решений // Окно в русскую частную жизнь. Супружеские пары в 1996 году. – М.: Academia, 1999. – С. 113-153.
4. Rands T. The Division of household labor in post-soviet Russia. 1997.
5. Женщина, мужчина, семья в России: последняя треть XX века. Проект "Таганрог" / Под. ред. Н.М. Римашевской. – М.: Издательство ИСЭПН, 2001. – С. 320.

*Рекомендовано к печати д.филос. н. С. Чариевым*

**AFG`ONISTONDA YASHOVCHI O`ZBEK URUG`LARI ETNONIMLARINING  
LISONIY TALQINI****Muhammad Humayun Nadim (TerDU)**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Shimoliy Afg`onistondagi o`zbek elatlari urug`-aymoqchilik tizimini va yashovchi aholi etnomadaniy holati haqida fikr bildirilgan. Negaki, Afg`oniston o`zbeklari ijtimoiy hayotida urug`-aymoqchilik mustahkam o`ringa ega. Tarixan ko`p millatli bo`lib kelgan Afg`oniston ijtimoiy hayotida urug`, qabila munosabatlari o`ziga xos tarzda shakllangan. Shu bois, Afg`oniston o`zbek qabilalari nomlanishi hamda urug`lar, ularning joylashish hududlariga e`tibor qaratish muhimdir.

**Tayanch so`zlar:** *etnografizm, to`y, shimoliy afg`oniston, leksika, urug`-aymoqchilik.*

**Annotation.** This article discusses the tribal system of the Uzbek people in northern Afghanistan and the ethno cultural status of the population. After all, tribalism has a strong place in the social life of the Uzbeks in Afghanistan. In the social life of Afghanistan, which has historically been multi-ethnic, tribal relations have been formed in a unique way. Therefore, it is important to pay attention to the naming of the Uzbek tribes in Afghanistan, as well as the tribes and their location.

**Keywords:** *Ethnography, Wedding, Northern Afghanistan, Lexicon, Tribes.*

**Аннотация.** В статье рассматриваются родоплеменной строй узбекского народа на севере Афганистана и этнокультурный статус населения. В конце концов, трибализм занимает прочное место в общественной жизни узбеков Афганистана. В общественной жизни Афганистана, который исторически был многоэтническим, родоплеменные отношения складывались уникальным образом. Поэтому важно обратить внимание на наименования узбекских племен в Афганистане, а также на племена и их местонахождение.

**Ключевые слова:** *этнография, свадьба, Северный Афганистан, лексика, племена.*

**Kirish.** Afg`onistonda yetmishdan ortiq turli xil turkiy qabilalar mavjud. Shu kungacha Afg`onistonda yashovchi biron bir millatning aniq statistikasi mavjud emas, negaki aholi aniq ro`yxatga olinmagan. Aholini ro`yxatga olish hozirgi kunda davlat tomonidan amalga oshirilib, elektron kimlik (tazkira) berilmoqda. Ammo yashaydigan xalqlar uchun mavjud bo`lgan taxminiy ma`lumotlarga ko`ra, Afg`onistondagi turkiyzabon turklarning soni sakkiz milliondan to`qqiz milliongacha, asosan Janubiy Turkistonda, jumladan Badaxshon, Taxor, Qunduz, Samangan, Balx, Javzjon, Sarpul, Faryob, Badg`is va Bag`lon viloyatlarida zich yashab kelmoqdalar. Kobul, Bamyan, Parvan, G`o`r hamda Hirotda nisbatan kam o`zbek aholi istiqomat qiladi. Mamlakatning boshqa viloyatlarida ham, masalan: Kapisa, Parvon, Panchshir, G`azni, Uruzgan, Vardak, Qandahorda o`zbeklar yashasalar-da, ular asl tillarini unutib, mahalliy tillarga singib ketgan, faqat ularning qabilalarining nomlari saqlanib qolgan.

**Adabiyotlar tahlili va metodlar.** Maqolada bayon qilinadigan muammoni yoritishda tavsifiy, tasniflash usullaridan foydalanilgan. Maqolada "Tarix muxtasar turkiston janubi" "Farhang turkey ba forsi sanggulox" "Mushaxxasot najodi turkmanha va o`zbekha" adabiyotlar tahlilga tortilgan.

**Muhokama va natijalar.** Afg`onistonning etnik holati mamlakatning keng qismlariga tarqalgan o`zbek elatlarining, o`zbek urug`larining Afg`oniston hududi bo`ylab tarqalish joylarini guruhlab ifoda qilib berilgan.

**Balx viloyati:** Elbuxdi qabilasi (Elboqdi degan so`zdan kelib chiqqan), Nuqoychi, Balxoniy, Qorabo`yin, Bo`ri, Qazzoq, Yuduq, Laqay, Qo`ng`irot, Dilmar, Rishkon ya`ni Arishkon (Arishqon) Mo`g`ul, Tiger yo Toygar, Qipchoq, Sariq, Ol-Temur, Baloniy, Xitoy, Juduk, O`n Boy, Qaroteri, Achomoyli, Qo`chi va boshqalar. **Badaxshon viloyati:** Barlos, Ilmboyi, Yaftal, Besh Qur, Qalamuq, Peshshayi, Olti Jalov, Mug`il, Qirqqiz, Turgalay, Chata, Tishkon, Bekho, Uyg`ur, Arg`un, Oqbuloq, Yovul (Yulo), Saroy, Qirmishi, Qarluq va boshqalar, Arlat. **Taxar viloyati:** Berka (Burka) Qarluq, Mo`g`ul, Bigiho, Laqay, Chichka, Saribash, Tug`ul, Yomchi, Asqalan, Qo`ng`irot, Qizilbosh, Saroy, Sujoni, Aymoq, Quchin, Minjar, Yangi Tag`on va boshqalar Qunduz viloyati: Qipchoq, Qo`g`irot, Xitoy, Churoq, Qarluq, Bek, Do`rmon, Chechakka va boshqalar. **Samangan viloyati:** Qo`g`irot, laqay, Uyg`ur, Bek, Aymoq, Totar, Chig`atoy, Qipchoq va boshqalar. **Bag`lon viloyati:** Qo`ng`irot, Do`rmon, Totar, Mo`g`ul, Laqay, Qaraqo`zi, Baliqchi, Saqob yo Saqlob, Cho-cho yo Chachaho,

Noiymon, Bek, Burka, Pashshaye, Mardot, Choruq, Xitoy, Chichka, Qo`rchin, Qo`chi, Oq qo`ng`irot, Sariq qo`ng`irot, Orlot, Yomchi, To`rqul, Qaracha, Minjar, Saroy va boshqalar. **Juzjon viloyati:** Qarluq, Qipchoq, Bek, Qaraye, Qarshi, Ayoq, Yuzbegi, Orlot, To`g`ali, Mo`g`ul, Yetti Urug`, Bayot, Qoraqalpog`i, Qaraqo`ng`iroti, Laqi, Quqa, Turkman og`ayin, Uyg`ur, Tatar, Kikchi, Besh bola, Qo`chin, Temuriy, Pashshaye, mang`it, saroy, qumsoy va boshqalar. **Saripul viloyati:** Lochin, Qoraqo`zi, Aldol, Yuzbegi, Zikel (Izgil), Pashshaye, Qorajig`, Qipchoq, Xalaj, Cho`langar, Dog`li, Totar, Shamlig`, G`ozi (G`ozi), Orlat, Etak, Jabas, Qara sirx, Tibir, Tog`ay, Chalma, Bek, Ozariy, Saroy, Menjar, Burqut, Yomchi, Qizilbosh va boshqalar. **Foryob viloyati:** Olchin, Tavakali, Qipchoq, Ko`ki, Sariqamish, Bek, Orlat Boyqaro, Quchoni, Qarluq, Naji, Orlat Bo`yintirig`, Arzulug`, Bo`ri, Berka, Chuvali yo Jovali, To`ymas, Bek Qaramon, Chig`atoy, Qozoq, Yetti urug`, No`g`uli, Besh Qora, Qorag`o`yli, Peshaye, Bimog`li, Sorbon, Jamshidi, Jonkishi, O`n g`ajit, Chumat, Xalij, O`g`uz, Qiyot, Aymoq, Jalayer, Uyrot, Afshor, yo Afshar (Oshar), Ozariy, Pugoni, Taylon, qaroye, yuzbegi, xitoy, yettisarluq, tegin va boshqalar, Arlat.

Afg`oniston etnik jihatdan ko`pmillatli xalq ekanligini yuqorida ta`kidlab o`tdik. Bu holat barcha jarayonlarda, xususan, hudud etnografiyasi, etnografizmlarida ham integratsion holatni namoyon qiladi. Hududda istiqomat qiladigan etnik xalqlar: pashtun, turkman, tojik, o`zbeklarning to`y-marosim etnografizmlarida ham uyg`un holatlarni kuzatishimiz mumkin. Jumladan, turkman, tojik xalqlari to`y-marosim etnografizmlari hudud o`zbeklari etnografizmlari bilan uyg`unlik hosil qilishi barobarida, va aksincha, o`ziga xosliklarini to`la darajada saqlab qolgan. Quyida Shimoliy Afg`onistondagi tojik hamda turkman xalqlari to`y-marosim urf-odatlarini bayon qilgan holda fikrimizni davom ettiramiz.

Sovchilik jarayoni tojiklarda “gap zani” – sulh tuzuvchilar, bitim tuzuvchilar yoki asokoli ya`ni oqsoqollar deb nomlanadi. Bunday deyilishiga sabab, sovchilikka odatda qariyalor borishgan. Tojik elatlarida unashtirish to`yi “Fotihayi to`yi” deb nomlanadi. Unashtirish jarayonida kuyovning ota-onalari kelinga boshdan-oyoq sovg`lar, kiyim-kechaklar taqdim qilishadi hamda bu “sarupo” deb nomlanadi. Aynan shu jarayon Shimoliy Afg`oniston o`zbeklari etnografizmlarida “sarpo”, “sarpoy” nomlari bilan ataladi. Tojik elatlarida kelinning uyiga kuyov tomonidan yog`, guruch, qo`y go`shti yuboriladi. Bu an`ana hudud o`zbeklariga ham xosdir.

Afg`onistonlik forsiyazbon tojiklarda to`y asosan “to`y”, “to`y arusi” deyiladi. Darhaqiqat, to`y deb ataluvchi so`z anglatgan marosimlar hamma vaqt hamma joyda kishilarning talabi, ehtiyoji bilan o`tkazilar ekan, ushbu hayotiy hodisaning turli elatlar va xalqlar va millatlardagi vujudga kelish tarixi, shakllari, tarixiy jihatdan kasb etgan xususiyatlarini o`rganish, uning tarkibida saqlanib qolgan umuminsoniy, milliy va mahalliy ijobiy an`analarni saqlab qolish qoloq, davr talablariga mos kelmaydigan jihatlarni isloh etish, kamxarajatli, ixcham to`ylar qilishga xalqimizni odatlantirish bugungi kunda dolzarb masalalardan biriga aylanmoqda. Tarixiy manbalarda saqlanib qolgan ma`lumotlarga qaraganda, “to`y” atamasi turkiy so`z bo`lib, “toy” yoki “qurultoy” shaklida mo`g`ullar va chig`atoy xonlari davrida ham keng qo`llanilgan. Tadqiq etilgan aksariyat ma`lumotlar asosida, “to`y” – qadim zamonlardan beri doimo katta jamoa, yuqori martabali katta hajmdagi yig`in, cheklanmagan miqdordagi ziyofat va dabdaba bilan uzviy bog`liq bo`lgan odatligi aniqlandi. O`zbek to`y marosimlari davrlar o`tishi bilan qisman o`zgarib borgan va har bir etnik guruhda o`ziga xos xususiyatlari bilan o`zaro farq qiladi. Qadimdan meros bo`lib kelayotgan to`y marosimlari islomgacha va islomdan keying ayrim magik xarakterga ega bo`lgan udumlarning hozirgi zamonaviy odatlar bilan qorishib ketganligini millatlar o`rtasidagi aloqalarning globallasuvi natijasidir. Jamiyatning asosiy bo`g`ini hisoblanmish oila munosabatlari nikohdan boshlanadi. To`y jarayonini “Yasavul” boshqaradi hamda to`y bazmida kuyov “sha” yoki “shah” – podshoh nomini oladi. To`y marosimi nihoyasida kuyovning soch olish udumi bajariladi. Bunda kuyovga yangi boshdan-oyoq kiyimlar taqdim qilinadi. Nikoh to`yidan oldin mulla chaqirilib nikoh o`qitiladi. Mullaning yoniga bir kosa suv, uning ustiga non qo`yiladi. Bu suv “nikoh suvi” yoki “obi nikoh” deb nomlanadi. Kelin nikoh o`qish jarayonida qatnashmaydi, uning yoniga bir kishi “padarvakil” buni “vakilota” ham deb ataydilar hamda ikki odam shohid borib “vakilota”ga qiz o`z roziligini va nafsiga vakil tutganini so`rab va bu jarayonga guvoh bo`lib keladi. Buni “shohidvakil” yoki “shohidlar” deb ataydilar. Shu guvohlar va “vakilota” gaplariga asosan mulla nikoh o`qiydi. Afg`oniston o`zbeklarida nikoh o`qish jarayoni shu holatda bo`ladi.



Shimoliy Afg'oniston etnik elatlari orasida turkmanlar ham salmoqli o'rinni egallashadi; ularning soni taxminan 2 millionga yaqin. Lekin bu haqida aniq ma'lumot mavjud emas. Shu bois bu hudud turkmanlarining ham o'ziga xos tarzdagi to'y marosimlari shakllangan. Turkmanlarda to'y boshlash jarayoni qarindoshlik aloqalarini bog'lovchi kishilar orasidagi kelishuvdan boshlanadi. Ya'ni ikki kishi o'zaro quda bo'lmoqchi bo'lsa, dastlab kelishib olishadi, undan so'ng kelin yoki kuyov bu haqida bilishadi. Shu holatni alohida qayd etish o'rinliki, turkmanlarda kelishuv jarayonini birinchi bo'lib erkaklar amalga oshiradi.

Ayollarning dastlab sovcilikka borishlari bilan o'zbek elatlari bu jihatdan farqlanadi. Ba'zi holatlarda bo'lajak kelin yoki kuyovning qanday ekanligini uning yaqinlari to'y kuni bilishadi. Ammo turli etnik guruhlarining qiz tanlash kritiriya (me'yorlari) bir-biridan farq etadi. Bunga ko'ra kelin bo'ladigon qizning bo'y-basti va andomiga va uning hunarmandchiligi va ish bilarmonligiga ko'ra ham alohida baho beriladi. Misol sifatida Pushtun yigitlari ko'pincha jismoniy jihatdan to'liq, semiz, sochlari uzun, ko'zlari katta bo'lgan qizlarni yoqtiradi. O'zbeklarda esa qizlarning husni jamolidan tashqari ularning qolin-gilam to'qish, tikuvchilik va pazandalik kabi mahoratlariga ahamiyat beriladi. To'ygacha bo'lgan urf-odatlar ham kelishuvdan so'ng bajariladi. Hudud turkmanlari ham o'zbek elatlari kabi to'yga tayyorgarlik ko'rish uchun maslahatga yig'iladilar, bu maslahat, "Kengash to'y" deb yuritiladi. "Kengash to'y"da kerakli narsalar haqida maslahatlashib olishadi. Hudud turkmanlarida to'y marosimining asosiy qismi kuyovnikida o'tkaziladi. Ba'zi holatlarda kelinning uyida ham to'y o'tkaziladi. To'y marosimida kelinni kuyovnikiga olib borish uchun taxtiravon ya'ni kajava tayyorlaydilar. Turkmanlarda kelinni dugonalari bilan birga gilam yo qoliga o'rab kajavaga solib erkaklar kuyovning uyiga olib borishadi. Shuningdek, kelinni kuyov qishlog'iga olib ketadigon paytda kelinning oila va yaqinlariga bog'liq kishilar tamonidan "Kesak otish" jarayoni boshlanadi. Bu marosimda yosh bolalar ramziy ma'noda kesaklarni otishadi. Afg'oniston o'zbeklarining ayrim hududlari (Javzjun viloyatining Shiburg'on mahallalari va qishloqlari)da, pashtun xalqining (Balx viloyatining Balx tumanida) aholilari orasida to'y marosimlarida "kesak otti" jarayoni hali ham kuzatiladi.

**Qalliq**, "Qayliq", "qallig" deb ham ishlatiladi

Biror yigitga unashtirilgan qiz, shu yigitga nisbatan aytiladi, "**qalliq o'yin**" unashtirilgan qiz bilan kuyovning nikoh to'yigacha, shariatga muvofiq ravishda, o'zaro uchrashib turishi.

Qo'shilish. "**qing'ilbozi**" deb ham ishlatiladi. Bu udum Afg'oniston o'zbeklari orasida kelin va kuyovga nikoh to'yidan oldin o'zaro birga bo'lish uchun ruxsat berish marosimi, bu urf shariatga muvofiq ravishda har hafta juma kechasi yigit qizni uyiga shirinliklar va sovg'lar olib uchrashish uchun borib turadi. Qallig' o'yinga boradigan kechasi o'zi bilan meva va quruq meva, shirinliklar olib boradigan rasm-rusm "qalliq meva" deb ataladi.

Afg'onistonlik tojik va pashtunlar orasida qallig' o'yin va qallig'ga borishni "qing'ilbozi" deb ataladi. Ba'zan ayrim hollarda qalliq o'yini natijasida qiz ota uyda katta to'y bo'lmasdan 2-3 farzandga ega bo'ladi. Ushbu udum Foroy viloyati Andxuy tumanida hozirgacha uchraydi, chunki Andxuy tumanida o'zbeklar turkman xalqi bilan birga aralash – bir mintaqada yashab kelmoqdalar. Afg'onistonlik turkmanlarda qalliq udumi bo'lmagan. Ular orasida kelin va kuyov uylangunga qadar bir-birlarini ko'rish va uchrashuvi mumkin emas, shuning uchun Andxuy o'zbeklari orasida ham qalliq o'yini rivojlanmaganligi turkmanlar urf- ana'nasi ta'sirida bo'lishi mumkin. Andxuy tumanida unashtirilgan kuyov nafaqat qilliq o'yinga bormaydi, balki kelinning oila a'zolari bilan nikoh to'yi o'tkazilguncha qayinota, qayinona, qayinaka, qayinopa va boshqa kelinning yaqinlari bilan yuzma yuz bo'lmaydi, u ularni ko'rgan paytda ko'zdan uzoqqa qochadi.

**Afg'onistonda guruhi to'ylar:**

Qalin miqdori Afg'oniston o'zbeklari, ayniqsa Foryob viloyatining Andxuy tumanida besh ming bilan o'n besh ming AQSH dollariga teng mablag' va bundan tashqari kelin uchun kamidan 50 yo 100 gramm oltin taqinchoqlarni yigit tomonidan ta'minlash kerak bo'ladi, ma'lumki dunyoning har yerida bo'lgandek, yoshlar oliy ta'lim olishi, oila tashkil etish uchun uy qurish yoki uy sotib olish, mashina, uy anjomlarini tayyorlash har bir yigitni hayotida zarur bo'lgan bosqichlar hisoblendi, tabiiyki, bular uchun katta mablag'ga ehtiyoj mavjud. Otasi boy va badavlat bo'lgan kishilar uchun ushbu maqsadlarga erishish oson, ammo kam ta'minlangan oilalardan kelib chiqqan yigitlar bu shartlarni to'ldirish uchun mehnat qilishlari lozim. Afg'onistondek mamlakatda ish ham

osonlik bilan topilmaydi, shuning uchun yigitlar Saudiya Arabistoni, Turkiya, Eron va Pokiston kabi chet mamlakatlarga ishlash uchun ketadilar va qalin mablag'i va to'y xarajatini qoplashi uchun yillarcha mashaqqatli ish sohalarda mehnat va zahmat chekadilar. Shuning uchun bu kabi yigitlarning yoshi uylanguncha 30 – 40 yoshga qadar yetib boradi. So'nggi yillarda Afg'onistonning shiya mazhabli hazora xalqi orasida kam ta'minlangan yigitlarga uylanishda yordam ko'rsatish uchun guruhliy nikoh to'y marosimlari bir jamg'arma yo badavlat kishilar tomonidan yo'lga qo'yilgan. Bunday to'y marosimida bir kunda va bir to'y xonada 100 va undan ko'proq uylana olmay yurgan yigit qizlar bir-biriga nikohlanib to'y o'tkaziladi. Bu esa uylanish va oila qurish shartlarni kam ta'minlangan yigitlar uchun ancha qulaylashtiradi.

Hozirgi kunda ularga ergashib ushbu ana Afg'onistonning boshqa etnik guruhlari jumladan, Foryob viloyatining o'zbeklari orasida ham shakllanib kelmoqda. Ayrim to'y-marosim udumlari hududdagi barcha elatlar uchun umumiy va mushtarakdir. Jumladan, "Kelin belbog'", "Po'ta tutdi", "Taxt jami", "Ijob qabul" "Shoh Kani yoki Shoh Geh Kuni" kabi udumlar barcha elatlarda faol amalga oshiriladi.

**Kelin belbog'i.** Afg'oniston tojik xalqlarida kelin uydan chiqishidan oldin kelinning otasi qizini yashil ro'molchaga kulcha non o'rab, unga duo beradi. Bu esa afg'onistonlik o'zbeklarda "kelin belbog'i" deb yuritiladi. Kelinning xonadonida to'y marosimi o'tgach kelin kuyovning uyiga uzatilayotgan paytda otasi kulcha tugilgan yashil rangli ro'molni qizining beliga bog'lab xayrlashib, duo beradi.

Afg'oniston tojik xalqida kelinni otasinikidan olib kelish paytda ot yo mashinalarda shaharga olib borib quvonch bilan "shorgasht" (shaharni kezdinirish) marosimi bo'lib o'tadi, bu udum o'tmishdan kelin va kuyovni olib ketayotganda arqon tutib yo'l tutadilar, kuyov kelinni uyiga olib ketayotganida yo'ldagi yigitlar tomondan ularni o'tkazmaslik uchun to'siq qo'yish jarayoni. Yigitlar belbog' yoki sallalarini olishib, ikki uchidan tutishib, yo'lni to'sishadi. Bunda "yo'l bering" deb achchiqlanmoq, yo ularning po'talaridan zo'rdan o'tib ketmoq maqbul emas. Kuyov tomonidan bir kishi ularga ma'lum miqdorda pul berib, to'siqni olishni iltimos qiladi, jarayon yo'lni to'suvchilar rozi bo'lishguncha davom etadi. Bu sho'xchan va qiziqarli, hazil-huzul bilan o'tadigan urf-odatlardan hisoblanadi.

**Shoh Kani yoki Shoh Geh Kuni.** To'yning ertasi kuni kechqurun kuyov va kelin faqat qisqa vaqtga kelinning ota-onasining uyiga borishadi va qaytib kelishadi, bu Shoh Kani yoki Shoh Geh Kuni deb nomlanadi, shuningdek, shu kuni rang-barang quriq mevalar va shirinliklar bilan turli xil pishirilgan ovqatlarni "Noshtoiy" nomi bilan uni kelinning uyidan kuyovning uyiga olib kelishadi, bu sifat jihatidan juda yaxshi va juda zo'r. Garchi bu ovqatlar kelin va kuyovga kelganda tayyorlansa-da, ular juda katta va xilma-xil bo'lib, ularni kuyovning oilasidan g'urur va iftixor sifatida yaqin do'stlariga tarqatadilar. Bu udum Taxor, Qunduz va Badaxshon viloyatlarida afg'onistonlik o'zbeklar orasida qo'llanilib kelingan, chunki nomidan ma'lumki, fors- tojik xalqidan o'zbeklarga o'tib kelgan.

**Taxtjami** forscha so'z bo'lib o'zbeklar "taxtyig'di" deydi. Kelin to'yidan bir-ikki kun keyin xotin-qizlar yig'ilib ko'rpa-to'shaklarni yig'ish marosimi. Bunda ikki tomon qudalarning yaqinlariga ziyofat beriladi hamda kuyov tomondan sovg'a olib kelganlarga qayta sovg'a-salomlar in'om etiladi.

"**Taxtjami**" afg'onistonlik tojik xalqida to'ydan bir necha kun - bir hafta o'tgach, kuyovning uyida ziyofat uyushtiriladi, unda kelin va kuyovning oilasi, qarindoshlari va do'stlari qatnashadilar, shuningdek, mehmonlar kelin va kuyovga sovg'alarini taqdim etishadi, bu marosim ziyofat, qo'shiqlar, raqs va bazm bilan tugaydi.

#### **Xulosa**

Bugungi kunda to'ylar shu qadar uzoq vaqt o'tkazilmayapti, qishloqlarda va mamlakatning chekka hududlarida to'ylar uch kun- bir hafta davom etadi, shuningdek, Kobul, Herot, Mazorisharif kabi katta shaharlarda to'ylar faqat kun va tun orasida o'tkaziladi, Garchi to'y marosimlarini o'tkazish qisqartirilgan bo'lsa-da, lekin yuqorida aytib o'tilgan barcha urf-odatlarini hisobga olgan holda, u ixcham va aniq tarzda o'tkaziladi.

Afg'oniston ko'p elatli mamlakat bo'lib, hududdagi aholi bir-birlari bilan doimiy aloqada bo'lishi natijasida ularning urf-odatlarini mushtaraklik hosil qilgan. Hududning etnomadaniy holati,

to'y-marosim etnografiyasi urug'-elatlarga mansublikka qarab turli-tumanlikni va o'ziga xoslikni tashkil etadi. Shu jihatdan Afg'oniston o'zbek urug'lari, ularning joylashuvi haqida yuqorida ma'lumotlar berib o'tdik. Afg'oniston o'zbeklari etnomadaniy holati, ayniqsa, ularning etnografizmlari borasida hali to'la darajada tadqiqotlar olib borilgani yo'q. Shu bois yuqoridagi ma'lumotlar hudud aholisining etnografiyasi, etnografik leksikasini o'rganishda o'ziga xos tarzda muhim deb hisoblaymiz.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. On the distribution of Turk tribes in Afghanistan. An attempt at a preliminary classification by Gunnar Jarring Lund. Printed by Hakan Ohlsson, 1939. Leipzig, Otto Harrassowitz.
2. Major C.E. Yate .C.S.I, Northern Afghanistan Or Afghan Boundary Commission, University Of California, 1993.
3. Burhoniddin Nomiq, Turk va Mug'il, Bunyd farhangi bahor mayhan, 1398 hijri shamsi Kabul Afg'niston.

4. عصمت الله عثمانی ( مشخصات نژادی ترکمن ها و اوزبیکها) 1388 هـ ش کابل، مطبعه کاروان
5. تاریخ مختصر تورکستان جنوبی، بهرالدین شارق، چاپ انتشارات خراسان، کابل: 1395.
6. فرهنگ تورکی به فارسی سنگلاخ، تألیف میرزا مهدی خان استرآبادی، مقدمه، مقابله و تصحیح توسط دکتر حسین محمد زاده صدیق، نشر اختر، 1394.
7. تلاش مقدماتی در جهت دسته بندی اقوام تورک افغانستان توسط گوناریارینگ ترجمه جلالیر عظیمی 1970.

*Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган*

## МУАЛЛИФ ОБРАЗИ: ЛИНГВОПОЭТИК ТАЛҚИН

**Турғунов А.** (Тошкент давлат Вебстер университети)

**Аннотация.** Мақолада фикр юритилган муаллиф образи асарда тасвирланган дунёни бошқарувчи, яъни уюштирувчидир. Баёнда ҳикоя қилувчи каби конкрет шахс тарзида намоён бўлади. У асардаги оламни муаллиф каби ичкаридан туриб, аниқ кузатувчи сифатида ёритади. Аммо баъзи асарларда муаллиф мутлақо йўқ бўлиб кўринади. Бу эса ижодкорнинг маҳоратини кўрсатишда таянч манба вазифасини ўтаган.

**Таянч сўзлар:** лингвопоэтика, муаллиф образи, эмоция, сахнавий баён, эпик баён, ровий образи.

**Annotation.** The image of the author considered in the article is the ruler of the world described in the work. In the narrative, the narrator is seen as a specific person. He illuminates the world of the work from the inside as an author, as a clear observer. However, in some works the author seems to be absent. This served as a source of support for the artist's skills.

**Key words:** linguopoetics, author's image, emotion, stage expression, epic expression, narrator's image.

**Аннотация.** Рассматриваемый в статье образ автора является описанным в произведении властителем мира. В повествовании рассказчик рассматривается как конкретный человек. Он освещает мир произведения изнутри как автор, как ясный наблюдатель. Однако в некоторых работах автор, кажется, отсутствует. Это послужило источником поддержки навыков художника.

**Ключевое слова:** лингвопоэтика, авторский образ, эмоция, сценическая экспрессия, эпическая экспрессия, образ рассказчика.

Бадий асар нутки билан боғлиқ муаммоларга оид кўплаб терминлар учрайди. Ундаги воқеа-ҳодисалар баёнида қаҳрамонлар хатти-ҳаракати ҳақида кимдир ҳикоя қилади. Биз унинг қилган ҳикояси орқали асарда тасвирланган воқеа ҳамда образлар фаолияти билан танишиб борамиз. Бу ҳолат адабиётнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Бу шакл мумтоз адабиётимиз намояндалари фаолиятида ҳам кўзга ташланади. Бадий асарда образлар хатти-ҳаракати ва нутқий муносабатларини бошқариб турадиган кенг қамровли нутқ шакли аҳамиятли. Ҳар қандай нутқ ўз субъектига эга бўлгани каби шу нутқнинг ҳам эгаси бор. У эпик асарларда ровий, ҳикоячи, баёнчи, муаллиф тарзида намоён бўлади. Бу каби шакллар китобхонда муаллиф образи ҳақидаги таассуротни пайдо қилиши табиий.

Баён ҳолисона олиб борилган асарларда муаллиф шахси иштироки ўқувчи учун сезилмаса-да, мутолаа жараёнида муаллиф ҳақидаги умумий тушунча шакллана боради. Биз

бадий асар моҳиятига қанчалик чуқур кириб борганимиз сари тасавуригимизда муаллиф ҳақида умумий қараш аён бўлади. Унда, биринчидан, муаллиф манерасини, борлиққа субъектив муносабатини одамлар характери ҳақидаги тушунчасини англай борамиз. “Асар яхлит бадий системасини ташкил этувчи барча услубий воситаларни ўзаро боғловчи, уларни маълум мақсадда уюштирувчи куч автор образи саналади”<sup>1</sup>. Асарда ҳаракатлантирувчи куч баёнчи нутқи бўлиб, у гоёвий маъно ташишда ва автор мақсадини рўёбга чиқаришда асосий таркибий қисм вазифасини ўтайди. Баёнчини муаллифдан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Муаллиф учун санъатнинг энг муҳим хусусияти асарнинг эмоционаллиги ҳисобланади. У камида икки манбадан – ижодкорнинг ижод объектига аниқ ва эҳтимол кўзда тутилган оламга бўлган муносабатидан келиб чиқади. “Ижодкорнинг воқеликка бўлган эмоционал муносабати, – деб ёзади, Храпченко — унинг дунё эҳтиёжлари ва ташвишлари, мукамалликка бўлган интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир”<sup>2</sup>. Асар эмоционал жиҳатдан бойлигининг иккинчи манбаи —бу одамларнинг турли ҳис-туйғуларининг ифодасидир. Биринчи манба санъатнинг тасвирий турларида, иккинчи манба эса санъатнинг ифодали турларида устунлик қилади.

Насрда муаллиф образини ўрганишда баён шакли муҳим ўрин тутаяди. Олимлар баён шаклини икки хил тасниф қилади: “... шартли равишда эпик ва сахнавий баён”<sup>3</sup>.

1. Эпик баёнда муаллиф томонидан бошқарилаётган образлар унинг ўрнини билдириб туради. Бунда муаллиф китобхонни воқеалар юз бераётган макон ва улар дунёсида ҳаракатланаётган тирик жон билан таништиради. Қаҳрамонларни қандай тушуниш мумкинлигини айтади. Уларнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки маънавий дунёси, индивидуал қарашларини ҳам ойдинлаштира боради. Асарда муаллиф ҳукмронлиги унинг ҳар бир элементини юзага чиқаришда кўмаклашади.

2. Сахнавий баёнда муаллиф ҳикоя қилаётган воқеа, ҳаракатлар ва баёнчи нутқи қоришуви орқали ремаркаларда акс этади. Бу услуб кўпроқ драматик асарларда учрайди. Бунда тавсифчилик асосий ўринни эгалламайди, унинг вазифасини имо-ишоралар бажаради<sup>4</sup>.

Насрий асарларда эпик ва сахнавий баёнларнинг қўшиливи натижасида тасвирнинг кучайиши эътиборни тортади. Шу ўринда адабиётшунос Ўрал Носиров баён шакли таснифида кинематографик баён ҳам мавжудлигини қайд этганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унга кўра воқелик қисқа-қисқа аммо ёрқин тасвирланади, муаллиф образининг борлиги сезилмайди.

Асарнинг баён шаклида муаллиф образи билан ровий образи табиатини аниқлаш осон кечадиган ҳодиса эмас. Бунда муаллифнинг ровий сифатида борлиқ тасвирига муносабати, сюжет йўналиши, образлар системаси, асар кулминациясида қўйилган қаҳрамон тақдири, ёзувчи услуби, асар жанри ва бошқа унсурлар ҳам муҳим саналади. Ровий образининг табиати муаллифнинг тасвир объектига муносабати ва у яшаётган муҳитга боғлиқлигини кўрсатади. Шунга кўра баён шакли асар композицияси асосида туради. Баён услуби қаҳрамон нутқи билан бир мақсадда мувофиқлашади.

Айрим рус олимлари эпик асарларда муаллиф образини ўрганишга бағишланган тадқиқотларида баённи тўрт турга ажратиб, биринчи турга биринчи шахс томонидан олиб борилган баённи киритадилар ва уни “баёнчи – автор (воқеаларнинг бевосита гувоҳи ёки иштирокчиси) амалга оширади, бу биринчи шахсдаги баёнчидир”<sup>5</sup>, дейдилар. А.А.Нестеренко ўз тадқиқотида муаллиф образи ўрнига баёнчини тавсия этади. Бу борада эса у Л.И.Тимофеев қарашларига таянади. У эса В.Виноградовнинг “автор образида бадий асар услубининг барча белги ва хусусиятлари бирлашади”<sup>6</sup> тарзидаги фикрига қарши чиқади. У баёнчи образини “... баёнчи образи автор нутқи ёрдамида асарда тасвирга тортилган

<sup>1</sup> Носиров Ў. Ижодкор, шахс, бадий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 155.

<sup>2</sup> Храпченко М.Б. Горизонты художественного образа. – Москва: Художественная литература, 1986. – С. 86.

<sup>3</sup> Носиров Ў. Ижодкор, шахс, бадий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1987. – 156 б.

<sup>4</sup> Ўша асар. – Б. 156.

<sup>5</sup> Нестеренко А.А. Авторская позиция в повествовательном произведении: и Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: 1970. – С. 22.

<sup>6</sup> Виноградов В.В. Проблема авторства и теория стилей. – Москва: 1961. – С. 34.

баёнчи образига мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин. У ёзувчининг индивидуаллиги билан бевосита боғлиқ бўлмаган образ бўлади. Шунинг учун ҳам биз баёнчи образи тушунчасидан фойдаланамиз<sup>1</sup> деган фикрни илгари суради. Аслида муаллиф образининг баёнчи билан айнан ўхшашлиги асосий масала эмас, балки асарнинг яхлитлигини таъминлаш асардаги барча образларни аниқ бир ғоявий-бадий ният йўлида уюштирилиши, тасвир кўламининг бадий қимматини юзага чиқариши ва ўзининг бадий феномен сифатида қай даражада шаклланганлиги муҳимдир.

Умуман, насрда муаллифнинг баён системаси асосан биринчи шахс бирлик шаклидаги ҳикоячи, ҳикоячи ва бош образ ҳамда учинчи шахс бирлик шаклидаги ровий композицион типларидан иборат бўлади. Масалан, “Отандан қолган далалар” романида “Ўғлимизни бир ёнига ағдардим. Нима экан дея, бағрига қарадим.

Ўғлимиз бағрида икки дона хурмо бўлди.

Ўғлимиз хурмоларни тагин-да бағир босди. Ер тепиб-ер тепиб йиғлади.

– Бермайман, йўқ, бермайман! – деди.

Ўғлимизни даст кўтариб қўлтиқлаб олдим.

Ўғлимиз қўлтиғимда тепкилаб йиғлади. Билакларимни тишлаб йиғлади. Ёш болани тиши ёмон-да – билакларим ачишиб оғриди.

Бир амаллаб ичкари олиб кирдим. Оғзига тарс эткизиб бир урдим.

Жони ёмон-ёмон оғриди шекилли – оғзини ушлаб-ушлаб йиғлади.

Ана шунда хурмолар ер тушди. Хурмолар юмалаб-юмалаб жўнади.

Мен хурмоларни ушлаб-ушлаб келдим.

Ҳамсоя-қўлларникидан онамиз келди. Оғзини ушлаб ётмиш ўғлимизни ердан кўтариб олди.

Шунда, ўғлимизни оғиз бурнида қип-қизил қон кўрдим.

Онамиз ўғлимизни ер энкайтирди. Кафти билан оғиз-бурнини артди.

– Ҳа, қўлинг синсин-а, шугина норасидани урган қўлгинанг синсин-а! – деди.

Онамиз теварак аланглади. Тандир олдида ётмиш темир косовни олиб отди.

Мен энкайиб қолдим – косов устимдан ўтиб кетди<sup>2</sup>. Носирнинг бунда баён йўли биринчи шахс тилидан бериляпти. Асарда ҳикоя биринчи шахс тилидан сўзланса, унда тасвирнинг ишонч кучи ортади, ортиқча таъкид ва тавсифлардан йироқлашади. Муаллиф ровийнинг ишончли ахборотига аралаша олмайди. Асар китобхонга қаҳрамон(бош образ)нинг ўзи гувоҳи бўлган воқеаларни айтиб бергани билан ишонч бағишлайди. Ўқувчи ишончи эса асарнинг бадий қимматини оширади. Асардан келтирилган юқоридаги лавҳада отанинг ўғлидан меҳмонга аталган хурмони оламан деб уриниши анча жўн туюлса-да бизни бефарқ қолдирмайди. Ота ўғлининг меҳмонлар дастурхони учун олинган мевани билдирмасдан олганига асабийлашади ва қизишиб кетади. Оқибатда ўғлининг бурни қонаб, шундан сўнг ота ачиниш ҳиссини туяди. Ушбу парчада “ер тепиб-ер тепиб”, “ёмон-ёмон оғриди”, “оғзини ушлаб-ушлаб йиғлади”, “юмалаб-юмалаб жўнади” тарзидаги такрорлар ровийда чуқур ачиниш ҳисси борлигини англатади ва тасвирда маъно кучайишига олиб келган. Агар ровий бош образ бўлмаса, китобхон бу ҳисни туймайди. Насрдаги бу баён шакли биринчи шахс бош қаҳрамон бўлгани учун ҳам ҳеч қандай воқеа яширилмасдан айтилади. Агар воқеаларни муаллиф сўзласа, анча андиша сақлаб, ўша жараёни шу даражада очиб беролмаган бўларди. Дехқонқулни муаллиф рост сўзлашга ўргатади. У ўзини фош қилиш йўлидан борса-да, ўзидаги самимиятни сақлаб қолган. Бу эса асар муваффақиятини таъминлаган. Шу асар баён тили ҳақида олим Д.Қуронов шундай фикр юритади: “Дехқонқул рисоладагидек романий қаҳрамон талабларига жавоб бермайдигандек. Назаримда, бунга – Дехқонқулнинг тўлақонли романий қаҳрамон сифатида бўй кўрсатишига – ривоятнинг биринчи шахс тилидан берилгани монелик қилган<sup>3</sup>. Биз бу фикрга матн контекстидан келиб

<sup>1</sup> Тимофеев Л.И. Советская литература. Метод, стиль, поэтика. – Москва: 1964. – С. 227.

<sup>2</sup> Тоғай Мурад. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 157.

<sup>3</sup> Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 221–222.

чикиб муносабат билдиришни лозим билдик. Асар матнини айнан, олим айтган баён тилида берамиз.

Бизнингча, носир юқоридаги парча баёнини III шахс тилидан берса, жараёнга муаллиф аралашади ва анъанавий баён услубидан чикиб кетолмайди. Асарнинг ишонтириш қуввати сусаяди. Фикримизни исботлашга ҳаракат қилиб кўрамиз.

“Ўғлини бир ёнига ағдарди. Нима экан дея, бағрига қаради.

Ўғлининг бағрида икки дона хурмо бўлди.

Ўғли хурмоларни тагин-да бағир босди. Ер тепиб-ер тепиб йиғлади.

Бермайман, йўк, бермайман! – деди.

Ўғлини даст кўтариб қўлтиқлаб олди. Ўғли қўлтиғини тепкилаб йиғлади. Билақларини тишлаб йиғлади. Ёш болани тиши ёмон-да – билақлари ачишиб оғриди.

Бир амаллаб ичкари олиб кирди. Оғзига тарс эткизиб бир урди.

Жони ёмон-ёмон оғриди шекилли – оғзини ушлаб-ушлаб йиғлади.

Ана шунда хурмолар ер тушди. Хурмолар юмалаб-юмалаб жўнади.

У хурмоларни ушлаб-ушлаб келди.

Ҳамсоя-қўлларникидан онаси келди. Оғзини ушлаб ётмиш ўғлини ердан кўтариб олди.

Шунда, ўғлининг оғиз бурнида қип-қизил қон кўрди.

Онаси ўғлини ер энкайтди. Кафти билан оғиз-бурнини артди.

– Ҳа, қўлинг синсин-а, шугина норасидани урган қўлгинанг синсин-а! – деди.

Онаси теварак аланглади. Тандир олдида ётмиш темир косовни олиб отди.

У энкайиб қолди – косов устидан ўтиб кетди”. Бу ўрнида баён бевосита эмас билвосита III шахс бирлик шаклида бериляпти. Ўқувчи билан бадиий асар ораси икки қадам узоклашгандай бўлди. Ўз-ўзидан бу ҳолат асар бадииятига таъсир этади. Бундан ташқари, қаҳрамон нутқидаги юклама шаклларининг келиши чуқур таъкид маъносини ҳам англаган.

Дехқонқулнинг тўлақонли романий қаҳрамон талабига жавоб бериш ёки бермаслик масаласи асарнинг қайси шахс тилидан баён қилинганидан кўра мураккабга ўхшаб кўринади. Биз юқорида айтмоқчи бўлган асарда воқеа биринчи шахс тилидан баён қилиниши классик адабиётимиз намояндаси Бобур мирзонинг “Бобурнома”, Муқимийнинг “Саёҳатнома”сида ҳам учрайди. Тоғай Мурод эса бу мумтоз анъанани, яъни бадиий асарни баён қилиш йўлини ўзлаштириб, ўзбек насрида умуман ўзгача баён қилиш йўлини кашф қилди ва унинг бу йўли бошқа ижодкорларни такрорламади, аммо уларнинг тажрибаларини синкретик тарзда қўллаб ўзининг бетақрор киёфасини акс эттирди.

Ижодкор халқи ўзининг ёзиш услуби (йўли) билан ўзига хосликка ва ўзлигини намоён этишга интилиб яшайди.

Учинчи шахс бирлик шаклидаги ровий образи асарда тасвирланган оламдан ташқарида, ойна ортида бўлади. Асардаги воқеаларга аралашмайди. Уларни ташқаридан кузатади. Аммо муаллиф асарда бошдан охир иштирок этади. Иштирок этганда ҳам қаҳрамонлар ортига яширинган ҳолда иштирок этади. У ўзининг шахсий муносабатини, асар бадииятига сингдирган ҳолда баён қилади.

Тоғай Мурод насридаги муаллиф образи, ровий ёки баёнчи хусусида фикр юритилганда муҳокама қилинаётган масала беихтиёр услуб масаласига бориб тақалади. Жараёндаги кўпчилик ёзувчиларни ёзиш йўли (услуби, стили)дан таниб олиш қийин. Аммо Тоғай Мурод ижод саҳнасида пайдо бўлгандан сўнг унинг ижод йўсини намуна сифатида кўрсатила бошланди. Адабиётшунос Нусратулла Жумахўжа адиб ижоди услубига тўхталиб шундай ёзади: “Ўйлаб кўринг, Тоғай Мурод ўз янги услубини шакллантирмагунча “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар”, “Отамдан қолган далалар” асарларини эълон қилмаган... Хўш, ҳозир қайси ёзувчимиз шундай меҳнат қиляптики, биз унинг ижодий киёфасини таниб олсак”<sup>1</sup>. Адабиётшунос адабиётимиз келажаги ҳақида ўйлаб, озроқ эмоцияга берилиб ёзади, талаб даражасини анча юқори кўяди. Тўғри, Тоғай Муроднинг ижодий услуб(йўли)и айнан баён тарзида ойдинлашади ва ўзини оқлайди.

<sup>6</sup> Сарчашма мавжлари. – Тошкент: Mashhur-press, 2016. – Б. 399.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Носиров Ў. Ижодкор, шахс, бадий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 155.
2. Храпченко М.Б. Горизонты художественного образа. – Москва: Художественная литература, 1986. – С. 86.
3. Носиров Ў. Ижодкор, шахс, бадий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1987. 156 б.
4. Нестеренко А.А. Авторская позиция в повествовательном произведении: и Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: 1970. – С. 22.
5. Виноградов В.В. Проблема авторства и теория стилей. – Москва: 1961. – С. 34.
7. Тимофеев Л.И. Советская литература. Метод, стиль, поэтика. – Москва: 1964. – С. 227.
8. Тоғай Мурод. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 157.
9. Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 221–222.
10. Сарчашма мавжлари. – Тошкент: Mashhur-press, 2016. – Б. 399.

*Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган*

## ЎҚУВ ФРАЗЕОЛОГИК ЛУҒАТДА СЎЗ ТАНЛАШ МУАММОЛАРИ

**Раджабова З.И. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мақолада тилшунослигимизда фраземаларни танлаш ва лексикографик семантизациялашнинг назарий ҳамда амалий муаммолари, ўқув фразеологик луғат учун сўз танлашдаги муҳим ва характерли хусусиятлар, ўқув фразеологик луғат сўзлигини шакллантирадиган асосий ва қўшимча манбалар ҳақида сўз боради.

**Key words:** *corpus, idiom, speech stamp, phraseological confusion, phraseological integrity, phraseological minimum, lexical minimum, теоним.*

**Аннотация.** В статье рассказывается о выборе фразем и теоретических, а также практических проблемах лексикографической семантизации, о важных и характерных особенностях выбора слова для учебного фразеологического словаря, основных и дополнительных источниках, формирующих учебно- фразеологический словарь.

**Ключевые слова:** *корпус, идиома, речевой штамп, фразеологическая путаница, фразеологическая целостность, фразеологический минимум, лексический минимум, теоним.*

**Annotation.** The article reveals the choice of phrases, theoretical and practical problems of lexicographic semantisation, important and characteristic features of the choice of a word for an educational phraseological dictionary, the main and additional sources that form an educational phraseological dictionary.

**Таянч сўзлар:** *корпус, идиома, нутқий штамп, фразеологик чатишма, фразеологик бутунлик, фразеологик минимум, лексик минимум, теоним.*

Ҳар қандай луғат иши дастлаб корпус – луғат сўзлигини шакллантиришдан бошланади. Ўзбек тилида яратилган фразеологик луғатлар таҳлили умумий ўрта таълим мактабларининг турли босқичлари – бошланғич, ўрта, юқори синф ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган фразеологик луғатлар сўзлигини шакллантиришда жиддий муаммолар мавжуд эканини кўрсатади. Айнан шундай муаммолар тилшунослигимизда фраземаларни танлаш ва лексикографик семантизациялашнинг назарий ҳамда амалий муаммоларини ҳал этишни кун тартибига олиб чиқишимизга сабаб бўлди.

Ўқув луғати сўзлигини шакллантириш мезонлари ўқув луғатчилиги асосчиларидан бири Л.А.Новиковнинг ўқув луғатида берган характеристикасида (“кичик ҳажм, катта мақсад”) қисман аксини топади. Олим кейинчалик С.Г.Бархударов билан ҳаммуаллифликда ёзган “Ўқув луғати қандай бўлиши керак?” номли мақоласида ўз фикрини давом эттириб, кичик ҳажмда катта таълимий мақсадни олдиға қўйиш луғат учун сўз танлаш жараёнида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши хусусида тўхталади: “Ўқув лексикографиясини академик лексикография билан таққослаганда, умуман олганда, кичик ҳажмда катта таълимий мақсадга йўналган лексикография деб таърифлаш мумкин. Ўқув луғатларининг табиати бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади. Бу, авваламбор, уларнинг методик йўналиши ва таълимнинг муайян босқичи (бошланғич, қуйи, юқори), тил

ўрганишнинг мақсад ва вазифалари, хорижий тил ўрганувчиларнинг миллати ва бошқа жиҳатларини қатъий ҳисобга олиши билан боғлиқ”.

“Бундай луғатларнинг яна бир муҳим ва характерли хусусияти, – дейди муаллиф, – тил материалининг аниқ, мақсадга мувофиқ танланишидир. Ўқув луғати ўз тузилмаси ва сўзликнинг аниқ таркибига қўйилган талабни оқлаши учун ўқув-методик мақсадга мувофиқлик мезонини кондириши керак”.

Демак, бу тоифадаги луғат корпусидан фақат ва фақат энг зарур, энг кўп қўлланадиган фраземаларгина ўрин олиши лозим.

П.Н.Денисов “Ўқув луғатлари лексикасини танлаш мезонлари” номли мақоласида ўқув фразеологик луғат сўзлигини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар хусусида тўхталар экан, хануз ўқув луғатларида фразеологизмларни танлаш масаласида юқорида келтирилган ўқув луғати сўзлигини шакллантиришга оид умумий талаблар – “энг зарур, энг кўп қўлланадиган, энг маъқул бирликни танлаш”дан бошқа ягона тўхтама ва аниқ кўрсатма йўқлигини таъкидлайди.

Кичик ёшдаги фойдаланувчиларга мўлжалланган бир неча ўқув фразеологик луғатлар муаллифи Е.И.Рогалёва ҳам ушбу муаммога муносабат билдирар экан, луғатнинг манзилли йўналганлиги (фойдаланувчининг аниқлиги) айна пайтда ўқув фразеологик луғат корпусини шакллантириш тамойилларини ҳам белгилаши, улар биринчи навбатда, таълим олувчи (адресат) учун коммуникатив жиҳатдан муҳим ва маданий жиҳатдан аҳамиятли бўлиши, шу билан бирга болалар луғати учун, умуман, кўплаб фразеологик манбалар учун материал танлаш, субъектив ёндашишни талаб этишини таъкидлайди. У ўрта мактаб ўқувчилари ҳақида гап кетганда Максяшинанинг фразеологик минимуми муаммога ечим бўлиши мумкинлиги, бироқ рус тилида бошланғич синфлар учун мўлжалланган бундай минимумларнинг тузилмаганлиги кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган ўқув фразеологик луғат сўзлигини шакллантириш масаласининг хануз муаммолигича қолишига сабаб бўлаётганини афсус билан тилга олади.

Ўқув луғати сўзлигини шакллантириш бирмунча мураккаб жараён бўлиб, бунда бир неча мезонларга амал қилиш талаб этилади. Ушбу мезонлар ҳам лингвистик, ҳам методик, ҳам дидактик талабларни қониқтириши, уйғунлаштириши лозим. Уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

1. Ўзбек тилида ўқув фразеологик луғат яратиш билан энг катта муаммо, илмий жиҳатдан асосланган бирликларни танлаш билан боғлиқ. Фразеологик ўқув луғат – антропоцентрик луғат, у тилни тадқиқ қилиш, ривожлантириш муайян даврдаги ҳолатини акс эттириш эмас, ёши, таълимнинг қайси босқичида экани, иқтидори, алоҳида қобилиятлари, индидуал таълимга эҳтиёжи ҳисобга олинган ўқувчининг нутқий компетентлигини ошириш учун мўлжалланади. У илмий жиҳатдан мунозарали фикрлар, баҳсга сабаб бўлувчи бўшлиқлар, таълим мақсади, мазмуни, ўқитиш услубига доир чалкашликлардан мутлақо холи бўлиши шарт. Нафақат ўзбек тили, балки ўқув фразеографияси тараққий этган бошқа тиллар, хусусан, рус, инглиз тилларида яратилган ўқув фразеологик луғат намуналарини кузатар эканмиз, мазкур луғатларда сўзликни шакллантиришда ибора, идиома, бирикмали терминлар, мақол ва маталлар, қўшма сўзлар, нутқий штамп (кириш ва киритма бирикмалар, расму одат ундовлари) ва клишелар (эпик қолип)нинг аралашиб кетиши билан боғлиқ ҳолатлар кўп учрашига гувоҳ бўламиз.

Тилшунослигимизда фразеологизм тадқиқига бағишланган дастлабки ишларда академик В.В.Виноградов томонидан ишлаб чиқилган структурал-семантик тасниф етакчилик қилган ва фразеологик бирликлар фразеологик чатишма, фразеологик бутунлик, фразеологик қўшилмаларга ажратилган бўлса, сўнгги тадқиқотлар ўзбек фразеологиясига оид бу ишлардаги энг катта нуқсонни уларда тилимизнинг бой ва серқирра фразеологик тизимига акад.В.В.Виноградов таснифи нуқтаи назаридангина ёндашилгани, туркий тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг ўз ички табиати инобатга олинмаганлиги билан асослаб, танқидий ёндашди. Фразеологизм бошқа ўхшаш ҳодисалардан “нутқ жараёнида тайёр ҳолда қўлланиладиган, семантик жиҳатидан сўзга муқобил, структура ва маъно жиҳатидан бирикма ва гапга тенг, узларидан бирининг ёки умумий бирикманинг кўчма



маъноси асосига қурилган турғун бирикмалардир” тарзидаги қатъий таъриф билан чегараланади. Шу соҳада изланишлар олиб борган Б.Жўраева фразеологизмларни мақоллар билан ёнма-ён қўяди ва ҳар иккисини идиомага киритади: “Мақоллар ва фразеологизмлар идиомалар деб юритилар экан, демак, улардаги мазмун кўчма маънога асосланган бўлади”. Такрор бўлса-да, диссертация фразеологиянинг бирлиги масаласига ойдинлик киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганлигини таъкидлаймиз. Аммо ўқув фразеологик луғат корпуси – луғат сўзлигини шакллантириш ва луғат мақолада уларни изоҳлашга доир таҳлилларни олиб боришда биз ўзбек фразеографиясининг энг сўнгги ютуқларига суянамиз. Шу билан бирга, бошқа тилшуносликларда кузатилгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам хануз фразеологизмларнинг таркибидаги бирор узви кўчма маънода бўлган (ибора) ва барча узвлари кўчма маънода бўлган (идиома) каби турларини ажратиш тадқиқ қилиш ҳолатлари ҳам учраётганлигига эътирозимиз йўқ.

Шунчаки тилшуносликдаги бу ҳолатга тилнинг барча сатҳ бириклари орасида икки сатҳ белгиларини ўзида сақлаган оралик учинчилар мавжудлиги, фразема, мақол, парафраза, қўшма сўз, эвфемизм, сўз бирикмалари эволюцион тараққиёти жараёнида муайян муддат бири-иккинчисига хос белгиларни ўзида сақлаб туриши, гибридлиги, ўтиш босқичида муайян белгиларнинг бир-бирида такрорланиши, фраземалашуш жараёнларининг охирига етмаганлиги деб изоҳ берган ҳолда ишда тилшуносликнинг фразеологик бирикма, идиома, турғун бирикма, она тили таълимининг ибора номи билан юритилаётган терминларига синоним сифатида қараймиз.

Фразеологизм лексема ҳосил бўлиш манбаларидан бири бўлиб, қўшлаб қўшма сўзлар фразеологизмларнинг тадрижий тараққиёти натижасида юзага келади: *яхши кўрмоқ, ёмон кўрмоқ, қаттиққўл, оқкўнгли, тилиқисиқ, ичиқора, қўликалта, тилизун ҳолдан тоймоқ, кўнгли бўш, ранги совуқ, юраги тоза, авзойи бежо, дили сиёҳ, кайфи бузуқ*. Муайян даврлар ўтиши билан фразеологик бириклик лексикализацияга учрайди. Аксарият фраземаларнинг эркин ва турғун бирикма ёки қўшма сўз шаклида тилда параллел ишлатиши ҳамда бу ҳодисага нисбатан синтактик-фразеологик омонимия сифатида қаралишида ҳам бу жараённинг қолдиқларини кўриш мумкин. Масалан:

Эркин бирикма	Турғун бирикма
<b>Тўнини тескари киймоқ</b>	
<i>Шошилганидан тўнини тескари кийиб олди</i>	жаҳли чиқмоқ, жаҳл отига минмоқ
<b>Ўз ёғида қовурилмоқ</b>	
<i>Семиз қўй ўз ёғида қовурилди.</i>	виждон азобида қийналмоқ
<b>Бошига қўтармоқ</b>	
<i>Тугунни бошига қўтармоқ</i>	1. Хурмат қилмоқ. 2. Тўполон қилмоқ

Бу ҳолатни аксарият эркин бирикмаларнинг турғун бирикмага, турғун бирикмаларнинг қўшма сўзларга айланиши – лексемалашуш жараёни таҳлилида ҳам кўриш мумкин. Масалан:

Эркин бирикма	Турғун бирикма	Қўшма сўз
бошнинг оғриғи	бош оғриқ	бошоғриқ
тош (дек) юрак	тош юрак	тошюрак
яхши кўрмоқ	яхши кўрмоқ	яхши кўрмоқ
қаттиқ қўл	қаттиқ қўл	қаттиққўл
	ҳолдан тоймоқ	ҳолдан тоймоқ
	сув текин	сувтекин

Тилшунослигимизда қўшма сўз (қўшма феъл, қўшма сифат, қўшма от) ва ибора чегараси аниқ ажратилмаганлиги, қолаверса, фраземанинг лексемага ўтиш жараёни тўла яқунламамаганлиги, она тили таълимида ҳар икки ҳодиса моҳиятини очиш, қўшма сўз ва фразеологизмларни ўқитиш жараёнида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Б.Менглиев ва М.Худойбердиеваларнинг “Ўзбек тили иборалари ўқув луғати”да

*авж олди, баҳо берди, бардош берди, дам олди, дод солди, хабар берди, хабар топди, хабар олди, халақит берди, оро берди, зеб берди, йўл олди, оқ кўнгил, ташивиш чекди, тан берди, тан олди, танбех берди, разм солди, путур етди, ихлос қўйди* каби айна пайтда қўшма сўз хисобланувчи бирликларнинг берилиши уларга берилган изоҳларда ҳам кўринади:

**Izza tortdi** - izza bo'di, uyaldi (20-б.)

**Ixlos qo'ydi** – e'tiqod bilan qaradi (20-б.)

**Oro berdi** – ko'rinishini ko'rkam, chiroyli qildi (41-б.)

**Qarshi oldi** – kutib oldi (45-б.)

**Rahmi keldi** – ayash, achinish hissi uyg'ondi (48-б.)

**Razm soldi** – sinchkovlik bilan kuzatdi (48-б.)

**Tan oldi** – e'tirof qildi (52-б.)

**Tanbeh berdi** – yengil-yelpi jazoladi, urishib qo'ydi (52-б.)

**Xabar berdi** – xabardor qilib qo'ydi (56-б.)

**Xabar topdi** – xabardor qilindi (56-б.)

Шунингдек, сўзлик таркибида *абгор бўлдик, абгор бўлган, абгор бўлганди, абгор бўлиб, абгор бўлибди, абгор бўлибсан, абгор қиласан, абгор қилган, абгор қилганди, абгор қилиб, абгор қилибди, абгор қилма, абгор қилмаган, абгор қипти* (12-бет), *аҳмоқ биласан, аҳмоқ билдим, аҳмоқ бўлади, аҳмоқ бўламан, моқ бўласан, аҳмоқ бўлдинг, аҳмоқ бўлгани, аҳмоқ бўлиб, аҳмоқ бўлмагин, аҳмоқ бўлмайман, аҳмоқ бўп, аҳмоқ қилади, аҳмоқ қип* (12-13-б.) каби қўшма феълларнинг бир неча грамматик шакллари кiritилиб, деярли бир хил изоҳланиши, *соф дил (софдил), тош бағир (тошбағир), тош кўнгил (тошкўнгил), тош юрак (тошюрак)* каби қўшма сифатлар имлоси бузилган ҳолда танланиши ҳам луғат сифатига таъсир этган.

Луғатда бир сўздан иборат қўшма ва кўчма маъноли содда сўзлар ҳам фразеологик бирлик сифатида берилади:

**Qochirdi** - juda ustun chiqdi, osonlikcha yengdi (46-б.)

**O'tdi** – vafot yetdi (65-б.)

**Uzildi** – vafot yetdi (56-б.)

**Soddadil** – ishonuvchan, jo'n (49-б.)

**Oqko'ngil** – yaxshi niyatli, boshqalarga yomonlikni ravo ko'rmaydigan (40-б.)

**Kechirmoq** - 1) o'z hayotida ko'rdi 2) ma'lum bir muddat fikrladi (26-б.)

Ушбу луғатга илк марта ўқув луғати нуқтаи назаридан ёндашган Б.Йўлдошев луғатни юкори баҳолаган ҳолда, луғатга сўз танлаш ва уни изоҳлаш билан боғлиқ камчиликларни ҳам кайд этган эди: “Мазкур ўқув фразеологик луғат ўзбек фразеографиясидаги дастлабки тажриба бўлгани учун унда ютуқлар билан бирга қатор нуқсонларга ҳам йўл қўйилган: 1) ибора бўлиши учун унинг таркиби доимо икки узвдан иборат ташкил топиши ҳаммага аён ҳақиқатдир. Аммо бу луғатдан “бетламаслик” (9), “элбурутдан” (14) сингари бир узвдан иборат “иборалар” ҳам ўрин олган; 2) Иборалар семантикасида кенг тарқалган маънодошлик, вариантдошлик ва зид маънодошлик хусусиятлари ҳам ўқув луғатида инobatта олиними лозим эди; 3) луғатда айрим иборалар маъносини изоҳлашда услубий ғализликлар кўзга ташланади: *эси оғиб кетди - хаёли бирор нарса ҳақидаги ўй-хотиралар ҳақида банд бўлди* (15); 4) Айрим ибораларнинг маъноси нотўғри изоҳланган кўринади. Масалан: *оламдан ўтди* шаклдош иборасининг дастлабки маъноси “*яшади*”, деб изоҳланган (40). Ваҳоланки, бу ибора семантикасида “*яшаш*” эмас, “*яшамаслик*” семаси кучлироқ намоён бўлади ва ҳоказо”.

Б.Йўлдошев ва Д.Ўринбоеваларнинг “Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли фразеологик луғати”да *абгор бўлмоқ, абгор қилмоқ* (12-б.), *аҳмоқ қилмоқ, аҳмоқ бўлмоқ* (13-б.), *азоб бермоқ, азоб тортмоқ* (15-б.), *боришли-келишли бўлмоқ* (18-б.), *гам тортмоқ, гам емоқ, гамгин бўлмоқ* (23-б.), *изза бўлмоқ, изза қилмоқ* (26-бет), *жабр кўрмоқ, жабр қилмоқ* (27-б.), *маслаҳат бермоқ, маслаҳат қилмоқ, маст бўлмоқ, миннатдор бўлмоқ* (32-б.), *нобуд бўлмоқ, нобуд қилмоқ, нокаслик қилмоқ* (33-б.), *омон қолмоқ, овоза бўлмоқ, оройиш бермоқ* (34-б.), *қуллуқ қилмоқ, қулоқ солмоқ*, (37-б.), *хабар бермоқ, хабар олмоқ, қилмоқ* (45-б.) қўшма сўзларининг, *бир бошга бир ўлим* (15-б.), *бир гап айтиб, бир гап келди* (17-б.), *Худога осу*

*бўлмоқ, Худога солмоқ, Ҳаққиға дуо қилмоқ (68-б.), Тангри ишига кўнмоқ (87-б.), Худонинг берганига кўнмоқ, Худо қилган ишига кўнмоқ, Худо урмоқ (92-б.)* нутқий штампларнинг, *бўйлаб қарамоқ (19-б.), элда шарманда бўлмоқ, эмин-эркин юралмаслик (63-б.), ланқа гап (76-б.)* каби эркин бирикмаларнинг фразема сифатида луғат сўзлиги таркибига киритилиши ҳам бевосита юкоридаги сабаблар билан боғлиқ.

Ушбу ҳолат мазкур луғатда мақолларнинг берилиши ва изоҳланишида ҳам яққол кўринади:

Ўйинда ўзган чинда ўзади – ўйинда ғалаба қилган амалда ҳам ғолиб бўлади. “Ўйинда ўзган чинда ўзади”, *деган гап бор, ҳазил пойгада Бойчибор отнинг чангини кўрмай қолади. (79-б.)*

Уялган хотиндан қуруқ қолади – кўп ўйлаш ортиқча ташвиш келтиради. *Агар мол берганим йўқ деб шул кунни уйланиб бормай қолса, қизини айниб олади экан, уялган одам хотиндан қуруқ қолади экан. (90-б.)*

II. Ўқув фразеологик луғат учун фраземаларни танлаш билан боғлиқ яна бир муҳим мезон фраземанинг меъёрийлиги – фразеологик минимумларга таяниши билан боғлиқ. Маълумки, ўқув луғатининг энг муҳим вазифаларидан бири меъёрлаштириш бўлиб, у лексик минимум ва грамматик максимум – тилнинг лексик ва грамматик меъёрлари, уларнинг тўғри қўлланиши, имлоси, талаффузи билан боғлиқ жиҳатларини очиқ беради. Фразеологик бирикмени танлашда узлуксиз таълимнинг муайян босқичидаги фойдаланувчи нутқида энг кўп ишлатиладиган, энг муҳим, коммуникатив жиҳатдан зарур ва маданий жиҳатдан аҳамиятли бўлган фраземалар рўйхати асосланилади.

Ўзбек тилида нафақат фразеологик минимумлар, балки лексик минимумларни тузишнинг назарий ва амалий масалалари ечилмагани, бундай рўйхатларнинг тузилмагани жараёни тўғри ва аниқ ташкил қилишда лингвистик жиҳатдан (имлоси, грамматик шакли, вариантлари) ҳам, услубий (нутқнинг қайси кўринишларига хослиги) жиҳатдан ҳам, методик (педагогик мақсадларга мувофиқлик) жиҳатдан ҳам бир қанча саволларнинг очиқ қолишига сабаб бўлмоқда. Бу эса тилшунослигимизда ўқувчининг руҳий-физиологик хусусиятлари ҳамда педагогик вазифаларга асосланган турли лексик минимумлар, фразеологик минимумларни яратишга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

III. Ўқув фразеологик луғат сўзлигини шакллантиришда эътиборга олинаши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат сўзликнинг ўқув-услубий мақсадни қониқтириши билан боғлиқ. Маълумки, ўқув луғати таълим комплекси таркибига киради. Унинг сўзлиги фойдаланувчининг ёш хусусияти, таълимнинг қайси босқичида таҳсил олиши, шу босқич дастур ва дарсликлари асосида шакллантирилади. Ўқув фразеологик луғатда сўз танлашнинг муҳим характерли хусусияти – танланган материалнинг ихтисослашганлиги, махсуслиги, аниқроғи ўқувчи учун тушунарли ва унинг ҳам фаол ва ҳам пассив луғатида мавжудлиги билан туташади. Бошқа луғатлардан фарқланиб, бу тоифадаги луғат сўзлиги фразеологик бирикмининг қўлланиш частотасини ҳам, грамматик таркибини ҳам, семантик хусусиятларини ҳам, маъно қўламини ҳам қатъий ҳисобга олиши лозим. Фраземаларни танлашда истисно тариқасида индивидуал ёндашишга, муаллифлар гуруҳининг шахсий тажрибасига ҳам таянишга тўғри келади.

Ўқув фразеологик луғат сўзлиги шакллантириладиган асосий манба – узлуксиз таълимнинг фойдаланувчи таълим олаётган бўғинига мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар, шунингдек, адабиёт дарсларида мустақил ўрганиш тавсия этилган бадиий асарлар ҳисобланади. Бадиий асарда ёзувчи, одатда, муайян тарихий давр ҳаёти, турмуш тарзини акс эттириш, асар қаҳрамонлари характерини очишда эскирган (тарихий), диалектал иборалар, профессионал иборалардан ҳам фойдаланади. Масалан, мумтоз адабиёт намуналари, хусусан, Алишер Навоий, Бобур асарлари, Гулханийнинг “Зарбулмасал”и, Ойбекнинг “Навоий” романи, А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари, шунингдек, халқ дostonларида кўплаб фразеологик бириклар учрайди. Албатта, бундай ҳолатда луғатга олинadиган ҳар бир фразеологик бирикмага алоҳида ёндашилади. Унинг асарда тасвирланган давр ва ҳозирги кундаги семантик, услубий жиҳатлари, худудий хослиги ва адабий тилга муносабати ҳисобга олинади. Масалан, 7-синф Адабиёт дарслигида берилган “Равшан” дostonида бир саҳифанинг ўзида дoston персонажлари нутқида 20га яқин фразеологик

бириқма қўллангани кузатилиб, уларнинг айримлари бугунги адабий тил учун меъёрий (*шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билаккли, кўрар кўзи, сўзлар сўзи, кўзининг оқу қораси,*), айримлари сўзлашув тилига хос (*кўнгли тўлди, тенгим эмас, сўзини синдирмоқ, бошимни олиб кетаман, ўпкасини босолмайди, димоғи чоғ бўлмоқ, кўнглимга бир гап келди*), айримлари услубан хосланган (*кўзининг остига босиб қўяр эди, совуқ шамол емаган, бизни қузғун, ўзини лочин тутди*), айримлари эскирган (*қарчигайнинг ҳавоси теккан, ўмгани (қўкраги)дан жазоил (найза) тешиб ўтмоқ, тобутимнинг чегаси*) ва бошқ.

Таълимнинг қуйи босқичларида таҳсил олаётган ўқувчилар учун мўлжалланган ўқув фразеологик луғатлар сўзлигини шакллантиришда ўқувчининг, асосан, фаол нутқидаги ҳамда она тили, адабиёт дарсликлари, тарбия дарсларида учрайдиган иборалар танланса, юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган фразеологик луғатларда шу босқич таълим стандартлари, дастур ва дарсликларида қўлланган иборалар билан бирга тилнинг барча лексик қатламларига мансуб бўлган, ўқувчининг нофаол нутқида хос фраземаларни ҳам киритиш мумкин. Сабаби аксарият фраземалар адабий тилга халқ тилининг қайсидир қисмидан – ё фольклор, ё шевалардан ўтади. Адабий тил халқ тили негизида бойийди. Шунчаки унинг диалектал (диал.), архаик (эск.), сўзлашув тили (с.т.) ёки фольклорга хослиги луғат мақоланинг шу каби маълумотлар қисмида қайд этилади.

Худудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб худудий хосланган ибораларнинг луғат учун танланиши уларнинг адабий тилга кириши, бадий асарларда қайд этилиши, тил тараққиёти учун муҳим роль ўйнайди. Масалан, чорвачилик ёки деҳқончиликка ихтисослашган, хунармандчилик ривожланган худудларда шу соҳага алоқадор ибораларнинг кўплаб пайдо бўлиши ва кенг ишлатилиши табиий ҳол. Уларнинг аксарияти адабий тилда қайд этилмай, истеъмолдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Шунга кўра диалектал ибораларнинг адабий тилга ўтиш босқичига кўра турлари ажратилади:

1) айрим худуд лексикаси ва сўзлашув тилидагина учрайдиган, адабий тилда муқобили бўлмаган иборалар (*келиннинг оёғи – чўпоннинг таёғи* (хосиятсиз), *айрони ачимайди* (ичи кенг), *гапи ўзидан катта* (кеккайган, бировга гап бермайдиган);

2) адабий тилга ўтиш босқичида ва синонимига эга бўлган иборалар (*гадой топмас жой* (жуда чекка худуд), *тўпигига сув чиқмайди* (беғам, бепарво), *ўзим хон, қўланкам майдон* (бемалол, бировга бўйсунмайди);

3) адабий тилга ўтган, сўзлашувда кенг қўлланадиган иборалар ().

Ўқув луғати сўзлиги таркибидан зарур ҳолларда адабий тилга ўтган, сўзлашувда кенг қўлланадиган иборалар, агар худуд аҳолисининг фаол лексикасида мавжуд бўлса, адабий тилга ўтиш босқичидаги ва синонимига бўлган иборалар ҳам ўрин олиши мумкин.

IV. Айна пайтда тилшуносликда иборалар тил лексик қатламларининг деярли барчасида кузатилиб, ўқув фразеологик луғат спецификасини очиш, кўламини белгилашда улар муҳим аҳамиятга эга. Юқорида ўқув луғати сўзлиги ҳажман чегараланган бўлиши, таркибидан энг зарур лексик ёки фразеологик бирликлар ўрин олиши таъкидланди. Бироқ бу луғат сўзлиги тил лексик тизимининг турли қатламларига оид фраземаларни қамраб олишига тўсиқ бўла олмайди.

Ўқув фразеологик луғат фраземанинг структур ва семантик жиҳатдан деярли барча кўринишлари ҳақида маълумот бера олиши керак. Шу нуқтаи назардан бош фразема куйидаги кўринишларига кўра тасниф қилиниши мумкин:

1. Қўлланишига кўра: 1) умумистеъмол фраземалар; 2) чегараланган фраземалар (диалектал – *алағда бўлди, кўнгли тоб ташлади, жони ҳалак, силласи қуриди, кўкаги кесилди, сазаси ўлди*; касб-хунарга хос – *ҳолвачининг тешасидай, бўзчининг моккисидай*; ноадабий қатламга хос (вулгар) – *бир қоп тезак, ахлатга тўйган хўроздек, дон олишмоқ, кака қилиб қўймоқ...*

2. Услубий хосланишига кўра: 1) оғзаки сўзлашув тилига хос: *қовун туширмоқ, мингга қўйиб кетмоқ, томи кетган, боши очиқ қолган, ерга урмоқ, кўзи оч, боши очиқ, Кусто ҳайратда, тошингни тер*; 2) ёзма услубга хос: а) илмий – *назар ташламоқ, кўзга ташланмоқ, имкониятлар доираси*; б) расмий – в) публицистик: *совуқ уруш, ахборот хуружи, мафқуравий*

полигон, касб касаллиги, сиёсий ўйинлар, сиёсий саҳна; г) бадий – сабр-косаси тўлмоқ, оғзининг таноби қочмоқ.

3. Ономастик таркибига кўра: антропоним компонентли – *Кусто ҳайратда, Шарапат авжига чиқди, Алмисоқдан қолган, Даққионусдан қолган*; зооним компонентли – *от тепкисини от кўтаради, оёғи куйган товукдай, сувга тушган мушукдай, пати юлинган товукдай, нонини туя қилмоқ, от билан туя бўлармиди, аммамнинг бузоғи, бузоқнинг ҳақи бор деб сигирнинг сутини ичмайди, тулжига дарс беради, териси эшакнинг терисидек*; фитоним компонентли – *ажриққа аганагандай, кўзи олма теради, ўн гулидан бир гули олчилмаган, қўли гул, оғзидан гулламоқ, тарвузи қўлтигидан тушмоқ*; этноним компонентли – *немисча ҳисоб-китоб қилмоқ*; топоним компонентли – *онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ, донги Доғистонга кетган, Хитой девори ўрнатмоқ, гап деса қоп-қоп, ши деса, Бадахшондан топ*; теоним компонентли – *Худо сақсасин, Худо ҳоҳласа, Худо урган, Аллоҳ кулиб боқди, Аллоҳнинг ёзгани, сарвари олам*; гидроним компонентли – *қалби дарё, дарёдан бир томчи, қўлтигига сув пуркамоқ, сиркаси сув кўтармайди, сиртига сув юқтирмайди, сув куйгандек, оғзининг суви қочди, остига сув кўймоқ, қўлини совуқ сувга урмайди, галвирни сувдан кўтармоқ, тушини сувга айтмоқ*) ва бошқ.;

4. Тарихийлик жиҳатидан: эскирган – *алифни калтак демоқ, калласини ҳам қилмоқ, лом-мим демоқ*), янги пайдо бўлган иборалар – *игнага ўтирган* (гиёҳванд), *соч-соқолини қириб олмоқ* (бор будини шилиб олмоқ, қимматфуруш), *кетмони учган* (омадли), *янги тандирдан узилган, қайноқ линия, темир дафтар* ва ҳк.

5. Грамматик қурилиши (синтактик модели)га кўра – сўз бирикмаси қурилишли – *анқонинг уруғи, бошига кўтармоқ, оғзига олмоқ*; гап қурилишли – *кўзи очилди, дами кесилди, тили тутилди* каби.

6. Шакл ва маъно муносабатига кўра: синоним – *қилдан қийиқ ахтармоқ, тухумдан тук қидирмоқ*; *елкасига миниб олмоқ, бошига чиқиб олмоқ*; *тупроқ билан тенг қилмоқ, ер билан битта қилмоқ, устидан мағзава ағдармоқ, оёқ ости қилмоқ*; антоним – *ерга урмоқ – кўкка кўтармоқ, қўли узун – қўли калта, тили узун – тили қисик*; омоним – *бош кўтармоқ, бошига кўтармоқ, кўз юммоқ, кўз илгамас*; вариантдош – *елкасига офтоб тегди, кўксига офтоб тегди, кўкрагига офтоб тегди; кўнгилга тугмоқ, дилга тугмоқ, юракка тугмоқ; ухлаб тушига кирмаган, етти ухлаб, тушига кирмаган, етти ухлаб, тушида кўрмаган*.

V. Фраземанинг семантик серкирралиги, тил лексик қатламининг барча кўринишларида учраши, структур-грамматик жиҳатдан хилма-хиллиги бу таснифлар сирасини яна давом эттириш, ҳар бир система ичидан микросистемаларни ажратиш имконини беради. Дейлик, зооним узвли фраземаларнинг миллий-этник ўзига хосликдан келиб чиқиб *ит, туя, от, мушук...* узвли бир неча ички гуруҳларини ажратиб алоҳида ўрганиш. Масалан, ўзбек тилида таркибида *туя* узви бўлган 20дан ортиқ фразема мавжуд: *туянинг устда ит қопади, нонини туя қилмоқ, от билан туя бўлармиди, туя гўшти еган, туя кўр-дингми – йўқ, туя чўкса, жой топар, туя ҳаммомни ҳавас қилибди, туяни ютиб, думини кўрсатмайди, туянинг думи ерга текканда, ҳа деган туяга мадор* ва ҳк.

Худди шунингдек, инсон ва унинг аъзолари билан алоқадор ибораларнинг ҳар бир кўриниши алоҳида тадқиқ объекти бўла олиши мумкин; *бош* узвли, *юрак* узвли, *оёқ* узвли, *қўл* узвли, *кўз* узвли, *бурун* узвли ва ҳк. Жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида инсоннинг тана аъзолари номи билан боғлиқ соматик иборалар, ономастик иборалар турли аспектларда чуқур ўрганилган. Масалан, нутқимизда таркибида *тил* узви иштирок этган 50дан ортиқ ибора мавжуд: *тил учиди гапирмоқ, тилга кирмоқ, тилга олмоқ, тилдан қолмоқ, тили айланмай қолди, тилим бормайди, тили калмага келмади, тили келишмайди, тили чиқмоқ, тили қисик, тилини қичитмоқ, тилимнинг учиди турибди, тилига боғламоқ, тилини боғламоқ, тилларда достон, тил бириктирмоқ, тил теккизмоқ, тил топшимоқ, тилини топмоқ, тил тортмай ўлмоқ, тилга тушмоқ, тилдан қолмоқ, тилини ютиб юбормоқ, тили узун, тили қисик, тили калта, тилидан бол томмоқ, тилидан туширмай, тилини тиймоқ, тилини тишламоқ* ва бшқ.

Шунингдек, антропоцентрик тилшунослик нуқтаи назаридан ибораларнинг гендер хосланиши – аёллар, эркаклар, болалар нутқига хослиги жиҳатидан ҳам тасниф қилиб тадқиқ

қилиш мумкин. Рус ва араб тиллари материали мисолида фраземаларни лингвомаданий аспектда ўрганган Али Эмхамед рус тилида биргина оила тушунчаси билан боғлиқ ибораларнинг “ота ва она ҳақидаги”, “қиз ва ўғил ҳақидаги”, “эр ва хотин ҳақидаги”, “ака сингил ҳақидаги”, “ёш болалар ҳақидаги” бир неча гуруҳларини ажратиб, маъноларини изоҳлайди ва манбаларини аниқлайди.

Албатта, юқорида саналган сўзлашув тили, фольклорга хос, эскирган – тарихий ва архаик, ўзлашма фраземалар фойдаланувчи таълим олаётган босқич дастур ва дарсликлари, мустақил ўқиш учун тавсия этилган бадиий асарлар таркибида учраган ҳолларда, янги пайдо бўлган фраземалар ўқувчининг ёш хусусияти мос бўлса, педагогик-психологик талабларга жавоб берагина ўқув фразеологик луғатда бош фразема сифатида киритилади.

Луғат характеридан келиб чиқиб фраземаларнинг энг кўп ва кенг қўлланиладиганлари, мувофиқлари, яъни ўзбек тилининг амалдаги меъёрлари ва тараққиёт анъаналарига жавоб берадиганлари танланади. Эскирган, халқ оғзаки ижоди – фольклорга хос, диалектал ва сўзлашув тилига оид фраземаларни танлашда шу соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Кўриб ўтилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ўқув фразеологик луғат учун сўз танлашда: 1) илмий жиҳатдан асослилик; 2) меъёрийлик (фразеологик минимум талабларига мослик); 3) ҳажман чекланганлик; 4) таълим комплексига алоқадорлик (ДТС, дарслик ва қўлланмалар билан мувофиқлик); 5) фраземанинг структур-семантик ва услубий хусусиятларига мослик каби мезонлар етакчилик қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Новиков Л.А. Учебная лексикография и её задачи // Вопросы учебной лексикографии / Под ред. П.Н. Денисова и Л.А. Новикова. М.: Изд. МГУ, 1969, с.3-11.
2. Бархударов С.Г., Новиков Л.А. Каким должен быть учебный словарь? // Русский язык за рубежом. – Москва: 1971.– №3. – С. 49-60.
3. Бархударов С.Г., Новиков Л.А. Каким должен быть учебный словарь? // Русский язык за рубежом. – Москва: 1971.– №3. – С. 49-60. <http://journal.pushkin.institute/archive/archive/1971>
4. Денисов, П. Н. Принципы отбора лексики для учебных словарей / П. Н. Денисов // Вопросы учебной лексикографии. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1969. – С.23-24.
5. Роголёва Е.И. Современная учебная фразеология: теория и практика. – Псков: ООО ЛОГОС Плюс, 2014. – 344 с.– С.29
6. Максяшина, Ю. А. Фразеологический минимум русского языка: дис. ...канд. филол. наук: 10.02.01 / Максяшина Юлия Александровна. – Великий Новгород, 2004. – 256 с.
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. - Тошкент: Фан, 1966. – 131 бет. ; Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Хаида Алимджана. АКД. - Ташкент, 1953. - 19 с; Шамакудов А.Ш. Язык сатиры Муками (лексика и фразеология). АКД. - Ташкент, 1956. - 18 с.; Хусаинов М. Фразеология прозы писательницы Айдын. АКД. - Самарканд, 1959. - 18 с.
8. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеологиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузилган иккинчи нашри. – Самарканд: СамДУ нашри, 2013. – Б. 26
9. Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. –Т.: 2018., –Б. 13.
10. Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. Филол. фан. ном. дисс.. – Самарканд: 2002, – Б. 11.
11. Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар. Филол. фан. ном. дисс.. – Самарканд, 1966. 129 б.; Бегматова Г.Х. Ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини яратиш. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Термиз, 2021. – 47 б.

*Нашрга ф.ф.д. Б.Баҳриддинова тавсия этган*

## ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ВАЛЕНТНОСТИ ГЛАГОЛОВ В МИРОВОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Хамраева Ё.Н., Рахматуллаева К.Н. (КарГУ)

**Аннотация.** В статье рассматривается история изучения языковой валентности в мировой лингвистике. Авторы подробно описывают развитие теории валентности в европейском, русском и узбекском языкознании и, вместе с тем, дают характеристику понятия “валентности”, объясняют необходимость и преимущества исследования данного явления в сопоставительном аспекте.

**Ключевые слова:** лингвистическая валентность, сочетаемостная способность, теория валентности, свойства слов, логическая валентность, семантическая валентность, синтаксическая валентность, внутренняя и внешняя валентность, синтагматические отношения.

**Аннотация.** Мақолада лингвистик валентликнинг дунё тилшунослигида ўрганилиш тарихи баён қилинган. Муаллифлар валентлик назариясининг европа, рус ва ўзбек тилшунослигида тараққий этишини таҳлил қилиш билан бирга, “валентлик” тушунчасига изоҳ берадилар ҳамда ушбу ҳодисани киёсий аспектда тадқиқ қилиш зарурияти ва афзалликлари ҳақида фикр юритадилар.

**Таянч сўзлар:** лингвистик валентлик, бириктиш имконияти, валентлик назарияси, сўзларнинг ҳусиятлари, мантиқий валентлик, семантик валентлик, синтактик валентлик, ички ва ташқи валентлик, синтагматик муносабатлар.

**Annotation.** The provided article deals with the history of learning language valency in the world-wide linguistics. The authors of the article describe the development of the theory valency in European, Russian and Uzbek linguistics. Furthermore, they discuss the qualification of the phenomenon “valency” and explain the necessity as well as preferences of the research of the phenomenon in the comparative aspect.

**Key words:** linguistic valency, combinatory power, the theory of valency, quality of the words, logical valency, semantic valency, syntactic valency, internal and external valency, syntagmatic relations.

В науке термин «ВАЛЕНТНОСТЬ» определяется как «способность атомов химических элементов образовывать определённое число химических связей» [12]. Однако данное слово встречается и в языковедческой терминологии. В последние годы теория лингвистической валентности стала выделяться своими проблемами и терминологией как отдельный раздел языкознания. Сам термин «валентность» впервые в языковой науке используется С. Д. Кацнельсоном в работе «Категории языка и мышления: из научного наследия» [7; 21]. Синтаксическая валентность слова состоит в том, что оно определенным образом реализуется в предложении и вступает в определенные отношения с другим словом. По его словам, валентность – это особенность значения, в которой есть «пробелы», которые можно заполнить как в анкете. Другими словами, валентность относится к «лакуне», которая понимается из значения слова или скрыта в нем, и относится к необходимости заполнить ее определенными словами в предложении. Следовательно, валентность – это свойство определенного слова объединять другое слово с самим собой [6; 24]. На основе дихотомии «язык и речь» ученый показал сочетаемостные способности лексических единиц.

Практически одновременно с С.Д.Кацнельсоном, но независимо от него французский ученый Л. Теньер также разработал теорию валентности в рамках грамматики подчинительной связи в начале 1950-х годов. Эта теория Л. Теньера получила широкое распространение в мировой лингвистике и породила новые исследования. Лингвисты стали использовать термин «валентность» не только в отношении слов, но и других языковых единиц: валентность морфемы («внутренняя валентность»), речевая валентность («внешняя валентность») и т.д.

В своей грамматике в процессе структурного анализа предложения Л.Теньер опирался на глагол как на структурную основу предложения. В работе «Основы структурного синтаксиса», опубликованной в 1953 году, ученый приводит ряд интересных примеров с аргументами. Размышляя о структурном синтаксисе французского языка, он отмечает, что каждое слово обладает определенной способностью сочетаться с другим словом, и это проявляется в структуре, т.е. в сочетании, но эта связь ничем не представлена.

К примеру, в предложении Альфред говорит мы видим два элемента: 1. Альфред; 2. говорит. Но здесь есть еще и синтаксическая связь. С внешней стороны, действительно, в данном предложении два морфологических и синтаксических элемента (существительное (подлежащее) + глагол (сказуемое)), но в образовании данной конструкции немаловажную роль играет синтаксическая связь – валентность.

В своем «Словаре лингвистических терминов» Т.С.Жеребило характеризует валентность как «реализацию сочетаемостных свойств синтаксически господствующих и зависимых слов» и вместе с тем указывает три типа валентности: категориальную, лексическую и морфологическую [5; 52].

А академик А.А.Ходжиев связывает валентность с понятием «синтагматические отношения».

**«СИНТАГМАТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ** – это взаимоотношения языковых единиц, основанные на свойствах, возникающих в потоке речи. Например: аллофоны – синтагматические свойства фонемы, а валентность слов – это их синтагматические свойства» [11; 88] (перевод – наш).

Профессор Г. Абдурахманов различает два типа валентности: 1) связь звуков или морфем при образовании слов – это внутренняя валентность; 2) сочетаемость лексических значений слов – это внешняя валентность [1; 48].

А немецкий ученый Г. Гельбиг и его последователи различают три вида валентности: «1) логическая валентность; 2) синтаксическая валентность; 3) семантическая валентность» [4; 35].

В этих толкованиях, конечно, есть точка соприкосновения, из этого следует, что валентность – это сочетаемостная способность слов, между которыми функционирует подчинительная связь.

Как понимаем, валентность основывается на лексическом значении слов. Однако свойство валентности присуще не только самостоятельным частям речи, но и служебные, и особые части речи могут обладать этим свойством.

Семантическая активность лексических единиц в предложениях и текстах, их грамматическое значение и семантические свойства зависят не только от самого слова, но и от языковых единиц, используемых вместе с ним. Лингвистические единицы, используемые вместе с этим словом, определяют семантическое поле лексемы. Как отмечал Л.М.Васильев: «Глагол, являясь логическим предикатом, находится в центре поля семантического выражения предложения. Это показывает, что предикат является основой абстрактной семантико-синтаксической синтагмы, а его актаны (аргументы) определяют и реализуют свои семантические валентности» [3; 28].

Несмотря на большой интерес к изучению валентных свойств языковых единиц в мировой лингвистике, теория валентности все же имеет ряд ограниченных аспектов. В частности, до сих пор не было четкой меры определения валентности. В результате сложно было уточнить связь в подчинительном компаунде: основывается ли она на валентности или все же это свободная связь. Наблюдения показали: хотя вокруг некоторых слов есть «открытое пространство», но при определенных условиях они не требуют заполнения. Поэтому появилась необходимость разграничения облигаторной и факультативной валентности на основе определенных критериев. В результате в начале 1960 годов начались более широкие дебаты по теории валентности. Обсуждение было сосредоточено в первую очередь на центральном вопросе теории валентности – уровнях валентной связи, а также межуровневых отношений.

Большую роль в развитии теории валентности сыграл отмеченный нами выше Г.Гельбиг. Он разработал модели валентности глаголов на основе материалов немецкого языка и составил «Словарь валентности и дистрибуции глаголов немецкого языка». Если изначально эти модели определялись на основе только одного класса слов, т.е. глаголов, то в 70-х годах стало ясно, что модели валентности можно определять не только на основе глаголов, но и других частей речи.



В русском языкознании есть труды, посвященные валентным свойствам глаголов такие, как: «Проблемы теории валентности в современной лингвистике», а также «Теория валентности и валентный анализ» Степановой М.Д., «Категория субъекта и объекта в теории валентности» С.М.Кибардиной, «Понятие синтаксической валентности в работах зарубежных языковедов» Филичева Н.И., «К вопросу о системности валентных свойств синонимичных глаголов» Акуловой К.П., «Грамматические и семантические категории и их связи» Булыгиной Т.В., «Лексическая семантика» Апресяна Ю.Д., «Коммуникативные аспекты русского синтаксиса» Золотовой Г.А. и многие другие.

Среди русских лингвистов есть немало ученых, исследовавших свойство валентности глаголов в европейских языках. Одной из таких является И.Б.Долинина – автор работы «Маркировка субъектно-объектных отношений у валентных категорий английского языка». Работа Степановой М.Д., написанная в соавторстве с Г.Гельбигом, посвящается валентности немецких глаголов. В главе «Части речи в синтагматике» авторы уделяют внимание валентным свойствам глаголов, прилагательных, причастий, существительных, местоимений, а также предлогов, модальных слов и междометий. Но особое место занимают в этой главе глагольные лексемы.

В узбекском языкознании также имеются труды, где в той или иной степени рассматриваются вопросы, связанные с валентностью глаголов. Например: «Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке», «Значение слова и его валентность» Кучкартаева К. И., «Глагол» А. Ходжиева, «Валентность глаголов» У. Шариповой, «Глаголы состояния в узбекском языке», «Глаголы состояния и их облигаторная валентность», Р. Расулова, «Семантика словоформ и их валентность» М. Миртоджиева, «Предикативность и валентность глаголов движения в узбекском языке» С. Мухамедовой и другие.

Однако в русско-узбекском сопоставительном языкознании вопрос валентности глаголов и других частей речи еще не изучался на достаточном уровне.

Как справедливо отметил И.Кучкартаев, который одним из первых разработал теорию валентности слов в узбекском языкознании: «Известно, что основная задача языка – это обмен мнениями, то есть коммуникативная функция. При помощи языковых средств мы передаем другим свои знания об объективной действительности или же воспринимаем чужие мнения» [8; 16]. Здесь делается намек на валентный потенциал языковых явлений и средств.

Способность глаголов присоединять к себе те или иные лексемы, их количество, конечно, основывается на теории валентности. Глагол, характеризующийся как логический предикат, находится в центре поля семантического выражения предложения. Это показывает, что предикат является основой абстрактной семантико-синтаксической синтагмы, а аргументы (актанты) определяют и реализуют их семантические валентности.

По мнению многих ученых, «члены предложения, входящие в его предикативный минимум и составляющие предикативный центр предложения – это сказуемое и главные члены односоставного предложения, как принято их называть в синтаксической традиции» [10; 697]. О.С.Ахманова характеризует предикат «как сказуемое суждения, как предмет мысли, составляющий содержание предикации; мыслимое содержание, являющееся основой соотношения высказываемого с действительностью и получающее языковое выражение в форме сказуемого (или других языковых средств выражения предикации)» [2; 345].

На этой основе сказуемое определяет структуру предложения и уступает место соответствующим категориальным признакам. Все части предложения, исходя из отношений к глаголу-предикату, делятся на зависимые (их называют разными терминами: актанты, аргументы, комплементарные дополнения и т. д.) и свободные (их также называют по-разному: адъюнкты, свободные расширители и др.). Значит, сказуемое, являющееся носителем валентности, определяет структуру предложения. Любая синтаксическая связь рассматривается как настоящая валентность.

Однако не следует путать термины «синтаксическая связь» и «синтаксические отношения» (в некоторых лингвистических источниках мы сталкиваемся с высказываниями, где эти два термина используются как синонимы). Например: Наши отцы сражались за Родину. Мяч полетел за куст. В выделенных словосочетаниях синтаксическая связь –

одинаковая: в обоих случаях элементы с помощью одних и тех же грамматических средств (винительный падеж с предлогом за; грамматическое значение направленности) образуют тип подчинительной связи – управление. Но синтаксические отношения в этих словосочетаниях – разные: в первом – объектные, а во втором – обстоятельственные. При передаче этих предложений на узбекский язык изменяется как связь, так и отношения между словосочетаниями: *Otalarimiz Vatan uchun (nima uchun?) kurashdilar. Koptok buta orqasiga (qayerga?) uchib ketdi.*

В заключение можно отметить, что реальные взаимоотношения между элементами объективной действительности могут служить основой для соединения слов, то есть наименований этих же элементов. Другими словами, отношения между элементами объективной действительности определяют характер отношений между языковыми средствами. Особенно ярко это проявляется при сравнительном анализе лингвистических единиц и явлений. Ученый И.И.Мещанинов писал: «Привлекая к сравнению языки различного строя, можно легко убедиться, что глагол в них не отличается одинаковыми свойствами» [9; 7]. Кроме того, сопоставительное изучение валентных свойств глаголов позволяет установить элементы общего и частного явлений, сходства и различия лингвистических единиц и грамматических закономерностей в области неродственных языков, принадлежащих к разным языковым семьям и типологическим группам. Изучение валентности глаголов на основе сопоставления в синхроническом плане даёт возможность раскрытия семантической структуры лексем, а также их функционирование в контексте в каждом из сравниваемых языков. Следовательно, валентность глаголов как отдельная сфера в языковой науке ждет своих исследователей в сопоставительном плане.

#### Литература

1. Абдурахмонов Ғ., Шодмонов Э. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 158 б.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1969. – 608 с.
3. Васильев Л.М. Семантика русского глагола. – М., 1981, – 184 с.
4. Гельбиг Г. Helbig G. Beitrage zur Valenztheorie. The Hague: Mouton, 1971. – С. 35-40.
5. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. – Назрань: Пилигрим, 2010. – 486 с.
6. Кацнельсон С. Д. К понятию типов валентности // Вопросы языкознания, 1987, – № 3. – С.21-24.
7. Кацнельсон С. Д. Категории языка и мышления: из научного наследия. – М.: Языки славянской культуры, 2001. – 864 с.
8. Қўчқортгов И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – 167 б.
9. Мещанинов И.И. Глагол. – Л.: Наука, 1982. – 272 с.
10. Современный русский язык. Под ред. В.А.Белашаповой. – М.: Высшая школа, 1989. – 800 с.
11. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. – 166 б.
12. Электронный ресурс. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

*Рекомендовано к печати проф. Б.Менглиевым*

## ЎЗБЕК ТИЛИ ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРИ ТИЗИМИДА ОМОНИМИЯ ҲОДИСАСИ

**Исломов И.Х.** (ТДЎАУ)

**Аннотация.** Синонимия, полисемия, полифункционаллик ва омонимия ходисалари терминлар тизимида ҳам кузатилади. Ўзбек тилшунослигида соҳа терминологиясидаги синонимия, вариантдошлик, гипонимия ва антонимия масаласига Р.Дониёров, И.Йўлдошев, Г.Ғуломова, М.Ахатова, И.Исмоилов каби тадқиқотчиларнинг ишларида муносабат ақс эттирилган. Аммо бу ишларда терминологияда омонимлик, полифункционаллик ҳамда кўп маънолилик масалалари борасида умуман тўхталмаган, фикр юритилмаган. Шунга кўра, мазкур тадқиқотда омонимия ва унинг терминлар тизимида намоён бўлиш сабаб ва омиллари хусусида фикр юритилади. Ўзбек тили географик терминлари мисолида омонимиянинг ўзига хос таҳлили амалга оширилган.

**Таянч сўзлар:** терминология, термин, омонимия, полисемия, полифункционаллик, лексема, терминосистема, терминологик омонимия, терминологик тушунча, географик термин, структура, семантик муносабат.

**Аннотация.** В системе терминов наблюдаются явления синонимии, полисемии, полифонии и омонимии. В научно-исследовательских трудах Р.Дониёрова, И.Юлдашева, Г. Гулямовой, М.Ахатовой и И.Исмоилова были отражены отношение к проблемам гипонимии, вариативности, синонимии и антонимии в лингвистике узбекского языка. Однако в этих трудах не было мнений о многозначности, полифункциональности, омонимности в терминологиях. Согласно этому в данном исследовании рассматриваются омонимия, причины и факторы её появления в терминологических системах. На примере географических терминах узбекского языка проведён своеобразный анализ омонимии.

**Ключевые слова:** терминология, термин, омонимия, полисемия, полифункциональность, лексема, терминосистема, терминологическая омонимия, терминологическое понятие, географические термины, структура, семантическое отношение.

**Annotation.** Synonymies, polysemies, polyphonies and homonymies are also observed in the terminology system. The research works of R. Donierov, I. Yoldoshev, G. Gulyamova, M. Akhatova and I. Ismoilov reflected the attitude to the problems of hyponymy, variability, synonymy and antonymy in the linguistics of the Uzbek language. But there were no opinions about polysemy, polyfunctionality, homonymy in terminology. According to this research analysed homonymy, causes and factors of its appearance in terminology systems. Based on the geographical terms in the Uzbek language a peculiar analysis of homonymy is carried out.

**Key words:** terms, term, homonymy, polysemy, polyfunctionality, lexeme, terminology system, terminological homonymy, terminological concept, geographical terms, structure, semantic relation.

Терминологияда синонимия, полисемия, полифункционаллик ва омонимия ходисалари кўп учрайди. Айрим терминлар бир неча соҳада юз берадиган ва амал қиладиган бир хил ходисаларни номлайди. Ҳодисалар бирдан ортиқ махсус соҳалар учун универсал бўлганлиги сабабли уларни ифодаловчи терминлар ҳам универсаллик табиати билан ажралиб туради.

Илмий манбаларда қайд этилишича, омонимлар юнонча сўздан (*homos* – бир хил + *опута* – ном) олинган, талаффузи ва ёзилиши бир хил бўлган бирдан ортиқ сўзларга айтилади. Масалан: боғ (турли мева, гул ва бошқалардан иборат майдон) – боғ (боғлайдиган нарса); от (исм) – от (иш ҳайвони) ва ҳоказо<sup>1</sup>.

Тилда сўзлар шакл ва маъно муносабатига кўра омоним, синоним, антоним ва пароним сўзларга бўлиниши нутқнинг чиройли, таъсирчан ифодаланиши ва лексемалардаги нозик маъно қирраларини фарқлашга ёрдам беради. Шакли бир хил, маъноси ҳар хил бўлган омоним сўзлар шакли ва қўлланилиш услуби жиҳатдан алоҳида аҳамият ва ўринга эгаллиги билан алоҳидалик касб этади. Омонимларнинг юзага келиш сабаблари ҳар хилдир:

1) тилда азалдан мавжуд бўлган айрим сўзларнинг шакллари тасодифан тенг бўлиб қолади: *бақа* – қурбақа, *бақа* – сув тегирмони парракдан ҳаракат олиб, тегирмон тошини айлантирувчи металл қисми;

2) бир маъноли сўз лексик маънонинг кўчиши оқибатида кўп маъноли сўзга айланади, кейинроқ бош маъно ва ҳосила маъно ўртасидаги боғланиш унутилиб, бир сўз негизида икки бошқа-бошқа лексема пайдо бўлади: *кун* – куёш; *кун* – сутка, *кун* чикқандан яна *кун* чикқунгача бўлган вақт;

3) бошқа тиллардан ўзлаштирилган айрим лексемалар ўзбек тилидаги у ёки бу лексемага шаклан тенг бўлиб қолади: *той* (форс-тожик) – катта тўп қилиб тахлаб ёки босиб боғланган мол ва шу тарздаги мол ўлчови;

4) бошқа тиллардан ўзлаштирилган лексемалар орасида шаклан тенг бўлган сўзларнинг учраши омонимияга олиб келади: *сурат* (арабча) – расм, *сурат* (арабча) – урф-одат;

5) лексемаларнинг ясалиши ҳам баъзан омонимларни келтириб чиқаради: *қўноқ* – тарик, *қўноқ*(қўн+оқ) – меҳмон каби.

<sup>1</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.

Ўзбек тилшунослигида терминология масаласи атрофлича тадқиқ этилган ва бу ишлар давом этмоқда. И.Йўлдошевнинг докторлик диссертацияси китобатчилик<sup>1</sup>, Г.Ғуломованинг номзодлик иши юридик<sup>2</sup>, М.Ахатованинг номзодлик диссертацияси ёғочсозлик<sup>3</sup>, И.Исмоиловнинг тадқиқоти қавм-қариндошлик<sup>4</sup>, Р.Дониёровнинг илмий иши ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалаларига<sup>5</sup> бағишланган, муаллифлар шу соҳа терминологиясидаги синонимия, вариантдошлик, гипонимия ва антонимия муносабатларини ёритганлар. Аммо бу ишларда терминологияда омонимлик, полифункционаллик ҳамда кўп маънолилик масалалари борасида умуман тўхталмаган, фикр юритилмаган.

Дунёдаги барча тиллар ўзига хос ривожланиш тарихига эга. Дунё тилларидаги ҳар бир сўз ўзига хос хусусиятларга эга. Улар орасида омоним сўзлар ўзининг лингвистик жиҳатлари билан бошқа сўзлардан ажралиб туради. Омонимлар маъно жиҳатидан ҳар хил, лекин айтилиши ва имлоси бир хил бўлган сўзлар экан, омонимия сўзларнинг тасодифий дуч келиши, полисемия эса бир сўзда турли тарихан боғлиқ маъноларнинг мавжудлиги ҳамда бу географик атамаларда ажралиб турадиган ҳодисадир. Масалан, рус тилида “бор” сўзи “қарағай ўрмони” ва “кимёвий элемент” маъносидаги омоним сўзлар, биринчи сўз славян тилидан, иккинчиси эса форсча “бор” – бор бирикмаларидан бирининг номи билан юзага келган. Айрим тилшунослар полисемантик сўзларнинг барча алоҳида маъноларини омоним деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳолда полисемия омонимиянинг алоҳида ҳолатидир<sup>6</sup>.

Тилшунослик соҳасида омонимия ҳодисасига оид кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, И.С.Тишлер, Ж.Жильерон, А.И.Смирницкий, А.А.Потебня, Л.А.Булаховский, В.В.Виноградов, И.В.Арнольд, Р.А.Будагов, В.В.Броун, О.М.Жиляева, О.С.Ахманова, А.А.Реформаторский, Н.А.Абдурахманов, М.Миртожиев, И.Кўчқортоев, А.Ҳожиёв ва бошқалар мазкур мавзуда баракали илмий фаолият олиб боришган.

В.П.Даниленконинг таъкидлашича, терминологияга нисбатан омонимия фақат системаларо ҳодиса сифатида тавсифланиши мумкин: ё улар турли терминосистемаларнинг атамалари ёки уларнинг вужудга келишига сабаб бўлган лексик-семантик усулда ясалган умумий адабий тилдаги сўзларга нисбатан омоним бўлиб келган сўзлардир<sup>7</sup>.

Фанларо терминологик омонимияни шаклдошликнинг алоҳида тури сифатида А.А.Реформаторский кўрсатиб ўтган. Унинг моҳияти шундаки, бир атама мазкур тилнинг турли терминологияларига кириши мумкин ва у фанларо терминологик омонимияни ташкил қилади<sup>8</sup>.

Омонимия пайдо бўлишининг тасодифийлиги ёки мунтазамлиги ҳақидаги муаммо жуда мураккаб. Маълумки, кўпгина омонимлар тасодифий ҳолларда пайдо бўлган, аммо омонимия аксарият тилларда мавжуд, бу ҳақида тил ҳодисалари қонунлари далолат беради<sup>9</sup>.

Полисемия ва омонимия семасиология соҳасига тегишли, тилнинг турли даражадаги номинатив бирликлари маъноси ва мазмуни бўлган объекти ҳисобланади. Полисемия ва омонимияни фарқлаш масаласи тилшуносликнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда.

Лингвистик ва нолингвистик ҳодисаларини ўрганиш, бу орқали касбий тилларни бойитиш ва кенгайтириш янги тенденцияларни ўрнатишга имкон беради ва терминологик

<sup>1</sup> Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилиги терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 46 б.

<sup>2</sup> Ғуломова Г. Ўзбек юридик терминологиясининг истиклол даври тараққиёти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 25 б.

<sup>3</sup> Ахатова М. Ўзбек тилининг ёғочсозлик терминологияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.

<sup>4</sup> Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Тошкент, 1966. – 196 б.

<sup>5</sup> Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977.

<sup>6</sup> Нурматов С. Анализ лексических омонимов числительных в языке хинди // НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ. 2020 йил 7-сон.

<sup>7</sup> Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания / В.П. Даниленко. – М.: Наука, 1977. – 245 с.

<sup>8</sup> Реформаторский А.А. Термин как член лексической системы / А.А. Реформаторский // Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1968. – С. 103-125.

<sup>9</sup> Гулямова Ш. Жаҳон тилшунослигида омонимия ҳодисасининг ўрганилиш тарихи ва босқичлари//“Сўз санъати”. 1-сон, 3-жилд. – Тошкент, 2020. – Б. 104-109.

бирликларнинг шаклланишига ёрдам беради. Сўз тилнинг асосий бирлиги сифатида, шунингдек, атама сифатида саноат терминологиясининг асосий элементи бўлиб характерланади ва доимий равишда (структуравий ва семантик) ўзгариш қобилиятига эга. Бундай тил лексемаларининг хусусияти полисемия ва омонимия ҳодисаларида, айниқса кўп учрайди. Шунини таъкидлаш керакки, полисемия ва омонимия ўртасидаги структуравий фарқларни аниқлаш муаммоси йўлидаги ҳаракатлар лингвистикада кўп йиллар давомида олиб борилмоқда.

Тадқиқот муаммосига оид назарий ишлар таҳлили шунини кўрсатадики, асосий терминологик тушунчаларда полисемия ва омонимияни фарқлаш муаммоси XX асрнинг 60-80 йилларида И.Арнольд (инглиз тили отларида лексик ва грамматик категорияларни ҳамда кўп маъноли отларнинг семантик тузилишини ўрганган), А.Ахманова (омонимлар луғати тузилди), Ю.Апресян (семантик майдон структураси ўрганилди), Р.А.Будагов (полисемия ва омонимия ўртасидаги оралик аниқланди), В.Виноградов (лексик маъно турлари аниқланган), Ф.Дрейзина (кўп маънолиликнинг синтактик таҳлили ўтказилди), М.Задорожний (полисемия ва омонимия чегараларини текширди), Л.Малаховский (инглизча омонимлар ва омоформаларнинг луғатини тузди), Ю.Маслов (омонимлар турларини кўриб чиқди), Л.Новикова (рус тили материаллари асосида полисемия ва омонимия фарқларини кўрсатиб берди), А.Смирницкий (сўзнинг лексик ва грамматик нисбатини аниқлади), И.Тышлер (инглиз тилида омонимия муаммосини ўрганилди) тадқиқотларида ўз аксини топган.

Омонимия ва полисемияни фарқлаш мезонлари ҳақида умумий маълумот М.Задорожний, М.Абдурахманова, В.Левицкий, Ф.Маулер, асарларида кутатилади. Кейинроқ ушбу ишларнинг асосий қоидалари Г.Болтянскийнинг (инглизча феъл тизимида омонимия), Н.Кузменконинг (луғавий ва корпус материали бирлаштирилган) ишларида таҳлил қилинган<sup>1</sup>.

Кейинги йиллардаги терминологияга бағишланган номзодлик диссертацияларининг қиёсий таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

- а) атаманинг омонимияси синонимлар ва полисемия билан таққослаганда камдан-кам ҳолларда тадқиқот предмети бўлган;
- б) кўпинча терминологик омонимия полисемияга таққосланиб ўрганилган;
- в) тадқиқотларнинг аксарияти бир терминология асосида амалга оширилган: ҳарбий, нефт ва газ, ҳуқуқий ва ҳоказо.

Шундай қилиб, функционал атамашуносликда омонимия полисемияга ёки анъанавий лексик-семантик ўхшашлик билан таққосланади (О.Jespersen, R.H.Robins, B.Trnka, В.И.Абаев, Л.В.Малаховский, И.С.Тышлер, Р.З.Гинзбург, С.З.Нога, С.В. Гринев, О.Г.Борисова, М.Н.Пономарева) ёки кўпмаънолиликнинг бир ҳодисаси сифатида тасвирланади. Бироқ, илмий ҳамжамиятида атамалар семантик жиҳатдан умумий адабий тилдан ажралиб туришини ҳисобга олсак, бир атаманинг ҳар хил маъноларини турли терминлар сифатида кўриб чиқиш керак<sup>2</sup>.

Р.З.Гинзбург икки ва ундан ортиқ сўзларнинг барча фонетик бирикмаларини омонимиянинг ёрқин намунаси деб атайди. Масалан, инглиз географик атамаси *bar* – “қирғоқ бўйига параллел жойлашган чўзинчоқ шаклдаги паст ороллар” ва *bar* – “спиртли ичимликлар сотиладиган жой” этимологик жиҳатдан икки хил сўздир. Омонимиянинг иккинчи манбаи, яъни полисемантик сўз маъноларининг бўлиниши мезон сифатида кам даражада ишончлидир. Р.З.Гинзбургнинг фикрига кўра, полисемантик сўзларнинг омонимлар тоифасига ўтиш жараёни узоқ вақт талаб этади, шунинг учун полисемантик сўз маъноларининг бўлиниши туфайли унинг маънолари орасидаги барча семантик алоқалар бузилади ва икки ёки ундан кўп алоҳида сўзлар вужудга келади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Фирос Карим Бурайхи. Явления полисемии и омонимии в специализированной терминосистеме (на материале геодезической терминологии) // Journal of the College of Languages No. (38) 2018. – С. 57-76.

<sup>2</sup> Трифонова И.С. Семантико-функциональная природа межнаучной терминологической омонимии (на материале естественнонаучных терминов) // Вестник ВГУ. Серия: лингвистика и межкультурная коммуникация. 2019. № 4. – С. 44-51.

<sup>3</sup> Гинзбург Р.З. Лексикология английского языка / Р.З. Гинзбург, С.С.Хидекель, Г.Ю.Князева, А.А. Санкин // М.: Высшая школа, 1979. – 269 с.

Омонимия манбаларини ўрганишда шуни таъкидлаш лозимки, у полисемия натижасида турли йўллар билан географик терминларда юзага келади.

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, муайян контекстнинг мавжудлиги омонимик сўзлар ўртасидаги чегарани ўрнатиш учун етарли мезондир. Бироқ, бу ёндашув, Р.З.Гинзбургнинг фикрига кўра, бир хил сўзнинг турли маъноларини фарқлаш учун ишончли мезон бўлса-да, омонимларни полисемантик сўзлардан ажратишга имкон бермайди<sup>1</sup>.

Р.Робинс омонимия ва полисемияни фарқлаш учун тўртта мезонни аниқлайди: формал грамматик фарқлар, этимология, семантик муайянлик (ифодалилик) ва мослик<sup>2</sup>.

С.В.Гринев терминологияда омонимия ва полисемияни фарқлаш мезонларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор беради. Тадқиқотчи таъкидлаганидек: “бир лексик бирлик томонидан бир неча тушунча ифодаланган ҳолатлар полисемия ва омонимия сифатида квалификация қилиниши мумкин”<sup>3</sup>.

Метонимик жараён ёрдамида янги терминларни ҳосил қилишда, ҳар икки атама – эски ва ундан ҳосил бўлган янги атама – кўпинча турли атама тизимларда фойдаланиш билан ажратилмайди, балки бир хил тилда қолади ва улар ўртасидаги алоқани жуда аниқ кузатиш мумкин.

Худди шундай аналогик кўриниш О.С.Ахманова илмий ишларида ҳам тўла исботланган ва ишлаб чиқилган<sup>4</sup>. У терминологияда полисемия ва омонимияни фарқлаш тушунчасини аниқ ифодалайди. Унингча, “агар икки атама ифода жиҳатидан бир хил бўлса-да, мазмун жиҳатидан фарқ қилса, бу ҳодиса полисемиянинг бир терминологик тизимда ва турли терминологиядаги омонимия каби кўринади”. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, шуни хулоса қилишимиз мумкинки, кўп ҳолларда географик терминологиядаги полисемия ва омонимия ўртасидаги чегара ноаниқ бўлса-да, бу тушунчаларнинг хусусиятларини ўрганувчи аниқ контекст, лексик бирликлар фарқларини ўрганиш ва бу полисемик атаманинг ҳақиқий қийматини аниқлаш мезонлари мавжуд<sup>5</sup>.

Ғ.Исмаилов “Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши” номли илмий ишининг “Транстерминларда омонимия” бобида семантик усулда термин ҳосил бўлиши омонимларни келтириб чиқаришини таъкидлайди.

Омонимияни вужудга келтирувчи омиллардан бири полисемиядир. Бу омил, айниқса, терминлар омонимиясида алоҳида эътиборга молик. Чунки терминлар омонимияси, асосан, семантик кўчиш орқали юзага келади. Бунда дастлаб умумистеъмордаги луғавий бирлик муайян соҳага оид терминга кўчади ва умумистеъмордаги сўз билан термин омонимиясини вужудга келтиради. Бу ҳолат янада мураккаб тус олиши мумкин, яъни умумистеъмордаги сўз бир вақтнинг ўзида бир неча терминга кўчиши ёки терминга айланган сўздан яна бошқа терминлар семантик усулда ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Масалан, анатомия, зоология, ботаника, техника соҳаларига оид *парда*, *сичқон(ча)*, *хона* каби терминлар муайян бир соҳадан иккинчи бир соҳага транстерминлашган луғавий бирликлар ҳисобланади. Бу ҳол терминологияда омонимиянинг вужудга келишига олиб келади<sup>6</sup>. Демак, “транстерминлашув – бирон соҳа терминининг бошқа бир соҳага бутунлай кўчиши ва соҳалараро омонимияга айланишидир”<sup>7</sup>.

Биз омоним сўзлар қайсидир маъноси билан географик терминга хос бўлишини инобатга олиб, омоним сўз бир маъноси билан географик термин, бошқа маъноси билан

<sup>1</sup> A Course in Modern English Lexicology / Р. З. Гинзбург, С. С. Хидекель, Г. Ю. Князева [и др.]. – М. : Высшая школа, 1979. – С. 33-51.

<sup>2</sup> Robins, R. H. Polysemy and the Lexicographer / R. H. Robins // Studies in Lexicography / Ed. by Robert Burchfield. – Oxford, 1987. – P. 52–73.

<sup>3</sup> Гринев, С. В. Введение в терминоведение / С. В. Гринев. – М., 1993.

<sup>4</sup> Akhmanova, O. S. Linguistic Terminology / O. S. Akhmanova. – М. : Moscow University Press, 1977.

<sup>5</sup> Асадова М. Сравнительный структурно-семантический и этимологический анализ географических терминов в таджикском и английском языках: Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Душанбе, 2020. – С. 161.

<sup>6</sup> Исмаилов Ғ. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2011. – 27 б.

<sup>7</sup> Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – С. 194.

умумистеъмолдаги сўз бўлиб келиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда терминларда омонимия муносабатини кенг доирада тушундик ва таҳлил этдик.

Омоним географик терминларни сўз туркумлари доираси нуктаи назаридан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) бир сўз туркуми доирасидаги омоним географик терминлар;
- 2) турли туркум доирасидаги омоним географик терминлар.

Демак, тежамкорлик – тилнинг асосий хусусиятларидан бири. Чексиз борлик ходисаларини санокли сўз ва иборалар билан ифодалаш, сон-саноксиз маъноларни маълум микдордаги бирликлар бағрида сақлаш тилнинг функционал имкониятларини беҳад кенгайтиради, ундан фойдаланишни қулайлаштиради, шароитга мослашувчанлик қобилиятини оширади. Бу жиҳат тилнинг ўз-ўзидан ривожланиш ва такомиллашиш белгисига эга субстанциясининг моҳиятига дахлдор. Шаклдаги тежамкорлик, маънодаги синкретизм, қўлланишдаги полифункционаллик, полисемия, синонимия, омонимия каби лисоний қонуниятлар ана шу тежамлилиқнинг ўзига хос кўринишлари<sup>1</sup>. Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, географик терминларда фақат соҳалараро омонимия эмас, балки географик термин билан умумистеъмолдаги сўз сифатида характерланувчи бир қатор лексемаларимиз мавжуд. Кузатганимиздек, улар тилимизда маълум бир фан соҳасида қўлланиши ёки бир сўз умумистеъмол қатламда ҳам, терминосистемада ҳам учраши мумкин.

*Наишга ф.ф.д. Б.Баҳриддинова тавсия этган*

## ИЛК ЎҚУВ ЛУҒАТЛАР – ИБТИДОЙ МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

**Баҳриддинова Б.М. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мақолада “луғат”, “луғатчилик” терминларининг илмий муомалага киритилиши, антик мактабларда ўқув қўлланма, дарслик вазифасини ўтаган илк луғат-дарсликларнинг ўқув луғатларининг дастлабки кўринишлари эканлиги, шунингдек, жаҳон тилшунослигида ўқув луғатчилиги тарихини ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинади.

**Таянч сўзлар:** *луғат, ўқув луғати, ўқув луғатчилиги, мактаб луғати, антропоцентриқ луғат, филологик луғат, энциклопедик луғат, универсал луғат, комплекс луғат.*

**Аннотация.** В статье анализируются введение терминов «словарь», «лексикография» в научную коммуникацию, первые учебники и учебные пособия в виде словарей, которые существовали в античные времена, а также труды, осуществленные по изучению истории развития учебных словарей в мировой лингвистике.

**Ключевые слова:** *словарь, учебный словарь, учебная лексикография, школьный словарь, антропоцентрический словарь, филологический словарь, энциклопедический словарь, универсальный словарь, комплексный словарь.*

**Annotation.** The article analyzes the introduction of the terms “dictionary”, “lexicography”, the introduction of textbooks in ancient schools, the first appearance of textbooks in the dictionary, as well as the work done to study the history of lexicography in world linguistics.

**Keywords:** *dictionary, educational dictionary, educational lexicography, school dictionary, anthropocentric dictionary, philological dictionary, encyclopedic dictionary, universal dictionary, comprehensive dictionary.*

Маълумки, “луғат” лексемасининг ҳар бир тилда ўз тарихий атамаси мавжуд, у инглизларда “dictionary”, французларда “dictionnaire”, форсларда “фарҳанг” (қадимги паҳлавий тилида “фар” – олий, “ханг” – сўз, “олий сўз”, “маданият”), русларда “словарь”, арабларда “الغته”, санскрит тилида “коша” (“амаракоша” – хазина) ва “нигханту” (ведаларга изоҳлар) ва бошқа кўринишларда учрайди.

<sup>1</sup> Валиев Т. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талкини: Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... дисс. – Самарқанд, 2018. – Б. 72.

Термин “луғат” маъносида Европада илк марта инглиз тилида Жон Гарланд асарларида *dictionary* шаклида учрайди. Ҳозирги луғат типигаги биринчи китоб сифатида Т.Элиотнинг 1538 йилда нашр этилган лотинча-инглизча луғати қайд этилади. Кўпчилик тадқиқотчилар илмий лексикография инглиз тилида С.Жонсоннинг 1755 йилда яратилган “Инглиз тили луғати” (“*A Dictionary of the English Language*”), француз тилида Д.Дидронинг 1766 йилда яратилган “Энциклопедия”си (Тўлиқ номи: “*Encyclopedic ou dictionnaire raisonne des sciences, des arts et des metiers*”) ва П.Ларусснинг XIX асрга тегишли “Катта универсал луғати” (“*Grand Dictionnaire universel du XIX-e siècle*”), немис тилида ака-ука Гриммларнинг 1852 йилда яратилган “Немис тили луғати” (“*Deutsches Wörterbuch*”) билан, араб илмий лексикографияси XVII асрда ислом динининг муқаддас китоби “Қуръон” матнини тушуниш мақсадида юзага келган луғатлар (Халил ибн Аҳмаднинг “Китобул-айн” луғати – Б.Б.) билан, Америка луғатчилик анъаналарининг бошланиши XIX асрда Н.Вебстер луғатлари билан бошланганлигини қайд этадилар. (1, 14)

1759-1760 йилларда яратилган машҳур лексиколог ва лексикограф Мирзо Махдихоннинг шарқ лексикографиясида ўзига хос ўрнига эга бўлган “Санглоҳ” луғатида шарқий тилларга хос лингвистик терминларга ҳам изоҳ берилади. Жумладан, “луғат” термини қуйидагича изоҳланади:

“ЛУҒАТ” – لغت (араб.) а) тил, нутқ. Луғати форс (форс тили), луғати араб (араб тили), луғати туркий (туркий тил); б) сўз, калима, нутқ воситаси. Луғати мўғулий (мўғул сўзлари), луғати мушкала (қийин сўзлар); в) луғат китоби, лексикография асари. Луғоти нависий (лексикография, луғат); г) “луғат” – луғатлар. (2)

Кўриниб турибдики, дунёнинг барча тилларида “луғат” сўз ва унинг маъносига ишора қилади. Сўз ва унинг изоҳи эса энг қадимги мактаб қўлланмалари – глоссарий, вокабулярий, азбуковник, ономастиконларнинг ҳам асосини ташкил қилган. Шу сабабли, жаҳон лексикографияси тарихи “луғат” сўзи учраган давр – XV-XVI асрдан бошланади.

Европада ўқув лексикографияси тарихий тараққиётини ёритишда В.Г.Гак услуби етакчилик қилади. В.Г.Гак Европада яратилган лексикографик характердаги ишларнинг шаклий ва вазилавий тараққиётида учта даврни ажратади:

1. Луғатларгача бўлган давр (XV асргача);
2. Илк луғатчилик даври (XV – XVII аср);
3. Лексикографиянинг тараққий этган даври (XVIII аср). (3)

Луғатларгача бўлган даврга мансуб лексикографик ишлар, юқорида айтилганидек, Қадимги Месопотамия, Миср, Юнонистон каби илк цивилизация ўчоқларида милоддан аввалги икки мингинчи йилликларда, асосан, қадимги қўлёмалардаги маъноси тушунарсиз сўзларни шарҳлаш ёки таржима қилиш мақсадида яратилган глоссарийлар, вокабулярийлар (дарслик ёки унинг ҳар бир бўлими бўйича тузиладиган қисқача луғат) ва ономастиконлардан бошланиб, милоднинг XV асригача яратилган манбаларни қамраб олади. Уларнинг аксарияти айнан луғат деган тушунча билан эмас, балки дарслик, ўқув қўлланма мақсадида яратилган. Фойдаланишга қулай бўлиши учун энг зарурий тушунчалар, маъноси тушунарсиз сўзларнигина қамраб олиши ва уларга қисқача изоҳ, шарҳ берилиши билан мазкур ўқитиш воситалари ҳозирги луғатлар услубини эслатган. XV асрга келиб луғат дарсликдан ажралиб чиққан ва алоҳида лексикографик жанр номи сифатида манбаларда учрай бошлаган. Шу сабабли В.Г.Гак мазкур ишлар мансуб даврни “луғатларгача бўлган давр” деб номлайди.

Ўқув мақсади бирлаштиргани, грамматик машқлар, савол ва топшириқлар илова қилингани мазкур манбаларни “дарслик” деб номлашга, энг асосий тушунчаларни кўпинча алифбо тартибида ёки мавзувий тўдаларга бирлаштириб қисқача изоҳ бериши “луғат” деб номлашга асос бўлади.

В.В.Дубичинский “лексикография” термини юнонча *λεξικός (lexico)* – “сўз” ва *γραφο (grapho)* – “ёзмоқ” сўзларидан келиб чиққан бўлса-да, қадимги юнон тилига мансуб термин эмаслигини айтиб ўтади. Унингча, ушбу термин биринчи марта *Etymologicum Magnum*да *lexikographos* – “сўзлар тўплами” шаклида учрайди. Шунингдек, мазкур терминнинг 1578 йилда французларда Ҳенри Этьеннинг луғатчиликка бағишланган машҳур “*Deux dialogues du*



pouveaux language François, italianizé” асарида *lexicographie*, 1680 йилда яратилган инглиз тилининг Оксфорд луғатларида *lexicography*, 1698 йилдан немис тилида *lexikographie*, французларнинг юқорида тилга олинган дунёга машхур “Энциклопедия” сида *lexicographie* шаклида учрашни қайд этади. (4, 17)

Худди шунингдек, П.Н.Денисов ҳам “Луғатлар ҳар қанча қадимий бўлмасин, “лексикография” терминининг тарихи узокқа бориб тақалмайди: инглиз тилшунослигида 1680 йилдан, рус тилшунослигида 1845 йилдан, полякларда 1861 йилдан кузатилади. Европа мамлакатларида лексикографиянинг пайдо бўлиши мамлакатнинг интеллектуал тараққиёти билан боғлиқ равишда икки-уч асрга фарқланади. Илмий муомалага терминнинг кечикиб кириб келишига мазкур сўзларнинг асоси қадимги юнон ва лотин тилларига мансуб бўлса-да, термин сифатида халқаро илмий луғатлар фондида учрамаган”лиги сабаб бўлганини таъкидлайди. (5, 208)

Замонавий ўқув луғатчилигининг пайдо бўлиши XX аср бошларига тўғри келиб, дастлаб инглиз, кейинчалик, Европа (француз, испан, немис, рус ва бқ.) тилшуносликларида кузатилади. В.Г.Гак ўқув луғатчилиги ва умумий луғатчиликнинг тарихий аспекти ёритилган мақоласини шундай хулосалайди: “Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, аслида ўқув луғатлари умумий луғатлар негизида эмас, балки умумий луғатлар ўқув луғатлари эволюцияси натижасида юзага келган. Замонавий ўқув луғатчилиги масалаларини ёритаётган назариётчилар ўқув луғатларини яратишда умумий лексикографик аъналарга мувофиқлаштириш зарурати хусусидаги гапирадилар. Ҳолбуки, педагогика фан сифатида энг барқарор манбаларга асосланади: унинг предметини тез тараққий этиб бораётган техника ёки инсоннинг олам борасидаги билимлари эмас, балки таълим олувчининг секинлик билан ўзгариб боровчи психофизиологик хусусиятлари ташкил этади. Шунинг учун, замонавий ўқув лексикографиясининг назарий ва амалий тараққиётида асосий эътиборни ўқув характеридаги илк луғатлар таҳлиliga қаратиш мақсадга мувофиқ”. (1, 27)

П.Н.Денисов “Об универсальной структуре словарной статьи” мақоласида ўқув луғатчилиги тарихига муносабат билдириб, қуйидагиларга эътиборини қаратади: “Антик луғатларнинг дастлабки кўринишлари маъноси тушунарсиз сўзлар рўйхати – глоссарийлар шаклида бўлган. Кейинчалик Гомер ва бошқа антик ёзувчиларнинг асарлари асосида глоссарийлар тўплами юзага кела бошлаган. Византиялик Аристофан (эр.ав. III – II асрлар) ўз асарлари лексикаси луғатини тузган, бунда сўзликнинг катта қисмини антик ёзувчилар асарларидан олинган парчаларда учраган сўзлар ташкил қилган. Шунингдек, Дионисий Фракийскийнинг (II аср) луғат характеридаги мактаб грамматикаси ҳам ўзига хос қийматга эга бўлган”. (5, 210)

Ўзбек тилшунослигида бажарилган ишларда ҳам луғатчиликнинг “турли халқларда ёзув тараққиётининг илк босқичларида у ёки бу тушунарсиз (эскирган, лаҳжавий, махсус ёки чет тилига мансуб) сўзнинг қандай маъно англатишини билиш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган”лиги таъкидланади. (6, 35)

Маълумки, Месопотамия қадимий ва бой маданиятга эга бўлган цивилизация ўчоғи бўлиб, кўпгина фанларнинг ибтидоси шу ерга бориб тақалади. Месопотамия халқлари эришган ютуқлардан яна бири ёзувнинг ҳам шу заминда ихтиро этилиши эди. Дастлабки ёзув милоддан аввалги I минг йилликда Шумерда кашф этилган ва шумер ёзуви ҳам деб юритилган. Бу ёзув суратли (иероглиф) бўлиб, айтимокчи бўлган сўз ва иборалар расмлар, белгилар орқали ифода этилган. Масалан, қуш сўзи қушнинг тасвири, сув сўзи уч қатор тўлқинсимон чизик, юлдуз эса юлдуз тасвирлари билан ифода этилган. (7, 55)

Ушбу мамлакатда бир неча – аккад, шумер, элам, арамей, аморий ва бошқа миллат вакиллари аралаш ҳолда турмуш кечириб, уларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун тил ўрганишга эҳтиёж катта бўлган. Бу эҳтиёж тил ўргатиш учун хизмат қилувчи ўқув қўлланмалар – антик луғат намуналарининг юзага келишига сабаб бўлган. Шу тариқа Месопотамия илк луғатларнинг ватани сифатида ҳам тарихга кирган. Машхур тарихчи олим В.И.Авдиевнинг “Қадимги Шарқ тарихи” номли китобида келтирилишича, Қадимги Месопотамиядаги икки қабила – шумер ва Аккад семитлари тамоман бошқа-бошқа тилларда гаплашган ва турмушда бир-бири билан ниҳоятда тутшиб кетган. Бу эса ҳар икки тилни

ўрганиш учун хизмат қиладиган мактаб дарсликларига эҳтиёжни юзага келтирган. Шу мақсадда шумер ва аккад тилларида мулоқот қилишга ёрдам берадиган турли тушунчаларни ифодалайдиган мантикий белгилар рўйхати тузилган. Тоғ ва давлатлар, худолар ва ибодатхоналар, тош ва ўсимликлар, ёғоч ва теридан ясалган нарса-буюм, асбоб-ускуна номлари ва бошқа тушунчаларнинг кўпсонли рўйхатидан ташкил топган бу қўлланмалар шумер ва аккад тилларини ўрганиш учун амалий жиҳатдан муҳим восита бўлиб хизмат қилган. (8)

Қадимги Месопотамияда мактаб ва маориф ишларига алоҳида эътибор берилган. Мактабларнинг аксарияти ибодатхона ва саройлар қошида бўлган, уларни руҳонийлар бошқарганлар. Бошланғич синфларда, ёзув, тил, адабиёт ва грамматик билимлар ўргатилган. Қадимги шумерларнинг Ниппур шаҳри харобаларидан 3000 йиллик тарихга эга ибодатхона харобаси топилган бўлиб, унинг маданий қатламларида 6000дан ортиқ сопол табличкаси бўлган кутубхона аниқланган. Ниппурдаги ушбу ибодатхона кутубхонасидан соф маълумотнома қўлланма кўринишидаги мактаб грамматикалари ҳам топилган. (9, 107) П.Н.Денисов юқоридаги маълумотларга таяниб, “антик луғат намуналари диний асарлардаги маъноси тушунарсиз сўзларни изоҳлаш ва бегона тилларни ўрганиш, умуман, таълимий мақсадда яратилган мактаб қўлланмалари бўлган” деган қатъий хулосага келади ва у ўз фикрига “Эрампдан аввалги XXV асрларга тегишли шумер глоссарийлари, уч тилли шумер-аккад-хетт маълумотномалари (эр. ав. XIV – XIII) тил ўргатиш воситасининг (глоссарий ёки икки тилли луғат – Б.Б.) қурилмаси ўқитувчи томонидан бериладиган саволлар, ўқувчининг жавоби, ёдлашга қаратилган ёзма ва оғзаки топшириқлар, таржима қилиш каби жараёнлардан иборат тизимдан ташкил топишига гувоҳлик беради”, (5, 209) дея асос келтиради. Ўқув луғатларининг П.Н.Денисов томонидан илгари сурилган ушбу белгиси бугунги замонавий ўқув луғатларининг ҳам тавсифий белгисилигича қолмоқда.

П.Н.Денисов римликларга ўқув луғатлари тузишга юнонлар иштиёқ уйғотганини таъкидлайди. Унинг айтишича, 12 дан 16 ёшгача бўлган римлик ўспиринлар, одатда, мактабга қатнашган ва улар учун асосий машғулот адабиёт, нотиклик ҳамда грамматика бўлган. П.Н.Денисов Квинтилианнинг “Нотиклик санъати ҳақида” асарида келтирилган тил ўрганиш, таржима жараёнлари, хусусан, юнон тилидан лотинчага таржима ҳақида қарашларни келтиради ва Квинтилиан уларни “кундалик ўқув машқлари” деб номлаганига эътиборни қаратади. Бу билан олим ўз даврида Римда нотиклик, грамматика, лексикография қоришиқ ҳолда мактаб машғулотларининг асосини ташкил қилгани, ушбу лексикографик ва грамматик анъаналар Римдан то Ғарбий Европа, Византиядан Жанубий ва Шарқий Европа – Франция, Италия, Англия, Болгария, Россия ва бошқа Европа давлатларига ёйилганини таъкидлайди. (5, 210)

Француз лексикографи Г.Маторе “Худди юнонлар каби римликларнинг ҳам луғатшунослиги ўқув мақсадини кўзлаган ва у ҳамма ерда мактаб учун хизмат қилган”ини таъкидлайди. (10, 42) Ҳақиқатдан ҳам, юнонлар ва римликларнинг илк луғатларини ўқув мақсади бирлаштиради, бироқ уларда маълум даражада фарқлар ҳам кузатилади. Юнонларда луғатлар ўзга тилни ўрганиш, диний тушунчаларни шарҳлаш характерида бўлса, римликларда эса нутқ ўстириш, нотиклик санъатини ўзлаштириш ишида ўқув воситаси ролини ўтаган. Бунга Квинтилианнинг нотикликка оид луғат қўлланмаларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Марк Фабий Квинтилиан (Marcus Fabius Quintilianus, тахминан милонинг 35-96 йй.да яшаб ўтган) Қадимги Рим нотиғи, педагог, нотиклик санъати ва лотин тили муаммолари тадқиқотчиси сифатида танилган. Унинг нутқ маданиятига доир антик ўқув қўлланмалари, хусусан, “Нотик учун йўриқнома” (Institutio oratoria) асари антик даврлардан то ҳозирга қадар нотиклик санъати асосларини ўқитишда ноёб қўлланма бўлиб келмоқда.

Квинтилиан Римда шахсий нотиклик мактабини очади ва 20 йил давомида римлик аслзода, юқори табақа вакилларининг фарзандларига нотиклик санъатидан дарс беради. Унинг “Нотик учун йўриқнома” асари нотиклик санъати ўқитиладиган антик мактабларда Цицерон қўлланмалари билан ёнма-ён ишлатилган ва замондошлари Квинтилианга “Иккинчи Цицерон” мақомини беришган. (11)

Квинтилиан нутқ маданиятини эгаллашда, аввало, боланинг сўз бойлигини оширишга диққатни қаратади. 12 та китобдан иборат машхур “Нотиқ учун йўриқнома” асарининг дастлабки икки китоби умумий педагогик масалаларга қаратилган бўлса, кейинги китобларнинг асосида сўз бойлигини ошириш, сўз маъносини англаш ва ўрнида қўллаш, таржима масалалари қамраб олинади.

Ўқув луғатларининг, умуман, луғатчиликнинг тарихий илдизлари хусусида гап кетар экан, бу борада Ю.Поллукс “Ономастикон”ининг ўрни ниҳоятда муҳим эканини эътироф этиш ўринли.

Полидевк Поллукс Юлий II асрнинг охири III аср бошларида яшаган юнон файласуфи, лексикографи ва нотиғи. У Навкратисда (Миср) туғилган. Афина шаҳрида грамматика ва риторика ўқитувчиси сифатида танилган. Манбаларда унинг нотикликка бағишланган бир қанча асарлар яратгани, аммо бизга қадар ягона “Ономастикон”и (у ҳам бўлса, оригинал вариантда эмас, бир неча марта қайта ишланган, қисқарган шаклда) етиб келгани хусусида маълумотлар учрайди. (12)

Лексикография тарихида “Поллукс ономастикони” (“Pollucis onomasticon”) номи билан машхур бўлган мазкур луғат Поллуксга риторикага иштиёқ уйғотган Император Коммодга бағишланган бўлиб, 10 жилд – энциклопедия-китобдан ташкил топган. Ҳар бир китоб Коммодни олқишлаш, мақташ билан бошланади. Луғат ўз номидан кўриниб турибдики, у муаллиф яшаган даврда юнон тилида мавжуд бўлган атоқли отлар маъносини изоҳлашга бағишланган.

“Ономастикон” идеографик характердаги луғат, ҳар бир китоб маълум бир мавзу, йўналишга оид атамаларни қамраб олади. Поллукс луғатни яратишда ўзигача яшаб ўтган машхур лексикографлар, файласуфлар Горгий, Византиялик Аристофан, Эратосфен, Памфила ва бошқаларнинг тажрибасига таянган, ўрни билан мисол тариқасида антик ёзувчилар ижодидан цитаталар келтирган. Луғат антик театр, музыка, балет, архитектура, декорациялар, Афинадаги суд тизими, мансабдорлар хусусида маълумотлар жамланган бебаҳо хазина – тезаурус (идеографик луғат) бўлиш билан бирга антик ўқув луғатларининг асл намунаси ҳам ҳисобланади.

“Ономастикон”нинг биринчи босма нашри 1502 йилда Венецияда Манусий Альд томонидан лотинча таржимада чоп этилади.

Поллукс “Ономастикон” ўзига хос услубга эгаллиги билан диққатга сазовор. У луғатдан кўра кўпроқ риторика дарслигини эслатади. Сўзлар, асосан, алфавит тартибида, баъзан мавзуга кўра ҳам берилади; сўзликни жойлаштиришда қатъий тартибга асосланмайди. Масалан, луғат таркибида ҳукмдорни олқишлашга бағишланган 52 та мақтов ва солиқ йиғувчиларнинг кирдикорини очишга қаратилган 33 та танқидий матн ҳам учрайди. (13)

Поллукс луғатини том маънода ўқув мақсадида яратилган луғат деб аташ мумкин. Муаллиф умрининг охириги даврларида Афинада яшаб, риторикадан дарс берган. Унинг учун ўқув қўлланмаларга бўлган эҳтиёж катта эди. Шу боис луғат асосида муаллиф риторика, нотиклик сирлари, нутқ ўстиришга доир қарашларини жамлаган ва ундан амалиётда қўлланма сифатида фойдаланган. Умуман, “Ономастикон” бир неча асрлар давомида нотиклик ниҳоятда қадрланган ва санъат даражасига кўтарилган Юнонистонда нутқ ўстириш машғулоти учун луғат-дарслик вазифасини бажариб келган. (14)

Идеографик луғатнинг бош мақсади – маълум бир фикрни ифода этиш учун зарур бўлган сўзни танлашда амалий ёрдам бериш. Поллукс “Ономастикон”и билан деярли бир даврда Қадимги Ҳиндистонда Амарасингхнинг машхур “Амаракоша” луғати дунёга келади. Гарчанд Европа олимлари томонидан Марк Питер Роженинг 1852 йилда яратилган “Тезаурус”и (тўлиқ номи: Thesaurus of English Words and Phrases – “Инглизча сўзлар ва иборалар тезауруси”) илк идеографик луғат сифатида эътироф этилса-да, юқорида тилга олинган “Ономастикон” ва “Амаракоша” ҳам ўтмишнинг энг аҳамиятга молик идеографик луғатлари сифатида қайд этилади.

“Амаракоша” (санскр. अमरकोश – Amarakośa, “Амара луғати”) – буддизм вакили, донишманд Амара Синх қаламига мансуб санскрит тилида битилган биринчи ва энг машхур

синонимлар луғати. Луғат сўзлиги мавзувий принципга асосланганлиги сабабли идеографик луғат деб юритилади. Амара – муаллифнинг номи бўлиб “ўлмас”, “коша” – “луғат”, “хазина”, “тўплам” маъноларини англатади. Иккинчи номи – **Намалинганушасана**” (санскр. नामलिङ्गानुशासनम् – Nāmalīṅgānuśāsanam “нама-линг-ану-шасана”, от ва грамматикага оид қўлланма). Луғат 10 минг сўзни қамраб олган. Луғат қурилмаси унинг нафақат тилнинг лексик бирликларини қамраб олиши, балки ўзида “оламнинг лисоний манзараси”ни акс эттирганидан ҳам далолат беради. Луғат матни учта китобга (қағда) бўлинади, уларнинг ҳар бири ўз навбатида маълум бир мавзудаги сўзларни бирлаштирган лексик-семантик гуруҳларни ифодаловчи бобларга (варга) ажратилган.

Луғатда тушунчалар муҳимлик даражасига қараб қатъий кетма-кетликда жойлаштирилган. Масалан, дастлаб жаннат ва худоларни англатувчи синонимлар рўйхати келтирилади, кейин иккинчи даражали тушунчаларни билдирувчи лексик ва семантик гуруҳлар маълум тартибда берилган. Кейинги ўринларда самовий жисмлар номлари, сайёралар ва юлдуз туркумлари, табиат ҳодисалари (ёмғир, момақалдирик, булутлар, қор ва бошқалар), дунё томонлари, вақт, масофани англатувчи бирликлар, ойлар, фасл номлари ва бошқалар изоҳи келтирилади. Луғатнинг иккинчи китоби инсонга бағишланган, унда муайян тартибда инсонга хос тушунчалар – уй, қалъалар ва мулклар, турли хил хунармандчилик буюмлари, уй-рўзғор буюмлари, ёввойи ва уй ҳайвонларининг номлари келтирилади.

Биринчи китобнинг олтинчи боби “Абда-варга” (абда – сўз, тил) инсоннинг нутқий қобилиятига бағишланган. Унда инсоннинг атрофдагилар, хусусан, худолар билан мулоқот қилиш қобилияти хусусида маълумотлар келтирилади. Инсон нутқига хос мактов, олқишлардан тортиб ҳақорат ва лаънатгача бўлган турли кўринишлар қамраб олинади. Изоҳларда нутқнинг оллоҳ томонидан инъом қилинган, инсон томонидан ўзлаштирилдиган ва маданият даражасини кўрсатиб берадиган туҳфа эканлиги ўз аксини топади. Муаллиф луғатда биргина *нутқ* сўзининг 13 та синонимини келтириб, ўз қуршовида англатган маъноларини изоҳлаб беради. (15)

Бошқа антик луғат-қўлланмалар каби, кўриб ўтилганидек, Амара Синхнинг “Амаракоша” луғати ҳам ўз даврининг муҳим илоҳий тушунчалари, кундалик турмушда учрадиган маъноси тушунарсиз сўзлар изоҳига бағишланган.

Кўриб ўтилганидек, антик луғатлар дастлаб ибодатхоналар қошидаги мактаблар учун яратилган, асосида диний илм бериш, муқаддас китоблардаги маъноси тушунарсиз сўзларни изоҳлаш мақсади ётган. Кейинчалик луғатлар даврнинг машҳур ижодкорлари асарлари, халқ оғзаки ижоди намуналарида учрадиган айрим тушунчалар, халқ турмуш тарзи билан алоқадор сўзлар маъносини изоҳлаш вазифасини бажара борган. Шу тариқа бирин-кетин асосида бошқа тилни ўқитиш мақсади ётган дарслик вазифасини ўтовчи илк луғатлар дунёга кела бошлаган. Мазкур луғатларнинг барчасини битта умумийлик – ўқув мақсади бирлаштирган. Уларнинг асосида маъноси тушунарсиз сўзларни изоҳлаш ва ёш авлоднинг тил маданияти билан боғлиқ кўникмаларини ривожлантириш вазифаси ётган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография // Wiener slawistischer almanach. Sonderband 45. – Вена; Харьков, 1998. – 160 с.
2. “Санглох”. Мирза Махдихон. (1759-1760 йил) 1960 йил. Лондон; Умаров Э.А. “Эски ўзбек луғатлари” – Т., –36 б.
3. Гак В.Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) / В.Г. Гак // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – М., 1977. – С. 11–27.
4. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб. Пособие. –М.: Наука: Флинта, 2008. – 432 с.
5. П.Н.Денисов. Об универсальной структуре словарной статьи. – В.кн.: Актуальные проблемы учебной лексикографии. Сост. В.А.Редкин. –М., «Русский язык», 1977., –320 с.
6. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тўплам. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 384 б.
7. Л.С.Васильев. История Востока. Том 1. –Москва: Высшая школа, 1998. – 609 с.

8. Авдиев В.И. История древнего Востока. –М.: Высшая школа, 1970. – 608 с.
9. Кабиров А. Қадимги шарқ тарихи. –Т., 2018, – 405 б.
10. Matoré G. Histoire des dictionnaires français. – Paris, Larousse, 1968, – 270 p.
11. Марк Фабий Квинтилиан. [Электрон ресурс]. URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Квинтилиан>
12. Юлий Полидевк (Поллукс) [Электрон ресурс]. URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
13. L' Onomasticon: Tra lessicografia e antiquaria / A cura di C. Bearzot, F. Landucci, G. Zecchini. Mil., 2007.
14. Полидевк Поллукс Юлий. Большая Российская энциклопедия [Электрон ресурс]. URL: [https://w.histrf.ru/articles/article/show/polidievk\\_polluks\\_iulii](https://w.histrf.ru/articles/article/show/polidievk_polluks_iulii)
15. Волошина О. А. Речь божественная и человеческая в словаре-тезаурусе Амаракоса. [Электрон ресурс]. URL: <http://saraswati.pro/wiki/Amarakosha>.

## МАЪНАВИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ АТОВ БИРЛИКЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА ТАВСИФЛАНИШИ

Тожиева Г.Н. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Мақолада маънавият тушунчаси билан боғлиқ маърифат, ватан, ғоя атов бирликларининг икки томлик ва беш томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да берилиши қиёсан ёритилган. Беш томлик изоҳли луғатнинг яратилиши ўзбек лексикографиясининг назарий ва амалий жиҳатдан такомиллашганлиги, жаҳон лексикографиясининг илғор назарий хулосалари, метод ва методикасини ижодий ўзлаштирганлиги натижасида юзага келганлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган.

**Таянч сўзлар:** *лексик фонд, лексикография, семантика, маънавий-маърифий тушунча, сема, семема, сўз маъносининг кенгайиши, сўз маъносининг торайиши, сўз маъносининг ихтисослашиши.*

**Аннотация.** В статье в сравнительном аспекте освещается передача единиц в двухтомном и пятитомном «Толковом словаре узбекского языка», связанных с понятиями образование, родина, идея. Создание пятитомного толкового словаря явилось результатом теоретического и практического совершенствования узбекской лексикографии, творческого освоения передовых теоретических выводов, методов и приемов мировой лексикографии.

**Ключевые слова:** *лексический фонд, лексикография, семантика, духовно-просветительская концепция, сема, семема, расширение значения слова, сужение значения слова, специализация значения слова.*

**Annotation.** The article compares the two-volume and five-volume "Explanatory Dictionary of the Uzbek language" of the units of enlightenment, homeland, ideas related to the concept of spirituality. It is said that the creation of the five-volume explanatory dictionary was the result of theoretical and practical improvement of Uzbek lexicography, creative mastery of advanced theoretical conclusions, methods and techniques of world lexicography.

**Keywords:** *lexical fund, lexicography, semantics, spiritual-enlightenment concept, sema, semema, expansion of word meaning, narrowing of word meaning, specialization of word meaning.*

Истиқлол натижаси ўлароқ, ўзбек миллий лексикографияси ўз тараққиётининг янги пиллапоясига кўтарилди. Тилимизнинг изоҳли луғатларини такомиллаштириш, янги луғатларни тартиб бериш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ўзбек лексикографиясида улкан воқелик десак, муболаға бўлмайд<sup>1</sup>. Бу икки ҳолат билан белгиланади:

*Биринчидан*, ўзбек халқининг миллий мустақилликка эришуви, янги мулкый муносабатларнинг қарор топиши, базиси ва устқурмасидаги жамият туб янгиланишларнинг юз бериши ўзбек тили лексикасининг кескин ўзгаришига олиб келди. Зеро, “тилниги ривожланиш жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси) бошқа соҳаларига қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бунинг сабаблари маълум, албатта. Бу ўзгаришлар лексиканинг фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт, ўзгаришлар янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий бирликларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги

<sup>1</sup> Маҳмудов Н. (“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси)

маънолар касб этиши ва айрим маъноларининг йўқолиши каби ҳодисалардан иборат бўлади. Бу жараёнда луғавий бирликларнинг адабий меъёр (норма)га бўлган муносабатида, қўлланиши ва бошқа хусусиятларида турлича ўзгаришлар юз беради. Ана шундай ўзгаришлар маълум даражага келганида, уларни назарий ва амалий жиҳатдан акс эттирувчи тадқиқотларга эҳтиёж туғилади. Амалий ишларнинг асосийларидан бири эса изоҳли, тарихий ва этимологик луғатлар тузиш ҳисобланади. Икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” юзага келгандан буён ўтган йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўзбек тили лексикасида юз берган ўзгаришлар эътиборга олинса, аллақачон ана шундай луғатнинг янгини яратиш вақти келганлиги ва бу иш ҳозирги куннинг талаби эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади”<sup>1</sup>.

*Иккинчидан*, ўзбек миллий лексикографияси янги тараққиёт босқичида сўзларни изоҳлашнинг ўзига хос усуллариغا эга бўлди. Бу эса, ўз ўрнида, ўзбек назарий лексикологиясининг сўзлар семантикасини тадқиқ қилиш бўйича эришган жуда катта ва кенг қамровли ютуқлари билан белгиланади. Ўзбек лексикографиясининг назарий ва амалий жиҳатдан янада такомиллашувида жаҳон лексикографиясининг илғор назарий ҳулосалари, метод ва методикасини ижодий ўзлаштириши ҳам муҳим роль ўйнади.

Айтилганидек, давр тақозоси билан ўзбек тили лексик фондида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) айрим сўзларнинг истеъмолдан чиқиши;
- 2) сўз маъносининг кенгайиши;
- 3) сўз маъносининг торайиши;
- 4) сўз маъносининг ихтисослашиши;
- 5) янги сўзларнинг кириб келиши;
- 6) эркин бирикма ва сўзшаклларнинг лексемалашуви.

Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатида тилимиз лексикасида юз берган бундай ўзгаришлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Буни тадқиқ объектими бўлган маънавий-маърифий тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларига берилган изоҳлар мисолида баён этишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғатида маънавий-маърифий тушунчалари атов бирликлари сирасида муҳим роль ўйнайдиган *маърифат* лексемаси 2 семемали бирлик сифатида изоҳланган: “**МАЪРИФАТ** [а] **1** Кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия; маориф. *Маърифат яхши нарса, Матқовул ака, у одамнинг кўзинигина очиб қолмай, бахтини ҳам очади.* М.Исмоилий, Ф.т.о.

**2** Маърифат (*хотин-қизлар исми*).”<sup>2</sup>

Ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғатида эса у уч семемали лексема сифатида берилган:

**МАЪРИФАТ** [а. معرفت – билим, фан; маълумот; танишиш] **1** Таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият. *Маърифат ...билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришининг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамрайди.* “Мулоқот”. *Эндиликда илми оддий кишиларга хизмат қилдириши керак, ҳаммани саводли қилиб, халқни маърифат нури билан ёритиши керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** *дин.* Тасаввуфда ҳар бир суфий руҳий камолотга эришиш йўлида босиб ўтадиган босқич (мақом) лардан бири (қ. мақом П 4).

**3** Маърифат (*хотин-қизлар исми*).

Давр мафқурасига зид бўлганлиги сабабли янги луғатдаги иккинчи маъно тури 2 жилдли изоҳли луғатда берилмаган. Шу билан биргаликда, биринчи маъно янги луғатда анча муайянлаштирилганлигини кўриш мумкин: “таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият”. Шунингдек, 5 жилдли луғатда аввалги изоҳдаги *таълим-тарбия, маориф* сўзлари ўрнида кенг қамровли ва семантик кўлами салмоқдор бўлган *фаолият* сўзи берилганки, бу

<sup>1</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1– жилд. – Б. 5.

<sup>2</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли.. – М.: Русский язык, 1981. 1-жилд. – Б. 455.

хам изоҳнинг мукамаллашувига хизмат қилган. 2 томли луғатдаги тор ва жўн тушунилиши мумкин бўлган маъно ифодаланаётган тушунчанинг асослари (таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида)га урғу берган ҳолда кучайтирилган. Янги тавсиф шу асосда маънавий-маърифий аҳамият касб этганлигини таъкидлаш лозим. Шу билан биргаликда, янги даврда сўзнинг терминологик маъносида қўлланиши кучайганлиги сабабли ҳам унинг диний-тасаввуфий мундарижаси талқинига жиддий эътибор қаратилган.

Масалан, *ватан*, *ақида*, *ғоя* сўзлари мавжуд лексикографик манбаларда эски мафкуравий нуқтаи назардан тавсифланган. Бугунги кунда унинг комусий луғатлардаги моҳияти ўзига хосдир. Ўзбек тилининг 2 жилдли изоҳли луғатида *ватан* сўзининг биринчи маъноси сифатида “киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг граждани ҳисоблаган мамлакат; она юрт”, иккинчи маъноси сифатида эса “кишининг туғилиб-ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр” берилган: **“ВАТАН [а] 1** Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. *Она ватан. Улуғ ватан. Ватанни ҳимоя қилиш* **2** Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. *Булбул чаманни севар, одам – ватанни. Мақол. иш У [Бектемир] узоқ ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳаммавақт болаларнинг қий-чуви билан тўлган катта оилани... ва колхозни эсларди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**3** Тураржой, бошпана, маскан, уй. *Тўра кафангадо қилмоқчи, ватандан жудо этмоқчи [деди Пирнафас ака хотинига]. Ж.Шарипов, Хоразм”*.<sup>1</sup>

Янги изоҳли луғатда бу маънолар тартибида жиддий ўзгариш мавжуд:

**“ВАТАН [а. туғилиб ўсган жой, юрт] 1** Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. *Булбул чаманни севар, одам – ватанни. Мақол. иш У [Бектемир] узоқ ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳаммавақт болаларнинг қий-чуви билан тўлган катта оилани.. эсларди. Ойбек, Қуёш қораймас. Туғилган ватаним – шу Ўзбекистон.. Фозил Йўлдош ўғли.*

**2** Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. *Она ватан. Улуғ ватан. иш Кишининг қадрли амали ва унвони билан эмас, ватанига, халқига қилган хизмати билан ўлчанади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**3** Тураржой, бошпана, маскан, уй. *Ёши йигирма бешни қоралади. Лекин бошида на бўйрадек ватани бор, на жонида ҳаловати. С.Сиёев, Аваз. Тиктепада турадиган ватани йўқ, отасидан қолган чолдевор бузилиб, ёрилиб кетган. А.Қодирий, Обид кетмон.*

**4** Ўсимлик ва ш. к. ларнинг асли келиб чиққан ерини билдиради. *Уй лимони – рутагуллилар оиласига мансуб, доим яшил субтропик ўсимлик. Ватани – Хитой, Япония, Шарқий Ҳиндистон. «Уй-рўзгор энциклопедияси»*.<sup>2</sup>

Шу билан биргаликда, янги изоҳли луғатда *ватан* сўзининг сохта маъносини зимдан сингдиришга хизмат қилувчи, собиқ шўролар мамлакатининг ватан эканлигига ишора қиладиган мисоллар олиб ташланган.

Ҳар икки изоҳда ҳам сўз маъносида “ўзини фуқароси ҳисоблаган” деган маъно мавжуд. Аммо уларнинг луғат мақоласида жойлаштирилишида жиддий тафовут кузатилади. 2 томли луғатда ушбу семали “расмий” семема биринчи ўринга чиқарилган. Бу билан изоҳ сиёсийлаштирилган. 5 томли луғатда ижтимоий онгдаги ҳар қандай сиёсий “оҳанг”дан холи бўлган маъно, умумхалқ тасавуридаги тушунча ифодаси биринчи ўринга чиқарилган. Чунки ҳеч ким *ватан* ҳақида сўз кетганда расмий фуқаролик белгисини биринчи ўринга қўймайди ва, дейлик, АҚШ фуқаролигини олган ўзбекистонлик ўзбек ватан деганда, бу мамлакатни эмас, балки Ўзбекистонни назарда тутаяди.

Сўзнинг 4-маъносининг берилиши ҳам янги изоҳли луғатнинг ютуғи эканлигини уқтириш лозим.

Истиқлолга эришилгандан сўнг динга бўлган муносабат ўзгарди. Дин ва унга боғлиқ тушунчалар ҳам ўз маъно ва моҳиятини тиклашга муваффақ бўлди. Шундай ҳолатни миллий ғоя атов бирликлари сирасида муҳим роль ўйнайдиган *ғоя* сўзи тавсифида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек тилининг 2 жилдли изоҳли луғатида бу сўзнинг тавсифи қуйидагича:

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли. 1– жилд. – Б.173.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1– жилд. – Б.445.

“**ҒОЯ** [а] 1 Бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй; ният, мақсад. *Ҳиндистоннинг миллионларча асл ўғилларининг юраклари шу гоё билан тепарди. Ойбек, Нур қидириб. Раҳматилла гўё ўз гоёларининг амалга оширидан умид узган ва бу гоёларни кўнглидан чиқариб ташлаган. А.Қаҳҳор, Кўшчинор. Менинг учун кўйингизда ва оёғингиз учида жон бериш жуда ширин ва кўндан бери гоём эди. А.Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Дунёқарашнинг асосий, муҳим принципи, идея. *Марксизм-ленинизм гоёлари бутун дунёдаги миллион-миллион кишиларнинг кураш байроғи бўлиб қолди. Менинг ўзимнинг курашчан қобилиятимни шу жамиятнинг гоёлари йўлида тугатажакман. З.Саид, Н.Сафаров, Тарих тилга кирди.*”<sup>1</sup>

Янги изоҳли луғатлардаги талқин эса анча мукамаллиги билан ажралиб туради:

“**ҒОЯ** [а.–мақсад, интилиш; ният, қасд] **Ю**бъектив борлиқни, воқелиқни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқелиққа муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни мақсад сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур. *Эски гоёлар ва қарашлар уларни юзага келтирган шарт-шароитларга нисбатан узоқроқ умр кўради. Газетадан. Ёзингиз, мана шу қуръон хурмати билан қасамёд қилиб айтаманки, мен ўзимнинг курашчан қобилиятимни шу жамиятнинг гоёлари йўлида тугатажакман [деди номаълум киши]. Н.Сафаров, Тарих тилга кирди. Диннинг вазифаси – гоёлар ва эътиқодлар тизимини шарҳлаш, изоҳлаш ҳамда қайта ишлашдан иборат. “Мулоқот”.*

2 Бадиий, сиёсий ёки илмий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр. *Асарларнинг халқ мулки бўлиб қолишига сабаб шуки, асарлар мағзига сингдирилган гоё кишилар дилига, уларнинг истакларига яқиндир. Н.Сафаров, Оловли излар. Бу новеллалар муайян маънода мустақил «асар» дек таассурот қолдиради ва айни вақтда бир-бири билан боғланиб, умумий асарнинг гоёси ва руҳини очишга бўйсундирилади. С.Сиёев, Ёруғлик.*

3 Бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй; ният, мақсад. *Киши астойдил меҳр кўйган ... гоёсини доим энг тўғри ва кенг тарқалган .. деб ҳис қилади. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Шўрўзакни ўзлаштириш гоёсини биринчилар қатори Турсунмат олға сурган эди. “Ўзбекистон кўриклари”. Менинг учун кўйингизда ва оёғингиз учида жон бериш жуда ширин эди ва кўндан бери гоём эди. А.Қодирий, Ўтган кунлар*”.<sup>2</sup>

Мукаммалик қуйидагиларда кўзга ташланади:

*биринчидан, 2* жилдли изоҳли луғатда сўзнинг фақат иккита маъноси берилган, 5 жилдли изоҳли луғатда эса маънолар сони учта;

*иккинчидан, 2* жилдли изоҳли луғатда биринчи ўринга олиб чиқарилган маъно янги луғатда учинчи ўринга туширилган;

*учинчидан, 5* жилдли луғатдаги 1- ва 2- маъно 2 жилдли луғатда ўз ифодасини топмаган ёки жўн ифодаланган эди;

*тўртинчидан, 5* жилдли изоҳли луғатда миллий гоё талабларига мос маънолар талқини берилган ва б.

Изоҳларда кўриниб турибдики, гоё сўзининг маъноси янги изоҳли луғатда тўлиқроқ ва мукамалроқ тавсифланган. Маънонинг нозик жиҳатлари эътиборга олинган. Луғат дефинициясида илмий асосланганлик, демагогиядан холилик, талқинлардаги халқчиллик яққол кўзга ташланиб туради.

Маълумки, изоҳли луғат “кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган” бўлиб, бунинг учун лексикографик талқинда ижтимоий шартланган маънолардан кам қўлланишга эга, терминологик маънолар талқинига ўтиб борилмоғи лозим. Бироқ 2 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да бу борада қатъийлик кузатилмайди.

Икки изоҳли луғат талқинларини кузатиш натижасида айтиш мумкинки, миллий гоё тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг лексикографик талқини янги изоҳли луғатда давр талаблари даражасида амалга оширилган бўлиб, уни 2 жилдли луғат билан

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли. 2-жилд. – Б. 663.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Б.



қиёслаш ўзбек лексикографиясининг янги тараққиёт босқичидаги ютуқлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

*Наиurga ф.ф.д. Б.Баҳриддинова тавсия этган*

## МИРЗО ШЕЪРИЯТИДА ҚЎЛЛАНГАН СЎЗЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАРИ ТАВСИФИ (синонимия ҳодисаси мисолида)

Жумаева К.Т. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Мақолада “Девони Мирзо” асарида қўлланган сўзларнинг лексик-семантик муносабати маънодошлик аспектида талкин этилади, шоир ижодида истеъмол этилган синонимик қийматга эга лексик бирликларнинг ички структураси тадқиқ этилади.

**Таянч сўзлар:** *лексема, семантика, денотатив маъно, синонимия, маъно оттенкаси, стилистик бўёқ.*

**Аннотация.** В статье трактуется лексико-семантическая связь слов, используемых в произведении «Девони Мирзо», с точки зрения семантики, исследуется внутреннее устройство лексических единиц с синонимичным значением, используемых в творчестве поэта.

**Ключевые слова:** *лексема, семантика, денотативное значение, синонимия, смысловая оттенка, стилистическая окраска.*

**Annotation.** The article interprets the lexical-semantic relationship of words used in the work "Devoni Mirzo" in terms of semantics, explores the internal structure of lexical units with synonymous value used in the work of the poet.

**Keywords:** *lexeme, semantics, denotative meaning, synonymy, meaning ottenka, stylistic paint.*

Ўзбек тилшунослигида сўзларнинг шакл ва маъно муносабатлари кўпдан буён мунозарали масалалардан бири саналади. Дастлаб сўзлараро маънодошлик, зид маънолилик ва шаклдошлик<sup>1</sup> муносабатларидан бошланган бу ҳодисалар қатори бугунги кунда гипонимия, градуонимия, партонимия<sup>2</sup> каби янги очилган маъновий муносабатлар билан бойиди. Бу муносабат турлари гоҳ *лексик*, гоҳ *лексик-семантик*, гоҳ *семантик муносабат* деган атамалар билан номланади.

Сўзларнинг формал-семантик муносабатларидан кўпинча синонимлар ҳозирги пайтгача кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда. Унга берилган таърифлар ҳам турли-туманлик касб этади. Айниқса, тилшунослигимизда синонимлар тўғрисидаги “шакли ҳар хил, маъноси бир хил ёки бир-бирига яқин бирликлар” деган таъриф олий ва ўрта мактаб она тили дарсликларидан оммалашиб кетган эди.

Тилшунос олим Ш.Раҳматуллаевнинг “Ҳозирги адабий ўзбек тили” дарслигида синонимга: “Идеографик семалари тенг, бир ёки бир неча жиҳати ўзаро фарқли лексемалар лексик синонимлар дейилади. Масалан, *ялқов, дангаса* лексемалари ҳозирги адабий ўзбек тилида айни бир идеографик семалар йиғимига эга, айни бир лексик маънони (меҳнат қилишни ёқтирмайдиган) англатади ва айрим белги-хусусияти билан фарқланиб туради, шунга кўра бу лексемалар ўзаро синоним дейилади,<sup>3</sup> таърифи берилган бўлса, А.Ҳожиевнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати”да бу муносабатга: “Синонимлар (*грек. synonimos* – бир номли). Денотатив маъноси бир хил, коннотатив маъноси (қўшимча маъно оттенкаси, стилистик бўёғи) ва бошқа хусусиятлари фарқли сўзлар. Масалан, *одат, расм, удум, таомил, урф, анъана* синонимлари бир хил маънога эга бўлиш билан бирга, турли жиҳатдан ўзига хосликларга эга”<sup>4</sup> таъхиси қўйилади. “Синоним лексемалар семемаларидаги аташ ва вазифа семалари айнан бир хил, ифода семалари фарқланади”<sup>5</sup>. Р.Сайфуллаева,

<sup>1</sup> Юнусов Р. Полисемия и синонимия имён существительных места в современном узбекском литературном языке: автореф.дисс. ...канд. филол. наук.–Т., 1974.

<sup>2</sup> Сафарова Р. Лексик-семантик муносабат турлари. –Т.: Ўқитувчи, 1996.

<sup>3</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т.: Университет, 2006. –Б.73.

<sup>4</sup> Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1985. –Б. 75.

<sup>5</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б. Қурбонова М. ва бошқ. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т.: Университет, 2005. –Б.120.

Б.Менглиев, М.Қурбонова ва бошқалар муаллифлигида чоп этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида эса “Синоним лексемалар семемаларидаги аташ ва вазифа семалари айнан бир хил, ифода семалари фарқланади”<sup>1</sup> тарзидаги ҳукм маънодош сўзларга нисбатан белгиланади.

Синонимик муносабат талқинига доир яна бир муаммони айтиб ўтиш жоиз. Луғатларда кўп ҳолларда аташ семалари яқин, бироқ айнан бўлмаган сўзлар ҳам маънодош бирликлар сифатида эътироф этиб келинди. Масалан, *кўк ва яшил* сўзлари “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да синоним сўзлар сифатида берилди: КЎК 1 Тиниқ осмон рангидаги; мовий, зангори. *Кўк кўз. Кўк бўёқ. ттм Қўлимизда товланар жажжжи-жажжжи байроқлар, Осмонда кўк, қизил шар энгил учиб ўйноқлар* [кўк]. И. Муслим.

2 Кул рангидаги, кулранг. *Кўк бўри. Кўк каптар. ттм Қамчи кўк от билан саман тойни етаклаб, дарё томонга кетди* [кўк]. Ҳ. Фулом, Машъал .

3 с. т. Яшил, сабза. Кўкўт. ттм *Қаршимда тебранар кўк барглар ҳар он* [яшил]. Ю.Ҳамдам.

4 Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турадиган ҳаво қатлами; осмон [яшил]. *Энкайганга энкайгин, бошинг ерга теккунча, Кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етгунча. Мақол. ттм Мартнинг охири кунлари. Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз куйга соляпти. А. Қаҳҳор, Мингбиржон .*

5 Ўсаётган ўт-ўсимлик, ўт-ўлан; майса, кўкат [яшил]. *Ёмғирлар ёғиб, ерда ўт-ўланлар кўрина бошлади, ҳайвонларнинг оғзи кўкка тегди. М.Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Менинг бригадамга қарашли ердан уч гектарига миср пахта эдим. Кўки жуда яхши. Ғ.Фулом, Тирилган мурда. ...*<sup>2</sup>

Тожик тилида бу икки ранг алоҳида фонетик қобик – лексик формага эга: *кўк – кабуд; яшил – сабз*. Рус тилида: *кўк – синий; яшил – зеленый*. Бу тил соҳиблари нутқида уларнинг ўрни ҳеч қачон ўрин алмашинмайди. Ўзбек тилида эса “кўк” сўзи азалдан икки рангни ифода этишда хизмат қилиб келган. Масалан: “*Ва кўк лафзин ҳам неча маъни била истеъмол қилурлар. Бири кўк – осмонни дерлар. Яна кўк оҳангдур. Яна кўк теграда кўкламдур. Яна кўк қадогни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва ўлангни доғи дерлар. Бу навъ алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрт маъни ва ортуғроқим, ирода қилса бўлғай, кўп борки, форсий алфозда андоқ йўқтур*”<sup>3</sup>.

Бу ҳолат А.А.Потебня “нутқий сўзнинг воқеланган ҳар бир маъноси янги маънодир”<sup>4</sup> деган фикрнинг тўла исботи саналади.

Айтилганидек, синоним сўзлар ўзаро ифода семалари асосида фарқланар экан, бу фарқ уларнинг услубий фарқланишини, шунингдек, бадий услубда насрий ва шеърий нутқда қўлланишига кўра тафовутларини ҳам келтириб чиқаради. Мирзо шеъриятида бу маъно нозикликлари теран илганган ҳолда қўлланганлигига амин бўламыз. Куйида синоним лексемаларнинг шоир шеъриятида қўлланиш хусусиятларини айрим сўзлар мисолида кўриб ўтишга ҳаракат қиламыз.

Мирзо шеъриятида от туркумига мансуб *ёр – дилбар – дилдор* (29, 21) сўзлари ўзига хос поэтик қўлланишга эга. Маълумки, бу сўзлар ўзаро семантик структурасидаги ифода семаларига кўра жиддий фарқларга эга. Ёр кўпроқ сўзлашув тилига хос. Дилбар, дилдор сўзлари бадий услубга хос ҳисобланади.

*Бекаси зор қолғимиз фурқатингизда ул сифат,  
Дард-аламдин ўзга йўқ ёр ила гамгусоримиз* (16-варак, 2-бет).

*Дилбарининг нозиға кўзу кўнгулда ер бериб,  
Ҳасратида кўздин уйқунинг рамға орзимас* (17-варак, 2-бет).

<sup>1</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б. Қурбонова М. ва бошқ. Кўрсатилган асар. –Б.120.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. 2-том. – “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 2006. – Б. 450–451.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев. [https://n.ziyouz.com/books/alisher\\_navoiy\\_asarlari/Alisher%20Navoiy.%20Muhokamatul%20lug'atayn.pdf](https://n.ziyouz.com/books/alisher_navoiy_asarlari/Alisher%20Navoiy.%20Muhokamatul%20lug'atayn.pdf)

<sup>4</sup>Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. I-II. –М., 1958.

*Тавсиф қилманглар манга даҳр жафосини дилбардин,  
Бордурур манга ул киртики ўқ, сарвад дилдор бас* (17-варақ 2-бет).

сингари бир синонимик қатордаги сўзлар аслида ягона тушунча – *севгили* маъносини англатади.

Маъно муносабатларига кўра эроний туркий мавзувий ва луғавий-грамматик гуруҳларга бўлиниб, мазкур луғавий микросистема ЛМГнинг тенг маъноли аъзолари, синонимлари тарзида ёки ЛМГларини янги қўшимча (коннотатив) маънолар билан кенгайтирувчи (а) ва қўшимча услубий маъно (оттенка) билан бойитувчи (б) сўз бирикмалари (лексемалар) вазифасида қўлланилади:

а) *ёш* (13;2) – *ашк*, (19;2), *тупрақ* (12;1) – *хок* (44;1), *қариндаш* (24;2) – *хеш* (15;1).

*Ҳажринг аро етмай оқар Мирзо кўзидин ашқи хун,  
Ул сайлга таскин этур васлинг била эъжоз этиб* (4-варақ, 2-бет).

*Ҳолима назар қилмай, он пари тағофил кард,  
Кўз ёшим оқиб ҳар ён як азими туфон шуд* (11-варақ, 2-бет).

а) *юз* 18 (18;2) – *чехра*, *қаро* – *сиёх* (7;1).

*Юзинг гулзорин истаб, эй паризод,  
Қилурман булбулосо оҳи фарёд* (11-варақ, 2-бет).

*Меҳрдек юз бирла гулимни мунаввар қилмаса,  
Ҳажр шоми толеъ ўлган моҳи анвардин не суд* (12-варақ 2-бет).

*Куйи ичра чехраи олий намудор ўлмаса,  
Даҳр боғида очилган дурри аҳмардин не суд* (11-варақ 2-бет).

Синонимик қаторни вужудга келтирувчи бундай назмий услубга хос арабча ва форс-тожикча сўзлар «Девони Мирзо» лексикасининг 73 фоизини ташкил қилади. Албатта, бундай сўзлар ўзаро алоҳида лексик-семантик ва мавзувий гуруҳларга ажралмасдан ҳаётий зарур нарса ва воқеа-ходисаларни қўшимча маънолар билан тўлдириш учун хизмат қилади. Бу ўз навбатида бир неча ҳаққоний сабаблар билан боғлиқдир:

Поэтик жанр ва ғазалларнинг кенг тарқалиши ва тараққий қилиши, турли тил формаларининг бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам туркий шеърят лексикасида туркий сўзлар бўлишига қарамасдан, арабча-форсча сўзларни қўллаш услуб ранг-баранглиги ва бадий кўтаринкилик тугаллигини зарурияти туфайли истеъмол этилган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, арабий ва форсий сўзлар туркий мавзувий гуруҳларни қўшимча маънолар билан бойитувчи восита ва туркий ТЕҚдаги бирликларнинг синонимлари ёки гипо-гиперонимик қаторлари, шу қаторнинг тенг маъноли аъзолари вазифасида қўлланган. Бу, ўз навбатида, бутун «Девони Мирзо» лексикасининг стилистик-функционал ҳамда формал-семантик бутунлигини ташкил этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Орифжонова Ш. Ўзбек тилида градуонимия: филол.фан.номз. ...дисс.атореф. –Т., 1996.
- 2.Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: филол.фан.докт. ...дисс.атореф. –Т., 1997.
- 3.Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия: филол.фан.номз. ...дисс.атореф. –Т., 1997.
- 4.Юнусова З. Ўзбек тилида луғавий микросистеманинг таркиби ва ривожланиши (Самовий ёритгичлар луғавий гуруҳи асосида): филол. фан. номз. ...дисс. атореф. –Т., 2005.
- 5.Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари: олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1995.

*Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган*

## ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хўжакулов А.Э. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Мақолада педагог-тарбиячи ва оила ҳамкорлигида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида қадриятли муносабатни шакллантириш, тарбияланувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда ижтимоий-маданий, таълим-тарбиявий муҳитида қулай шароит яратишда педагог-тарбиячи ва оила ўртасида муносабатларнинг илмий-назарий масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

**Таянч сўзлар:** мактабгача таълим ташкилоти, педагог-тарбиячи, тарбияланувчилар, педагогик шартлар, оила, муҳит, қадрият, муносабат.

**Annotation.** Аннотация. The article discusses the scientific and theoretical issues of the relationship between teachers and families in the formation of valuable relationships in preschool education, taking into account the age characteristics of students, as well as the creation of favorable conditions in the socio-cultural educational environment.

**Key words:** organization of preschool education, teacher-educator, educated, pedagogical conditions, family, environment, values, attitude.

**Аннотация.** В статье рассматриваются научно-теоретические вопросы взаимоотношений педагога и семьи в формировании ценностных отношений в дошкольном образовании с учетом возрастных особенностей учащихся, а также создание благоприятных условий в социокультурной образовательной среде.

**Ключевые слова:** организация дошкольного образования, педагог-воспитатель, воспитуемые, педагогические условия, семья, среда, ценности, отношение.

Жамиятда оилага муқобил институтнинг вазифаси ҳар доим муҳим масалалардан ҳисобланиб келган. Ижтимоий ҳаётимизда юзага келувчи яхши ва ёмон тушунчалар, жамиятдаги турли хатти-ҳаракатлар ва меъёрлар фақат оиладаги муносабатларда пайдо бўлади. Умуман олганда, оилавий муносабатлар ва хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, уларни маълум тартибга сақлаб туришда муқобил институтларнинг ўрни каттадир. Мисол учун жамиятимиз маънавий тизимида ижтимоий хавф туғдурувчи диний экстремизм ва терроризмга қарши турувчи куч ҳам бевосита оила муҳитида дастлаб содир бўлади.

Илмий-педагогик адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, МТТ таълимий ўйин фаолиятида оилада қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг концептуал асослари педагогик шарт-шароитлар мажмуасини ҳисобга олганда муваффақиятли амалга ошади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилада қадриятли муносабатларни муваффақиятли шакллантиришнинг педагоглар ва ота-оналар бирлиги ташкил этилганлиги бир қатор ижобий ишлар натижасидир. Мактабгача таълим ташкилотининг ташкилий-бошқарув вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқ “ташкилий-бошқарув” шароитлари борасида бир қатор олимларнинг назарий қарашлари мавжуд бўлиб, улардан М.И. Рожков ва Л.В. Байбородоваларнинг фикрларида маълум изчиллик кўзга ташланади. Шунингдек, юқоридаги олимларнинг қарашларига таянган ҳолда ушбу ҳолат борасида қуйидагиларни инобатга олсак. Биринчидан, қонуний вакиллар ҳузурда МТТ ва гуруҳда тарбияга йўналган барча тадбирларни ташкил этиш назарда тутилади. Иккинчидан, ота-оналар билан бирга ишлаш тизимини ташкил этиш (психологик, тиббий, педагогик). Учунчидан, оила билан ўзаро муносабатлар муаммоси бўйича таълим жараёни иштирокчилари (педагоглар) билан узлуксиз методик ишлашни таксил этиш, тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини рағбатлантирувчи тизимни ишлаб чиқиш ва таъминлашдир. Тўртинчидан, сайлов органи – ота-оналар қўмитаси ишини ташкил этиш ва МТТ жамоаси кундалик фаолияти масалаларини фаоллаштириш ва ролини кўтариш масалаларидир. Назаримизда тақдим этилган шароитлар рўйхати бир томондан турли тарафламалиги, бошқа томондан бир қадар тизимсизлиги билан фарқланади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси шахсини шакллантиришнинг яна бир педагогик шартлари мажмуасига эътибор қаратсак.

Бунда дастлаб педагогнинг энг аввало намуна манбаи сифатидаги шахсий хусусиятлари ва МТТ тарбияланувчисининг ёшига доир рухий хусусиятлари (таклидчилиги ва таъсирчанлиги, реактивлиги ва эмоционаллиги) ҳисобга олинса, ундан сўнгра оила - мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси таъсири приоритети, ниҳоят хулқ-атвор эталонини намоеън қилувчи тенгдошлар масаласи эътибордан четда қолмаслиги лозимлигини алоҳида таъкидлаш лозимдек. Мазкур жараёни тўлдирган ва аксиологик бойитган ҳолда биз тарбияланувчиларда оилани кадрлаш туйғусини шакллантиришнинг самарадорлигини таъминловчи қуйидаги педагогик шарт-шароитларни ажратиб кўрсатамиз. Ушбу шартлар мазкур тадқиқот иши методологик мўлжаллари сифатидаги тизимли фаолиятга оид, аксиологик, оилавий, шахс фаолиятига оид, гуманистик, гендерли ва компетентли ёндашувлар контекстида ажратилганлиги кўплаб методик қўлланмаларда кўрсатилган. Биз эса уларнинг асосийларига эътиборни қаратсак:

- тарбияланувчиларнинг ёшга доир хусусиятларини ҳисобга олиш;
- МТТнинг ижтимоий-маданий таълим муҳитида мақбул оилавий майдон яратиш;
- хусусий қўшимча таълим муассасаси методологик фаолияти орқали, ота-оналарнинг проспектик ва интроспектик рефлексиясини ривожлантириш технологиясини қўллаган ҳолда ота-оналар компетентлигини шакллантириш;
- педагогларда оилавий компетентликни шакллантириш;
- МТТ тарбияланувчиларида таълимий ўйин фаолиятида оилани кадрлаш туйғусини шакллантириш бўйича маъно излаш, ҳамда оилани психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Шу билан бир қаторда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилавий кадриятли муносабатларни шакллантириш самарадорлигини таъминловчи педагогик шартлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги тартибда кўриб чиқсак:

1. Ёш хусусиятига асосланиш. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида оилага кадриятли муносабатларни шакллантириш жараёни МТТ тарбияланувчилари ёшини инобатга олган ҳолда, мазкур ёш учун мумкин бўлган шаклда рўй беради. Анъанага кўра мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси шахси асосий янги ҳосилаларига шахс рефлексиясини шакллантириш тааллуқли экани айтилади (ўз имкониятлари чегараларини мустақил белгилаб олиш қобилияти) [Л.И. Божович]; онгли қабул қилинган ва умумлаштирилган ўз-ўзини баҳолашни шакллантириш, ҳиссиётларни англаш ва уларни изҳор этишдан тийилиш ва олий туйғуларни шакллантириш [Н.В. Тализина]; иродага тегишли хатти-ҳаракатларни англаш, ирода сифатларини шакллантириш [Л.И. Божович, Н.И. Гуткина] – буларнинг ҳаммаси фаолиятни ташкил этишнинг мактабгача бўлган кўринишлари доирасида норматив ривожланишда шаклланади. Муаммо шундан иборатки, XX-XXI асрлар оралиғида мактабгача таълим муассасаси доирасида мактабгача ёшдаги болалар кўпинча мазкур ёшга хос (ўйин) етакчи фаолият турини амалга ошириш имкониятидан маҳрум экани аён бўлди (Бу фаолият ўрнини анъанавий тарзда мактаб таҳсили эгаллайди-А.Х). Бунинг натижасида биз кичик мактаб ёшида шахснинг тўлиқ ривожланмаганлиги, мактабда ўқишга тайёр эмаслиги, ҳамда “мактаб ўқувчисининг ички позицияси” шаклланмаганлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса кичик ёшли мактаб тарбияланувчиларининг мотивацион жабҳаси тўла ривожланмаслигига, хулқ-атворининг билим олишга доир мотивлари заиф ифодаланишига ва амалда ижтимоий мотивлари тўлиқ мавжуд бўлмаслигига олиб келади. Ўқув фаолиятига мос келувчи мотивларнинг йўқлиги кичик ёшли мактаб ўқувчиси бўлган болада мактабгача ёшдаги болага хос шахсий сифатлар мавжудлигидан далолат беради. Шунга мувофиқ тарзда, бундай болаларнинг шахс сифатида камол топиши даражаси анча инфантил ҳисобланади. Аксарият ҳозирги МТТ тарбияланувчиларида билим олиш билан боғлиқ эмас, балки виртуал воқеликлар асосида боғланиш билан моддий тусдаги истаклар устуворлик касб этади. Бу эса воқеликнинг нотўғри талқин қилишига, вақтнинг бошқа инсон, ота-она ва анча яқин кишилар билан мулоқот қилиш қийматининг қадрсизланишига олиб боради. Натижада болада салбий феъл-атвор, ижтимоий ижобийлик касб этувчи хулқ-атвор меъёрлари ва кадриятлар, хусусан, оилавий кадриятларни рад этиш ҳисси шаклланади. Шу билан бирга бола назарида катта ёшли

инсоннинг оилавий ва ижтимоий меъёрлар ташувчиси сифатидаги қадри ҳам йўқолиб боради. Бола дунё ва атрофдаги одамлар билан муносабат қуришга тайёр бўлмади қолади, идеаллар, хулқ-автор намуналари ишлаб чиқиш ва шакллантириш жараёни эса бекарор ва зиддиятли характер касб этади. МТТдаги мажбуриятлар боланинг ўз хатти-ҳаракатларини бошқариш қобилиятига таъсир ўтказади. Тамойиллар, принципиал муносабатлар ва хулқ-атвори, эътикод ва идеалларни шакллантириш мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида муносабатлар ривожини тавсифлайди.

II. МТТнинг ижтимоий-маданий таълим муҳитида оилавий майдонни яратиш. Оилалар кундалик ҳаётини ўрганиш гуруҳ жамоасининг қадриятли маънавий фаолияти ва муаммоли мулоқотига ота-оналарни ҳам жалб қилиш имконини берди. Бу жараёни биз ота-оналарни машғулот ва ундан ташқари фаолият билан ўзаро ҳамоҳангликда оилавий тарбия бўйича тарбиявий ишни билишга доир фаоллик шакллари орқали, ижтимоий аҳамиятга эга қадрият сифатида меҳнат фаолияти орқали биргаликда режалаштириш каби ўзаро муносабат шакллари қўшиш йўли билан ташкил этдик. Биргаликда мароқли вақт ўтказиш, оила мавзусига дахлдор баҳс-мунозаларга киришиш, ижодий ишлар, оилавий альбомлар кўргазмаси, оилавий газеталар танловлари, оила билан биргаликда ижтимоий меҳр-шафқат акцияларини ташкил этиш, оилавий шажара дарахтини тузиб чиқиш ва бошқалар мисолида кўриб чиқиш мумкин. “Айнан шундай яқин ижтимоий муҳитда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси ўзи эгаллаган ижтимоий билимларнинг илк амалий тасдиғини олади (ёки олмади), уларни кадрлашни (ёки рад этишни) бошлайди. Унда улар томонидан қабул қилинган қадриятларга мувофиқ яшаш истаги, нияти пайдо бўлади (ёки пайдо бўлмади)”.

III. Ота-оналар проспектив ва интроспектив рефлексиясини ривожлантириш технологиясини қўллаган ҳолда хусусий қўшимча таълим муассасаси методик фаолияти орқали ота-оналар компетентлигини шакллантириш. Тадқиқот ишимизда ота-оналар компетентлигини шакллантиришнинг йўллари билан бири сифатида ота-оналар педагогик маданиятини шакллантириш ва ота-оналарни жадал педагогик маърифатлантириш технологиясини қўллаган ҳолда хусусий қўшимча таълим муассасаси методик фаолиятини оширишни ажратиб олдик. Бунда ота-оналарга мўлжалланган таълим дастурларини лойиҳалаш учун методологик асос бўлиб қўшимча таълим муассасасида методик ишлаш учун зарур анъанавий дастурлар майдонга чиқади. Тизимли фаолиятга доир хусусиятларнинг аксиологик, шахсга йўналган, культурологик ёндашувлар ва уларга хос принциплари ҳамда илмийлик, тизимлилик, гуманизация, муаммолик, маданиятга мослик каби қатор кўринишлари эътиборга олинади. Мазкур тамойилларни рўёбга чиқариш ота-оналар компетентлигини шакллантириш жараёнининг мазмуний ва процессуал тарафини бойитади. Хусусан, “Илк қадам” дастурлари мундарижаси асосида болаларни камол топтириш ва тарбиялаш стандарт қўникмалари масалалари, болаларни оила қадриятлари ва анъаналарига дахлдорлигини ошириш технологияларида бу каби масалалар бир қатор ижобий натижаларни келтириб чиқаради.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида таълимий ўйин фаолиятида оилани кадрлаш туйғусини, оилани маънавий-руҳий ва миллий уйғотишни шакллантиришга қўйилган вазифаларини биз махсус ташкил этган ота-оналар ва тарбияланувчилар учун мўлжалланган оилавий мавзудаги аксиологик бойитилган слайд-маърузалар ва видео-маърузалар, экспертларнинг брифинглари ва баҳс-мунозалари ёрдамида ҳал этдик. “Оилавий педагогик хусусиятлари”, “Миллий оилавий тарбия илдизлари”, “Ота-она уйи илиқлик билан қарши олади”, “МТТ ва оила руҳий-ахлоқий ривожланиш йўлида”, гуруҳ соатлари, этик суҳбатлар, фестиваллар, муайян оилашунослик мавзусига оид тақдимотлар ўтказишда, “Мустаҳкам оила - мустаҳкам кўрғон”, “Оилавий тарбияда ижодкорлик”, “Оилада табиатга муносабатни шакллантириш”, тарихий ва этнографик музейларга оилавий экскурсиялар, оилавий ижод кўргазмаларини бориб кўриш, “Бир пиёла чой устида” бутун оила бўлиб ўтиришлар мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг шаклланиши ва камол топтиришдаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

IV. Педагогларда оилавий компетентликни шакллантириш куйидагиларни ўз ичига олади:

- педагог томонидан оиланинг умуминсоний қиймати ва шахс камолотидаги аҳамиятини англаб етилиши;
- оиланинг кўп жабҳали ва ярим функционалликни тушуниб етиш;
- оилавий муносабатлар маданияти, маиший кўникмалар, қариндошлар ва яқин инсонлар билан мулоқот қилиш маҳоратини касб этиш;
- тарбияланувчиларнинг турли типга мансуб оилалари билан конструктив муносабатга киришиш кўникмасини орттириш;
- ахлоқ меъёрларини (тактикавийлик, ота-оналар туйғуларига нисбатан ҳурмат ва бошқалар) ҳамда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида бўлажак оилапарвар сифатларини тарбиялашда зарур касбий компетенцияларни эгаллаш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Ҳозирги шароитда педагогларнинг тарбиявий фаолиятида компетентли парадигма катта аҳамият касб этади. Оилавий компетентликни шакллантириш масалалари борасида биз бўлғуси педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида турли шакл, метод ва технологияларни қўллашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтсак. Тадқиқот ишимизнинг тажриба-синов қисми доирасида оилавий компетентликни шакллантириш мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари учун мўлжалланган модулли ёндашув “таълимий ўйин фаолиятида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчисида оилани кадрлаш туйғусини шакллантириш” дастури бўйича турли шаклларда амалга оширилди. Булар маъруза, суҳбат, мустақил иш, шунингдек, малака ошириш тизимида қўлланадиган методлар, педагогик вазиятларга ечим топиш, лойиҳалаш, моделлаштириш ҳамда ахборот технологиялардан фойдаланиш масалаларида кўринади.

Педагогларда оилавий компетентликни шакллантиришдан асосий мақсад куйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш шароитида касбий фаолият тизимини лойиҳалаш ва татбиқ этишда МТТ тарбиячи-педагогини методологик қўллаб-қувватлашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, педагог-тарбиячи ва оила ҳамкорлигида мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида кадрятли муносабатни шакллантириш долзарб масалалардан бири бўлиб, у тарбияланувчиларни ота-онага, оилага, маҳаллага, ватанга меҳр-муҳаббатини ўстиришдаги асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Рожков М.И. Воспитание толерантности у школьников. Учеб. метод. Пособие / М.И. Рожков, Л.В. Байбородова, М.А. Ковальчук. – Ярославль: Академия развития, 2003. – 191 с.
2. Шадиев Р.Д., Ибрагимова Г., Набиев И. Современное дошкольное образование и инновационная деятельность. Бюллетень науки и практики. Bulletin Of Science and Practice (scientific journal). – №4, 2018. – p. 457-460. DOI: 10.5281/zenodo.399225

*Нашрга н.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган*

## **BOSHLANG‘ICH TA‘LIM JARAYONIDA IQTIDORLI O‘QUVCHILAR BILAN OLIB BORILADIGAN ISH USULLARI**

**Raimberdiyev A. (QarDU)**

**Аннотация.** Ushbu maqolada iqtidorli bolalar va iste‘dodli yoshlarni aniqlash va o‘qitish uslubiyati, psixologik-pedagogik va tashkiliy sharoitlari yaratilishi haqida va fan va texnikani, siyosat va iqtisodiyotni, madaniyat va san‘atni o‘rgatish markazlari qabilidagi hamda milliy (elita) ta‘lim muassasalari tashkil etilishi haqida so‘z yuritiladi.

**Таянч со‘злар:** *iqtidor, individual, hissiyot, qobiliyat, motivatsiya, konstruktorlik, interpretatsiya.*

**Аннотация.** В статье рассматриваются методы выявления и обучения одаренных детей и талантливой молодежи, создания психологических, педагогических и организационных условий, а

также национальных (элитных) центров обучения науке и технологиям, политике и экономике, культуре и искусству идет речь о создании учебных заведений.

**Ключевые слова:** талант, личность, эмоция, способности, мотивация, конструктивность, интерпретация.

**Annotation.** The article discusses methods for identifying and teaching gifted children and talented youth, creating psychological, pedagogical and organizational conditions, as well as national (elite) centers for teaching science and technology, politics and economics, culture and art, and the creation of educational institutions.

**Key words:** talent, personality, emotion, abilities, motivation, constructiveness, interpretation.

Iqtidorli bola – bu u yoki bu faoliyatda yorqin, oshkora, ba’zida mashhur yutuqlari (yoki bu kabi yutuqlar uchun ichki asosga egaligi) bilan ajralib turuvchi boladir. Bugungi kunda ko’pchilik psixologlar tan olishlaricha, iqtidorning sifat jihatdan o’ziga xosligi va rivojlanish xususiyati darajasi – bu doim irsiyat va bolaning faoliyati bilan bog’liq bo’lgan (o’yin, ta’lim, mehnat) ijtimoiy muhitning murakkab o’zaro ta’siri natijasidir.

Bunda bolaning shaxsiy faolligi, shuningdek, individual iste’dodni shakllantirish va amalga oshirish, shaxsning o’z-o’zini rivojlantirish psixologik mexanizmlari muhim ahamiyatga ega. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) dan foydalanish o’quvchilarga ularni qiziqtirgan savollarga javob topishlariga yordam beradi, ular uchun mohiyati noma’lum bo’lib, ammo qiziq bo’lgan hodisalar to’g’risida o’ylanishga undaydi. Muammoni o’ylash jarayonida bahs-munozaralar, turli-tuman fikr-mulohazalar yuzaga keladi. A.Maslou, N.A.Bernshteyn va boshqa mashhur olimlarning fikrlariga tayangan holda, psixolog V.S.Yurkevich tomonidan yuksak qobiliyatlar rivojlanishining (iqtidorning) uch qonuni ajratib berilgan:

Bola ijobiy hissiyotlari yuzaga keladigan faoliyatdagina qobiliyatlarning rivojlanishi yuz beradi.

Qobiliyatlarning rivojlanishi uchun bolaning asosiy faoliyati (ta’lim va darsdan tashqari faoliyat) murakkablik darajasini doimiy oshirib borish zarur.

Faoliyat rivojlantiruvchi bo’lishi uchun (ham qobiliyati hamda bolaning shaxsi) bola uchun (ichki motivatsiyasi bo’yicha) ahamiyatga ega bo’lishi zarur.

Maktab faoliyatining vazifasi o’quvchilarning qobiliyatlari va shaxsiy-individual sifatlarini rivojlantirish uchun sharoitlar yaratish hisoblanadi va bu bozor iqtisodiyoti sharoitida o’quvchini uzluksiz ta’limga tayyorlaydi, bo’lajak bitiruvchini mehnat bozorida raqobatbardoshligini ta’minlaydi. Pedagog va o’quvchilarning hamkorlikdagi ilmiy-tadqiqot ishlarining maqsadi – AKT bilan ishlash kompetentligini oshirish, pedagogika fanining yutuqlarini o’rganish va innovatsion faoliyatda uni sinovdan o’tkazish, jamiyatga moslashuv, shaxsning ijodiy o’z-o’zini rivojlantirishida AKTdan foydalanish hisoblanadi. Ilmiy-tadqiqot faoliyati - bu o’qituvchi va o’quvchining o’zaro ta’siri vositasidir. An’anaviy ta’limiy dasturlarda odatda kreativlik va kommunikativ qobiliyatlarni rivojlantirish muhim hisoblanmaydi. U faqatgina zarur bilim, ko’nikma va malakalarni egallashga imkoniyat yaratadi. Iqtidorli bolalarning ta’lim olishlarida yangicha yondashuv, kompyuter orqali ta’limiy va rivojlantiruvchi dasturlar, AKTdan foydalanuvchi ish metodlari va shakllari zarurdir. O’quvchilar bilan ishlash jarayonida vazifani imkon qadar yaxshiroq bajarib o’qituvchining maqtoviga sazovor bo’lishga intiladigan, bir-birlari bilan raqobatlashuvchi o’quvchilar guruhi shakllanadi. Maktab pedagoglari oldida asosiy uch vazifa turadi:

Iqtidorli bolalar bilan ishlashning nazariy, amaliy yo’naltirilgan tizimini ishlab chiqish.

Maktabda o’quvchilar iqtidorlarini barvarq aniqlash diagnostikasi va monitoringini o’tkazish hamda elektron ma’lumotlar bazasini yaratish.

Olingan ma’lumotlarni sinf rahbarlarining kasbga yo’naltirish hamda psixologning kundalik mashaqqatli ish jarayonlarida qo’llash.

Qo’yilgan maqsad va vazifalarni amalga oshirish ta’lim jarayonining yaxlitligi sharoitidagina, o’quvchilarning dars va darsdan tashqari faoliyatlaridan ko’proq foydalanishdagina amalga oshishi mumkin. O’quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda, shuningdek, o’quvchilarning ta’lim va tarbiya mazmunining har bir bosqichlari uchun vazifalar belgilanadi:

Ta’limning birinchi bosqichi: kichik maktab yoshidagi o’quvchilarning ijodiy imkoniyatlarini aniqlash va rivojlantirish; o’quv faoliyatiga barqaror qiziqishni shakllantirish; tadqiqotchilik



faoliyatiga qiziqishni shakllantirish; mustaqil faoliyat elementlarini shakllantirish; ijodiy faoliyat asosi sifatida obrazli idrok va xayol elementlarini rivojlantirish; o'ziga, insonlarga ijobiy munosabatni shakllantirish; olam, hayot, jamiyatga qadriyatli munosabatni shakllantirishdan iborat.

Ta'limning ikkinchi bosqichida: o'quvchilarning intellektual va ijodiy imkoniyatlarini rivojlantirish; o'quv va ijodiy faoliyatga bo'lgan barqaror motivni shakllantirish; tadqiqotchilik faoliyati elementlarini o'zlashtirish; mustaqil faoliyat asoslarini shakllantirish; tasavvurni rivojlantirish; shaxs sifatida o'ziga, insonlar shaxsiga qadriyatli munosabatni shakllantirish; olam, hayot, jamiyatga qadriyatli munosabatni shakllantirish.

Ta'lim uchinchi bosqichi vazifalari: katta sinf o'quvchilarining aqliy va ijodiy faolliklarini rivojlantirish; o'quv va ijodiy faoliyatga barqaror motivatsiyani shakllantirish; mustaqil ta'lim olishga ehtiyojni shakllantirish; tadqiqotchilik faoliyati metodlarini egallash; mustaqil intellektual va ijodiy faoliyatni rivojlantirish; obrazli idrok va xayolga oid qobiliyatlarini amalga oshirish; shaxs sifatida o'ziga va inson shaxsiga qadriyatli munosabat xulqini amalga oshirish; hayotiy vaziyatlarni va ularning yechimini to'g'ri idrok eta olish qobiliyati. Iqtidorli o'quvchilar bilan ish quyidagi yo'nalishlarda amalga oshiriladi: o'quvchilarning sinfdan tashqari va maktabdan tashqari ijodiy faoliyatlarini tashkil etishda maktabning intellektual, moddiy-texnik imkoniyatlaridan ko'proq foydalanish: fan to'garaklari va qiziqishlar bo'yicha to'garaklar; sport seksiyalari, kompyuter ijodkorligi to'garaklari; ijodiy guruhlar; teatr studiyalari; tadqiqotchilik ishlari; olimpiada ishtirokchilarining tayyorgarliklari; individual mashg'ulotlar; Bolalar va o'smirlar iqtidorlari diagnostikasi; O'quvchilarning ilmiy-tadqiqotchilik faoliyatiga qiziqish va moyilliklarini barvaqt uyg'otish, bu jarayonga jiddiy tayyorlash; Faol fuqarolik pozitsiyasini, yuksak axloqiy sifatlar va ma'naviy madaniyatni tarbiyalash.

Mazkur yo'nalishdagi ishlarni amalga oshirish quyidagilarni nazarda tutadi:

O'quvchining ijodiy faoliyat tajribasini egallashiga yo'naltirilgan ta'lim metodlari mazmunini ishlab chiqish, bu quyidagi elementlarni qamrab oladi: tushunish, hodisalarning yashirin mexanizmlarini anglab yetish, ularning sabab-oqibatli aloqadorligi, mazkur hodisalarning rivojlanish tarzini oldindan ko'ra bilish qobiliyati sifatida; dalillarni anglab yetish va tahlil etishda muammoni aniqlash va qo'yish qobiliyati; olingan bilimlarni tadqiqotchilik va konstruktorlik vazifalariga unumdor ko'chira olish; obrazli, belgili, mazmunli analogiyalar asosida tadqiqotchilik va konstruktorlik vazifalarini yechish; obrazlar va g'oyalarni o'zgartirish, ularning interpretatsiyasi.

O'quvchilarning o'quv faoliyatlarida metodologiya va o'quv fanini hamda uning metodlarini kuchaytirish.

Ilmiy bilimlarni ijodiy qo'llash va o'quvchilarning ijodiy faolliklarini rivojlantirish uchun asos sifatida texnik modellashtirishdan foydalanish.

Ta'limda yakuniy natijani ko'zlash, nafaqat matnli vazifalarning murakkablik darajasi bilan, balki predmet mazmunining hajmi, ijodiy faoliyat tajribasining davomiyligi bilan ham belgilanadi.

O'quvchilar vazifani yoki matnni yodda saqlab qolish va aytib bera olish, andozaviy vazifalarni yechish kabilar bilan bog'liq bo'lgan sodda ishlardan ijodiy faoliyat elementlari va mustaqil qaror qabul qilishni talab etuvchi vazifalarga jalb etish. Shuningdek, masalan, Rossiyaning Iqtidorga oid ishchi konsepsiyasida iqtidorli bolalarning ta'lim jarayonida axborot olishning turli manbalaridan foydalana olish imkoniyati, shu jumladan, kompyuter tarmoqlari orqali axborot egallashga alohida e'tibor qaratiladi. O'quvchi uchun qay darajada tez axborot olish va o'z harakatlari to'g'risida qayta aloqada bo'lish ehtiyojidan kelib chiqqan holda kompyuterlashgan ta'lim vositalaridan foydalanish me'yoriga rioya etish lozim. Ko'rgazmali manbalar aks etuvchi (video, DVD va boshqalar) vositalar bunda foydali bo'lishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, iqtidor va iste'dod belgilari - bu iqtidorli bolaning real faoliyatida namoyon bo'luvchi va uning harakatlarini kuzatish natijasida baholanuvchi xususiyatdir. Iqtidorlilik belgilari faoliyatni amalga oshirish darajasi bilan bog'liqdir. Iqtidorlilik belgilarini muhokama qilishdan avval xohlayman va "qila olaman" tushunchalarini muhokama qilish kerak. Shuning uchun ham iqtidorlilik belgilari iqtidorlarni 2 muhim jihatini o'zida mujassam etadi: instrumental va motivatsion. Instrumental - bu uning faoliyati usulini xarakterlaydi. Motivatsiya - bolaning faoliyatining u yoki bu tomoniga, qolaversa, o'z faoliyatiga munosabatini xarakterlaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Maxmudova M. Xalq pedagogikasi va oila tarbiyasi. – Samarqand, 2003. – 174 b.
2. Nishonova S. Komil shaxs tarbiyasi. – T.: Istiqlol, 2003. – 224 b.
3. Qurbonov M. Maktab ma'naviyati va milliy tarbiya. – T.: Fan, 1995. – 118 b.
4. Inomova M.O. Farzand – nihol, ota – ona – bog\_ bon. – T.: O'qituvchi, 1993. – 54 b.
5. Mahkamov U.I. O'quvchilarning ahloqiy madaniyatini shakllantirish muammolari. – T.: Fan, 1995. – 200 b.
6. Musurmonova O. Ma'naviy qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi; Umum ta'lim maktablari uchun. – T.: O'qituvchi, 1996. – 192 b.

*Наишра п.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган*

**БАЙРАМЛАР МАЗМУНДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**Рахронова М.Х. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада замонавий оммавий байрам ва томошаларни юқори савияда ташкил этиш масалалари, ушбу тадбирлар сценарийини ёзишда алоҳида аҳамият берилиши лозим бўлган жиҳатлар тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** *оммавий тадбирлар, қадриятлар, анъаналар, байрам, драматургия, сценарий, томоша.*

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы организации современных государственных праздников и представлений на высоком уровне, аспектам которых следует уделять особое внимание при написании сценария.

**Ключевые слова:** *массовый мероприятия, значение, традиции, праздник, драматургия, сценарий, представление.*

**Annotation.** This article examines the organization of modern public holidays and performances at a high level, the aspects of which should be given special attention in the writing of the script.

**Key words:** *public holidays, traditions, value, festival, drama, scene, performance.*

Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз тикланди. Шунингдек, яқин ўтмишда асосиз равишда қатағон қилинган буюк ватандонларимиз номлари абадийлаштирилмоқда. Яна ўзлигимизни танидик. Асрлар давомида халқ онгига сингиб кетган, унинг қалбидан жой олган орзу-интилишлар, қизиқиш ва манфаатларимиз юзага чиқди. Энг асосийси, уларни рўёбга чиқариш имкониятини қўлга киритдик. Миллий ўзликни англаш, маънавий юксалиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, турли-туман байрамлар, халқ сайиллари, кўнгилочар томоша тадбирлари миллий анъаналаримизнинг ўзагини ташкил этар экан. Байрамлар узоқ ўтмишдан то бугунга қадар халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Халқимиз тўй-томошаларни хушлайдиган, хурсандчилигини бошқалар билан баҳам кўришни ёқтирадиган халқдир. Керак бўлса йиллар давомида мисқоллаб топган бор-будини яхши бир куни учун ҳеч иккиланмасдан сарфлаб юбора олади. Шу боис юртимизда мустақиллик йилларида умуминсоний ва миллий қадриятларни тараннум этувчи, шунингдек, қайта тикланган анъаналарга бағишланган турли хил байрамлар, оммавий-маданий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиш урфга кирди. Байрамлар юбилейларга, юбилейлар сайлларга улаиб кетаяпти. Муҳими, ҳар бир тадбирни юксак савияда, томошабинларнинг қайфиятини кўтарадиган, эса қоларли даражада ўтказиш учун катта саъй-ҳаракатлар қилинаяпти. Анча-мунча меҳнат, куч ва маблағ сарфланаяпти. Чунки ўтказиладиган ҳар бир тадбирни кўпчилик томоша қилар экан, унинг ютуқ ва камчиликлари дарҳол намоён бўлади. Шунга яраша баҳосини ҳам олади. Айниқса, уни кузатаётган хорижий меҳмонлар эса халқ байрамлари, унинг ўтказилиши даражасига қараб ҳам халқ маданиятига, унинг савиясига баҳо бериши мумкин.

Демак, ушбу вазифанинг масъулияти жиддий, унга юзаки ёндашиб бўлмади. Ҳар бир байрам тадбирини мазмунли ва самарали ўтказиш зарур. Уларни юксак даражада ташкиллаштириш эса аниқ дастурни, махсус тайёрланган сценарийни, ижодий ёндашувни,

атрофлича мулоҳаза юритишни ҳамда юксак ташкилотчиликни талаб этади. Шунингдек, бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун тўғри илмий ва услубий ёндашув ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса, турли хил оммавий тадбирлар, байрам томошаларини ўтказишнинг назарий ва амалий жиҳатлари тўғрисида чуқур маълумотларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир тадбирнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, ана шу ўзига хос жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилса кўзланган мақсадга эришилади. Ҳозирда ҳар хил мазмундаги байрам тадбирларини ўтказишда кўзга ташланаётган: мадҳияни тинглаш, маъруза, табрик, тақдирлаш, концерт дастури каби бир қолипдан чиққандек бир хиллик томошабинни зериктириб қўйиши, самараси ҳам ўзига яраша бўлиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг миллий байрамларига эътиборни қаратсак, улар қуйидагилар: 1 январь - Янги йил байрами, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни, 21 Март – Наврўз байрами, 9 май – Хотира ва кадрлаш куни ҳамда ғалаба байрами, 1 сентябрь – Мустақиллик куни, 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни, 8 декабрь – Конституция қабул қилинган кун, Рамазон ойидан сўнг нишонланадиган Ийдал Фитр (Рамазон Ҳайити) ва Ҳаждан сўнг нишонланадиган Ийдал Адха (Қурбон Ҳайити) байрамлари. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, ҳосил тўйи, ёшлар фестивали, турли кўрик-танловлар каби эътиборга лойиқ ҳар бир воқелик мутасаддилар томонидан муносиб тарзда нишонланишга ҳаракат қилинади. Шунингдек, ҳар йили буюк аждодларимиздан қайсидир бирининг муборак саналари мамлакат микёсида байрам қилинапти.

Сирасини айтганда, ушбу тадбирларни кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш керак экан, бу тайёргарлик эса бир қатор муҳим жиҳатларни ўз ичига олади. Шулардан бири, балки энг муҳими – бу турли хил оммавий маданий тадбирларни бадиий жиҳатдан юксак савияда ташкил этишдир. Бунинг учун, биринчи галда, ушбу тадбирлар сценарийси бадиий жиҳатдан пишиқ-пухта бўлиши керак. Оммавий байрам ва томошалар сценарийсини яратиш ижодий жараёндир, у адабиёт назариясига, драматургия қонуниятларига бўйсунди. Шу сабаб ҳам оммавий байрам ва томошалар драматургияси, яъни сценарийси бу тўлақонли адабий асар ҳисобланади. Сценарийнинг адабий жанр сифатида шаклланиш тарихи ўта қадимийдир. Сценарий қадимги юнон байрам ва томошаларининг асосини, яъни драматургиясини ташкил этган. Кейинчалик бошқа халқлар ҳам бу тажрибани ўзлаштира борган.

Сценарий – италянча «scenariò» сўзидан олинган бўлиб, асар тузилмаси маъносини англатади. Сценарийда асосий бадиий манбаси сифатида бўлғуси тадбирнинг ғояси, мақсади, композицион тузилиши тўлиқ акс эттирилган бўлади. Сценарийда тадбир ўтказиладиган жой (саҳна, майдон)нинг безатилишидан тортиб, қатнашчилар айтадиган ҳар бир сўз, бадиий ва хужжатли материаллар, бадиий фон, чироқлар, сахналаштириш режаси ва режиссёрлик таҳлили ҳам эътибордан четда қолмайди. Шу боис сценарийнинг ҳар жиҳатдан пухта бўлиши бўлажак тадбирнинг энг асосий ютуқларидан биридир. Бўш ёзилган сценарий эса тадбирнинг ғоявий мазмунини тўлиқ ёритиб беролмайди. Натижада эса дилдаги гаплар айтилмай қолади, кўзланган мақсадга эришилмайди.

Сценарийнинг бадиий мукамаллиги байрам ва томошаларнинг юқори савияда ўтишини кафолатлар экан, шу боис аксарият ҳолларда оммавий байрам ва томошаларнинг сценарийсини ёзиш учун аксарият ҳолларда ўз ишининг устаси бўлган ижодкор шахслар, профессионал шоир ёки ёзувчилар таклиф қилинади. У режиссёр билан ижодий ҳамкорликда сценарий яратади. Лекин, баъзи ҳолларда, айниқса чекка туман ва қишлоқларда ўтказиладиган тадбирларда бу вазифа билан мазкур ҳудуддаги маданият маркази раҳбари ёки ҳаваскор мутахассислар шуғулланади. Унинг ўзи тадбир сценарийсини ҳам ёзади, ҳам уни сахналаштиради. Натижа ҳам, афсуски, кўпинча шунга яраша бўлади.

Бошқача бўлиши ҳам қийин-да. Чунки ўз-ўзидан бўлмайди ва у ҳамманинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас. Соҳанинг етук мутахассисларидан бири профессор У. Қорабоев таъкидлаганидек: “Сценарий ёзиш билан ким шуғулланмасин, у қуйидаги талабларга жавоб бермоғи лозим: а) ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётни, маҳаллий аҳоли меҳнати ва турмушини

чукур тушуна оладиган ҳамда уни тўғри таҳлил қила оладиган шахс бўлмоғи; б) адабиёт ва драматургия соҳасида билимга эга бўлган, улардан самарали фойдалана оладиган киши бўлиши; в) ҳаётий материалларни, хужжатли далилларни йиға оладиган, уларни адабий-бадий шаклда баён қила билладиган ижодкор бўлмоғи лозим”<sup>1</sup>. Кўришиб турибдики, сценарий муаллифи режиссёр билан ижодий ҳамкорликда ҳаётий ва маҳаллий материаллардан фойдаланиб, бадиият қонуниятлари асосида, ўз ғоясига, мазмунига эга бўлган янги асарни ярата оладиган ижодкор бўлмоғи лозим. Қолаверса сценарий яратишда бўлажак тадбирларнинг ғоявий мавзуси чукур ўрганилмоғи лозим.

Оммавий маданий тадбирлар, турли байрам томошларининг юксак савияда ўтишининг иккинчи муҳим жиҳати бу – ижрочиларга, уларнинг билими, маҳорати, масъулиятига боғлиқ. Ҳар қандай сахнага пухта тайёргарликсиз ва дуч келган одамнинг чиқиши мақсадга мувофиқ эмас. Сахнага қадимдан муқаддас жой деб қаралган ва бугун ҳам бу ақида ўзгаргани йўқ. Шу боис томошабинга қизиқарли ниманидир кўрсата олишга, мазмунли бир сўз айта олишга иқтидори бор, ҳеч бўлмаганда бунга зўр иштиёқманд, қаттиқ тайёрланган инсонгина сахнага интилгани маъқул.

Сахна, унда қўйиладиган каттаю кичик томоша тарбия воситаси эканлигини ҳам унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу ерда ҳар бир қадам ўйлаб босилиши, ҳар бир гап ўйлаб гапирилиши керак. Томошабинни жалб қилиш учун бачкана қилиқлар қилиш, уларни кулдираман деб бепарда сўзларни ишлатиб, томошани майнавозчилик сахнасига айлантирилса, у тарбиядан кўра тарбиясизлик вазифасини кўпроқ бажаради.

Байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш жараёнида билимлар ҳам бойиб боради. Ҳар бир байрамнинг келиб чиқиш тарихи, унинг мазмун моҳиятини ўрганиш орқали халқимизнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари, улардан кўзланган мақсад, ҳаётий аҳамияти тўғрисида маълумотлар олинади. Бугунги кундаги ижтимоий функцияси таҳлил қилинади. Профессор Э.Соколов таъкидлаганидек: “Байрамнинг ижтимоий- сиёсий ва маданий аҳамияти у муҳим анъаналарни кўллаб-қувватлаш асосида инсоният маданияти ютуқларини мустаҳкамлайди”<sup>2</sup>.

Байрам тадбирларининг яна бир энг муҳим функцияси - бу гедонистик функциясидир, яъни халқнинг кайфиятини кўтариш, роҳатланиш, турмуш ташвишларини озгина фурсатга бўлса-да эсламаслик. Байрам томошалари чинакам санъат намойишига айланса, одамга таскин беради, умид бахш этади, эзгуликка даъват этади. Санъатшунос Б. Қодиров таъкидлаганидек, ўтмишда, қийин замонларда ҳам байрам кунларида одамлар “қиска вақтга бўлса-да, ўзларини кундалик меҳнатдан, ташвишдан, ғам-ғуссадан, қарамликдан, қарздан холи, эркин сезадилар”<sup>3</sup>. Чинданам шодибна кунларда одамларда шукроналик кайфияти ҳукм суради, эртанги кунга ишончи ортади. Шу боис байрам сценарийсини яратишда унинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, ижтимоий жиҳатига алоҳида эътиборни қаратиш айни муддаодир. Масалан, Мустақиллик куни, конституция куни байрамларида мамлакат ҳаётида кўлга киритилган муваффақиятлар ёрқин ифодаланиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда кўплаб оммавий байрам ва томошалар ташкил этилар экан, уларни юқори савияда, самарали ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақсадга эришиш учун эса уларнинг бадий жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш, профессионал ижодкорлар томонидан уларнинг мукамал сценарийсини яратиш ҳамда ўз ишининг усталари томонидан маромига етказиб ижро этилиши лозимдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов Ф. Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. – Тошкент: Алоқачи, 2008.
2. Маматқосимов Ж. А. Оммавий байрамлар режиссурасида сахна маданияти. – Тошкент: Фан ва технология, 2009.
3. Муҳаммад Х. Сценарийнавислик асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2008.
4. Рустамов В. Қ. Оммавий байрамлар режиссураси. – Тошкент: ТДМИ босмаҳонаси, 2008.

<sup>1</sup> Қорабоев У. Бадиий-оммавий тадбирлар. — Тошкент: “Ўқитувчи”, 1986, Б:37.

<sup>2</sup> Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга. – Л, 1977. – С. 85.

<sup>3</sup> Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. –Т.: Фан, 1993, – Б. 81.

5. Қорабоев У. Бадиий-оммавий тадбирлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
6. Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга, Л, 1977, с 85.
7. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т.: Фан, 1993.

*Наишга пед.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган*

## МАКТАВ ТА’ЛИМ СИФАТИ TUSHUNCHASI VA UNING MOHIYATI

**Jo’rayeva N.J. (QarDU)**

